

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ЎСИМЛИКЛАР ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК  
МАҲСУЛОТЛАРИ КАРАНТИНИ ЙЎНАЛИШИ**

**«ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИНИНГ КАРАНТИН  
КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ  
ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ»  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**Ўкув-услубий мажмуа**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**ЎСИМЛИКЛАР ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАХСУЛОТЛАРИ  
КАРАНТИНИ  
ЙЎНАЛИШИ**

**“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ЭКИНЛАРИНИНГ КАРАНТИН  
КАСАЛЛИКЛАРИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ  
ЭТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ”**

модули бўйича

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2021**

**Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруги билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёrlанди.**

**Тузувчи:** **У.Х.Рахимов** - Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик махсулотлари карантини кафедраси мудири, қ.х.ф.д., профессор

**Тақризчи:** **Б.Э.Муродов** - Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар Карантини Давлат инспекцияси бошлиғи ўринбосари б.ф.н., доцент.

**Ўқув -услубий мажмуа ТошДАУ Кенгашининг 2020 йил 5 декабрдаги 3-сонли қарори билан нашрга тавсия қилинган.**

## **МУНДАРИЖА**

I. ИШЧИ ДАСТУР .....	4
II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....	12
III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....	17
IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ.....	140
V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....	207
VI. ГЛОССАРИЙ .....	209
VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ .....	219

## **I. ИШЧИ ДАСТУР**

### **КИРИШ**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 31 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги ўсимликларини зааркундалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида” ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илфор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўнималарини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзуулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни Кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, қўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, қўникма,

малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

Мазкур ишчи дастурда олий таълим муассасаларида қишлоқ хўжалик экинларининг карантин касалликлари ва уларни бартараф этишнинг замонавий усуллари, қишлоқ хўжалик экинларининг карантин касалликларига ташхиз қўйиш усуллари, ўсимликларнинг карантин касалликларини қўзғатувчи микроорганизмларининг биологик хусусиятларини аниқлаш, ўсимликларнинг карантин касалликларини Республикализга кириб келишини олдини олиш бўйича карантин тадбирларини қўллаш усуллари, карантин касалликлари аниқланганда уларни бартараф этиш учун уйғунлашган кураш тизимида қўллаш борасидаги назарий-услубий муаммолар, тамойиллар, амалий ечимлар, илғор давлатларнинг тажрибаси ҳамда меёрий-хуқуқий хужжатларнинг моҳияти баён этилган.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Қишлоқ хўжалик экинларининг карантин касалликлари ва уларни бартараф этишнинг замонавий усуллари” модулининг мақсади:** олий таълим муасасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш курсининг тингловчиларини қишлоқ хўжалик экинлари ва маҳсулотларнингнинг карантин қасалликлари белгилари, касалликларнинг тарқалиш ареали, касалликларни қўзғатувчи микроорганизмларнинг биологик хусусиятлари, микроорганизмларнинг аниқлашни замонавий усуллари, касалликлар аниқланганда уларни тарқалишини олдини олиш чора тадбирлари, касалланган ўсимлик аъзоларни зарарсизлантириш усуллари, карантин касалликларига қарги карантин тадбирларини, карантин касалликларга қарши уйғунлашган кураш тизимида қўллаш борасидаги инновацион ёндашувлар асосида соҳадаги илғор тажрибалар, замонавий билим ва малакаларни ўзлаштириш ва амалиётга жорий этишлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини такомиллаштириш, шунингдек уларнинг ижодий фаоллигини ривожлантиришга қаратилган маҳорат ва компетенцияларини такомиллаштиришдан иборат.

**“Қишлоқ хўжалик экинларининг карантин касалликлари ва уларни бартараф этишнинг замонавий усуллари” модулининг вазифалари:**

- педагог кадрларнинг қишлоқ хўжалик экинлари ва маҳсулотларнинг карантин касалликларини аниқлашнинг замонавий усулларини қўллашнинг янги технологиялари йўналишида касбий билим, кўникма, малакаларини такомиллаштириш ва ривожлантириш;

- педагогларнинг қишлоқ хўжалик экинлари ва маҳсулотларнинг карантин касалликлари ва уларга карши карантин чора тадбирларини

қўллашнинг янги технологияларидан фойдаланиш борасидаги ижодий-инновацион фаоллик даражасини ошириш;

- қишлоқ хўжалик махсулотларини карантин касалликларидан зарарсизлантиришга қарши янги замонавий фумигантларни қўллашда замонавий технологиялардан фойдаланиш жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали татбиқ этилишини таъминлаш;

- ўсимликларни карантин касалликлардан уйғунлашган ҳимоя қилишнинг усуллари соҳасидаги ўқитишининг инновацион технологиялари ва илфор хорижий тажрибаларини ўзлаштириш;

- ўсимликларнинг карантин касалликларига қарши кимёвий, биологик кураш усулларини уйғунлашган кураш тизимини қўллаш соҳасида ишлаб чиқариш жараёнларини фан ва ишлаб чиқаришдаги инновациялар билан ўзаро интеграциясини таъминлаш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билим, қўникма ва малакалари ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар:**

**“Қишлоқ хўжалик экинларининг карантин касалликлари ва уларни бартараф этишнинг замонавий усуллари”** модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида тингловчилар:

- қишлоқ хўжалик экинларининг карантин касалликларини аниқлашнинг замонавий усулларини;
- ўсимликларни карантин касалликларини бартараф этишнинг замонавий усулларини;
- ўсимликларни карантин касалликларини аниқлашда энергия ва маблағ тежовчи технологияларни жорий этиш;
- ўсимликларни карантин касалликлари бўйича хорижий давлатлар ютуқлари бўйича **билимларга эга бўлиши**.
- ўсимликларни карантин касалликларини аниқлашда замонавий воситалардан фойдаланиш;
- Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик махсулотлари карантин касалликларига қарши карантин чора тадбирларини қўллашни такомиллаштириш;
- ўсимликларни карантин касалликлардан ҳимоя қилишда инновацион технологияларни жорий этиш;
- қишлоқ хўжалик экинларини карантин касалликлардан ҳимоя қилишда уйғунлашган кураш тизимини жорий этиш **каби қўникмаларига эга бўлиши**.
- ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик махсулотлари карантини соҳасида мониторинг олиб бориш;

- ўсимликларнинг карантин касалликларини башорат қилиш;
- ўсимликларнинг карантин касалликларини экинларнинг ҳосилдорлигига таъсирини аниқлашни дастурлашда замонавий усуллардан фойдаланиш;
- ўсимликларнинг карантин касалликларини тарқалиши ва заарини аниқлаш **малакалариға әга бўлиши**.
  - ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларнинг карантин касалликлари билан заарланиши бўйича мониторинг олиб бориш;
  - Ўсимликларнинг карантин касалликларини кўпайиши ва тарқалишини башорат қилиш;
  - Ўсимликларни карантин касалликлардан ҳимоя қилишнинг кураш усуллари, воситалари ҳамда уларни уйғунлашган кураш тизимида кўлланилиши;
  - қишлоқ хўжалиги экинларининг карантин касалликларини тарқалиши бўйича ҳамда уларга қарши карантин чора тадбирларини олиб бориш бўйича **компетенцияларни эгаллаши лозим**.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Модул мазмуни ўқув режадаги “Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг карантин организмларини фитоэкспертиза қилиш усуллари” ҳамда “Ўсимликларнинг карантин заараркунандалари ва уларни бартараф этишнинг замонавий усуллари” ўқув модуллари билан узвий боғланган ҳолда педагог кадрларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласи.

## Модул бўйича соатлар тақсимоти:

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат				
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси		жумладан	
			жами	Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот
1.	Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик махсулотларининг карантин касалликларига ташхиз қўйишнинг замонавий усуллари	2	2	2		
2.	Ўсимликларнинг карантин касалликларини қўзғатувчи микроорганизмларининг биологик хусусиятлари ўганиш	2	2	2		
3.	Ўсимликларни карантин касалликларидан ҳимоя қилишда замонавий агротехник, физик-механик тадбирларни қўллаш.	2	2	2		
4.	Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик махсулотларини карантин касалликларидан ҳимоя қилишда замонавий воситаларни қўллаш.	2	2	2		
5.	Ғўзанинг карантин касалликлари ва уларнинг тарқалишини олдини олиш карантин чора-тадбирлари.	2	2		2	
6.	Буғдой, арпа ва маккажўхорининг карантин касалликлари ва уларга қарши карантин чора-тадбирлари.	2	2		2	
7.	Шоли, соя ва зифирнинг карантин касалликлари ва уларга қарши карантин чора-тадбирлари.	2	2		2	
8.	Картошка, кунгабоқар ва лавлагиниг карантин касалликлари ва уларга қарши карантин чора-тадбирлари	2	2		2	
9.	Мевали дарахтлар ва токнинг карантин касалликлари ва уларга қарши карантин чора-тадбирлари	2	2		2	
10.	Цитрус экинлари ва гулларнинг карантин касалликлари ва уларга қарши карантин чора-тадбирлари	2	2		2	
11.	Ўсимликларда зарар келтирувчи карантин нематодаларни аниқлаш усуллари ва уларга қарши карантин чора-тадбирлари. Ўсимликларнинг карантин касалликларини ҳисобга олиш усуллари, уларга қарши қўлланиладиган замонавий зарасизлантириш усулларнинг самарадорлигини ўрганиш.	6	6			6
	<b>Жами:</b>	<b>26</b>	<b>20</b>	<b>8</b>	<b>12</b>	<b>6</b>

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-Мавзу:** Үсимликлар ва қишлоқ хўжалик махсулотларининг карантин касалликлариiga ташхиз қўйишнинг замонавий усуллари.

1.1. Үсимликларни карантин касалликларини замонавий аниқлаш усулларининг самарадорлиги.

1.2. Касаллик қўзғатувчи замбуруғларни аниқлаш усуллари ва замонавий воситалари.

1.3. Фитопатоген бактериялар ва вирусларни аниқлашда замонавий воситалар турлари ва улардан фойдаланиш истиқболлари.

**2-Мавзу:** Үсимликларнинг карантин касалликларини қўзғатувчи микроорганизмларининг биологик хусусиятлари ўғаниши.

2.1. Қишлоқ хўжалик экинларида касаллик қўзғатувчи замбуруғларни биолгик хусусиятларини ўрганишда замонавий техникалардан фойдаланиш.

2.2. Бактерияларни биологик хусусиятларини ўрганишда замонавий техникалардан фойдаланиш.

2.3. Микроорганизмларни ривожланишида атроф мухитнинг таъсирини ўрганиш.

**3-Мавзу:** Үсимликларни карантин касалликларидан ҳимоя қилишда замонавий агротехник, физик-механик тадбирларни қўллаш.

3.1. Қишлоқ хўжалик экинларини карантин касалликларидан ҳимоя қилишда замонавий агротехник тадбирларни қўллаш.

3.2. Үсимликларни карантин касалликларидан ҳимоя қилишда физик-механик тадбирларни қўллаш.

3.3. Қишлоқ хўжалик экинларини карантин касалликларидан ҳимоя қилишнинг инновацион технологиялари.

**4-Мавзу:** Үсимликлар ва қишлоқ хўжалик махсулотларини карантин касалликларидан ҳимоя қилишда замонавий воситаларни қўллаш.

4.1. Үсимликларни карантин касалликлардан ҳимоя қилишда замонавий кимёвий воситалар турлари.

4.2. Қишлоқ хўжалик экинларини карантин касалликларидан кимёвий воситалар орқали ҳимоя қилиш самарадорлиги.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

**1-Мавзу:** Ўзанинг карантин касалликлари ва уларнинг тарқалишини олдини олиш карантин чора-тадбирлари.

1.1. Ўзанинг техасс илдиз чириш касаллигига қарши карантин тадбирлари ва замонавий воситаларни қўллаш.

1.2. Ўзанинг антракноз касаллигига қарши карантин тадбирлари ва замонавий воситаларни қўллаш.

**2-Мавзу:** Буғдой, арпа ва маккажўхорининг карантин касалликлари ва уларга қарши карантин чора-тадбирлари.

2.1. Буғдойнинг ҳинд қора куя ва сариқ шилемшиқ бактериози касалликларига қарши карантин тадбирлари ва замонавий воситаларни қўллаш.

2.2. Арпанинг тасмача шаклли мозаикаси касаллигига қарши карантин тадбирлари ва замонавий воситаларни қўллаш.

2.3. Маккажўхорининг жанубий чириш, жанубий доғланиш, диплодиоз, актериал сўлиш касалликларига қарши карантин тадбирлари ва замонавий воситаларни қўллаш.

**3-Мавзу: Шоли, соя ва зифирнинг карантин касалликлари ва уларга қарши карантин чора-тадбирлари.**

3.1. Шолининг бактериал куйиши, бактериал тасмача шакли доғланиш касалликларига қарши карантин тадбирлари ва замонавий воситаларни қўллаш.

3.2. Соянинг поя раки, қизил пушти церкоспороз касалликларига қарши карантин тадбирлари ва замонавий воситаларни қўллаш.

3.3. Зифирнинг пасмо касаллигига қарши карантин тадбирлари ва замонавий воситаларни қўллаш.

**4-Мавзу: Картошка, кунгабоқар ва лавлагиниг карантин касалликлари ва уларга қарши карантин чора-тадбирлари.**

4.1. Картошканинг рак ва вирусли касалликларига қарши карантин тадбирлари ва замонавий воситаларни қўллаш.

4.2. Кунгабоқар поясининг фомопсис касаллигига қарши карантин тадбирлари ва замонавий воситаларни қўллаш.

4.3. Лавлагининг қумуш ранг доғланиш, барг бактериал доғланиш, илдизмевалар бактериози касалликларига қарши карантин тадбирлари ва замонавий воситаларни қўллаш.

**5-Мавзу: Мевали дaraohтлар ва токнинг карантин касалликлари ва уларга қарши карантин чора-тадбирлари.**

5.1. Мевали дaraohтларнинг куйищ, олхўрининг шарка касалликларига қарши карантин тадбирлари ва замонавий воситаларни қўллаш.

5.2.. Токнинг фомопсис, эутипоз, бактериал сўлиш ва вирусли касалликларига қарши карантин тадбирлари ва замонавий воситаларни қўллаш.

**6-Мавзу: Цитрус экинлари ва гулларнинг карантин касалликлари ва уларга қарши карантин чора-тадбирлари.**

6.1. Цитрус экинларнинг карантин касалликларига қарши карантин тадбирлари ва замонавий воситаларни қўллаш.

6.2 Гулларнинг карантин касалликларига қарши карантин тадбирлари ва замонавий воситаларни қўллаш.

**Кўчма машғулот:** Ўсимликларда зарар келтирувчи карантин нематодаларни аниқлаш усуллари ва уларга қарши карантин чора-тадбирлари. Ўсимликларнинг карантин касалликларини ҳисобга олиш усуллари, уларга қарши қўлланиладиган замонавий зарарсизлантириш усулларининг самарадорлигини ўрганиш.

**Изоҳ:** Амалий машғулот мавзуларини ўтишида кўргазмали воситалар, замонавий компьютер технологияларидан фойдаланилган ҳолда тайёрланган мақдимотлар, интернет сайтиларидан юклаб олинган мавзуга таъллуқли видеороликлар, ўсимликнинг қуритилган намуналари ва гербариylари, экин турлари бўйича уруғ намуналаридан мақсадли фойдаланилади.

## **МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни**

Модул бўйича мустақил ишлар “Кишлоқ хўжалик эқинларининг карантин касалликлари ва уларни бартараф этишнинг замонавий усуллари” соҳаси бўйича қисқа назарий маълумотлар ҳамда таълим муассасасида ҳозирги вақтда бу соҳада амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот келтирилиши зарур. Модул доирасидаги мустақил таълим мавзулари портфолио топшириқлари кўринишида тингловчиларга тақдим этилади ва бажарилади.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модул бўйича қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

- маърузалар, амалий машғулотлар (маълумотлар ва технологияларини англаб олиш, ақлий қизиқиши ривожлантириш, назарий билимларни мустаҳкамлаш);
- давра сухбатлари (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);
- баҳс ва мунозаралар (loyiҳалар ечими бўйича далиллар ва асосли аргументларни тақдим қилиш, эшитиш ва муаммолар ечимини топиш қобилиятини ривожлантириш).

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.**

### **“Хулосалаш” (Резюме, Веер) методи**

**Методнинг мақсади:** Бу метод мураккаб, кўптармоқли, мумкин қадар, муаммоли характеридаги мавзуларни ўрганишга қаратилган. Методнинг моҳияти шундан иборатки, бунда мавзунинг турли тармоқлари бўйича бир хил ахборот берилади ва айни пайтда, уларнинг ҳар бири алоҳида аспектларда муҳокама этилади. Масалан, муаммонинг ижобий ва салбий томонлари, афзаллик, фазилат ва камчиликлари, фойда ва заарлари бўйича ўрганилади. Бу интерфаол метод танқидий, таҳлилий, аниқ мантиқий фикрлашни муваффақиятли ривожлантиришга ҳамда ўқувчиларнинг мустақил ғоялари, фикрларини ёзма ва оғзаки шаклда тизимли баён этиш, ҳимоя қилишга имконият яратади. “Хулосалаш” методидан маъруза машғулотларида индивидуал ва жуфтликлардаги иш шаклида, амалий ва семинар машғулотларида кичик гуруҳлардаги иш шаклида мавзу юзасидан билимларни мустаҳкамлаш, таҳлили қилиш ва таққослаш мақсадида фойдаланиш мумкин.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**



тренер-ўқитувчи иштирокчиларни 5-6 кишидан иборат кичик гуруҳларга ажратади;



тренинг мақсади, шартлари ва тартиби билан иштирокчиларни таништиргач, ҳар бир гурухга умумий муаммони таҳлил



ҳар бир гурух ўзига берилган муаммони атрофлича таҳлил қилиб, ўз мулоҳазаларини тавсия этилаётган схема бўйича тарқатмага



навбатдаги босқичда барча гуруҳлар ўз тақдимотларини ўтказадилар. Шундан сўнг, тренер томонидан таҳлиллар

#### **Намуна:**

##### **Ўсимликларнинг карантин касалликларини олдини олиш**

Замбуурғли касалликларга қарши карантин тадбирлари		Бактериал касалликларга қарши карантин тадбирлари		Вирусли касалликларга қарши карантин тадбирлари	
афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	камчилиги	афзаллиги	Камчи- лиги

**Хулоса:**

## “SWOT-таҳлил” методи

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, тақрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласди.



## «ФСМУ» методи

**Технологиянинг мақсади:** Мазкур технология иштирокчилардаги умумий фикрлардан хусусий хуносалар чиқариш, таққослаш, қиёслаш орқали ахборотни ўзлаштириш, хуносалаш, шунингдек, мустақил ижодий фикрлаш кўникумаларини шакллантиришга хизмат қиласди. Мазкур технологиядан маъруза машғулотларида, мустаҳкамлашда, ўтилган мавзуни сўрашда, мустақил иш мавзуларини бажаришда ҳамда амалий машғулот натижаларини таҳлил этишда фойдаланиш тавсия этилади.

### Технологияни амалга ошириш тартиби:

- қатнашчиларга мавзуга оид бўлган якуний хуноса ёки ғоя таклиф этилади;
- ҳар бир иштирокчига ФСМУ технологиясининг босқичлари ёзилган қоғозларни тарқатилади:



- иштирокчиларнинг муносабатлари индивидуал ёки гурӯхий тартибда тақдимот қилинади.

FCMU таҳлили қатнашчиларда касбий-назарий билимларни амалий машқлар ва мавжуд тажрибалар асосида тезроқ ва муваффақиятли ўзлаштирилишига асос бўлади.

#### **Намуна:**

**Фикр:** Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ўсимликларнинг карантин касалликларини ўрганишнинг аҳамияти?

**Топшириқ:** Мазкур фикрга нисбатан муносабатингизни FCMU орқали таҳлил қилинг топшириғи берилади, тингловчилар томонидан билдирилган маълумотлар умумлаштирилади.

#### **“Инсерт” методи**

**Методнинг мақсади:** Мазкур метод тингловчиларда “Қишлоқ хўжалик экинларининг карантин касалликлари ва уларни бартараф этишининг замонавий усуллари” бўйича ахборотлар тизимини қабул қилиш ва билимларни ўзлаштирилишини енгиллаштириш мақсадида қўлланилади, шунингдек, бу метод тингловчилар учун хотира машқи вазифасини ҳам ўтайди.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- ўқитувчи машғулотга қадар мавзунинг асосий тушунчалари мазмуни ёритилган инпут-матнни тарқатма ёки тақдимот кўринишида тайёрлайди;
- янги мавзуу моҳиятини ёритувчи матн таълим олувчиларга тарқатилади ёки тақдимот кўринишида намойиш этилади;
- таълим олувчилар индивидуал тарзда матн билан танишиб чиқиб, ўз шахсий қарашларини маҳсус белгилар орқали ифодалайдилар. Матн билан

ишлишда тингловчилар ёки қатнашчиларга қуидаги махсус белгилардан фойдаланиш тавсия этилади:

<b>Белгилар</b>	<b>1-матн</b>	<b>2-матн</b>	<b>3-матн</b>	<b>4-матн</b>
“V” – таниш маълумот.				
“?” – мазкур маълумотни тушунмадим, изоҳ керак.				
“+” бу маълумот мен учун янгилик.				
“–” бу фикр ёки мазкур маълумотга қаршиман?				

Белгиланган вақт якунлангач, таълим олувчилар учун нотаниш ва тушунарсиз бўлган маълумотлар ўқитувчи томонидан таҳлил қилиниб, изоҳланади, уларнинг моҳияти тўлиқ ёритилади. Саволларга жавоб берилади ва машғулот якунланади.

### **“Тушунчалар таҳлили” методи**

**Методнинг мақсади:** мазкур метод тингловчилар ёки қатнашчиларни мавзу бўйича таянч тушунчаларни ўзлаштириш даражасини аниқлаш, ўз билимларини мустақил равишда текшириш, баҳолаш, шунингдек, янги мавзу бўйича дастлабки билимлар даражасини ташхис қилиш мақсадида қўлланилади.

Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар машғулот қоидалари билан таниширилади;
- тингловчиларга мавзуга ёки бобга тегишли бўлган сўзлар, тушунчалар номи туширилган тарқатмалар берилади (индивидуал ёки групхли тартибда);
- тингловчилар мазкур тушунчалар қандай маъно англатиши, қачон, қандай ҳолатларда қўлланилиши ҳақида ёзма маълумот берадилар;
- белгиланган вақт якунига етгач ўқитувчи берилган тушунчаларнинг тўғри ва тўлиқ изоҳини ўқиб эшилтиради ёки слайд орқали намойиш этади;
- ҳар бир иштирокчи берилган тўғри жавоблар билан ўзининг шахсий муносабатини таққослайди, фарқларини аниqlайди ва ўз билим даражасини текшириб, баҳолайди.

## Намуна: Жадвалга керакли маълумотлар тўлдириб қайд этилади

Тушунчалар	Сизнингча бу тушунча қандай маънони англатади?	Кўшимча маълумот

**Изоҳ:** Иккинчи устунчага қатнашчилар томонидан фикр билдирилади. Мазкур тушунчалар ҳақида қўшимча маълумот глоссарийда келтирилган.

### Венн диаграммаси методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

### Методни амалга ошириш тартиби:

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиш таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурух аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёҳуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

### Намуна: Карантин касалликлар



### III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР

#### 1-мавзу: ЎСИМЛИКЛАР ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАХСУЛОТЛАРИНИНГ КАРАНТИН КАСАЛЛИКЛАРИГА ТАШХИЗ ҚЎЙИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ.

1.1. Ўсимликларни карантин касалликларини замонавий аниқлаш усулларини самарадолиги.

1.2. Касаллик қўзғатувчи замбуруғларни аниқлаш усуллари ва замонавий воситалари.

1.3. Фитопатоген бактриялар ва вирусларни аниқлашда замонавий воситалар турлари ва улардан фойдаланиш истиқболлари.

**Таянч иборалар:** микология, ўсимлик аъзоси, усул, карантин, касаллик, касаллик қўзғатувчи, экспертиза, замбуруғ, бактерия, вирус, микроорганизм, ҳосилдорлик, экспорт-импорт.

#### МИКОЛОГИК ЭКСПЕРТИЗА УСУЛЛАРИ

Ўсимликларни карантинида фойдаланилайдиган фитопатологик таҳлил усулининг мақсади фақат Республика худудида тарқалиш ҳавфи бўлган карантин обьектлари қаторига киритилаган барча касалликларни ўрганиб қолмасдан, балки қишлоқ хўжалиги экинларига ҳавф туғдурувчи янгидан пайдо бўладиган барча касалликларни ўрганишдир.

Фитопатологик фитоэкспертиза усулларига қуйдагилар киради: микроскопда обьектларни ташки тамондан кузатиш, центрифуга қилиш, биологик ва люминесцент усуллар.

Ташки тамондан кузатиш усулидан ҳар қандай ўсимлик аъзоларини заараланганлик даражасини анализ қилишда фойдаланилади. Бу усулни қўллашда лупа, бинокуляр ва микрскопдан фойдаланилади. Бу усулдан фойдаланиш ғалла экинларида қора куя, занг касалликларини аниқлаш имконини беради. Ўсимлик аъзоларини (туганакларни, пиёзбошларни, уруғларни) ташки тамондан кузатиш орқали ҳар-ҳил доғларни, яраларни, ёриқларни, тўқималарнинг ўзгаришини кузатиш мумкин.

Бундай белгиларга эга бўлган намуналар биологик усул ёрдамида нам камера усулидан фойдаланиб таҳлил қилиш учун ажратиб олинади.

Центрифуга қилиш усулидан ўсимлик аъзолари юзаси замбуруғ споралари билан қопланган бўлса (занг, қора куя) фойдаланилади. Бунинг учун таҳлил қилинаётган уруғ намунаси пробирка ёки колбадаги стерелизация қилинган сувга солиниб яҳшилаб аралаштирилади. Идишдаги сув центрифуга пробиркасига солиниб 5 мин. давомида айлантирилгандан кейин унинг пробирка тубида хосил бўлган чўкмадан препарат тайёрлаб замбуруғ конидийлари ва споралари микроскопда кузатилади.

Биологик усулдан ўсимлик аъзоларининг ички қисмида жойлашган инфекцияни аниқлаш учун фойдаланилади. Бунинг учун Петри ликопчаларида ҳосил қилинган нам камера ёки озиқа мухитида ўсимлик аъзоси ичидағи инфекцияниң ажралишига максимал шароит ҳосил қилинади.

### **Микологик экспертизада қўлланиладиган лаборатория жихозлари**

Фитопатологик лаборатория таҳлилларини ўтказиш учун маҳсус жихозлар, аппаратлар (микроскоп, «Свитолан» –РС-Про, «Свитолан»-РС-Рефлекс тадқиқот лаборатория комплекси, бинокуляр, лупа СРЛ-6, центрифуга, термостат, қуритиш шкафлари, холодилник, автоклав, Кох аппарати, ) зарур. Бундан ташқари майда жихозлардан бритва, скапел, пинцет, нина, микробиологик илгак, қайчи кабилар зарур.

Тадқиқотларни амалга ошириш учун шиша лаборатория жихозларидан: пробиркалар, Кох ва Петри ликопчалари, ҳар ҳил хажмдаги Эрленмейер колбалари зарур бўлади. Шунингдек буюм ва қоплағич ойна, ботиқ ойна, кимёвий стаканлар, ўлчаш цилиндрлари, томизғичлар, пипеткалар, шиша воронкалар, шиша таёқчалар, фарфорли ликопчалар ва банкалар, ховончалар, спиртовка, тупроқ элакчалари, штативлар, эмалли кюветалар, пахта, дока, филтир қофозлари зарур.

### **Лаборатория идишларини тадқиқотларга тайёрлаш**

Лабораториядаги шиша идишларини тадқиқотларга тайёрлаш даврида яхшилаб ювилган бўлиши ва унинг даворида ёғ томчилари бўлмаслиги керак. Шиша идишларнинг тоза ювилганлигига ишонч ҳосил қилиш учун унга сув солиб чайиб ташлангандан кейин тубини тепага тўнта риб текшириш керак. Агар сув томчилар идиш девори бўйлаб юпқа плёнка ҳосил қилиб оқса яхши ювилган бўлади, идиш ёмон ювилган бўлса идиш деворида сув томчилар ҳосил бўлади.

Янги шиша идишлар фитопатологик тақиқотларда фойдаланишдан олдин 1 % соляний кислотада қайнатилиб кейин совук сувда ювиб ташланиши керак. Ичида замбуруугларни ўстириш учун озуқа мухити сақланган идишлар ювишдан бир кун олдин каустик содада ивитилиб қўйилиш ва хромли ёки марганцовка калий эритмасида ишлов берилиши керак.

Хромли эритмани тайёрлаш учун 1 л сувга 50 г икки молекулали хромли калий ва 100 г олтингугурт кислота аралаштирилади. Ҳосил бўлга эритма шиша идишларнинг  $\frac{1}{4}$  хажмида солиниб, секин ювиб чиқилади. Бу эритма ранги қизил рангда бўлганда бир неча марта фойдаланиш мумкин. Унинг рангги яшил рангга ўтиб қолгандан кейин фойдаланиш мумкин эмас. Бу эритма таркибида серний кислота бўлганлигидан захарли ва терида куйишни келтириб чиқаради. Эритманинг тушган жойларини содали сувда тезда ювиб ташлаш керак.

Марганцовка калий эритмаси тайёрлаш учун 100 мл марганцовка калийнинг 5 % ли эритмасига 5 мл олтингугурт кислотаси аралаштирилади. Бу эритма билан ишлов берилан шиша идишлар деворида қўнғир ранг ҳосил қилиши лозим. Идиш деворидаги бу ранг шавел кислотаси ёрдамида олиб ташланади ва тоза сувда ювилади. Кўрса тилган эритмаларда ювилган идишлар

5 марта водапровод сувида ювилгандан кейин қуритиш штативига ёки қуритиш шкафида  $50^0$  С ҳароратда қурилилади.

Буюм ва қоплағич ойналар хромли эритмада 2 соат ивитилгандан кейин тоза сувда ювиллади. Тозаланган шиша идишлар 96 % ли спиртда сақланиши керак.

### **Озиқа ва идишларни стерилизация қилиш**

Лаборатория тахлилида фойдаланиладиган идишларни стерилизация қилишнинг қўйидаги турлари мавжуд: юқори температурада, буғ оқимида, буғ оқимининг босими остида.

Стерелизация қилиш учун АВ 1 автоклавидан фойдаланилади. Унинг манометри камерадаги босимни  $1,0$  кг/см $^2$  кўрсатганда ҳараорат  $120^0$  С ни,  $1,5$  кг/см $^2$  –  $127,8^0$  С ни,  $2,0$  кг/см $^2$  –  $133^0$  С ни,  $2,5$  кг/см $^2$  –  $138^0$  С ни ташкил қиласди.

Тайёрланган озиқалар албатта стерилизация қилинади. Стерелизация муддатлари ва миқдори озиқанинг таркиби боғлиқ. Бунинг учун лаборатория автоклавларидан фойдаланиб, стерилизация муддатлари 20 -30 минутдан, 1 соатга қадар давом этади. Таркибида глюкоза бўлган озуқалар  $112^0$  С ҳароратда 30 минут  $0,5$  атмосфера босимида стерилизация қилинса, табиий озиқа муҳитлари 1 атмосфера босим остида 1 соат стерилизация қилинади.

Соф ҳолдаги турларни сақлашга мўлжалланган озуқа муҳитлари, идишлар, стерилизация қилинган бўлиши шарт. Шиша идишлар автоклавларда 1 атм босим остида 1 соат давомида, ёки қуритиш шкафларида  $160^0$  С да 2 соат давомида стерилизация қилинади. Бунинг учун улар устидан қоғоз билан ўралган бўлади.

Пинцет, скалпел, қайчи, ва бошқа жихозлар спиртга ботирилиб кейин спиртовка алангасида стерилизация қилинади. Микробиологик илгаклар хам спиртовка алангасида дастлаб ушлайдиган тамони кейин нинаси вертикал холда тутиб турилган холда уч марта қизартирилади.

### **Замбуругини ўстириш учун зарур бўлган озуқа муҳитлари ва шароитлари**

Замбуругларнинг ўсиш ва ривожланиши учун зарур озиқалар қаторига: углерод, азот, водород, ноорганик модда лардан :натрий, фосфор, магний, кальций, олтингугурт, темир, микроэлемент лардан: марганец ,цинк, молибден, каболт, мис ,бор кабилар киради. Уларнинг ривожланишида зарур ҳарорат, намлик, ёруғлик ва кислород билар таъминланганлик даражаси муҳим рол ўйнайди.

Тадқиқот учун олинган ўсимлик намуналарида касалликни қўзғатувчи замбуруғ турларини тўғри аниқлаш ва келгусида ўстиришни таъминлаш мақсадида соф ҳолдаги турни ажратиб олиш (моноспора) хам муҳим рол ўйнайди.

Таксономик ўрни аниқланган (моноспорали) турларнинг биомасса ва биологик актив моддалар ҳосил қилиш хусусиятларини таъминлаш мақсадида: 1) ҳар бир турни соф ҳолда ажратиб олиш; 2) ундан андазали намуналар ҳосил қилиш; 3) соф ҳолдаги турларнинг биологик хусусиятлари шаклланишини

аниқлаш учун зарур бўлган аниқ шароит ҳосил қилиш; 4) соф ҳолдаги турни ўстириш учун озуқа тайёрлаб, уни стерилизациялаш ва зарур жиҳозларни тайёрлаш ишлари бажарилди.

Озиқа муҳитини тайёрлаш учун қуйидаги озиқалар ва тузлар зарур: 1000 мл картошка экстракти (1800 г картошкани 4500 мл сувдаги қайнатмаси), сахароза 40 г, агар 40 г; Чапека озиқа муҳитини тайёрлаш учун зарур тузлар: магний сулфат 0,5 г, сувсиз фосфат калий 1,0 г, калий хлорид 0,5 г, темир сулфат 0,01 г, натрий нитрат 2,0 г. глюкоза 20 г, агар 20 г, сув 1 л.

Замбуруғининг ўсиши ва ривожланиши учун ҳаво ҳарорати ва намлиқ ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳароратнинг 25-27°C, нисбий намликнинг 60-95% миқдорда бўлиши, унинг ўсиши ва ривожланиши учун оптималь миқдор ҳисобланади. Бунинг учун ўрганилаётган замбуруғ турлари 0°дан 40°C гача бўлган ҳароратнинг таъсирини 5-7°C интервалда ўрганилди. Ўрганилаётган замбуруғлар Петри ликобчаси ичидағи суслони агарга микробиологик илгак воситасида экилади. Замбуруғ экилган Петри ликобчалари термостатда ҳосил қилинган 0°, 5°, 10°, 15°, 20°, 25°, 30°, 37°C ҳароратларда 15 кун давомида ўстирилди. Ҳосил бўлган колония ўлчами замбуруғ экилган ликопча марказидан қиррасига қадар ўлчанади.

Замбуруғларининг ҳар хил нисбий намлиқда ўсиш хусусиятини кузатиш учун тажрибалар қуйидаги нисбий намликларда кузатилади: 15, 30, 40, 50, 60, 70, 80, 90 ва 95%. Назоратдаги намуналар 90% ли нисбий намлиқда ўстирилади. Тажриба 16 кун давомида ўтказилиб, 7-10 кунда ўсиш тезлиги, 15 кунда эса морфологик ўзгаришлари текширилади. Кўрсатилан намликлар эксикаторни хлорид кислотанинг турли концентрациясида намлаш билан ҳосил қилинади.

Замбуруғлар озиқланадиган моддалар табииий ёки сунъий таркибли бўлиб, улар маҳус рецеп ва миқдор асосида тузиб чиқилади. Табиий озиқа моддалар қаторига майда қирқилган мева, сабзавод, дараҳт новдалари, барглар, донлар, уруғлар ва улардан тайёрланган экстрактлардан фойдаланилади. Бу экстрактлар таркибиға 20 г гача агар аралаштириб тайёрланган озиқа муҳитида барча сапротроф ва фитопатоген замбуруғлар яхши ривожланади.

Замбуруғини лаборатория шароитида узоқ вақт сақлаш мақсадида табиий озуқа сифатида майда қирқилиб стерилизация қилинган ўсимлик новдалари, поясидан тайёрланган қириндилардан фойдаланилади. Бунинг учун замбуруғ билан касаллантирган ўсимлик новдалари 0,3-0,4 см катталиқда майдалаб қирқилади. Улар пробиркага 5 г миқдорда солиниб, унинг устидан икки ҳажмда сув солиб 1 атм босим билан 1 соат давомида стерилизация қилинади. Бундай усулда тайёрланган озуқа муҳити совутилгандан кейин, турлари аниқланган замбуруғлар микробиологик илгак воситасида унга экилди. Кўрсатилган озуқа муҳити pH-4,5-6,0 бўлганда замбуруғлар яхши ривожланади (Наумов, 1937).

Кўпгина патоген ва сапротроф замбуруғ турларини аниқлашда табиий озуқа муҳити билан бирга, сусло агарли озуқадан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ. Сусло-агар қуйидагича тайёрланади: пивонинг суслосига Баллинг ареометри бўйича 7°C гача сув қўшилади. Ҳосил бўлган суслога 1,5-2% агар-агар қўшиб қиздирилади. Эритма пробиркаларга қуйилиб 0,5-1,0 атм босим остида 30 минут стерилизация қилинади (Билай, 1977).

Сусло-агар озуқа муҳитида замбуруғлар барча турлари яхши ўсиб, ривожланиб, ўзига хос рангларни ва морфологик белгиларни хосил қиласи. Конидиялар хосил қилмайдиган айрим турлар учун қуидаги таркибли озуқа муҳити тавсия қилинади (Билай, 1977).  $\text{KH}_2\text{PO}_4$  - 1 г;  $\text{KNO}_3$  - 2 г;  $\text{MgSO}_4$  - 0,5 г;  $\text{KCl}$  - 0,5 г;  $\text{FeSO}_4$ - томчи; Крахмал-0,1 г; Сахароза-0,1 г; Глюкоза-0,1 г; Сув - 1 л. Бундай таркибли озуқа муҳити ичига эни 0,7 см, узунлиги 5 см бўлган фильтер қофози солинган пробиркага 5 млдан қуийб стерилизация қилинади.

Суюқ озуқа муҳитида ўстирилган замбуруғлар мицелийси ва конидияларини ажратиб олиш мақсадида Зейтц бактериологик фильтридан фойдаланилди (Пименова ва бош., 1971).

Фитопатоген замбуруғларни ўстириш учун қуидаги таркибдаги табиий озиқа муҳитларидан фойдаланилади: картошкали глюкозали агар (каротина 200, глюкоза 100, агар 20 г); картошкали сахарозали агар (1000 мл картошка экстракти (1800 г картошка 4500 мл сувда қайнатилади), сахароза 40 г, агар 40 г; картошкали дестрозали агар (картошка 200 г, дектроза 20 г, агар 20 г). Кўпчилик фитопатоген замбуруғлар Чапека озиқа муҳитида яхши ўсади. Унинг таркиби қуидагича: магний сульфат 0,5 г, сувсиз фосфат калий 1,0 г, калий хлорид 0,5 г, темир сульфат 0,01 г, натрий нитрат 2,0 г. глюкоза 20 г, агар 20 г, сув 1 л.

Замбуруғларнинг биологик ва морфологик хусусиятларини ўрганиш учун мўлжалланган турларни экишда тоза (стерил) муҳит хосил қилиб ўстирилаётган турлар соғлигини таъминлаш мақсадида боксни тоза сақлаш, унинг пол, шифт ва деворларини совунли сувда юваб туриш, жиҳозларни 2 % ли хлорамин эритмасида артиш тавсия этилади. Бокс ичидағи ҳаво БУВ-15, БУВ-30, БУВ-60 намунали бактериоцид ёритгичларда 40-60 мин давомида стерилизация қилинади.

Республикамизнинг иссиқ иқлим шароитида сусло-агарли озуқа муҳити тезда қуриб, қотиб қолади ва уни тез-тез янгила буриши тақазо қиласи. Патоген замбуруғ намуналарини такорий экиш уларнинг биологик хусусиятига салбий таъсир кўрсатишини назарда тутиб, замбуруғларни ўсимлик новдасидан тайёрланган озуқа муҳитида сақлаш усулидан фойдаланилади. Бундай муҳитда ўсан замбуруғлар табиий озуқа муҳитида узоқ сақланиб, уларни хоҳлаган вақтда замбуруғ ўсан бўлакчалардан осонлик билан намланган камера усулидан фойдаланиб ажратиб олиш мумкин.

### **Замбуруғларни Чапек озиқа муҳитида ўстириш**

Серилизация қилиниб пробиркага қуийлган озиқага забуруғ мицелийси ёки конидиялари микробиологик илгак воситасида олиб экилади. Бунинг учун культура ўсиб турган пробиркадан озиқа солинган янги пробиркани қўлда бир бирига паралел холда сақлаб ўнг қўл билан уларнинг қопқоқлари очилади ва мицелий бўлаги олиниб янгисига экилади. Ўнг қўлдаги ручка ушланган холдагидек тутиб турйлган микробиологик илгак спиртовка алансасида бир неча бор қиздирилиб, қопқоқлари очилган пробиркадаги озиқада илгак совутилади. Совитилган илгак культура ўсиб турган пробиркага киритилиб, унда ўсаётган замбуруғнинг мицелий бўлаги ёки конидийларидан олиниб, янги

озиқали пробиркадаги озиқа юзасига битта укол билан экилади. Бу пробирканинг оғзи спиртовка алангасида қиздирилиб қопқоғи ёпилади. Пробирканинг юзасига плавмастерда ёки ойнага ёзгич қаламда култура номери ,номи ва экилган муддатлари кўрсатилади. Пробирка метал идишларга ёки кардон қутичаларга солиниб, ўстириш учун 25-27 ° С хароратли термомтатга кўйилади.

Замбуруғларни суюқ озиқа мухитида ўстириш учун микробиологик илгак билан олинган мицелий бўлаклари ёки конидийлар пробиркадаги, колбадаги суюқ озиқага спиртовка алангасида соф холда ўтказилади. Колган жараёнлар юқорида кўрсатилган тафсилотлар асосида малга оширилади.

### **Касалланган ўсимлик намуналарини йиғиш ва сақлаш**

Фитопатологик фитоэкспертиза учун касаллик белгилари яхши ифодаланган ўсимлик намуналардан уч донадан йиғилади. Тайёрланадиган гербарийлар ўт ўсимликларида унинг илдизи, барги, пояси, гули ва меваси олинади. Мевали дараҳтларнинг касалланган новдаси, барги, меваси олиниб, уларнинг юзасида замбуруғ хосил қилган ғуборлар, доғлар, яралар, буралиш ва барча қолган ўзгаришлар кўриниши лозим. Илдизмевалар, туганаклар бутунлигича, бир литрлик бонкаларга сифадиган хажмдагилари олинади. Касалланган ўсимлик намуналари уруғ униб чиққандан то вегетациянинг охирига қадар бўлган муддатларда касаллик белгиларининг намаён бўлиш даражасига қараб териб олинади. Касалланган ўсимлик намуналари экинзорлардан ва унинг теварак атрофидан йиғилади. Йиғилган гербарийлардаги касаллик қўзғатувчисининг бирламчи ва иккиламчи инфекция манбайи мавжуд ёки йўқлигига эътибор бериш керак. Киш фаслида мевали боғлардаги касалланган дараҳт новдалари ва омборхоналардан намуналар йиғилади.

Йиғилган гербарийлар гербарий папкаларида сақланиб, қуригунча фільтр қофозини орасида сақланиб уни бир сутка давомида бир неча марта алмаштириб турилиши керак. Куриб ,тайёр бўлган гербарийга этикетка ёзилади. Этикеткага намунадаги ўсимлик оиласи, тури, нави, йиғилган вақти, жойи ва ким тамонидан йиғилганлиги кўрсатилиши лозим.

Мева, туганаклар 70 % ли спиртда, 5 % ли формалинда , спирт, формалин эритмасида, ёки 8-9 % ли ош тузи эритмасида банкаларга солинган холда сақланади. Бундай аъзоларни узок муддатда сақлаш учун мис сулфатдан ( $CuSO_4 \cdot 5H_2O$ )-180 г, сўндирилган охак-180 г ва 22,7 л сув аралашмасидан фойдаланилади. Мис сулфати 2 л сувда бир кеча кундиз эритиб қўйилади. Охак 20,7 л сувда сўндирилиб, бир кундан кейин докадан ўтказилиб фойдаланилади.

Намуналарни музейда сақлаш учун 40 % ли формалин-25 мл, 95 % ли спирт-150 мл ва 1 л сув аралашмасидан хам фойдаланилади. Ўсимлик намуналарининг яшил рангини сақлаш учун 1 қисм уксис кислотаси, 4 қисм сувдан иборат эритмада 1-2 минут қайнатиб, кейин 5 % ли формалинда сақланади.

Меваларни сақлаш учун Геслер консерватларидан фойдаланилади.

Бунинг учун рух хлорид (50 г), 40 % ли формалдагид (25 мл), глицерин (25 г) ва 1 л сувдан фойдаланилади.

Банкалардаги эритмаларнинг сатхи камаймаслиги учун банкалар қопқоғи парафин билан ёки парафин ленталар билан ёпиб қўйилади. Хар бир банкага этикетка ёпиштирилади.

### **Замбуруғларни турли ўсимлик қисмларидан ажратиб олиш**

Замбуруғини касалланган ўсимлик қисмларидан ажратиб олишда маҳсус усууларни тўғри қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Ҳар қандай ўсимлик қисмларини ташқи микофлорадан тозалаш учун 1:1000 нисбатда эритилган сулемадан, шунингдек 1:300 нисбатда эритилган формалин эритмасидан (30 минут давомида), 1% бромли сувдан (бир неча секунд), 2% ли марганцовкали калий эритмасидан (15 минут давомида) ҳам фойдаланиш мумкин. Ўрганилаётган ўсимлик қисми тайёрланган эритмада кўрсатилган муддат давомида сақланиб ташқи микофлорадан тозалангандан кейин бир неча марта стерилизация қилинган сувда ювиб ташлаш тавсия қилинади. Бута, дараҳтларнинг новдаси, пояси, баргини ташқи инфекциядан тозалашда кўрсатилган тозалагичлар яхши самара беравермайди. Шунинг учун ўсимлик қисмларини стерилизация қилишда денатурат ёки техник спиртдан фойдаланиб, тадқиқ қилинаётган қисмни ташқарисидан алангада куйдириш усулидан фойдаланилади. Ажратилаётган замбуруғларни бактериялардан ҳоли бўлишини таъминлаш мақсадида стрептомицин, пенницилин, гентомицин антибиотикларидан фойдаланилди.

Ўсимлик аъзоларидан замбуруғларни ажратиб олиш мақсадида Петри ликобчаларида тайёрланган нам камералардан фойдаланилди. Бунинг учун дастлаб 1 атм босим остида  $121^{\circ}\text{C}$  да стерилизация қилинган Петри ликобчаларига 1 та фильтр қофозидан тайёрланган доирачалар қўйилиб, стерилизация қилинган сувда намланади. Текширилаётган ўсимлик қисмлари ташқи томонидан спирт, формалин ёки спиртовка алансида стерилизация қилингандан кейин 0,1-0,3 мм катталикда майда бўлакчаларга қирқилиб Петри ликобчаларидаги намланган камераларга жойлаштирилиб, эксикаторларда сақланди. Касалланган ўсимлик қисмларида ўсаётган замбуруғларнинг ўсиш ва ривожланиши 2-3 кундан кейин микроскопнинг кичик объективида кузатишдан бошланди. Ажралиб чиқаётган замбуруғлар мицелийсининг айrim бўлаклари, конидиялари микробиологик илгак воситасида пробиркадаги агарли озуқа муҳитига экиласди.

Замбуруғларни ўсимлик илдизидан ажратиб олиш учун касаллик белгиларига эга бўлган ўсимлик илдизи ковлаб олиниб, стерилизация қилинган сувда бир неча марта ювиб ташланади. Ўткир устара билан 0.5-1 см узун ликда бўлакчаларга бўлиб, Петри ликобчасидан тайёрланган нам камерага қўйилади. Термостатдаги ҳарорат  $27\text{-}30^{\circ}\text{C}$  дан ошмаслиги, намлик миқдори 70-80% бўлиши керак. Илдиздаги замбуруғнинг ўсиши ва ривожланишини кузатиш 24-48 соатдан кейин амалга оширилади.

Заарланган ўсимлик барг, поя ва новдасидаги тўқималаридан

замбуруғларни ажратиб олиш учун унинг заарланган қисмлари стерилизация қилингандан кейин ўткир устара воситасида қия қилиб кесилади. Ҳосил бўлган юпқа кесмалар нам камерага ёки пробиркадаги агарли озуқа муҳитига экилади.

Ўсимликларнинг барги, пояси, новдасидаги ўтка зувчи тўқималарнинг, ёғочлик ёки флоэма қисмидаги замбуруғларни ажратиб олиш учун уни ташқи томонидан стерилизация қилинади. Ўткир устарада унинг қорайган қисмидан майда бўлакларга қирқилиб, нам камерага жойлаштирилади.

Ўсимлик уруғларининг ичидаги паразитлик қилаётган замбуруғларни ажратиб олиш учун асосан нам камералардан фойдаланиш энг самарали усул ҳисобланади. Бунинг учун ташқи томондан стерилизация қилинган уруғлар 0,5-1,0 см масофада нам камерали Петри ликобчасига жойлаштирилади. Ҳар бир намунага олинган уруғлар гурӯҳидан 50-100 тагача уруғ ўрганилади. Уруғдан униб чиқсан замбуруғлар турларини аниқлаш мақсадида озуқали пробиркага микробиологик илгак воситасида олиб экилади.

Туганаклар, бошпиёзлар, илдизмевалар, илдиз поялардан замбуруғларни ажратиб олиш мақсадида уларни ташқи томондан стерилизация қилингандан кейин заарланган қисмдан бир неча бўлакчалари 2-3 мм катталиқда қирқилиб, Петри ликобчасидаги нам камерага жойлаштирилади. Петри ликопчалари 25-27<sup>0</sup> С хароратдаги термостатда сақланиб, улардан замбуруғларнинг ажралиб чиқиши кузатилади.

### **Тупроқ ва ўсимлик илдизидан замбуруғларни ажратиб олиш**

Тупроқда, ўсимликларнинг ризосферасида ҳаёт кечираётган замбуруғларни ажратиб олишда тупроқ эритмасини суюлтириш усулидан фойдаланилди (Литвинов, 1969).

Стерилизация қилинган халтачаларда сақланаётган тупроқ намуналаридан 10 г олиниб, ичидаги 90 мл стерилизация қилинган сувли колбачага солиб яхшилаб аралаштирилади. Ҳосил бўлган аралашмадан 1 мл олиб ичидаги 90 мл стерилизация қилинган сувли пробиркага солинади. У яхшилаб аралаштирилгандан кейин 1 мл олиниб иккинчи пробиркага солинади. Шундай қилиб, учинчисидан тўртинчи пробиркага солиниб яхшилаб аралаштирилади. Тўртинчи пробиркадаги аралашмадан 1 мл олиниб Петри ликобчасига томизилади. Унинг устидан эритилиб, ҳарорати 40<sup>0</sup>С га келтирилган 10 мл ҳажмдаги агарли озуқа муҳити қўйилади.

Тупроқнинг сувдаги аралашмасини агарли озуқа муҳити билан баравар аралашиб таъминлангандан кейин ҳарорати 23-25<sup>0</sup>С бўлган термостатга замбуруғларни ундиришга қўйилади. Замбуруғнинг униши 6-10 кундан бошлаб кузатила бошлайди. Униб чиқсан замбуруғ колонияларини алоҳида ҳисоблаб ҳар бир намуна ёки маълум тупроқ қатламига хос замбуруғ турларининг таркиби аниқланади.

Намунадаги замбуруғлар сонини аниқлаш учун Петри ликобчасидаги озуқа юзасида ҳосил бўлган замбуруғ колонияларининг ўртacha арифметик қиймати аниқланди. Намунадаги замбуруғ спораларининг сонини 1 г қуруқ тупроқ намунаси ҳисобига қўйидаги формула асосида келтириб чиқарилди (Кириленко, 1982).

$$A = a \cdot b \cdot c / 2$$

Бунда: а – Петри ликобчасидаги замбуруғлар колонияларининг сони, дона;  
б – озуқа мұхитига әкілгап тупроқнинг эритмаси, г;  
в – нам тупроқ массаси, г;  
г - қуруқ тупроқ массаси, г;  
А – намунадаги замбуруғ споралар сони, дона.

### **Замбуруғларни микроскоп ёрдамида үрганиш**

Үсімлікларда касаллик келтириб чиқарадыган замбуруғларни ажратиб олишда, уларнинг турларини аниклашда, тузилиши ва тараққиётини үрганишда МБИ-3, МБИ-6, МБИ-15 микроскопларидан ва «Свитолан» –РС-Про, «Свитолан»-РС-Рефлекс тадқиқот лаборатория комплекси, лупа СРЛ-6 дан фойдаланилди. Тадқиқот лаборатория комплекслари фитопатологик, бактериологик, вирусологик ва гельминтологик объектарни РС САМ программасидан фойдаланиб компьютер мониторида күриш имконини беради. (Роскин, 1967; Криштофик, 2007).

Үрганилаётган замбуруғлардан вақтинге ёки доимий препаратлар тайёрланиб, микрофотографиясини олишда микроскопда оддий расмга тушириш усулидан, айрим препаратлардаги тасвиirlар чизиги яхши сезилмаган тақдирда РА-4 русумдаги расм чизиш аппаратидан фойдаланилди. Расм чизиш аппаратида замбуруғларнинг катта, кичик конидиялари, уларнинг мицелийсининг шакли, эгилувчанлиги, учки ҳужайра ва оёқласининг ҳосил бўлиши аниқ чизишда x 3 окуляр, x 10 объектив, кичик конидияларни чизишда x 10 ёки 15 окуляр, x 20 ёки 40 лик объективдан фойдаланилди.

Вақтинчалик препаратлар буюм ойнасига томизилган сув томчисига аралаштирилган замбуруғ конидияларини қоплагич ойна билан ёпиб тайёрланади.

Доимий препаратлар тайёрлаш учун глицеринли- желотина аралашмасида тайёрланади. Бунинг учун 17 г желотина 100 мл сувда эритилиб, бир неча соат тиндириб қўйилади. Шундан кейин эритмани алангада секин қиздириб, 117 г глицерин ва 0,1 г фенол аралаштирилади. Аралшмани рангизлантириш учун битта тухум оқига сову ган аралашманинг бир қисми таёқча билан аралаштириб глецеринли- желатинанинг қолган иссиқ қисми ҳам аралаштирилади ва қайнагунча қиздирилади. Қиздирил ганда тухум оқи қўйиқлашиб қота бошлайди ва эритма ичидаги лойқаларни шимиб олади. Эритмани воронкага қўйилган пахтали фільтер воситасида фільтерлангандан кейин, колбачаларга қўйилиб идиш оғзи яхшилаб бекитилади. Тайёрланган аралашма фойдаланишдан олдин сувли баянда қизирилиб, препарат тайёрлашда фойдаланилади. Препаратнинг узок муддат сақланишини таъминлаш учун қоплагич ойна қирралари лак ёки БФ 2 клейи билан мойлаб қўйилади.

Баъзан қотиб қолган глицеринли- желотинадан фойдаланишда унинг кичик бўлаги буюм ойнасига қўйилиб, спиртовка алангагасида қиздириб препарат тайёрлашда фойдаланиши мумкин.

Тайёр бўлган препаратнинг юзасига плавмастер билан объектнинг номи, тайёрланган вақти ва ким тамонидан тайёрланганлиги ёзилади (1-чизма).

Фитоэксперти  
за № 555  
Ташкент  
Анtrakноз  
12.04.2021

Автор:  
И.Ш.Ф

Ўрганилаётган

турлар конидиясининг  
катталигини ўлчашда  
окуляр микрометр ва  
объектив микрометрдан  
фойдаланилди.

Замбуруғ конидияларини бир марта ўлчаш унинг ҳақиқий ўлчами тўғрисида тўлиқ маълумот бермаганлигидан, бир нечта ўлчаш ишлари олиб борилиб, унинг ўртача ўлчами вариацион статистика методи асосида ҳисоблаб чиқилди (Рокицкий, 1961).

Суюқ озуқа муҳитдаги замбуруғлар хосил қилган споралар миқдорини аниқлаш мақсадида ҳисоблаш камерасидан фойдаланилди. У Том ва Нейбауер камераси, Пред теченский тўридан иборат бўлиб, пластинкада чизилган майдон  $1 \text{ mm}^2$  га teng. Шу майдондаги конидиялар миқдори - $x$  а  $x$ : 4000 формула ёрдамида ҳисоблаб чиқилди. Бунда  $a$  - камеранинг маълум майдонидаги конидиялар сони,  $v$  - саналган квадратлар сони. Шундай қилиб  $1 \text{ cm}^3$  даги конидия миқдорини аниқлаш учун  $a \cdot v$  ни 4000 га кўпайтириш зарур. Ҳар бир квадратни диагонал бўйича ҳисоблаб чиқилади. Олинган маълумотлар вариацион статистика усули бўйича ҳисобланди (Рокицкий, 1961).

Замбуруғларни тирик ҳолида ўрганиш ва вақтинчалик препаратлар тайёрлаш мақсадида касалланган ўсимлик қисмларидан тайёрланган препаратлар қўшимча ишловсиз, қуритилган буюм ойнасига бир томчи сув томизилиб, ўсимликнинг ўрганилаётган қисмидан олинган кичик, юпқа бўлакчаси препаратга қўйилди. У ойна билан ёпилиб дастлаб микроскопнинг кичик объективида, кейин  $\times 40$  объективда кузатилади. Кузатиш натижасида ўсимлик заарланган тўқимасида замбуруғ мицелийси ёки конидиялари, ферментлар таъсирида хужайранинг ўзгариши кўрилди. Бу усулдан фойдаланиш замбуруғининг патогенлик хусусиятини ўрганишда, некрознинг поянинг заарланган қисмида тарқалишини аниқлашда яхши самара беради. Бунинг учун вақтинчалик ва доимий препаратлар тайёрланади, Вактинчалик препаратларни тайёрлашда спирт, глицерин ва сув (1:1:1) аралашмасидан тайёрланган бўёқдан фойдаланилди (Майсель, Гуткина, 1953).

Замбуруғларнинг морфологик хусусиятларини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотларда суюқ озуқа муҳити билан бирга қотирилган агарли озуқа муҳитидан фойдаланиш ҳам яхши натижа беради.

Замбуруғларининг ҳақиқий конидиялар ҳосил қилиш хусусиятини кузатиш учун, тараққиётини ва онтогенезини ўрганишда микрокультура методидан фойдаланилади (Билай, Элланская, 1975). Бунинг учун Петри ликобчасининг устки копқоғига 10-15 томчи Чапек суюқ озуқа муҳити пипетка ёрдамида алоҳида-алоҳида томизилади. Ҳар бир томчига таксономик ўрни аниқланиши лозим бўлган тур микробиологик илгак воситасида экиб чиқилди. Ҳар бир томчига экилган замбуруғ мавжуд озуқа муҳитини тезда фойдаланиши натижасида 24-36 соат ичидаги тур учун хос конидияларни ҳосил қилди. Бундай озуқа муҳитида конидиянинг униб чиқишидан бошлаб, мицелий ҳосил қилиши

ва ундан янги конидияларни ҳосил бўлишини кузатиш мумкин.

Микологик тадқиқотларда замбуруғ мицелийси, конидиялари, хужайралар, тўсиқчалар, хламидаспораларни кўриниш хусусиятларини яхшилаш мақсадида турли бўёқлардан: кўк метиллавий, бинафша метил левий, люгол эритмаси (Фрей-Висслинг, 1976) дан фойдаланилди.

Кўк метилин бўёғини тайёрлаш учун 100 мл 96% спиртда 3 г метилин кукуни эритилади. Унга бир хисса сув ва бир хисса глицерин қўшиб аралаштирилади. Ҳосил бўлган эритма узоқ сақланади ва ундан препаратлар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Замбуруғиларининг озуқа муҳитида ҳосил қилган рангларини аниқлашда Бондарцев (1953) шкаласидан фойдаланилди.

### **Уруғни фитопатологик экспертизаси**

Қишлоқ хўжалик экинларининг уруғлари турли замбуруғлар, бактериялар спораларини сақлаб турли касалликларнинг тарқалишига сабаб бўлади. Шунинг учун уруғларни экишдан олдин фитосанитар экспертизадан ўтказиш керак. Натижада, уруғдаги фитопатоген организмлар аниқланади, уларнинг уруғнинг унувчанлигига таъсири, зараланганлик даражаси аниқланади, олинган натижалар асосида касалликларга қарши кураш чоралари ва карантин тадбирлари ишлаб чиқилади.

Уруғдаги инфекция келиб чиқишига кўра механик аралашмалар, ички ва ташқи инфекцияларга бўлинади.

Механик аралашмалар касалланган ўсимлик қолдиқларидағи инфекция, замбуруғлар склероциялари ва гуллик паразитлар уруғлари бўлиши мумкин. Уруғнинг ташқи инфекцияси қаторига қоракуя замбуруғларининг хламидо споралари, занг замбуруғининг телейтоспоралари, такомиллашмаган замбуруғлар споралари ва бактерия хужайралари киради. Ички инфекция уруғнинг муртак қисмида ва пўстлоқ остидаги хаёт кечираётган бактерия, замбуруғлар хисобланади.

Уруғлик билан буғдой, маккажўхори, шоли, арпанинг қоракуя касалликлари, полиз ва сабзавот экинлари, кунгабоқар, каноп, лавлаги касалликлари кенг тарқалади. Касалланган уруғларнинг зарари жуда катта, унинг унувчанлиги пасайиб, кўчатлар ёмон ривожланади. Заараланган уруғ орқали касалликлар янги худудларга тарқалишига ва янги инфекция манбаларини ҳосил бўлишига сабаб бўлади.

Уруғ турли бактериялар, забуруғлардан- фузариоз, гелминтоспориоз, септариоз касалликлари тарқалиши мумкин. Касалланган уруғлар озиқа сифати пасайиб қолмасдан, *Fusarium* турлари билан касалланганда инсон ва хайвонлар учун захарлилик хусусиятига эга бўлади.

Фитопатологик экспертизанинг асосий мақсади уруғнинг навга ва экишга кўйилган талабларига жавоб бериш даражаси аниқлашдир. Натижада уруғда учрайдиган патоген микроорганизмларни аниқлаш, уруғнинг касалланиш даражасини ва касалликнинг уруғчиликка зарарини аниқлашдир. Олинган натижалар асосида уруғни инфекциядан тозалаш бўйича аниқ

тавсиялар берилади.

Үртача намуна олиш. Намуна учун олинган уруғлар ойна устига сочиб, яхшилаб аралаштирилгандан кейин бир қават қилиб жойлаштирилади. Намунадан соат ойнаси билан 10-20 та кичик намуна олиниб 100 тадан 200 та уруғ санаб олинади. Олинган уруғлар катталштирадиган лупадан кузатилади. Бунинг учун пешонага қўйиладиган бинокулар БЛ 1 ёки МБС 1, МБС 2 бинокулярларидан фойдаланилади. Майда уруғлар x 8 лик окуляр ва 1 лик объективлар ишлатилади.

Намунадаги 100 уруғнинг касалланганлари саналиб, касалланиш проценти аниқланади ва маълумотлар қўйидаги жадвалга жойлаштирилади.

1-жадвал

Намуна номери	Анализ қилинган уруғлар сони	Кузатиш муддатлари	Касалланиш	
			% да	Аниқланган замбуруғлар

Анализ қилинган намуналарнинг умумий сонидан үртача арифметик қиймат аниқланиб, уруғнинг үртача касалланиш даражаси келтириб чиқарилади.

Уруғларни стерилизация қилинган қумга экиш усулида, қумнинг намлиги 80 % дан ортмаслиги керак. Қумга экилан уруғлардан хосил бўлган майсаларнинг касалланиш даражасига қараб 8-10 кундан кейин хисоблаб чиқилади ва юкоридаги жадвалга маълумотлар киритилади.

Касаллиги қўзғатувчисининг препаратини тайёрлаш учун замбуруғ мицелийсининг бир бўлагидан олиб, буюм ойнасидаги бир томчи сувга қўйилади. Обектни микроскопнинг кичик объективида споралари кузатилиб, катта кичикилиги ва шакли, ўлчами аниқланади.

Уруғларнинг инфекцияланганлик даржасини аниқлашда қўлланиладиган усулнинг тури асосий рол йўнайди. Патоген микроорганизмлар билан касалланган уруғлар ташқи кўриниши, унувчанлигининг пасайғанлиги ва рангининг ўзгарганлиги билан фарқ қиласди. Касаллик белгиларини намаён бўлишига қараб қўйидаги гуруҳларга бўлинади:

1. Уруғлар шакли ўзгариб, уруғ пўсти рангиз, ғадир будир бўлиб кўринади. Масалан каноп уруғи антракноз касаллиги билан касалланганда шу белгилар намаён бўлади.
2. Касаллик қўзғатувчилари уруғлик таркибида қоракуянинг қопчаси, арпанинг донидаги тош қоракуянинг спора бўлакчалари тарзида кўринади.

3. Уруғ юзасида қизғиши бинафша рангда күриниш буғдой донининг фузариозида, ловиянинг антракноз касаллигида ҳосил бўлади.
4. Патоген бактерия ва замбуруғлар споралари уруғ юзасига ёпишиб унинг юзасини ифлослантиради. Масалан, буғдойнинг қоракуя споралари, лавлагининг занг касаллиги споралари.
5. Замбуруғ споралари ва мицелийлари уруғ пўсти остида жойлашади.
6. Карамнинг фомоз, мошнинг аскохитоз касаллиги қўзғатувчилари уруғ юзасида мева таналари қорамтири доғлар ҳосил қиласди.
7. Уруғлар фузариоз билан касалланганда унинг юзасини моғор қоплайди.

Уруғни фитопатологик экспертизасининг қўйидаги усуллари мавжуд:

1. Уруғни ташқи тамондан назорат қилиш. Бу усулдан фойдаланиб уруғ юзасида рўй берган ўзгаришлар лупа ёки оддий кўз билан назорат қилинади. Бунда уруғ юзасида ҳосил бўлган доғлар, яралар, замбуруғ споралари аниқланади. Уруғнинг ташқи қўринишига қараб аскохитоз, фомоз, септариоз касалликлари аниқланиши мумкин. Муртакнинг қорайишини буғдойнинг гел минтоспориоз, фузариоз, алтернариоз касалликларида, моғорлаш буғдой ва маккажўхори уруғларида, замбуруғ пекнидияларини мош, каноп уруғларида кўриш мумкин. Касаллик белгилари тўлиқ ифодаланмаган уруғлар қандайдир яширин белгиларни сақласа уларни такомиллашган усуллар ёрдамида аниқлаш лозим бўлади.

1. Центрифуга қилиш усули. Уруғ юзасида жойлашган микроорганизмлар центрифуга қилиниб, ҳосил бўлган споралар, мицелий бўлаклари озиқа муҳити юзасига экилади ва ҳосил бўлган замбуруғ колниясидан унинг систематик ўрнини аниқлашда фойдаланилади.

Бу усулдан фойдаланиб уруғ юзасидаги замбуруғ спора турлари ва уруғнинг заарланганлик даражаси аниқланади. Бунинг учун анализ учун олинган намунадан 100 та уруғ санаб олиниб пробиркага солинади. Ўнга 10 мл сув қўйиб 3 -5 минут давомида аралаштириб турилади. Аралашма центрофуга пробиркасига қўйилиб, 3 минут давомида минутига 50 айланиш тезлиги билан айлантирилади. Пробирка тагидаги аралашма пипетка билан олиниб 5 та препарат тайёрланади. Препаратни микраскопнинг кичик обективида кузатилиб, 10 та кузатиш олиб борилади. Бунда буюм ойнаси чапдан ўнга ва ўнгдан чапга қараб харакатлантирилиб споралар сони аниқланади.

1	2	3
5	4	
6	7	8
10	9	

Споралар сонини 10 марта санаш натижаси қўйидаги жадвалга ёзиб борилади:

- |                        |                         |
|------------------------|-------------------------|
| 1 кузатишда 4 та спора | 6 кузатишда 7 та спора  |
| 2 кузатишда 3 та спора | 7 кузатишда 2 та спора  |
| 3 кузатишда 5 та спора | 8 кузатишда 4 та спора  |
| 4 кузатишда 4 та спора | 9 кузатишда 5 та спора  |
| 5 кузатишда 6 та спора | 10 кузатишда 6 та спора |

Шундай қилиб, 10 та кузатиша 46 та спора аниқланган бўлса, спораланинг ўртача сони 46: 10=4,6

Олинган маълумотлар асосида уруғнинг споралашган даражасини аниқлашда қуйидаги шкаладан фойдаланилади: 2 тагача спора кучсиз споралашга, 3 тадан 10 тагача спора ўртача, 10 тадан ортиқ спорада қучли заарланиш деб аниқланади.

Замбуруғларни турли уруғдан ажратиб олишда фойдаланиладиган биологик усул. Биологик усулда уруғ юзасидаги ёки унинг ичидаги микроорганизмларни ривожланиши учун қулай шароит хосил қилинади. Бунинг учун ўрганилаётган уруғлар нам камерага ёки озиқа мухитли Петри ликопчаларига ташқи инфекциядан тозалаб ёки тозаламасдан экиласди. Хосил бўлган замбуруғ колониясидан уларнинг систематик ўрни аниқланади.

Замбуруғини ўсимлик қисмларидан ажратиб олишда маҳсус усулларни тўғри қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Уруғни ташқи микофлорадан тозалаш учун 1:1000 нисбатда эритилган сулемадан, шунингдек 1:300 нисбатда эритилган формалин эритмасидан (30 минут давомида), 1% бромли сувдан (бир неча секунд), 2% ли марганцовкали калий эритмасидан (15 минут давомида) ҳам фойдаланиш мумкин. Уруғ тайёрланган эритмада кўрсатилган муддат давомида сақланиб, кейин бир неча марта стерилизация қилинган сувда ювиб ташлаш тавсия қилинади. Уруғни ташқи инфекциядан тозалашда кўрсатилган тозалагичлар яхши самара беравермагандан стерилизация қилишда дена турат ёки техник спиртдан фойдаланиб, тадқиқ қилинаётган уруғни ташқарисидан алангада куйдириш усулидан фойдаланишни тавсия қиласиз. Ажратилаётган замбуруғларни бактериялардан ҳоли бўлишини таъминлаш антибиотиклардан (стрептомицин) фойдаланилди.

Замбуруғларни ажратиб олиш мақсадида Петри ликобчаларидан тайёрланган намланган камералардан фойдаланилди. Бунинг учун дастлаб 1 атм босим остида 121<sup>0</sup>C да стерилизация қилинган Петри ликобчаларига 1 та фильтр қоғозидан тайёрланган доирачалар қўйилиб, стерилизация қилинган сувда намланади. Уруғ Петри ликобчаларидаги намланган камераларга жойлаштирилиб, эксикаторларда сақланди. Термостатдаги харорат 27-30<sup>0</sup>C дан ошмаслиги, намлик микдори 70-80% бўлиши керак. Унда ўсаётган замбуруғларнинг ўсиш ва ривожланиши 2-3 кундан кейин микроскопнинг кичик объективида кузатишдан бошланди. Ажралиб чиқаётган замбуруғлар мицелийсининг айрим бўлаклари, конидиялари микробиологик илгак воситасида пробиркадаги агарли озуқа мухитига экиласди (Наумов, 1937; Кирай ва бош., 1974; Чумаков ва бош., 1974; Билай, 1977; Дементьев, 1977).

Ўсимлик уруғларининг ичидаги паразитлик қилаётган замбуруғларни ажратиб олиш учун асосан нам камералардан фойдаланиш энг самарали усул ҳисобланади (Наумов, 1937).

Бунинг учун ташқи томондан стерилизация қилинган уруғлар 0,5-1,0 см масофада озиқали Петри ликобчасига жойлаштирилади. Ҳар бир намунага олинган уруғлар гуруҳидан 50-100 тагача уруғ ўрганилади. Уруғдан униб чиқсан замбуруғлар турларини аниқлаш мақсадида озуқали пробиркага микро

биологикилгак воситасида олиб экилади. Замбуругини турларини аниқлашда Чапека озуқа мухити билан бирга, сусло агарли озуқадан фойдаланиш хам мақсадга мувоффик. Сусло-агар қуидагича тайёрланади: пивонинг суслосига Баллинг ареометри бўйича  $7^{\circ}\text{C}$  гача сув қўшилади. Ҳосил бўлган суслога 1,5-2% агар-агар қўшиб қиздирилади. Эритма пробиркаларга қуилиб 0,5-1,0 атм босим остида 30 минут стерилизация қилинади (Билай, 1977).

Сусло-агар озуқа мухитида *Fusarium* замбуруғи барча турлари яхши ўсиб, ривожланиб, ўзига хос рангларни ва морфологик белгиларни хосил қиласи. Катта конидиялар хосил қилмайдиган айрим турлар учун қуидаги таркибли озуқа мухити тавсия қилинади (Билай, 1977).  $\text{KH}_2\text{PO}_4$  - 1 г;  $\text{KNO}_3$  - 2 г;  $\text{MgSO}_4$  - 0,5 г;  $\text{KCl}$  - 0,5 г;  $\text{FeSO}_4$  - томчи; Крахмал-0,1 г; Сахароза-0,1 г; Глюкоза-0,1 г; Агар 15 г; Сув - 1 л.

4.Люминесцент усулидан фойдаланишда симобли кварц аппаратидан хосил қилинган ёруғликда уруғлар кузатилиб, соғлам ва касалланган уруғларнинг ёруғлик ўтказиш хусусиятидаги фарқи аниқланади. Масалан, қоракуя билан касалланган уруғлар ёруғликни ўтказмаса, соғлам уруғлар ультрабинафша нурлар таъсирида кўкиш ва кўкиш бинафша рангда кўринади.

5.Анатомик усулдан фойдаланиб уруғ қисмлари микроскопик препаратларда назорат қилинади. Бунинг учун уруғ қисмлари бритва ёки микротомда кесилиб, препарат тайёрланади. Препаратдаги замбуруғ мицелийси ёки споралари маҳусу бўёқларда бўяб кузатилса, бактерия споралри Грамм бўёғида бўяб кузатилади.

### **Уруғни фитоэкспертиза қилиш бўйича Халқаро ассоциациянинг талаблари ва тавсиялари.**

Уруғни фитоэкспертиза қилиш бўйича Халқаро ассоциация (УФХА) турли қишлоқ хўжалик экинларининг уруғлар сифатини назорат қилиш бўйича ягона ташкилот бўлиб, унда учрайдиган микофлорани аниқлаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқади. Бу соҳадаги стандарт талабларини дастлаб Дойер (Doyer L, 1938) тамонидан ишлаб чиқилган бўлса, кейинчалик Ниргарда (Neergard, 1940) бошчилигида уруғни назорат қилиш бўйича Халқаро комитет тузилади. Комитетнинг хар йили ўтказиладиган халқаро йигилишида уруғ сифатини назорат қилиш бўйича услубий тавсиялар бутун дунё мутахассисларига таклиф қилиниб, унинг натижаларини ишлаб чиқаришда мухокама қилинган. Уруғ сифатини назорат қилиш бўйича асосий дастлабки тадқиқотлар ғалла экинларининг фузариоз ва гелминтоспориоз касаллигини назорат қилишга қаратилган (Nempe J, 1964).

Бу Комитанинг асосий вазифаси уруғда учрайдиган патоген микроорганизмларни аниқлаб қолмасдар уни бартараф қилиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади ва улар барча регионларда қўлланилиши шарт хисобланади.

Уруғнинг микофлораси вегетация ва уни сақлаш давомида ўзгариб бориши мутахассислар эътиборида бўлиши керак. Масалан, уруғда

учрайдиган *Botrytis cinerea* замбуруғи миқдори камайиб борса, *Fusarium* замбуруғи вакиллари уруғларни сақлаш жараёнида ортиб боради.

УФХА нинг тадқиқот ишларини амалга оширишда қуйидаги терминларга амал қилинади:

Уруғни ташқарисидан назорат қилиш. Уруғ сифатини оддий кўз, лупа ва микраскопнинг кичик объективида кузатиш.

Инкубация. Уруғни унинг таркибида учрайдиган патогеннинг ривожланиши учун хосил қилган қулай шароитда ундириш муддати.

Инкубатор. Инкубация даврида хаво хароратини, ёруғлигини, намлигини назорат қилиш мумкин бўлган аппарат ёки хона.

Инкубация даври. Анализга қўйилган уруғ юзасида инфекциянинг пайдо бўлишигача ўтган давр.

Дастлабки назорат. Уруғдаги инфекцияни дастлаб аниқланиши ва чуқур тадқиқотларни бошланиши.

Дастлабки ишлов бериш. Уруғ юзасидаги инфекциядан тозалаш учун хлорли сув ёки хлор натрий эритмасида 10 минут давомида стерилизация қилиш имконини беради.

Уруғнинг инфекцияланган даражаси. Назарот қилиш шароитида уруғнинг фитосанитар холатини тадқиқ қилиш ёки уруғнинг касалланганлик даражаси.

УФХА нинг талабларига асосан уруғ сифатини назорат қилиш қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: Уруғни инкубация қиласдан ташқи назорат қилиш; Уруғни ювилгандан кейин хосил бўлган сув такибини аниқлаш; Уруғни инкубациядан кейин тадқиқ қилиш; Ўсимликларни вегетация даврида тадқиқ қилиш.

### **Бактериологик экспертиза**

Бактериологик экспертизанинг мақсади чет-давлатлардан кириб келаётган ўсимлик материалларидан бактериал касаллигининг қўзғатувчиларини ва карантин объектларни аниқлашдир.

Чет давлатлардан келтирилган турли қишлоқ хўжалик экинларининг, мевали дархтларнинг ва гулларнинг уруғлари карантин питомникларда етиштирилаётганда уларни вегетация давомида ўтказилган кузатиш жараёнида олинган намуналар ҳам бактериологик экспертиза қилинади.

Бу бўлим Ўзбекистон Республикаси учун карантин объекти хисобланган бактериал касалликларни таҳлил қилишга бағишлиланган.

### **Бактериологик лаборатория таҳлилида қўлланиладиган жихозлар**

Бактериологик лаборатория таҳлилларини ўтказиш учун маҳсус жихозлар, аппаратлар: «Свитолан» –РС-Про, «Свитолан»-РС-Рефлекс тадқиқот лаборатория комплекси, лупа СРЛ-6, микроскоп, бинокуляр, центрифуга,

термостат, қуритиш шкафлари, ходилник, автоклав, Кох аппарати, дистелатор, пробиркалар, челяк, техник торози, пробирка лар учун штативлар, қумли соат, вегетацион туваклар ва ўсимликларни заарлаш учун вегетацион уйчалар зарур. Бундан ташқари майда жихозлардан бритва, скапел, пинцет, нина, микробиологик илгак, қайчи кабилар зарур.

Озиқа тайёрлаш учун 1,2,3 литрлик каструллар, гушт қиймалагич, термометр, плиткалар керак.

Тадқиқотларни амалга ошириш учун шиша лаборатория жихозларидан: пробиркалар, Кох ва Петри ликопчалари, хар-хил хажмдаги Эрленмейер колбалари тайёрланади. Шунингдек буюм ва қоллагич ойна, ботик ойна, кимёвий стаканлар, ўлчаш цилиндрлари, томизғичлар, пипеткалар, шиша воронкалар, шиша таёқчалар, фарфорли ликопчалар ва банкалар, ҳовончалар, спиртовка, тупроқ элакчалари, штативлар, эмалли кюветалар, пахта, дока, филтир қоғозлари зарур.

Реактивлар: 96 % ли этил спирти, агар агар, глицерин, бензин, формалин, иммерсион ёғ, желатина, пептон, картошка крахмали, ош тузи, селитра, сода, лакмус қоғози, фуксин, йод, калий, натрий, магний,

### **Лаборатория идишларини тадқиқотларга тайёрлаш**

Янги шиша идишлар бактериологик тақиқотларда фойдаланишдан олдин 1 % соляний кислота қайнатилиб кейин совуқ сувда ювиб ташланиши керак. Ичида озиқа мухити сақланган идишлар ювишдан бир кун олдин каустик содада ивитилиб қўйилиш ва хромли ёки марганцовка калий эритмасида ишлов берилиши керак. Хромли эритма шиша идишларнинг  $\frac{1}{4}$  хажмида солиниб, секин ювиб чиқилади. Бу эритмани бир неча марта фойдаланиш мумкин. Эритма ранги қизил рангдан яшил рангга ўтиб қолганда фойдаланиш мумкин эмас.

Пипеткаларни ювишдан олдин тоғорага солиб совунли сувда 20 минут қайнатилади. Тозаланган пипеткалар дастлаб водопровод сувида кейин дистилирланган сувда ювиб ташланади. Ювилган ва қуритилган пипеткалар юқори тамонидан пахта билан ёпиб қўйилади. Қолган жараёнлар фитопатологик тадқиқотларда амалга оширилган талаблар асосида олиб борилади.

### **Озиқа ва идишларни стерилизация қилиш**

Стерелизация қилишнинг қуйидаги турлари мавжуд: юқори температурада, буғ оқимида, буғ оқимининг босим остида.

Бактериологик экспертизада қўлланиладиган стерилизация усули фитопатологик усулларга ўхшаб кетсада, талаб қилинган шартларга қаттий амал қилишга тўғри келади.

Стерелизация қилиш учун АВ 1 автоклавидан фойдаланилади. Унинг манометри камерадаги босимни  $1,0 \text{ кг}/\text{cm}^2$  кўрсатганда хараорат  $120^0 \text{ С ни}$ ,  $1,5 \text{ кг}/\text{cm}^2 - 127,8^0 \text{ С ни}$ ,  $2,0 \text{ кг}/\text{cm}^2 - 133^0 \text{ С ни}$ ,  $2,5 \text{ кг}/\text{cm}^2 - 138^0 \text{ С ни}$  ташкил қиласи.

Ювилган идишлар хона хароратида ёки  $100^0 \text{ С}$  температурали қуритиш

шкафига қуриллади. Бактериологик илгак, ниналар спиртовка алансида стерилизация қилинади. Скалpel, қайчи, пинцетлар спиртта ботирилиб, кейин спиртовка алансида күйдирлади. Микробиологик илгаклар хам спиртовка алансида дастлаб ушлайдиган тамони кейин нинаси вертикаль холда тутиб турған холда уч марта қизартырилади. Пробиркалар, пипеткалар, Петри ликопчалари, Дригалский шпатели, форфорли ховончалар 10 тадан қоғозга ўраб  $170^{\circ}$  ҳароратда бир соат давомида стерилизация қилинади. Бу идишлар автоклавда 2 атм. босим остида 30 мин. давомида стерилизация қилинади.

### **Бактерияларни ўстириш учун озиқалар тайёрлаш**

Бактериялар ўстирилдиган озиқалар таркибиға күра оқсилли, пептонли ва синтетик турларга бўлинади. Бу озиқаларнинг ишқорли ёки кислотали мухити бактерияларнинг ўсишида асосий омил хисобланади. Бактериялар нейтрал ва кислотали ( $\text{pH } 7,0\text{-}7,5$ ) мухитда яхши ўсадилар. Озиқа мухитининг  $\text{pH}$  ўлчаш учун лакмус қоғозидан фойдаланилади. Қизил ранг кислотали, кўк ранг ишқорли мухитни кўрсатади. Озиқа мухити универсал индикатор қоғозида ( $\text{pH } 1$  дан  $10$  гача) ҳам маҳсус шкалага кўйиб аниқланади.

Тайёрланган озиқалар албатта стерилизация қилинади. Стерилизация муддатлари ва миқдори озиқанинг таркибиға боғлиқ. Бунинг учун лаборатория автоклавларидан фойдаланиб, стерелизация муддатлари 20-30 минутдан, 1 соатга қадар давом этади. Таркибида глюкоза бўлган озиқалар  $112^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 30 минут  $0,5$  атмосфера босимида стерилизация қилинса, табиий озиқа мухитлари 1 атмосфера босим остида 1 соат стерилизация қилинади.

Соф ҳолдаги турларни сақлашга мўлжалланган озуқа мухитлари, идишлар, стерилизация қилинган бўлиши шарт. Шиша идишлар автоклавларда 1 атм босим остида 1 соат давомида, ёки қуритиш шкафларида  $160^{\circ}\text{C}$  да 2 соат давомида стерилизация қилинади. Бунинг учун улар устидан қоғоз билан ўралган бўлади.

### **Оқсилли озиқа мухитлари**

ГПҚ (гўштили пептонли қайнатма) ни тайёрлаш учун 1 кг ёғни ажратилган мол гўшти қиймалагичдан ўтказилиб 2 л сувда аралаштирилади ва 2 соат давомида қайнатилади. Қайнатмадан сузғич ёрдамида гўштни ажратиб олиб унга озгина сода, 1% пиптон ва 1% глюкоза қўшилади. Ҳосил бўлган озуқа яна бир марта қайнатилиб, қоғоз філтрдан ўтказилади. Қайнатманинг тиниқ ранг ҳосил қилиши учун унга битта тухум оқи аралаштирилади. Тайёр бўлган қайнатма  $10 \text{ см}^3$  миқдорда пробиркага қўйилиб паҳтали қопқоқ билан ёпилади. Тайёрланган қайнатма (ГПҚ) 10 минут давомида  $120^{\circ}\text{C}$  ҳароратда автоклавда стерилизация қилинади.

ГПА (гўштили пептонли агар) тайёрлаш учун 1 л ГПҚ га 20 г агар агар қўшиб муңтазам қайнатилади. Озиқа совутилгандан кейин 45 минут давомида  $0,5$  атм. босим остида автоклавда стерилизация қилинади.

Крахмалли гўштли пептонли агарни тайёрлаш учун 1 л ГПА га 5 г эритилган крахмал аралаштирилиб, клуба ёки пробиркаларга қуилиб 30 минут давомида 1 атм босим остида стерилизация қилинади.

Пептонли ачитқили агар тайёрлаш учун 1 л сувга 5 г ачитқи, 5 г пептон, 5 г агар аралаштириб, 1 атм босим остида стерилизация қилинади.

Фитопатоген бактерияларни ўстириш учун қуидаги таркибдаги табий озиқа мухитларидан фойдаланилади: картошкали глюкозали агар (карошка 200, глюкоза 100, агар 20 г); картошкали сахорозали агар (1000 мл картошка экстракти (1800 г картошка 4500 мл сувда қайнатилади), сахара 40 г, агар 40 г; картошкали дестрозали агар (картошка 200 г, декстроза 20 г, агар 20 г).

### **Ўсимликнинг касалланган қисмидан бактерияларни ажратиб олиш**

Касалланган ўсимлик қисмларидан бактерияларни ажратиб олиш учун қуидаги усувлардан фойдаланилади:

Анатомик усул ёрдамида заарланган ўсимлик тўқималаридан тайёрланган кесмалар микроскопда кузатилади.

Микроскопик кузатиш усулида ўсимликнинг касалланган аъзолари лупа ёрдамида кузатилиб, тўлиқ ривожланмаган уруғлар, турли доғлар, тўқималарнинг рангининг ўзгаришига учраган аъзолар ажратиб олинади.

Биологик усулнинг моҳияти ўсимликнинг касалланган аъзолари ичida мавжуд бактерияларни ажратиб олиш учун нам камера, озиқа мухитларга экишдан иборат.

Касалланган ўсимлик қисмларида турли микроорганизмлар бирга учрайди. Касалликнинг асосий қўзғатувчисини аниқлаш ва касалликка тўғри диагноз қўйиш учун қуидагиларни амалга ошириш керак: 1. Ўсимликнинг касалланган тўқималарида бактериялар мавжудлигини аниқлаш, 2. Касалликни келтириб чиқарувчи бактерияни соф холда ажратиб олиш, 3. Ажратилган бактерияланинг морфологик хусусиятларини ўрганиш.

Бактерияларни ўсимликнинг касалланган қисмидан ажратиб олиш учун, уни водопровод сувида яхшилаб ювилади. Ўсимлик пояси, барги, туганаги, илдизи стерилизация қилинган скальпел ёрдамида майдо бўлакларга бўлиниб, 30 секунд давомида спиртга ботирилади. Спиртдан олинган ўсимлик бўлакчаси стерилизация қилинган сувга ботирилиб, уни нам камерали ликопчасига жойлаштирилади. қолган бўлаклар янада майдаланиб, ичida ГПК (Гўштли пептоннинг қайнатмаси) озиқа мавжуд бўлган пробиркага солиб, 23-25<sup>0</sup> С ҳароратли 2 кун давомида сақланади. Бир суткадан кейин суюқ озиқа мухити (ГПК) лойқаланиб қолганлиги, бактериянинг ривожланиш бошланганлигини исботлайди.

Бактерияларни касалланган ўсимлик қисмларидан ажратиб олишда маҳсус усувларни тўғри қўллаш мухим аҳамиятга эга. Ҳар қандай ўсимлик қисмларини ташқи микофлорадан тозалаш учун 1:1000 нисбатда эритилган сулемадан, шунингдек 1:300 нисбатда эритилган формалин эритмасидан (30 минут давомида), 1% бромли сувдан (бир неча секунд), 2% ли марганцовкали калий эритмасидан (15 минут давомида) ҳам фойдаланиш мумкин.

Ўрганилаётган ўсимлик қисми тайёрланган эритмада кўрсатилган муддат давомида сақланиб ташки микофлорадан тозалангандан кейин бир неча марта стерилизация қилинган сувда ювиб ташлаш тавсия қилинади.

Бута, дараҳтларнинг новдаси, пояси, баргини ташки инфекциядан тозалашда кўрсатилган тозалагичлар яхши самара беравермайди. Шунинг учун ўсимлик қисмларини стерелизация қилишда денатурат ёки техник спиртдан фойдаланиб, тадқиқ қилинаётган қисмни ташқарисидан алангада кўйдириш усулидан фойдаланилади.

Касалланган ўсимлик аъзоларида бактерияларни кузатиш учун касаллик белгиларига эга бўлган қисмидан бир бўлаги қирқиб олинади. Бу олиган бўлак стерилизация қилинган ховончада дистирланган сув билан аралаштирилиб янчилади. Хосил бўлган аралашмадан микробиологик илгак воситасида бир томчиси олиниб, Петри ликопчаларидаги озиқага солиниб, шпател ёрдамида озиқа юзасига teng тарқатиб чиқилади.

Ўсимлик аъзоларидан бактерияларни ажратиб олиш мақсадида Петри ликобчаларидан тайёрланган нам камералардан фойдаланилди. Бунинг учун дастлаб 1 атм босим остида  $121^{\circ}\text{C}$  да стерилизация қилинган Петри ликобчаларига 1 та фильтр қоғозидан тайёрланган доирачалар қўйилиб, стерилизация қилинган сувда намланади. Текширилаётган ўсимлик қисмлари ташки томонидан спирт, формалин ёки спиртовка алансасида стерилизация қилингандан кейин 0,1-0,3 мм катталикда майда бўлакчаларга қирқилиб Петри ликобчаларидаги намланган камераларга жойлаштирилиб, эксикаторларда сақланди. Касалланган ўсимлик қисмларидан ўсаётган бактерияларнинг ўсиш ва ривожланиши 2-3 кундан кейин микроскопнинг кичик объективида кузатишдан бошланди. Ажралиб чиқаётган бактериялар микробиологик илгак воситасида пробиркадаги агарли озуқа муҳитига экилади.

Бактерияларни ўсимлик илдизидан ажратиб олиш учун касаллик белгиларига эга бўлган ўсимлик илдизи ковлаб олиниб, стерилизация қилинган сувда бир неча марта ювиб ташланади. Ўткир устара билан 0.5-1 см узунликда бўлакчаларга бўлиб, Петри ликобчасида тайёрланган нам камерага ёки ГПҚ ли муҳитга қўйилади. Термостатдаги ҳарорат  $27-30^{\circ}\text{C}$  дан ошмаслиги, намлик миқдори 70-80% бўлиши керак. Илдиздаги бактериянинг ўсиши ва ривожланишини кузатиш 24-48 соатдан кейин амалга оширилади.

Заарланган ўсимлик барг, поя ва новдасидаги тўқималаридан бактерияларни ажратиб олиш учун унинг заарланган қисмлари стерилизация қилингандан кейин ўткир устара воситасида қия қилиб кесилади. Хосил бўлган юпқа кесмалар нам камерага ёки пробиркадаги агарли озуқа муҳитига экилади.

Ўсимликларнинг барги, пояси, новдасидаги ўтказувчи тўқималарнинг, ёғочлик ёки флоэма қисмидаги бактерияларни ажратиб олиш учун уни ташки томонидан стерилизация қилинади. Ўткир устарада унинг қорайган қисмидан майда бўлакларга қирқилиб, нам камерага жойлаштирилади.

Ўсимлик уруғларининг ичидаги паразитлик қилаётган бактерияларни ажратиб олиш учун асосан нам камералардан фойдаланиш энг самарали усул ҳисобланади. Бунинг учун ташки томондан стерилизация қилинган уруғлар

0,5-1,0 см масофада нам камерали Петри ликобчасига жойлаштирилади. Ҳар бир намунага олинган уруглар гуруҳидан 50-100 тагача уруғ ўрганилади. Уруғдан униб чиқсан бактериялар турларини аниқлаш мақсадида озуқали пробиркага микробиологик илгак воситасида олиб экилади.

Туганаклар, бошииёзлар, илдизмевалар, илдиз поялардан бактерияларни ажратиб олиш мақсадида уларни ташқи томондан стерилизация қилингандан кейин заарланган қисмдан бир неча бўлакчалари 2-3 мм катталиқда қирқилиб, Петри ликобчасидаги нам камерага жойлаштирилади. Петри ликопчалари 25-27 ° С хароратдаги термостатда сақланиб, улардан замбуруғларнинг ажралиб чиқиши кузатилади.

Хозирги вақтда бактерияларни ўсимликнинг заарланган қисмида мавжудлигини аниқлаш учун серологик ва люминесцент методларидан ҳам фойдаланилади. Сериологик усул ёрдамида касаллик қўзғатувчи хосил қилган экстрактлар зардобларга ижобий реакция бериш хусусиятларига асосланилади. Люминесцент методи ёрдамида ултрабинафша ва қўқ бинафша нурларга турлича реакция берганлигидан турли рангда кўринади.

### **Фитопатоген бактерияларни Грамм бўёғида турларини аниқлаш**

Бактерияларни аниқлашда кенг кўлланиладиган усуллардан бири, аниқланайтган бактерияларни Грамм бўёғига бўяш йўли билан аниқлашадир. Бу усулни 1884 йил болалар врачи Хритиан Грамм ишлаб чиқсан. Бактериялар бўялмаганда рангиз бўлади. Бактериялар бўялганда грам манфий турлари бинафша, граммусфат турлари қизил рангда кўринади.

Картошканинг ҳалқали чириш касаллигини қўзға тувчи *Corynebacterium sepedonicum* бактериясини Грамм бўёғида аниқлаш учун тугунакнинг касалланган қисми буюм ойнасига жойлаштирилиб спиротвка алансида қуритилади. қуриган бактериялар буюм ойнасига ёпишиб қолади. Ёпишган бактерияларга генцианвиолета эритмаси томизилади. 1-1.5 минутдан кейин буюм ойнаси Люголя эритмаси томизилади. Препарат спирт билан ювилгандан кейин фуксин эритмаси қуйилади. Препаратга кедр ёғи томизилгандан кейин микроскопнинг иммерсион объективида кузатилади. Картошканинг ҳалқали чириш касаллигини қўзғатувчи бактериялар қўқ рангга бўялади. Грам бўйёғида бўялган граммусбат бактериялар тўқ бинафша, граммман фий бактериялар қизил рангга бўялади.

### **Бактерияларни ўсимлик тўқималарида аниқлаш**

Бактериоз билан касалланган ўсимликларни қўздан кечиргандан кейин, касалланга тўқималарда учрайдиган бактерияларни топишга киришилади. Бунинг учун бактериал доғланиш билан касалланган бодринг барглари майда бўлакчаларга бўлиниб, буюм ойнасидаги бир томчи сув юзасига қўйилиб, қоплагич ойна билан ёпилади. Микроскопнинг кичик объективида кузатилгандан барг ҳужайра ораликларини бактериялар билан тўлганлиги кўрилади. Кейинчалик бу бактериялар барг бўлакчалари атрофига йиғилиб майда ҳаракатдаги массани хосил қиласида. Препаратни микроскопнинг катта

объективида кузатилса, касалланган ҳужайралар ва ҳаракатдаги бактерияларни кўриш мумкин.

### **Бактерияларнинг соф қултурасини ажратиб олиш**

Термостатга жойлаштирилган Петри ликопчаларини кузатиш бактериянинг ўсиш тезлигига боғлиқ. Масалан: *Erwinia* турқуми вакиллари 24-48 соатдан кейин, *Pseudomonas* 48-72 соатдан 7 хафтагача, *Xanthomonas* 72 соатдан кейин, *Corynebacterium* 7 хафтагача колониялар хосил қиласди. Колониялар Петри ликопчаларини очмасдан орқа тамонидан лупа ёрдамида ёки микроскопнинг кичик объективида колониянинг ранги, шакли кузатилади. Колонияларнинг ўсиш тезлиги, ранги ва қиррасининг шаклига қараб характерлilари келгувсидаги ўрганиш учун ажратиб олинади.

Бир биридан фарқ қиласдиган колониялар микро биологик илгак воситасида Петри ликопчалари қия очилган холда кирқиб олинади ва пробиркадаги озиқа муҳтирига жойлаштирилади. Пробиркалар харорати 28-30° С бўлган термостатда 2-3 кун сақланади.

Ажратилган бактериялар морфологик, қултурал ва биохимик хусусиятларига қараб ГПҚ, ГПА, картошкали глюкозали агар муҳитларига экиб кўпайтирилади.

### **Вирусологик экспертиза**

Вирусологик экспертизанинг асосий мақсади Республикаизда етишириладиган қишлоқ хўжалик экинларида учрамайдиган вирус касалликларини кириб қолишига йўл қўймасликдир. Вирус касалликларини аниқлаш учун ўсиб турган ўсимлик намуналари бўлиши керак. Чунки, анализ учун жўнатилган ўсимлик қисмларида вирус инфекцияси кўринмаслиги мумкин. Шунинг учун карантин қоидаларига асосан, Республикага келтириладиган қўчатлар, уруғлар албатта интродукцион каранин питомникларида бир йил давомида ўстирилиши ва уларда касаллик белгилари йўқлигига ишонч хосил қилиниши шарт. Кўпгина вирус касалликлари касалланган ўсимликларга ҳужайра шираси воситасида тарқалади.

Вирус касалликлари орасида қўп учрайдиган турларига мозайика касалликлари киради. Уларга мозайика, майда барглик, бужмайиш, баргнинг буралиб кетиши, барг томири мозайикаси, некрозли доғлар, халқали доғлар киради. Вирус касалликларини ташқи белгиларига қараб тезда аниқлаш мумкин эмас. Шунинг учун вирус касалликларини аниқлашда қуйидаги усуллардан фойдаланилади.

Ўсимлик туганакларида, пиёзбошларида, илдизида, илдизпояларида хаёт кечираётган вируслар қиши фаслида яшрин холда сақланганлиги учун уларни иссиқхоналардаги тувакчаларга ўтқазиб, қулай шароитда ўстирилади ва касалликнинг намаён бўлиши кузатилади. Касалланган намуналар бу

шароитда ташқи белгиларни хосил қиласи ва бундай намуналар йўқ қилиб ташалниши керак.

Намуналарни иссиқхоналарга ўстиришга қўйилганда сўрувчи ҳашаротларнинг бўлмаслиги учун иссиқхона ўз вақтида дизенфекция қилиб туриш, меҳнат қуролларини тоза сақлаш ва 2 % ли формалин эритмаси билан стерилизация қилиш керак.

### **Механик иноқуляция ёрдамида ўсимликларни заарлаш усули**

Томаки навларининг ТВМ (томаки вирус мозайика) сига чидамлилигини баҳолаш учун томаки ўсимлигини турли навларини томаки мозайикаси вируси намунаси билан соғлам ўсимликка юқтириш усулидан фойдаланиб, кузатиш жараёнида касаллик белгиларининг намаён бўлиш даражасига қараб томаки навларининг чидамлилиги аниқланади.

Тажрибани бошлишдан олдин иш жойи, иш қуролларини яхшилаб ювиб, тозалаб, стерилизация қилинади. ТМВ ни ажратиб олиш учун томаки ёки томат баргини (5-10 гр) чинни ховончада 0,1 М фосфат буфери (1 гр намуна га 1 мл буфер) микдорида (рН 7,8) эзиб майдаланади.

Баргни яҳшироқ майдалаш учун гомогенизатордан хам фойдаланиш мумкин. Гомогенатни 2 қаватли докада сиқиб ўсимлик шираси Петри ликопчаларига олинади. Гомогенатни 1 минутда 8 минг айланиш тезлигидаги центрифугада 10 минут давомида центрифуга қилинади.

Чўкманинг юзасида вирус инфекцияси борлигига ишонч ҳосил қилиш учун серологик усулдан фойдаланилади. Бунинг учун ўсимлик ширасидан буюм ойнасига бир томчи томизилиб унга ТМВ учун хос бўлган зардоб томизилади.

Соғлом томаки ўсимлик баргларининг остки юзасига кварц қуми сепилади ва ўсимлик ширасига ботирилган пахта воситасида инфекция барг томири оралигига секин аста томизилиб ишқаланади. Касаллантирилган ўсимлик барглари нам холдаги 15 л хажмдаги эксикатордаги ипчаларга осилган холда 4 кун давомида 20°C ҳароратда касаллик белгилари пайдо бўлганга қадар сақланади. Касалликка чидамсиз ўсимликларда белгилар пайдо бўлса, чидамсиз навларда белгилар пайдо бўлмайди. Масалан, индикатор ўсимликлардан *Nicotiana glutinosa* да 48 соатдан кейин, *N.sylvestris* да 76-80 соатдан кейин, *Chenopodium amaran ticolor*, *Ch. quenea* да 1 ой давомида некроз ҳосил бўлиш интенсивлигига қараб уларнинг касалликларга чидамлилиги хисоблаб чиқилади (2- жадвал).

Бунинг учун ТВМ ни томат штамми билан касалланган томат ёки томаки ўсимлиги барглари намуналари (5 грамм); Индикатор ўсимликлар: *Nicotiana glutinosa*, *N.sylvestris*, *Chenopodium amaranticolor*, *Ch.quenea* нинг соғлом томаки ўсимлиги намуналари; пинцетлар, дока, Петри ликопчаси, майдада кварц қумлари, шиша таёқча, чинни ховонча, эксикатор, пластилин, калька ва пергамент қофозлари, иплар анализ учун фойдаланилади.

Тамаки ва томат ўсимлиги навлари	Белгиларнинг намаён бўлиши	Чидамлилик даражаси

Индикатор ўсимликларнинг юқори, ўрта ва пастки ярусида жойлашган баргалар бир хил белгиларни хосил қилмайди. Ўсимликни касаллантирилгандан кейин белгилар заарланган жоїда ва бутун ўсимлиқда намён бўлиши мумкин. Инфекциянинг инкубацион даври 3-4 кундан 10-12 кунгача муддатни ўз ичига олади. Бу муддат дараҳтларда ва пизбошли ўсимликларда бир ойдан ортиқ муддатни ўз ичига олиши мумкин.

### **Вируслар билан касалланган ўсимлик новдаларини соғлам ўсимликка пайвандлаш усули**

Кўпгина вируслар механик заарлаш усули билан заарлантирилганда вирус инфекциячи соғлам ўсимликка юқмаслиги мумкин. Бундай вирусларни соғлам ўсимликка юқтириш учун исказа пайванд, куртак пайванд қилиш усулларидан фойдаланилади. Пайвандтаг соғлам ўсимликнинг икки йиллик кўчатларидан фойдаланилса, пайвандуст касалланган ўсимлик намунасидан олинган новдалар фойдаланилади. Ўтсимон ўсимликлар пайвандланганда улар бир бири билан 3-4 кунда туташиб ўса бошласа, 15-20 кундан кейин вирус касаллуклари белгилари пайдо бўлади.

### **Вирусларни зарпечаклар орқали соғлам ўсимликларга юқтириш усули**

Беда, савзи, пиёз, лавлаги ўсимликларида ўсиб турган зарпечаклар поясининг бир бўлаги олиниб вирус билан касалланган ўсимлик новдасига ўраб қўйилади. Орадан 5-7 кун ўтгандан кейин зарпечак ўсимлик новдасинда гаусто рийлар хосил қилиб, унинг хисобига озиқана бошлайди ва янги новдаларни 7-10 кундан кейин хосил қиласида. Янгидан хосил бўлган зарпечак новдалари соғлам ўсимликни заарлашда фойдаланилади.

### **Хужайра ширасидаги вируслар кристал доначаларини аниқлаш усули**

Соғлам ўсимлик хужайра шираси таркибида мавжуд бўлмаган кристал доначалар вируслар билан касалланган ўсимлик хужайраларига ҳосдир. Улар ўсимлик баргига, новдасига, илдизига ва гулининг хужайра шираси таркибида хосил бўлади. Хозирги вақтда 64 та турдаги вирусларни хужайра шираси таркибидаги кристаллар воситасига аниқлаш мумкинлиги исботланган.

Касалланган ўсимлик хужайра шираси таркибида учрайдиган кристалларни кўриш учун ўсимлик қопловчи тўқи масидан олинган кичик кесмалар буюм ойнасига қўйилиб, сув томизилади ва биологик микроскопда кузатилади. Баъзан кристалларни кузатиш учун олтингугурт кислотаси ёки 3

% ли шавел кислотасидан фойдаланилади. Кейинги вақтларда кристаллар аниқлашда кўк трипан краскасидан фойдаланилади. Унинг таъсирида кристаллар тўқ кўк рангга киради.

### **Фитогелминтологик лаборатория тахлилида қўлланиладиган жихозлар**

Фитогелминтологик экспертизанинг лаборатория тахлилларини ўтказиш учун маҳсус жихозлар, аппаратлар: микроскоплардан МБИ-3, МБР-3, стереоскоп микроскоплар МБС-2, «Свитолан» –РС-Про, «Свитолан»-РС-Рефлекс тадқиқот лаборатория комплекси, лупа СРЛ-6, қўлда ишлатиладиган ва пешонага тақиладиган бинокуляр, центрифуга, термостат, қуритиш шкафлари, холодилник, автоклав, Кох аппарати, дистелатор, Фенуика прибори, Вилке ювиш асбоби, воронкалар учун штатив, пробиркалар учун челяқ, техник торози ва тошлари, пробиркалар учун штативлар, қумли соат зарур. Бундан ташқари майда жихоз лардан бритва, скалпел, пинцет, нина, микробиологик илгак, қайчи, кистлар, тупроқ элакларидан 0,1; 0,25; 4,0; 5 мм тешикчали турлари, 0,01; 0,02; 0,08; 0,1; 0,25; мм тешикчали ипакли тўрлар, ёғоч шпателлар, 80x60 см ўлчамдаги оргстекло, Мор қисқичи, 2 мм тешикчали метал тўрлар зарур.

Тадқиқотларни амалга ошириш учун шиша лаборатория жихозларидан: пробиркалар, Кох ва Петри ликопчалари, ҳар ҳил хажмдаги Эрленмейер колбалари тайёрланади. Шунингдек буюм ва қоплағич ойна, кимёвий ва центрифуга проиркалари, ботик ойна, 0,5 ва 1 л хажмдаги кимёвий стаканлар, ўлчаш цилиндрлари, томизгичлар, пипеткалар, 3-6 см, 10-15 см, 20-25 см катталиқдаги шиша воронкалар, шиша таёқчалар, фарфорли ликопчалар ва банкалар, эксикаторлар, ҳовончалар, спиртовка, эмалли кюветалар, пахта, дока, филтир қоғозлари зарур.

Реактивлардан: марганцовка, калий йод, аммоний хлорид, уксус кислотаси, глецерин, 96 % ли этил спирти, формалин, ацетон, агар агар, парафин, клей, лак, пленка, туш, иммерсион ёғ, желатина, ош тузи, селитра, сода, лакмус қоғози, фуксин бўёғи, йод, калий, натрий, магний кабилар зарур.

### **Фитогелминтологик экспертизанинг лаборатория идишларини тадқиқотларга тайёрлаш**

Лаборатория идишларини тадқиқотларга тайёрлаш даврида яҳшилаб ювилган бўлиши ва унинг деворида ёғ томчилари бўлмаслиги керак. Шиша идишлар, резинали найчалар, пипетка, пробирка, элаклар сувда яҳшилаб ювилгандан кейин 10 минут қайнатилиши керак.

Ювилган идишлар 5 марта водапровод сувида чайилгандан кейин қуритиш штативига ёки қуритиш шкафида 50<sup>0</sup> С ҳароратда қуритилади. Тозаланган шиша идишлар 96 % ли спиртда артиб ташланиши керак.

Фитогелминтологик экспертизада амал қилинадиган қоидалар фитопатологик экспертизага ўхшаш бўлади.

### **Циста хосил қилувчи нематодалардан микроскопик препаратлар тайёрлаш**

Препараат тайёланиши лозим бўлган цисталар соат ойнасидаги

глицериннинг спиртдаги эритмасига (3 хисса 96% ли спирт, бир хисса глицерин) 6-7 кун давомида солиб қўйилади. Спирт парланиб чиқиб кетгандан кейин цисталар рангизлангач, уни буюм ойнасига қўйилган желотинали глицеринга солиб, алангада эритилади ва қоплағич ойна билан ёпилади. Қоплағич ойнанинг атрофи БФ клейи ёрдамида бекитилади.

Желотинали глицеринни тайёрлаш учун 10 г желотина колбага солиниб, 60 мл дистиллирланган сув билан яхшилаб аралаштирилади ва у эригандан кейин 40 мл глицерин қўшилади. Хосил бўлган масса сув хаммолида қиздирилиб, шиша пахтада филтирланади ва 1 г карбол кислотаси қўшилади.

### **Нематодалардан микроскопик препаратлар тайёрлаш**

Нематодаларни тирик холда аниқлаш қулайдир. Бунинг учун тирик нематода буюм ойнасидаги бир томчи сувга қўйилади. Унинг атрофига шу ўлчамдаги шиша толаларини қўйиб, препарат қуриб қолса сув билан намлаб турилади.

Нематодаларни ўлчаш ва аниқлаш учун унинг харакатини тўхтатиш керак. Бунинг учун буюм ойнаси спиртовка алансасида 5 сек давомида қиздирилади. Вақтинчалик препарат тайёрлаш учун дистиллирланган сувни глицерин эритмасида бир неча кун давомида сув парланиб кетганча сақланади. Вақт ўтиши билан сувнинг парланиб кетиши натижасида унинг ўрнига глицерин томизилиб қўйилади.

Нематодаларнинг характеристикаси ва уларни ўсимликлардан ажратиб олиш.

Нематодалар ёки юмалоқ чувалчанглар тупроқда ва ўсимликларда ҳаёт кечирувчи микроскопик шаклга эга, рангиз қуртлардир. Мева- боғлардаги 100 см<sup>3</sup> тупроқнинг ҳайдалма қатламида 4000-5000 та нематодалар учрайди. Дунё бўйича ғўзада 150 тача, Ўзбекистонда 100 дан қўпроқ ғўза нематода турлари мавжуд бўлиб, улардан 20-25 таси паразитлик билан ҳаёт кечиради.

Қишлоқ хўжалик экинларида бир қанча турдаги нематодалар паразитлик қиласиди. Улар иссиқхоналардаги сабзавот экинларидан, бодиринг, бақлажон, қовун, қовоқ, ғўза, каноп, геран, зифир, картошка каби ўсимликларга катта заар етказади. Масалан *Heterodera rostochiensis* Woll - картошканинг циста ҳосил қилувчи, *Meloidogyne incognita chitw* - галловий нематода, *Ditylenchus destructor* Thorne - поя нематодаси экинларни далада ва маҳсулотларни сақлаш жараёнида нобуд бўлишига сабаб бўлади. Кейинги йилларда *Heterodera arenae* Woll - сулининг циста ҳосил қилувчи нематодаси, буғдой ҳосилдорлигини 6-8 ц/га пасайтироқда. *Ditylenchus dipsaci* Kuhn- поя нематодаси қулупнай, қанд лавлаги, химел, нўхат каби ўсимликларининг ҳосилини пасайтироқда.

Фитопатоген нематодалар келиб чиқишига кўра пояди, илдизда, баргда ва уруғда паразитлик қилувчи турларга бўлинади. Нематодалар морфологик тузилиши, биологияси, патогенлиги ва касаллик белгиларини келтириб чиқаришига қараб бир биридан фарқ қиласиди. Барча фитопаразит нематодалар танасининг олди қисмида оғиз аппарати билан таъминланган. Оғиз аппаратидаги ҳартум воситасида хужайра деворини тешиб ўсимлик ичкарисига

кириб ҳужайра ичидағи озиқаларни шимиб озиқланади ва ўзига хос сўлак ажратиб чиқаради. Сўлак ўсимлик ҳужайраси ва тўқималарига турлича таъсир кўрсатади.

Ғўзада жануб нематодасининг ривожланиш циклида касалланган ўсимлик илдизида урғочи нематода хосил қилган тухум халтасида кўп миқдорда тухумлар этилиб, ундан личинка хосил бўлади. Личинка тупроқда харакат ланиб соглам ғўза илдизини зааралайди ва илдиз ичида галл хосил қиласди.

Х Деккер (1972) фикрига ўсимликлардан нематодалар келтириб чиқарадиган патологик ўзгаришлар қуидаги гурухларга бўлинади.

1. Ҳужайралараро пластинкаларни эритиб, ҳужайранинг бирлигини йўқотади (поя нематодаси-*Ditylenchus dipsaci*).
2. Ҳужайра деворини эритади. Натижада барча ҳужайра нобуд бўлади (илдизнинг эндопаразитлари -*Platylenchus*).
3. Ўсимлик ўсиш конусидаги ҳужайраларни бўлинишини тўхтатади. Натижада илдизнинг ва поянинг ўсиши тўхтайди (илдизнинг эктопаразити -*Trichodorus christici* Chitw).
4. Ҳужайраларнинг бўлинишини тезлаштириш натижасида кўп миқдордаги ён илдизларни хосил бўлишига сабаб бўлади (*Meloidogyne halpa* Chitw).
5. Ҳужайраларнинг шакл ўзгариши натижасида тўқималар говак бўлиб қолади (Илдизнинг эндопаразити- *Rodogholus sitilis* chiw).
6. Паразит нематодалардан (*Heterodera*) тури кирган ҳужайралар шакли йириклишиб - гигант ҳужайрага айланади.

Нематодалар билан касалланган ўсимликларда белгиларнинг намоён бўлишига қараб илдиздаги ва тугунаклардаги нематодаларга бўлинади. Илдизда учрайдиган нематодаларга *Meloidogyne* туркумига мансуб бицлиб улар асосан иссиқхоналардаги тупроқларда учрайди ва помидор, бодиринг, манзарали ўсимликларда галлар хосил бўлишига сабаб бўлади. Баҳорда уруғдан унган майсалар ўсиш ва ривожланишидан орқада қолади. Бу жараён бутун ёз давомида давом этади. Август, сентябрь ойларида касаллик кучайиб, ўсимликлар нобуд бўлади, айримлари оч-яшил рангда бўлади. Касалланган бодринг майда сариғ пўстли мева хосил қилиб, барглари бужмаяди, илдизида думалоқ галлар хосил қиласди.

Тугунакли нематодаларга картошка нематодаси (*Ditylenchus destructor* Thorne) мисол бўлади. Бу нематода асосан картошканинг илдизида паразитлик қиласди. Касалланган ўсимлик барглари сариқ рангда кириб, майдалашади, ўсимлик ўсишдан орқада қолади. Тугунаклар пўстини арчилганда нематодалар тўпланиши дан хосил бўлган оқ рангдаги нам доғларни кўриш мумкин. Тугунакка тушган нематодалар кўпайиб, оч қўнғир рангдаги доғлар, кейинчалик тўқ жигар рангга киради. Тугунак пўсти айрим жойларда ёрилиб, у ерга замбуруғлар, бактериялар кириб, уни чирита бошлайди.

Қанд лавлаги илдизидаги нематодалар *Heterodera* туркумига мансуб бўлиб, ўсимлик барглари сўлиган, сарғиш-яшил рангда бўлади. Касалланган қанд лавлаги ўсимлиги кучли тармоқланган попук илдиз ҳосил қиласи ва уларда лимонсимон шаклдаги нематода цисталари кўзга ташланади.

*H.rostochiensis* Woll нематодаси картошкани касаллантиради ва тилларанг картошка нематодаси дейилади. Бу нематода келтириб чиқарадиган касаллик Германия, Англия, Голландия, Швеция, Дания, Финландия, Франция, Австрия, АҚШ, Перу, Испания давлатларида ва Канар оролларида кенг тарқалган. Собиқ Иттифоқда 1948 йилда Калининград обlastida картошкада аниқланган бўлса, хозир Россиянинг 56 та вилоятида учрайди.

Касалланган ўсимлик ўсишдан орқада қолади, пояси сарғиш рангда бўлиб, пастки ярусдаги барглари қуриб қолади, юқори ярусдаги барглари сўлийди, илдизлари жигар рангга киради. Соғлом илдизга нисбатан касалланган илдизлар қисқа, кўп микдорда ён илдизлар ҳосил қиласи. Илдиз юзасида жигар ёки олтин рангда товланувчи цисталар ҳосил қиласи.

Республикамизда ғўза экинлари учун энг хавфли нематода касаллигини мелойдоғиноз деб аталади. У ғўза илдизида галл (бўртма) лар ривожланиши билан характерланади. Ўзбекистонда мелойдоғинозни 2 та тур ва 1 та кенжада тури мавжуд бўлиб, ғўзада жануб галл нематодаси-*Meloidogyne incognita* касаллик келтириб чиқаради.

Мелойдоғинознинг ташқи белгилари ғўза илдизида урчуқсимон ёки думалоқ шаклдаги, марジョンга ўхшаб тизилган галл-бўртма, туғунча шаклида намоён бўлади. Галларнинг ўлчами помидор, гарим дори, қанд лавлагида шакли кичик бўлади. Касалланган ғўзанинг ўқ илдизи яхши ривожланмайди, ўсимлик бўйи паст бўлиб, барглари сарғайиши ва қизариши, сўлиши кузатилади (26-27-расмлар).

Касалланган ғўза ён илдизлар ҳисобига озиқланганлигидан гул ва кўсак микдори, кўсак ўлчами ва оғирлиги кескин камаяди. Далаларда касаллик 55-67 % га тарқалганда кўсаклар сони 2,9 марта ва ҳосилдорлик 23,8 % га пасайган (Мавлянов, 1976).

Нематодалар билан касалланган ўсимликларни заарини камайтириш учун ўсимликларнинг карантини қоидаларига, далаларда алмашлаб экишда беда, шоли, қузги ғалла ва ерёнгоқларни фойдаланиш яхши самара беради. Бегона ўтларга қарши кураш ва ерни чуқур хайдаш, 5-6 % лик формалин ёки 30-40 % лик ош тузи эритмаси билан ерга ишлов бериш яхши самара беради. АҚШ да нематодаларга қарши контакт препататлардан фенамифос ва ичидан таъсир қилувчи алдикарб, метам, телон каби нематицидлар тавсия қилинади. Нематодаларга чидамли ғўза навларидан Термиз-7, Термиз-8, Термиз –9 ларни Сурхандарё шароитида экиш яхши самара беради.

### Такрорлаш учун саволлар:

1. Уруғни фитопатологик экспертизаси қачон ўтказилади?

2. Уруғни фитопатологик экспертизаси учун ўртача намуна олишнинг мөхияти нима?
3. Уруғ намуналарни нам камераларда ўстириш усули қачон фойдаланилади?
4. Уруғларни экишдан олдин фитосанитар экспертизадан ўтказишдан мақсад нима?
5. Уруғдаги инфекция келиб чиқишига кўра қандай турларга бўлинади?
6. Фитопатологик экспертизанинг асосий мақсади нима?
7. Уруғдаги касаллик белгиларини намаён бўлишига қараб қандай гурухларга бўлинади?
8. Уруғни фитопатологик экспертизасида қандай усуллар қўлланилади?
9. Центрифуга қилиш усулидан қандай фойдаланилади?
10. Ўсимлик уруғларининг ичидаги паразитлик қилаётган замбуруғларни ажратиб олиш учун қандай усулдан фойдаланилади?
11. Фитогелминтологик экспертизанинг мақсади нима?
12. Фитогелминтологик лаборатория таҳлилида жихозлар қўл ланилади?
13. Фитогелминтологик экспертизанинг лаборатория идиш ларини тадқиқотларга тайёрлашда қандай ишлар амалга оширилади?
14. Циста хосил қилувчи нематодалардан микроскопик препаратлар қандай тайёрланади?
15. Нематодалардан микроскопик препаратлар тайёрлаш усули қандай?
16. Карантин нематодаларнинг характеристикаси қандай?
17. Нематодаларни ўсимликлардан қандай қилиб ажратиб олинади?.
18. Қишлоқ хўжалик экинларида қандай турдаги нематодалар паразитлик қиласи?
19. Фитопатоген нематодалар келиб чиқишига кўра қандай турларга бўлинади?
20. Х.Деккер (1972) фикрига ўсимликларда нематодалар келтириб чиқарадиган патологик ўзгаришлар қандай гурухларга бўлинади?
21. Нематодалар билан касалланган ўсимликларда белгиларнинг намоён бўлишига қараб қандай гурухларга бўлинади?
22. Республикаизда ғўза экинлари учун энг хавфли нематода қандай номланилади ва уларга қарши кураш чоралари қандай?

### **Адабиётлар:**

1. Ҳасанов Б.А. ва бошқалар. Ўзани зааркунанда, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш. Тошкент, “Университет”, 2002, 379 б.
2. Ҳасанов Б.А. ва бошқалар. Сабзавот, картошка ҳамда полиз экинларининг касалликлари ва уларга қарши кураш. Тошкент, “Voris-Nashriyot”, 2009, 244 б.

3. Ҳасанов Б. А., Очилов Р. О., Холмуродов Э.А., Гулмуродов Р. А. Мевали ва ёнгок мевали дарахтлар, цитрус, резавор мевали буталар ҳамда ток касалликлари ва уларга қарши кураш. Тошкент: "Office-Print", 2010, 316 б
4. Ҳасанов Б.А. Микология. Тошкент, ТошДАУ нашр-таҳририят бўлими, 2019, 503 б.
5. Рахимов У.Х., Ҳасанов Б.А. Ўсимликларнинг карантин касалликлари. Тошкент, "Наврӯз", 2019, 258 б.
6. Рахимов У.Х. ва бошқалар. Ўсимликлар карантинида фитоэкспертиза. Тошкент, "Наврӯз", 2020, 247 б.
7. Поспелов.С.М., Шестиперова.З.И., Долженко.И.К – Основы карантина растений. Москва., Агропромиздат. 1985. (дарслик)
8. Рогова.Т.И. – Методическое руководство по лабораторной карантинной экспертизе растительных материалов и почвы. Изд-во Сельское хозяйство. Москва. 1960.
9. George N.Agric. Plant pathology. Elsevier Academic Press. Florida, 2004.
10. Randall C. Rowe. Potato Health Management. The American Phytopathological Society, 1993. Pp 173.

## **2-МАВЗУ: ЎСИМЛИКЛАРНИНГ КАРАНТИН КАСАЛЛИКЛАРИНИ ҚЎЗҒАТУВЧИ МИКРООРГАНИЗМЛАРИНИНГ БИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ ЎГАНИШ. РЕЖА**

1. Қишлоқ хўжалик экинларида касаллик қўзғатувчи замбуруғларни биолгик хусусиятларини ўрганишда замонавий техникалардан фойдаланиш.
2. Бактерияларни биологик хусусиятларини ўрганишда замонавий техникалардан фойдаланиш.
3. Микроорганизмларни ривожланишида атроф мухитнинг таъсирини ўрганиш.

### **Замбуруғлар ҳақида умумий маълумотлар. Замбуруғларнинг замонавий классификацияси**

Замбуруғлар бир ва кўп хужайрали, шаклланган ядрога эга бўлган эукариот организмларнинг ўзига хос гурухини ташкил этади. Халқаро микология институти директори проф. Д. Хоуксвортнинг ҳисобларига кўра табиатда замбуруғларнинг 1,5 млн га яқин тури мавжуд<sup>1</sup>, аммо ҳозиргача фан томонидан уларнинг тахминан 70 мингтаси (5 фоизи) аниқланган (Alexopoulos et al., 2007). Ўсимликлар касалликларининг аксариятини микроскопик замбуруғлар қўзғатади.

Замбуруғларнинг тирик мавжудотлар орасида тутган ўрни ҳақида фанда

<sup>1</sup> Бошқа микологларнинг ҳисоб-китобларига кўра, замбуруғлар ва замбуруғсимон организмлар таркибига тахминан 500 000 та тур киради (R.M. May, 1991).

ҳали ҳам баҳслар кетмоқда. Олдин барча тирик мавжудотлар ўсимлик ва ҳайвонот дунёларига бўлинар эди. Замбуруғларни ўсимликлар дунёсида жойлаштириб, сув ўтлари билан бирга тубан (спорали) ўсимликлар гуруҳига киритишар эди. Ҳақиқатан, ҳужайраларининг полярлиги, устки (апикал) қисми ўсиши чегараланмаганлиги, яхши шаклланган ҳужайра деворчалари ва вакуолалари мавжудлиги, вегетатив ҳолатда ҳаракатсиз бўлиши жиҳатидан замбуруғлар ўсимликларга ўхшайди. Аммо замбуруғларнинг ўсимликлардан фарқлари ва ҳайвонлар билан ўхшашлик белгилари ҳам бор. Булар – замбуруғларнинг гетеротроф озиқланиши, витаминларга эҳтиёжи, азот алмашинуви жараённида мочевина ҳосил бўлиши ва йигилиши, захира озуқа моддаси сифатида гликоген ва баъзи бошқа бирикмалар синтез қилиниши, кўп турларнинг ҳужайра қобиғи хитин (ва гемицеллюз) дан ташкил топиши ва б. Шу билан бирга баъзи белгилари – вегетатив танаси мицелийдан иборат бўлиши ва осмотроф озиқланиши; ўзига хос ядро цикллари, гетеро- ва дикариоз мавжудлиги билан замбуруғлар ўсимликлардан ҳам, ҳайвонлардан ҳам фарқ қиласди.

Систематика тузишда замбуруғларнинг алоҳида гуруҳлари орасидаги эволюцион алоқалар ҳисобга олинини лозим. Систематиканинг асоси – тур. Замбуруғлар систематикаси, яъни уларни дунё, бўлим, синф, тартиб, оила, туркум ва турларга бўлиш турларнинг морфологик, биологик, физиологик, биокимёвий, генетик, цитологик ва бошқа хусусиятларига асосланади, фитопатоген турларнинг эса, биринчи навбатда хўжайнин ўсимликларга ихтисослашишини ҳисобга олади. Ҳозирги пайтда систематикада алоҳида организмлар ёки уларнинг гуруҳларининг ДНК си тузилишига жуда катта аҳамият берилмоқда. Натижада замбуруғ ва замбуруғсимон организмлар системасида катта ўзгаришлар юз берди. Касаллик диагностикасида уни қўзғатувчи турнинг систематикадаги ўрнини аниқлаш шарт ва бу касалликка қарши асосланган кураш чораларини танлаб олишга имкон беради.

Илгари замбуруғлар гуруҳига киритилган организмлар ҳозир тирик табиатнинг яна учта мустақил дунёсига бўлинди – *Protozoa* ёки *Protists* (Протозоа, Протистлар), *Chromista* ёки *Stramenopila* (Хромиста, Страменопила) ва *Fungi* ёки *Mycota* (Фунги, Микота – Ҳақиқий замбуруғлар). Улардан ҳар бирининг таркибиға бир неча филум<sup>2</sup> киради. Замбуруғсимон организмларнинг *Protozoa* дунёсига миксомицетлар 4 та филум сифатида киритилган; *Chromista* дунёсига эса қўнгир, зар тусли, сарик-яшил ва диатом сув ўтлари билан бирга соҳта замбуруғларнинг 3 та филуми – гифохитрийлар, оомицетлар ва лабиринтуллар киритилган. Ҳақиқий замбуруғлар дунёсига Хитридиомикота, Зигомикота, Аскомикота, Базидиомикота филумлари ҳамда Анаморф замбуруғлар (эски номи Дейтеромикота бўлими, ёки Такомиллашмаган замбуруғлар синфи) гуруҳи киради. Бу дунёларнинг фитопатология нуқтаи назаридан аҳамиятга эга бўлган филумларининг тавсифлари қўйидаги матнда ва 7-жадвалда келтирилган.

Ботаник номенклатуранинг халқаро кодекси (БНХК) га биноан замбуруғ

<sup>2</sup> Микология ва фитопатологияда қўлланиладиган “филум” атамаси тахминан “бўлим” атамасига тўғри келади. Филумлар номларининг охри -*mycota* билан, синф номларининг охри эса -*mycetes* билан тугалланади.

турларига ном беришда *бинар номенклатура* қўлланилади, яъни турнинг тўла номи иккита – туркум ҳамда тур – номидан иборат бўлади. Масалан, арпада тўрсимон доғланиш қўзғатувчи замбуруғнинг анаморф босқичининг номи *Drechslera teres* (Sacc.) Shoem. Турнинг илмий тавсифини биринчи бўлиб баён қилган муаллиф(лар) тур номидан кейин келтирилади. Бу ерда тур номидан кейин қўйилган (Sacc.) сўзи бу турни биринчи бўлиб Саккардо (Saccardo) баён этганини, аммо уни *Helminthosporium teres* деб атаганини билдиради. Кейинчалик Шумейкер замбуруғ *Drechslera* туркумига мансублигини, патогеннинг хақиқий номини ҳамда таксономиядаги ўрнини аниқлаган. *Helminthosporium teres* Sacc. номи – *Drechslera teres* (Sacc.) Shoem. номининг кўрсатилиши шарт (мажбурий) бўлган синонимидир.

БНХК га биноан тур номи лотин тилида ёзилиши ҳар бир замбуруғ турининг номи бутун дунёда бир хил бўлишини таъминлайди. Туркум номи доим бош ҳарф билан, тур номи эса кичик ҳарф билан ёзилади. Таксономик категориялар ҳам БНХК нинг қоидаларига биноан ёзилади. Бунда таксонларнинг охирги қисмлари қуйидаги шаклда унификация қилинган: дунё – *Mycota*, филум (бўлим) - *Ascomycota*, синф – *Euscomycetes*, тартиблар гурухи – *Loculoascomycetes*, тартиб – *Pleosporales*, оила – *Pleosporaceae*, туркум – *Pyrenophora*, тур – *Pyrenophora tritici-repentis*.

#### 7-жадвал. Замбуруғлар ва замбуруғсимон организмларнинг замонавий классификацияси

Филумлар	Асосий (характерли) белгилари
<b>Протозоа (Протистлар) Дунёси – Kingdom Protozoa (Protists)</b> (Протистлар ягона дунё ташкил қилмайди; уларнинг таркибига киравчи филумлар, эҳтимол, бир неча ва ҳар хил дунёларга мансубдир)	
<i>Plasmodiophoromycota</i> – Плазмодиофоромикота	Бир ёки кўп ҳужайрали, плазмодий (шилимшиқ) ёки унга ўхшаш структуralар ва колония ҳосил қилувчи, фаготрофик озиқланувчи микроорганизмлар. Дунё таркибига Плазмодиофомицетлар (эндопаразит шилимшиқ моғорлар) дан ташқари Миксомицетлар ва кўп бошқа микроорганизмлар киради
<b>Хромиста (Страменопила) Дунёси – Kingdom Chromista (Stramenopila)</b> Характерли белгилари: танаси бир ёки кўп ҳужайрали, ипсимон ёки колония ҳосил қилувчи, бирламчи фототроф (микро)организмлар; бაъзиларининг эндоплазматик ретикулюми ичida қувурсимон хивчинлари ёки хлоропластлари ёхуд иккови ҳам мавжуд.	
<i>Oomycota</i> - Оомикота	Дунё таркибига Оомикота (оомицет) турларидан ташқари кўнғир, диатом сув ўтлари ва уларга ўхшаш бошқа организмлар киради
<b>Хақиқий замбуруғлар Дунёси – Kingdom Fungi (Mycetes) – Фунги (Мицетес)</b> Характерли белгилари: мицелийлари мавжуд, ҳужайра деворчаси таркибида глюканлар ва хитин бор. Хлоропластлари йўқ	
<i>Chytridiomycota</i> - Хитридиомикота	Орқа томонида жойлашган битта хивчинчали зооспоралари бор, мицелийси думалоқ ёки узунчоқ шаклли, септалари йўқ

<i>Zygomycota</i> – Зигомикота	Ҳаракатсиз ножинсий споралари спорангийларда ҳосил бўлади. Зооспоралари йўқ. Тиним даври споралари (жинсий жараёнининг маҳсули) – иккита морфологик ўхшаш гаметалар қўшилиши натижасида ҳосил бўладиган зигоспоралар
<i>Ascomycota</i> – Аскомикота	Кўпчилик турларининг жинсий босқичи (телеоморфаси) ва ножинсий босқичи (анаморфаси) мавжуд. Жинсий споралари - аскоспоралар - одатда халтacha (аск) ичida 8 тадан ҳосил бўлади. Ножинсий споралари (конидиялари) мицелий гифаларида ёки ножинсий мева танаchalарида (пикнидалар, ёстиқчалар ва х.) ҳосил бўлади
<i>Basidiomycota</i> – Базидиомикота	Жинсий споралари - базидиоспоралар - тўқмоқ шаклли, 1-ёки 4-хўжайрали, базидия деб аталувчи структуранинг устида ҳосил бўлади
<i>Anamorphic Fungi</i> – Анаморф замбуруғлар*	Анаморф замбуруғларнинг аксарияти Аскомикота филумига, жуда кам қисми – Базидиомикота филумига мансуб замбуруғларнинг ножинсий босқичларидир

\* Анаморф замбуруғлар гурухида олдин дейтеромицетлар (Deuteromycetes) синфига киритилган (“такомиллашмаган”) замбуруғлар турлари жамлаштирилган.

### Асосий таксономик гурухларнинг тавсифлари

*Плазмодиофоромикота* (*Plasmodiophoromycota*) филумига шилимшиқ моғорларнинг тахминан 500 та тури, жумладан ўсимликларда касаллик қўзғатувчи бир неча облигат, ҳужайра ичida яшовчи паразит турлар, масалан, карамда кила қўзғатувчи *Plasmodiophora brassicae* ва картошка калмаразини қўзғатувчи *Spongopora subterranea* киради. Бу паразит турлар Plasmodiophoromycetes синфи, Plasmodiophorales тартиби, *Plasmodiophoraceae* оиласига мансуб. Шилимшиқ сохта замбуруғларнинг танаси *плазмодий* (яланғоч амёбасимон протоплазма) дан ташкил топади. Ножинсий кўпайиши зооспорангий ичida ривожланувчи 2 хивчинчали гаплоид зооспоралар воситасида амалга ошади. Жинсий кўпайиши изогамия бўлиб, бунда иккита ҳар хил жинсли зооспора қўшилади, диплоид амёбоид ҳосил бўлади ва у карам илдизини заарлайди.

*Оомикота* (*Oomycota*) филумига тахминан 500-800 та тур киради. Талломи диплоид. Ножинсий кўпайиши иккита ҳар хил хивчинчали, ҳаракатчан зооспоралар ёрдамида амалга ошади. Улар зооспорангийлар ичida ҳосил бўлади. Зооспорангийфора ва зооспорангийларининг шакли ва тузилиши диагностик аҳамиятга эга. Баъзи оомицет (мисол учун *Peronospora* туркумига мансуб) турларнинг спорангийлари умуман зооспора ҳосил қилмасдан, бевосита муртак орқали ўсади ва гифа ҳамда мицелий пайдо қилади (бу ерда спорангий ўсиши шаклига асосланиб уни “конидия” деб аташ мумкин). Жинсий кўпайиши – оогамия. Бунда оналик (*оогоний*) ва оталик (*антериидий*) гаметангийларининг таркиби қўшилади ва ооспора деб аталадиган тиним даври зиготаси ҳосил бўлади.

Бу филумга Оомусетес синфи ва иккита тартиб киради. Saprolegniales тартиби, *Saprolegniaceae* оиласи таркибида факат битта фитопатоген туркум (*Aphanomyces*) мавжуд. Peronosporales тартибига фитопатогенларнинг бир неча муҳим туркумлари киради. Булар *Pythiaceae* оиласига мансуб бўлган *Pythium* (ҳар хил ўсимликларда уруғ, майса ва илдиз чиришини қўзғатувчи, тупроқда яшовчи факультатив паразитлар), *Phytophthora* (картошка, помидор ва б. итузумдошларда фитофтороз, бир ва кўп йиллик экинларда илдиз ва мева чириши, дараҳтларда илдиз ва поя чириши ва нобуд бўлишини қўзғатувчи факультатив паразитлар), *Peronosporaceae* (сохта ун-шудринг қўзғатувчи облигат паразитлар) оиласига киравчи *Plasmopara* (токда мильдью қўзғатувчи ва б. турлар), *Peronospora* (карам, лавлаги ва б. экинларда сохта ун-шудринг қўзғатувчилар), *Pseudoperonospora* (қовоқдошлар ва б. ўсимликларда сохта ун-шудринг қўзғатувчилар), *Albuginaceae* (оқ занг қўзғатувчи облигат паразитлар) оиласига мансуб, турлари бутгулдошларни заарловчи *Albugo* туркумлариdir.

*Xитридиомикота* (*Chytridiomycota*) филумига битта синф – *Chytridiomycetes* ва тахминан 500 та тур киради. Улар сувда ёки тупроқда яшайди. Мицелийси думалоқ ёки узунчоқ шаклли, септалари йўқ. Ножинсий қўпайиши ҳаракатчан зооспоралар ёрдамида амалга ошади. Зооспораларнинг орқа томонида жойлашган битта силлик, қамчи шаклли хивчинчаси бор. Жинсий қўпайиши холо-, изо-, гетеро- ва оогамия типида, бунда зооспорар қўшилади ва тиним даврига киравчи зигота (циста) ҳосил бўлади. Фитопатоген турлар асосан *Chytridiales* тартибига мансуб. Намояндалари – карам ва б. экинларнинг майсалари ва илдизларида чириш қўзғатувчи *Olpidium brassicae*, картошка ракини қўзғатувчи *Synchytrium endobioticum* турлариdir. *S. endobioticum* Ўзбекистонда карантин объект ҳисобланади.

*Зигомикота* (*Zygomycota*) филумига *Zygomycetes*, *Trichomycetes* синфлари ва тахминан 600 та тур киради. Ножинсий қўпайиши спорангий ичидаги (эндоген) ёки ташқарисида (экзоген) ривожланадиган ҳаракатсиз (ёмғир ва/ёки шамол воситасида тарқалувчи) спорангииспоралар воситасида амалга ошади. Буларнинг экзоген спорангииспоралари ҳам конидиялар деб аталиши мумкин. Жинсий қўпайиши зигогамия: гомоталлик турларда битта мицелий, гетероталлик турларда ҳар хил жинсий белгили (“+” ва “-“) иккита мицелий гифаларининг учлари қўшилади, қалин қобиқли зигоспора пайдо бўлади. Тиним давридан сўнг зигоспорада кариогамия ва мейоз ўтади, сўнгра ундан, спорангиифора учидаги бош шаклида жойлашган муртак спорангий ўсиб чиқади; бош ичидаги ёки устида кўп споралари ривожланади. Споралар тарқалиб, субстратга тушгач, улардан мицелий ўсиб чиқади. Мицелийда ножинсий спорангийлар ривожланади ва ножинсий қўпайиш цикли кўп марта тақрорланади. Зигомицетларнинг мицелийси ҳужайраларга бўлинмаган (эски культураларнинг мицелийсида, айниқса спорангийлар ҳосил бўлган жойларида баъзан септалар ҳосил бўлиши мумкин). Субстрат устида ўсган мицелий оқ, кулранг ёки қорамтири тусли, бароқ мөғор ҳосил қиласади.

Зигомицетлар синфига 4 та тартиб киради: *Mucorales*, *Glomales* (*Endogonales*), *Entomophthorales* ва *Zoopagales*. Уларнинг аксарияти тупроқ сапротрофлари, айримлари ўсимлик, инсон, ҳайвон, ҳашаротларнинг

паразитлари, бир қисми эса ўтсимон ўсимликлар билан микориза ҳосил қилувчилардир. Фитопатогенлар қаторига *Mucorales* тартибиға кирудиң факультатив паразитлар – баъзан омборхонада сақланып калған мевалар ва сабзавотларда чириш қўзғатувчи *Rhizopus* spp., *Mucor* spp., қовоқда юмшоқ чириш қўзғатувчи *Choanephora ciscirbitarum* турлари киради.

Аскомицетлар (*Ascomycota*) филумига тахминан 30 000 та тур киради. Уларнинг мицелийси қўп ҳужайрали ва ҳужайралар асосан монокариотик (бир ядроли). Аскомицетларнинг асосий белгиси – жинсий жараёнда, ичида одатда 8 та аскоспорали аск (халтача) ҳосил қилишидир.

Аскомицетлар (ва базидиомицетлар) нинг жинсий кўпайиш босқичини *телеоморфа*, жинссиз кўпайиш босқичини *анаморфа*, тўла организмни эса *голоморфа* деб аташади.

Аскомицетларнинг ривожланиш циклида конидиялар воситасида амалга ошадиган ножинсий кўпайиш катта аҳамиятга эга. Конидиялар гаплоид мицелийдаги тузилиши ҳар хил бўлган конидиофораларда экзоген усууда ҳосил бўлади. Конидиофоралар мицелийда якка-якка ёки даста (коремия) лар, ёстиқча (спородохий) лар, бир-бирига чирмашиб, тулашиб ўсган гифалар устида зич қатлам (ложе) лар устида ёхуд шар ёки нок шакли, устида тешикчали тузилма (пикнида) ларнинг ичида жойлашиши мумкин. Одатда конидиялар тирик ўсимликларда, аскоспоралар эса кўпинча нобуд бўлган ўсимликларда ёки уларнинг айrim қисмларида ўсув даври охирида ёки замбуруғ қишлишидан кейин ҳосил бўлади. Баъзи аскомицетларда конидиал босқич топилмаган бўлиши ёки бутунлай ривожланмаслиги, бошқаларида эса асосий ўрин эгаллаши, аскомицет босқичи кам ҳолларда ривожланиши мумкин. Бу филумнинг айrim гуруҳларида жинсий жараён жуда кам учрайди, бундай турлар табиатда кўпинча конидиал босқичда учрайди. Айни шу сабабдан БНХК аскомицетларнинг аскомицет босқич (телеоморфа) ларнинг номлари билан бир қаторда уларнинг конидиал босқичлари (анаморфалари) учун ҳам мустақил номлар беришга рухсат қилган. Аскомицет босқичи ҳали топилмаган ва фақат конидиялари билан кўпаядиган замбуруғлар анаморф замбуруғлар (дейтеромицетлар) гуруҳига киритилади. Бир қатор анаморф номлар телеоморф номлардан кўпроқ ишлатилади. Баъзи аскомицет замбуруғларнинг 2 хил конидиал босқичи ва иккита конидиал (анаморф) номи мавжуд. Анаморф номлар Базидиомикота филумига мансуб турларнинг конидиал босқичлари учун ҳам қўлланилади.

Аскомицетлар классификацияси кейинги пайтларда қайтадан кўрилмоқда ва уларнинг систематикасининг барча қисмлари мунозараларга сабаб бўлмоқда. Уларнинг филогенетик ёки унга яқин бўлган систематикасини яратиш учун маълумотлар, айниқса молекуляр-генетик анализларнинг натижалари етарли эмас, деб ҳисобланади (Hawksworth, 1995). Шу сабабдан, молекуляр-генетик тадқиқотлар фаол давом эттирилмоқда. Аскомицетлар систематикаси ҳали тўла шаклланмаганлиги сабабли, бу замбуруғлар билан ишлашни осонлаштириш учун, вақтинчалик (“ишчи”) систематикалардан фойдаланилади. Шундай системалардан кенг тарқалгандарига кўра Аскомикота филуми қуйидаги таксонларга бўлинади (таркибида фитопатогенлар бўлган асосий таксонлар

келтирилади).

## I. Архиаскомицетлар – Архиаскомицетес (Archiascomycetes) синфи

Таркибига тахминан 100 та тур киради. Энг қадимий турлар, улардан барча бошқа аскомицетлар келиб чиққан. Баъзи турларининг бир ҳужайрали, бошқаларининг ҳам бир, ҳам кўп ҳужайрали гифалари мавжуд. Мева танаачалари йўқ. Тартиб: Тафриналес – *Taphrinales*. Туркум: Тафрина – *Taphrina*. Юксак ўсимликларнинг облигат паразитлари. Асклари заарланган ўсимлик аъзолари кутикуласи остида, бевосита мицелийда зич қатlam ҳосил қиласди. Ножинсий кўпайиши мавжуд эмас. Мисоллари: шафтоли барглари буралиши, “шишган олхўри”, олчанинг “жодугар супургиси” касалликларининг қўзғатувчилари ва б.

## II. Ҳақиқий аскомицетлар – Эуаскомицетес (Euascomycetes) синфи

Бу синфга барча аскомицетларнинг тахминан 90 фоизи (~27 000 тур) мансуб. Уларнинг ривожланишида жинсий мева танача (клейстотеий, перитеций, апотеций) лари ва ножинсий конидиал споралashi мавжуд. Ножинсий кўпайиши жинсий кўпайишидан кўпроқ учрайди. Эуаскомицетлар таркибида тўртта тартиблар гуруҳи ажратилади: Плектомицетлар (мева танаачалари клейстотецийлар), Пиреномицетлар (мева танаачалари перитецийлар), Дискомицетлар (мева танаачалари апотецийлар) ва Локулоаскомицетлар (мева танаачалари аскостромалар, ёки псевдотецийлар).

*Тартиблар гуруҳи:* Плектомицетлар – Плектомицетес (Plectomycetes). Гурухга мева танаси клейстотеий, баъзан перитеций бўлган замбуруғлар киради. Асклари прототуникат типда, мева танаачаларида тартибсиз равишда жойлашади. Аскоспораларининг тарқалиши пассив.

Тартиб: Эуроцийлар – Эуроциалес – Eurotiales. Оила: Эуроциацеа – Eurotiaceae. Бу оила турлари анаморфа босқичида жуда кенг тарқалган. Анаморфалари – пеницилл (*Penicillium*) ва аспергилл (*Aspergillus*) туркумлари. Баъзи пенициллар омборда сақланаётган уруғли ва цитрус меваларини зарарлайди.

*Тартиблар гуруҳи:* Пиреномицетлар – Пиреномицетес (Rugenomycetes). Гурухга мева танаачалари перитеций, баъзан клейстотеий бўлган замбуруғлар киради. Мева танаачалари қисман субстрат ичида гурухларда стромаларда (зич жойлашган гифа тузилмаси ичида) ёки субстрат устида якка-якка бўлиб эркин жойлашиши мумкин. Асклари унитуникат типда, думалоқ ёки тухумсимон. Аскоспоралари бир ҳужайрали, фаол тарқалувчи.

Тартиб: Микроаскалес (Microascales). Стромалари йўқ. Субстрат устида ёки қисман ичида жойлашган мева танаачалари тўқ тусли перитецийлар (баъзан клейстотецийлар). Аскоспоралар перитецийлардан пассив усулда, шилимшиқ томчиларига аралашиб чиқади. Туркум: Цератоцистис – *Ceratocystis*. Европа ва Шимолий Америкада *C. ulmi* қайрағочнинг голланд касаллигини қўзғатади.

Тартиб: Эризифалес (Erysiphales). Оила: Эризифацеа (Erysiphaceae). Булар

— юксак ўсимликларда ун-шудринг қўзғатувчи облигат паразит замбуруглардир. Стромалари йўқ. Мицелий, конидиялари ва клейстотецийлари субстрат (хўжайин ўсимликлар) устида жойлашади. Бу тартибга мансуб замбуруглар туркумларини аниқлаш учун уларнинг мева таначалари устида жойлашган ўсмаларининг тузилиши ва ичида нечта дона халтacha мавжудлиги ҳисобга олинади. Сферотека (*Sphaerotheca*) туркуми турларининг клейстотецийлари ичида битта халтacha бўлади, устидаги ўсмалари оддий, гифасимон. Эризифе (*Erysiphe*) туркумининг клейстотецийлари Сферотеканикаига ўхшаш, аммо ичида халтачалари бир нечта. *E. graminis* галла экинларига катта зарар етказадиган ун-шудринг касаллигини қўзғатади. Подосфера (*Podosphaera*) туркуми турларининг мева таначалари устидаги ўсмаларининг учки қисмлари дихотомик шохланган, клейстотеций ичида битта аск бўлади. *P. leucotricha* тури олма ва нокнинг хавфли ун-шудринг касаллигини қўзғатади. Левейюла (*Leveillula*) турлари клейстотецийлари анча ясси шаклга эга, ўсмалари оддий, мева таначалари бир неча халтачали. Микросфера (*Microsphaera*) туркуми турларининг мева таначалари Подосфераникаига ўхшаш, аммо ичида бир неча халтacha бўлади. Эман дарахтига, айниқса кўчатзорлардаги ниҳолларига *M. alphitoides* катта зарар етказади. Унцинула (*Uncinula*) туркуми намояндаларининг мева таначалари сал яссилашган, ўсмалари оддий, аммо уларнинг учки қисми илмоқقا ўхшаб ичига букилган, клейстотецийлари бир неча халтачали. Бу туркумга токнинг энг ашаддий — ун-шудринг (оидиум, қул) касаллигини қўзғатувчи *U. necator* тури киради. Филлактиния (*Phyllactinia*) туркумининг мева таначалари устида 2 хил ўсмалари мавжуд: тепа қисмида улар ингичка, шилимшиқ чиқарувчи шохланган гифалар қатламини ҳосил қиласди, ўрта қисмларида эса пастки қисми шишган тикон шакли. Мева таначасида бир неча аск мавжуд бўлади. Бу туркумга тут, ўрмон ёнғоги, қайн ва бошқа дарахларда ун-шудринг қўзғатувчи *P. suffulta* тури мансуб. Бу ерда келтирилган бир неча мисоллардан ташқари ҳар хил туркумларга киравчи ун-шудринг замбуруглари билан бир неча ўнлаб ўтсимон, дарахтсимон экинлар, манзарали ўсимликлар, гуллар ва б. зарарланади.

Тартиб: Хипокреалес (Hypocreales). Стромалари юмшоқ, серэт, оч тусли ёки равшан кўк, тўқ-қизил ва бошқа рангга эга. Асклари тухум ёки цилиндр шакли, учки қисмида тешикчаси бор. Аскоспоралари думалоқ ёки нинасимон, бир ёки бир неча ҳужайрали, одатда аскдан куч билан отиласди. Аксарият турларнинг ривожланиш циклида анаморфа босқичи асосий ўринни эгаллайди ва бу турлар анаморфа шаклида паразитлик қиласди, жинсий босқичи кам учрайди ёки унинг замбуруғ ҳаётидаги аҳамияти кам. Конидиялари фиалидаларда ҳосил бўлади.

Оила: Хипокреацеа (Hypocreaceae). Туркум: Хипокреа (*Hypocrea*). Турлари ҳар хил ўсимлик қолдиқлари ва б. ўсимлик субстратларида сапротрофлардир.

Оила: Нектриацеа (Nectriaceae). Туркумлар: Нектрия (*Nectria*), Калонектрия (*Calonectria*), Гибберелла (*Gibberella*). Намояндалари: мевали ва ўрмон дарахтлари поя ва новдаларида оддий рак қўзғатувчи *N. galligena*, ғалла

майсалари қор остида чиришини қўзғатувчи *C. graminicola* (анаморфаси *Fusarium nivale*), ҳар хил экинларда илдиз ва уруғ чиришини қўзғатувчи *G. fujikuroi* (анаморфаси *Fusarium moniliforme*), ғалла экинлари майсалари, илдизи, пояси ва бошоқларни заарловчи *G. saubinettii* (анаморфаси *Fusarium graminearum*).

артаб: Сфериалес (*Sphaeriales*). Перитецийлари қўзасимон шаклли, тўқ тусли, мицелийда якка-якка ҳосил бўлади. Асклари тўқмоқ ёки цилиндр шаклли, ораларида рангсиз парафизалари мавжуд бўлади. Туркум: Полистигма (*Polystigma*). *P. rubrum* олхўри баргларида полистигмоз (қизил доғланиш) қўзғатади. Перитецийлари қисман барг ичидаги жойлашган стромаларда ҳосил бўлади. Бу турнинг ножинсий кўпайиш орган (конидия) лари йўқ.

Тартиб: Филлахоралес (*Phyllachorales*). Туркум: Филлахора (*Phyllachora*). Турлари йўнғичқа, арпа ва ўтлоқ бошоқли ўтларида доғланишлар қўзғатади.

Тартиб: Диапорталес (*Diaportales*). Перитецийлари Сфериалес тартиби турлариникига ўхшайди.

Оила: Гномониацеа (*Gnomoniaceae*). Перитецийлари мавсум охирида ўсимлик қолдиқлари тўқималарида ҳосил бўлади, улар якка-якка ёки стромаларда жойлашади. Бир қатор турлари конидиал босқичида ўсимликларнинг хавфли касалликларини қўзғатади. Туркум: Гномония (*Gnomonia*). *G. leptostyla* (анаморфаси *Marssonina juglandis*) ёнғоқда антракноз (марссониноз) қўзғатади.

Оила: Вальсацеа (*Valsaceae*). Туркумлар: Вальса (*Valsa*), Леукостома (*Leucostoma*); бу туркумларнинг турлари анаморфа (*Cytospora*, *Leucoscytospora*) босқичларида кўп мевали, ёнғоқ ва ўрмон дараҳтларида рак ва цитоспороз қуриш қўзғатади.

Оила: Диапортациеа (*Diaportaceae*). Туркум: Гломерелла (*Glomerella*). Турларининг анаморфалари ўсимликларда, масалан, *G. cingulata* конидиал босқичи (*Colletotrichum gloeosporioides*) да цитрус ва олма дараҳтларида антракноз қўзғатади. Туркум: Магнапорте (*Magnaporthe*). *M. grisea* конидиал босқичи (*Pyricularia oryzae*) да шолида пирикуляриоз касаллигини қўзғатади.

Оила: Клавиципитацеа, ёки Ўроқкуялар (*Clavicipitaceae*). Перитецийлари оқ ёки оч, кам ҳолларда тўқ, равшан тусли, юмшоқ ёки серэт стромаларда жойлашган. Аскоспоралари ипсимон, аскдан куч билан отилади. Туркум: Клавицепс, ёки Ўроқкуя (*Claviceps*). *C. purpurea* ғалла экинлари ва ёввойи ҳолда ўсуви бошоқли ўтларда йоқкуя касаллигини қўзғатади. Заарланган ўсимликларнинг бошоқларида бинафша-қора тусли, қаттиқ склероцийлар ҳосил бўлади. Қишлиган склероцийлардан бошчаси ва оёқчаси бўлган стромалар ўсиб чиқади.

*Тартиблар гуруҳи:* Дискомицетлар – Дискомицетес (*Discomycetes*). Гуруҳнинг барча турларининг жинсий халтачали мева танаачалари очик – апотеций. Одатда апотецийлар ликопча ёки яссироқ пиёла шаклли, сарик, апельсин, қизил ёки жигарранг тусли. Анаморфа босқичида дискомицетлар конидиал споралаш органларини ва/ёки склероцийларни ҳосил қиласади.

Тартиб: Фацидиалес (*Phacidiales*). Апотецийлари узоқ вақт давомида

мицелий тұдаси ичида қолади. Оила: Эуфацидиацеа (Euphaciidiaceae). Туркум: Ритизма (*Rhytisma*). *R. acerinum* ҳар хил заранг даражти турларининг баргларида қора доғланиш қўзғатади. Доғлар замбуруғнинг склероциал стромалари бўлиб, стромаларда апотецийлар тўкилган баргларида баҳорда етилади. Аскоспоралар ипсимон шаклли. Туркум: Коккомицес (*Coccotyces*). Апотецийлари майда, думалоқ, қора тусли, қисман ўсимлик тўқималари ичида ривожланади. *C. hiemalis* конидиал босқичи (*Cylindrosporium hiemale*) да данакли мевали дaraohтлар баргларида коккомикоз доғланиш қўзғатади. Туркум: Лофодермиум (*Lophodermium*). Кўчатзорларда *L. pinastri* қарағай кўчатлари ва ниҳоллари ялпи нобуд бўлиши (*шютте* касаллиги) ни қўзғатади. Заарланган нинабаргларда узунчоқ шаклли, қора тусли апотецийлар ҳосил бўлади.

Тартиб: Леотиалес (Leotiales, син. Helotiales). Оила: Склеротиниацеа (Sclerotiniaceae). Апотецийлари узун оёқчали, қишилаган склероцийлардан ўсиб чиқади. Туркум: Склеротиния (*Sclerotinia*). Бу туркумга мансуб турлар, масалан, табиатда кенг тарқалган тур – *S. sclerotiorum* ҳар хил ўсимликлар ва уларнинг меваларида оқ чириш қўзғатади. Склероцийлар замбуруғ ноқулай шароитларда ҳаётчанлигини узоқ муддат давомида сақлаш учун хизмат қиласи. Конидиал босқичи йўқ. Туркум: Монилиния (*Monilinia*). Турлари (*M. cydoniae*, *M. fructigena*, *M. fructicola*, *M. mali*, *M. laxa*, *M. cinerea*) конидиал (*Monilia*) босқичида мевали дaraohтларда паразитлик қиласи. Масалан, *M. fructigena* ва б. турлар олма ва нок мевалари чиришини қўзғатади. Склероцийларининг ичи бўш. Апотецийлари кам учрайди.

Оила: Дерматацеа (Dermataceae). Туркум: Псевдопецица (*Pseudopeziza*). Турлари беда (*P. medicaginis*, анаморфаси *Phoma medicaginis*) ва қорағат (*P. ribis*, анаморфаси *Gloeosporium ribis*) да қўнғир доғланиш қўзғатади.

*Тартиблар гуруҳи::* Локулоаскомицетлар – Локулоаскомицетес (Loculoascomycetes). Бу гурухга мансуб турлар аскларини ҳақиқий мева танаачаларида эмас, балки мицелиал стромаларнинг маҳсус бўшлиқлари – локулларда – ҳосил қиласи. Уларнинг стромалари *аскострома*, ёки *псевдотеций*, деб аталади. Асклари битуникат типида, аскоспоралари фаол отиласи.

Тартиб: Мириангiales (Myriangiales). Псевдотецийлари ва локуллари йирик, улар стромада тартибсиз жойлашган. Ҳар бир локулда битта аск мавжуд бўлади. Псевдотецийлар қисман ўсимлик тўқимаси ичида ёки бутунлай тўқима устида жойлашади. Анаморфалари Меланконийларга хос. Турлари ўсимлик баргларида доғлар, поя ва меваларида яралар ҳосил қиласи.

Оила: Мириангиеа (Myriangeaceae). Туркум: Эльсиное (*Elsinoë*). Муҳим турлари қаторига токда конидиал босқичи (*Sphaceloma ampelinum*, син. *Gloeosporium ampelophagum*) да антракноз қўзғатувчи *E. ampelina*, цитрус экинларида конидиал босқичлари (*S. australis*, *S. fawcettii*) да калмараз қўзғатувчи *E. australis*, *E. fawcettii* ва б. турлар киради.

Тартиб: Дотидеалес (Dothideales). Псевдотецийлари қисман хўжайин ўсимлик тўқималари ичида жойлашади, шар ёки нок шаклли, бир ёки бир неча локуллари мавжуд бўлади. Асклар локул ичида даста шаклида жойлашади.

Оила: Дотидиацеа (Dothideaceae). Туркум: Микосферелла (*Mycosphaerella*). Турлари ўсимлик баргларида оқ доғланиш қўзғатади. Масалан, қулупнайды бу касалликни *M. fragariae* (конидиал босқичи *Ramularia tulasnei*) қўзғатади. Туркумнинг бошқа тури – *M. linorum* – анаморфа (*Septoria linicola*) босқичида зигирда пасмо (септориоз) қўзғатади (телеоморфаси МДХ да топилмаган). Туркум: Дишимелла (*Didymella*). Бу туркумга полиз экинларида анаморфа босқичи (*Ascochyta cicerina*) да аскохитоз касаллигини қўзғатувчи *D. bryoniae* ёки *D. melonis* ва баъзи б. турлар мансуб.

Тартиб: Плеоспоралес (Pleosporales). Псевдотецийлари шар ёки бироз яssi шар шаклли, қора тусли.

Оила: Плеоспорацеа (Pleosporaceae). Туркум: Плеоспора (*Pleospora*). Анаморфалари:

Стемфилиум – *Stemphylium* spp., Фома – *Phoma* spp. *Pleospora betaе* анаморфа босқичи (*Phoma betaе*) да қанд лавлагисида фомоз қўзғатади. Туркум: Пиренофора (*Pyrenophora*). Мухим турлари қаторига буғдойда сарик доғланиш қўзғатувчи *P. tritici-repentis* (анаморфаси *Drechslera tritici-repentis*), арпада тўрсимон (*P. teres*, анаморфаси *D. teres*) ва тасма шаклли (*P. graminea*, анаморфаси *D. graminea*) доғланиш қўзғатувчи замбуруғлар киради. Туркум: Кохлиоболюс (*Cochliobolus*). Энг муҳим турлари қаторига ғалла экинлари ва бошқа бошоқли ўсимликларда анаморфа босқичи (*Bipolaris sorokiniana*) да барглари тўқ-қўнғир доғланиши, илдизлари чириши, бошоқ ва донлари доғланиши касалликларини қўзғатувчи *C. sativus*, маккажўхорида анаморфа босқичи (*Bipolaris maydis*) да жанубий доғланиш қўзғатувчи *C. heterostrophus* ва б. киради. Туркум: Сетосферија (*Setosphaeria*). Мухим тури – маккажўхорида анаморфа босқичи (*Exserohilum turcicum*) да шимолий доғланиш қўзғатувчи *S. turcica*.

Оила: Вентуриацеа (Venturiaceae). Туркум: Вентурия (*Venturia*). Бу туркумга олма (*V. inaequalis*) ва нок (*V. pirina*) да калмараз қўзғатувчи муҳим факультатив сапротроф турлар киради. Улар мавсум давомида анаморфа босқичлари (тегишли равишда, *Spilocaea pomii* ва *Fusicladium pyrorum*) да паразитлик қиласида. Псевдотецийлари тўқилган баргларда ҳосил бўлади, аскоспоралар баҳорда етилиб, дараҳтларни заарлайди.

### Анаморф замбуруғлар (Anamorphic fungi) гуруҳи

Бу замбуруғлар илгари Такомиллашмаган замбуруғлар ёки Дейтеромицетлар синфига киритилган. Бу гурухга фанга маълум бўлган замбуруғларнинг тахминан 30 фоизи (30 000 та тур) киради. Мицелийлари кўп хужайрали. Улар фақат ножинсий усулда конидиялари билан (анаморфа босқичида) кўпаяди, жинсий босқичи – асклари ва базидиялари (телеоморфа босқичи) – эволюция жараёнида йўқотилган ёки топилмаган. Дейтеромицетларнинг конидиялари кўп хужайрали, кам ҳолларда бир хужайрали конидия бандларида – конидиофораларда ривожланади. Аксарият ҳолларда улар бирикиб, махсус тузилмалар – коремия, ёстиқча, спородохий ва пикнидаларни ҳосил қиласида.

Бир қатор дейтеромицет турларнинг халтачали, жуда кам ҳолларда

базидиал босқичлари мавжудлиги аниқланган. Уларнинг мисоллари – аскомицет босқичлари кейинчалик топилган *Aspergillus*, *Penicillium*, *Fusarium* ва қўп бошқа туркумларга мансуб турлардир. Дейтеромицетларнинг аксарияти филогенезда аскомицетлар (ва фақат бир нечаси базидиомицетлар) билан боғлиқлиги сабабли, фитопатологлар ва микологлар замбуруғлар систематикасида бу гурухни доим Аскомикота филуми билан ёнма-ён жойлаширишади.

Дейтеромицетларнинг гифалари аксарият ҳолларда гетерокариотик, яъни таркибида ҳар хил, генетик жиҳатдан фарқланувчи ядролари мавжуд. Бундай мицелий унинг гифалари орасида анастомоз ҳосил бўлиши ёки алоҳида ядроларда мутация рўй бериши натижасида пайдо бўлиши мумкин. Парасексуал жараён (гетерокариотик ядролар қўшилиб, диплоид пайдо бўлиши ва кейин рекомбинация ўтиши) кўпинча гетерокариоз билан бирга учрайди. Гетерокариоз ва парасексуал жараён замбуруғларнинг ҳар хил бўлимлари (Оомикота, Зигомикота, Аскомикота) да учраса ҳам, дейтеромицетларда улар ўзгарувчанликнинг асосий механизмиdir.

Анаморф замбуруғлар табиатда жуда кенг тарқалган. Баъзи сапротроф турлар тупроқда органик моддалар парчаланишини таъминлайди ҳамда антибиотик ва бошқа метаболитлар синтез қилиб, фитопатоген микроорганизмларга нисбатан антогонистик хусусият намоён қиласди. Кўп дейтеромицетлар ўсимлик паразитларидир. Улар қўзғатадиган касалликларнинг асосий типларига ўсимликларнинг илдиз, илдизмева, туганак ва мевалари чириши, ўсимлик ер усти аъзоларида доғлар, яралар ва антракноз ҳосил бўлиши ва ўсимликлар сўлиши киради.

Молекуляр-генетик усуллар билан бир қаторда, конидиялар ҳосил бўлиши ва ривожланиши (конидиогенез) ни тадқиқ қилиш дейтеромицетларнинг классификациясини тузишда муҳим роль ўйнайди. Конидиялар ривожланишининг босқичлари, конидиоген хужайра куртакланиши (пролиферация қилиши), конидиофоранинг акроауксик, базауksик ўсиш усуллари, конидияларнинг базипетал, акропетал занжирчалари ва симподиал бошчалари ҳосил бўлиши, конидиялар септалари ҳосил бўлишининг эусептат ва дистосептат усуллари, конидия турлари (таллик, бластик, поро-, фиалоконидиялар ва аннелидларда ҳосил бўладиган конидиялар) ҳақидаги маълумотлар адабиётларда мавжуд (Gams et al., 1987; Ҳамраев, Ҳасанов, Кимсанбоева ва б., 2009).

Узоқ вакт давомида П.А. Саккардо тузган классификация энг кенг қўлланилди. Унга биноан Дейтеромицетлар синфиға 4 та тартиб – Гифомицетлар, Меланконийлар, Сферопсидлар ва Стерил мицелийлар – кирган. Ҳозирги даврда Анаморф замбуруғлар гурухига учта – Гифомицетлар (Нурhomycetes), Целомицетлар (Coelomycetes) ва Агономицетлар (Стерил мицелийлар – Agonomycetes) синфлари киритилади. Бу классификация формал бўлиб, филогенетик бўлмаса ҳам, амалиётда дейтеромицет замбуруғларнинг турларини аниқлаш учун қулай ва ҳозирги даврда қабул қилинган.

## Гифомицетлар – Гифомицетес (Нурhomycetes) синфи

Тартиб: Гифомицеталес (Hymomycetales). Мицелий, конидиофора ва конидиялари рангсиз, оч тусли ёки рангли, түқ тусли. Конидиофоралари мицелийда якка-якка жойлашади ёки бир-бири билан бирикиб дастача (*коремия*) лар ва ёстиқча (*спородохий*) лар ҳосил қиласи. Улар оддий ёки шохланган, калта ёки узун бўлиши мумкин. Конидиялари бир ва/ёки кўп ҳужайрали, узунасига ёки кўндаланг жойлашган септалари мавжуд, ҳар хил шакл ва тусларга эга. Улар конидиофораларда биттадан ёки бошчалар ёхуд занжирчалар ҳосил қилиб жойлашиши мумкин.

Оила: Монилиацеа (Moniliaceae). Мицелий, конидиофора ва конидиялари рангсиз (баъзан фақат конидиялари рангли бўлиши мумкин). Туркум: Монилия (*Monilia*). Турлари *Monilinia* туркумига мансуб дискомицетларнинг анаморфалариидир. Туркум: Ботритис (*Botrytis*). Бу туркум турлари *Botryotinia* туркумига мансуб дискомицетларнинг анаморфалариидир. Намояндалари: *B. cinerea* мева ва сабзавотларнинг кулранг чиришини, *B. allii*, *B. squamosa* ва *B. byssoides* – пиёз ва саримсоқ бошларининг бўғзи чиришини қўзғатади. Туркум: Оидиум (*Oidium*). Турлари *Erysiphales* тартибига мансуб ун-шудринг замбуруғларининг анаморфалариидир. Мисол сифатида токда ун-шудринг қўзғатувчи *Uncinula necator* турининг анаморфаси *Oidium tuckeri* ни кўрсатиш мумкин. Туркум: Вертицилл (*Verticillium*). Мисол: ғўзада сўлиш қўзғатувчи *V. dahliae* тури. Туркум: Пеницилл (*Penicillium*). Конидиофоралари панжа шаклида шохланган, конидиялари занжирчаларда жойлашади. Фитопатоген турларига мева (айниқса олма) ва сабзавотларда (*P. expansum*, *P. glaucum*), цитрус меваларида (*P. digitatum*, *P. italicum*) чириш (моғор) қўзғатувчи ва б. турлар киради. Туркум: Аспергилл (*Aspergillus*). Конидиофораларининг учи шар шаклида шишган, конидиялари занжирчаларда жойлашади. Фитопатоген турларидан мева ва сабзавотларда қора моғор қўзғатувчи *A. niger* турини кўрсатиш мумкин. Туркум: Триходерма (*Trichoderma*). Конидиялари шар шакли, конидиофораларнинг шохчаларида шилимшиқ билан бириккан бошчалар ҳосил қиласи. *T. viride* (син. *T. lignorum*), *T. harzianum* ва б. турлари фитопатоген замбуруғларга қарши биологик курашда қўлланилади. Туркум: Трихотециум (*Trichothecium*). Конидиялари 2 ҳужайрали, рангсиз. Намояндаси – *T. roseum*, сапротроф, баъзан меваларда нимранг моғор қўзғатади. Туркум: Рамулярия (*Ramularia*). Конидиофоралари баргнинг остки томонида устъицалардан дасталарда чиқади, улар оддий, калта; конидиялари 1-3 септали, цилиндр ёки овал шакли, рангсиз. *R. tulasnei* тури қулупнай баргларида оқ доғланиш қўзғатади

Оила: Дематиацеа (Dematiaceae). Мицелий, конидиофора ва конидиялари түқ (зайтун, жигарранг, қўнғир, қора) тусли, фақат баъзи (Церкоспора ва б. туркумлари) турларининг конидиялари рангсиз бўлиши мумкин. Туркум: Кладоспориум (*Cladosporium*). Конидиялари 2 (баъзилари 1-5) ҳужайрали, тухум шакли, оч-қўнғир тусли. Фитопатоген турларидан помидор (*C. fulvum*) ва полиз (*C. cicuterinum*) экинларида кладоспориоз қўзғатувчиларини кўрсатиш мумкин. Туркум: Фузикладиум (*Fusicladium*). Намояндаси – нокда калмараз қўзғатувчи *F. pyrorum* (*Venturia pirina* локулоаскомицет турининг анаморфаси). Конидиялари (кенг) урчуқ шакли, 1 (2) ҳужайрали, зайтун-

қўнғир тусли. Туркум: Спилоцеа (*Spilocaea*). Намояндаси – олмада калмараз қўзғатувчи *S. pomi* (*Venturia inaequalis* турининг анаморфаси). Конидиялари тухум, ланцет, тескари нок ёки тескари тўқмоқ ва б. шаклли, 1 (3) ҳужайрали, зайдун тусли. Туркум: Церкоспора (*Cercospora*). Конидиялари оч тусли, баъзан рангиз, узун, урчук шаклли, кўп ҳужайрали. Намояндаси – қанд ва хўраки лавлагида церкоспороз қўзғатувчи *C. beticola*. Туркумлар: Биполярис, Дрехслера, Экзерохилум (*Bipolaris*, *Drechslera*, *Exserohilum*) – юқорида кўрсатилган Кохлиоболюс, Пиренофора ва Сетосферия (*Cochliobolus*, *Pyrenophora*, *Setosphaeria*) локулоаскомицет туркумларининг анаморфалари. Туркум: Альтернария (*Alternaria*). Конидиялари тескари тўқмоқ, тухум ва б. шаклли, зайдун-қўнғир, оч-қўнғир ва бошқа тусли, энига, бўйига ёки қийшиқ жойлашган септалари мавжуд, баъзи турларда занжирчаларда. Паразит турлари қаторига ғўзада (*A. macrospora*, *A. alternata*), карамда (*A. brassicae*), картошка, помидорда (*A. solani*) ва б. кўп ўсимликларда альтернариоз қўзғатувчи турлар киради. Туркум: Стемфилиум (*Stemphylium*). Конидиялари кўпинча думалоқ, баъзан тухум ёки б. шаклли, энига, бўйига ва қийшиқ жойлашган септалари бор, бинафша, оч-кулранг-қўнғир, сариқ-қўнғир, зайдун-қўнғир ва б. тусли. Намояндалари – пиёз ва саримсоқни заарловчи *S. allii* ва *S. botryoicum* турларидир.

Оила: Туберкуляриацеа (Tuberculariaceae). Конидиялари мицелийда якка-якка ёки кўпинча ҳар хил ёстиқча (спородохий, пионнот) ларда шилимшиқ ичида ҳосил бўлади. Туркум: Фузариум (*Fusarium*). Бу туркум турлари Nectriaceae оиласининг *Gibberella*, *Calonectria* ва б. туркумлар турларининг анаморфаларидир. Ўроқ, ёй шаклида эгилган ёки деярли тўғри, рансиз макрова микроконидиялари бор. Мицелий кўпинча оқ, оқиш-нимранг, пушти, пушти-бинафша, қўнғир ва б. тусли. Баъзи турлари хламидоспоралар ҳосил қиласи. Энг кенг тарқалган тур – *F. oxysporum* – кўп экинларда сўлиш ва фузариоз қўзғатади.

### **Целомицетлар – Целомицетес (Coelomycetes) синфи**

Тартиб: Меланкониалес (Melanconiales). Оила: Меланкониацеа (Melanconiaceae). Конидиофоралари ёстиқча (ёки бўртма, диск ва б. – “ложе”) ларда ҳосил бўлади. Одатда ёстиқча ўсимлик тўқимаси ичида жойлашиб, шилимшиқ модда билан ўралган ва устки қисми тўқима қобиғи (кутикула, эпидермис ёки перидерма) билан қопланган бўлади. Етилган ёстиқчалар тўқима қобиғини ёриб, ташқарига очилади. Натижада заарланган ўсимлик баргларида доғланишлар, мева, поя ва новдаларида тўқимага чуқур кирган яра (*антракноз*) лар ҳосил бўлади. Бу поя ва новдалар синиб кетиши мумкин. Туркум: Коллетотрихум (*Colletotrichum*). Конидиофоралари калта, дасталарда, ёстиқча четларида тўқ, деярли қора тусли қиллари мавжуд. Конидиялари тухум шаклли, 1 ҳужайрали. Турлари ловия, мош, нўхатда (*C. lindemuthianum*), мандаринда, кам ҳолларда б. цитрус экинларида (*C. gloeosporioides*), анжирда (*C. caricae*) ва б. ўсимликларда антракноз қўзғатади. *C. gloeosporioides* турининг телеморфаси пиреномицет *Glomerella cingulata*. Туркум: Сфацелома (*Sphaceloma*). Конидиялари 1 ҳужайрали, овал, цилиндр ёки конус шаклли,

рангсиз, шилимшиқ билан қопланган. Турлари токда (*S. ampelinum*), анорда (*S. rupicæ*) антракноз, цитрус экинларида калмараз (*S. australis*, *S. fawcettii*) қўзғатади. Телеоморфалари Локулоаскомицетларнинг *Elsinoë* туркумига мансуб. Туркум: Марсонина (*Marssonina*). Ўзбекистон (ва б. қўшни мамлакатлар) да ёнғоқда антракноз (қўнғир доғланиш) касаллигини *M. juglandis* (телеоморфаси пиреномицет *Gnomonia leptostyla*) қўзғатади. Конидиялари рангсиз, улар икки хил: макроконидиялари 2 хужайрали, ўроқ шаклли, учлари ёки бир учи ўткирлашган; микроконидиялари таёқча шаклли ёки сал букилган. Туркум: Цилиндроспориум (*Cylindrosporium*). Конидиялари ипсимон, рангсиз. *C. hiemale* данакли мевали дараҳтларда коккомикоз қўзғатади, телеоморфаси дискомицет *Coccotyces hiemalis*.

Тартиб: Сферопсидалес (*Sphaeropsidales*). Оила: Сферопсидаеа (*Sphaeropsidaceae*). Конидиялари ёпиқ мева танача – пикнида – ичидаги ҳосил бўлади. Пикнидалари тўқ тусли, думалоқ, эллипс ва б. шаклли, қаттиқ, терисимон, оғизча (устыица) си бор ёки йўқ, субстрат ичидаги ёки устида жойлашади. Патоген турлари факультатив паразитлар бўлиб, улар ўсимликларда доғланишлар, некрозлар ҳосил қиласди, баъзан заарланган аъзолар қурийди. Туркум: Фома (*Phoma*). Конидиялари 1 хужайрали, рангсиз. Паразит турлари кўп, ҳар хил ўтсимон ва дараҳтсимон ўсимликларнинг ҳар хил аъзоларини (мева, туганак ва б.) заарлайди. Масалан, *P. exigua* 46 оиласи мансуб турларда фомоз, жумладан картошкада гангрена қўзғатади, сабзини *P. rostrupii*, лавлагини *P. betae* заарлайди ва ҳ. Туркум: Фомопсис (*Phomopsis*). Конидиялари пикнидалардан шилимшиқ ичидаги чиқади. Улар икки хил: α-конидиялари эллипс-урчуқ шаклли, бир ёки ҳар икки учи ўткирлашган ёки аксинча, тўмтоқлашган; β-конидиялари ипсимон, эгилган ёки илмоқсимон букилган. Турлари қаторига анжирда фомопсис рак қўзғатувчи *P. cinerescens* ва токда доғланиш қўзғатувчи *P. viticola* киради. Туркум: Сферопсис (*Sphaeropsis*). Конидиялари тухум шаклли, тўқ тусли. Энг заарли турлар қаторига олмада қора рак қўзғатувчи *S. malorum* киради; у кўп бошқа мевали дараҳтларни ва ёнғоқни ҳам заарланиши мумкин. Телеоморфаси локулоаскомицет *Botryosphaeria stevensii*. Туркум: Аскохита (*Ascochyta*). Конидиялари 2 хужайрали, рангсиз. Турлари кўп хил экинларда доғланиш (ascoхитоз) лар қўзғатади. Жумладан, аскохитозларни нўхатда *A. rabiei*, ловия ва мошда *A. boltschaeuseri* ва *A. phaseolorum*, ўриснўхатда *A. pisi*, ҳар хил полиз экинларида *A. cicutis* қўзғатади. Туркум: Диплодия (*Diplodia*). Конидиялари 2 хужайрали, рангли. *D. zea* қўзғатадиган диплодиоз маккажўхорининг энг хавфли касалликларидан биридир. Туркум: Септория (*Septoria*). Конидиялари таёқча, цилиндр ёки ип шаклли, кўп хужайрали. Турлари буғдойда (*S. tritici*, *S. nodorum*), помидорда (*S. lycopersici*) ва б. ўсимликларда септориоз қўзғатади. Туркумлар: Цитоспора (*Cytospora*), Леукоцитоспора (*Leucocytospora*). Бу туркумларнинг турлари (*C. sacculus*, *L. cincta*) *Valsa* ва *Leucostoma* туркумларига мансуб бўлган пиреномицетлар (*V. ceratosperma*, *L. cincta*) нинг анаморфалари бўлиб, улар кўп мевали дараҳтларда цитоспороз – инфекцион қуриш касаллигининг қўзғатувчилари. Бу оиласи бошқа туркумлари қаторига Плендомус (*Plendomus*), Филостикта (*Phyllosticta*), Полистигмина

(*Polystigmina*), Дотиорелла (*Dothiorella*), Дарлюка (*Darluca*), Ампеломицес (*Ampelomyces*) ва б. киради.

### Агономицетес, ёки Стерил Мицелийлар (Agonomycetes or Mycelia Sterilia) синфи

Бу гурухга жинсий ва ножинсий споралари бўлмаган замбуруғлар киради, улар фақат мицелий ва склероцийларга эга. Шу сабабдан уларни Стерил мицелийлар (*Mycelia sterilia*) деб аташади. Буларга иккита туркум киради.

Туркум: Склероциум (*Sclerotium*). Мицелийлари шохланган, одатда оқ тусли, склероцийлари майда, думалоқ, дифференцияланган (уч хил тўқималардан иборат). Ҳозир бу туркумга киритилган баъзи турларнинг споралари топилган. Жумладан, маккажўҳори поялари, лавлаги илдизмевалари ва кўп бошқа ўсимликларнинг ҳар хил аъзоларида чириш қўзғатувчи *S. bataticola* турининг пикнида босқичи (*Macrophomina phaseoli*) топилган ва шу сабабдан у дейтеромицетларнинг сферопсидлар тартибига ўтказилган. Ловия, ерёнгоқ, помидор ва кўп б. экинларда жанубий склероциал чириш қўзғатувчи *S. rolfsii* турининг такомиллашган базидиал босқичи (*Athelia rolfsii*) мавжудлиги аниқланган. Бу туркумга киравчи 3-нчи тур – пиёз ва саримсоқда оқ чириш қўзғатувчи *S. cepivorum* турининг споралари ҳозиргача топилмаган.

Туркум: Ризоктония (*Rhizoctonia*). Мицелийлари шохланган, тузи сарғиши ва оч-қўнғирдан тўқ-қўнғиргача. Склероцийларининг таркиби дифференцияланмаган (бир хил тузилишга эга). Ҳозирги пайтларда бу туркум турларининг замонавий систематикаси яратилмоқда. Уларни иккита катта гурухга бўлишади. Биринчи гурухга гифа хужайраларида одатда ўртача иккита ядролари бўлган тахминан 5-6 та тур, иккинчи гурухга хужайраларида кўп ядролари бўлган 10 тадан кўпроқ турлар киритилади. Яна тахминан 10 та турнинг гифаларининг хужайраларидаги ядролари сони ҳали аниқланмаган.

Бу турларнинг кўпчилигининг базидиал босқичлари топилган. Хужайралари 2 ядроли турларнинг телеморфалари *Ceratobasidium*, кўп ядроли турларники эса *Thanatephorus* ва *Waitea* туркумларига мансуб эканлиги аниқланган. Ундан ташқари турлар уларнинг гифалари бир-бири билан анастомоз қилиш хусусияти мавжудлиги ёки йўқлиги асосида ҳам бир қанча гурухларга бўлинади.

*Rhizoctonia* туркумига мансуб турлардан экинларга энг катта заар етказадигани *R. solani* бўлиб, у ғўза, сабзавот, полиз, ғалла, картошка, қанд ва хўраки лавлаги, доривор, манзарали (гуллар), баъзи дарахтлар ва б. экинлар майсалари, нихоллари, илдизи, поялари ва мевалари чиришини қўзғатади. Анастомоз гурухлари, гифа хужайралари таркибидаги мой кислоталарининг турлари ва миқдори, нуклеин кислоталарининг характеристикалари ва б. белгиларни тадқиқ қилиш асосида *R. solani* тури тахминан 25 тадан кўпроқ мустақил турга ажратилиши кутилмоқда (Agrios, 2008; Xасанов, 2009).

### Базидомикота (Basidomycota) филуми

Базидомикота (*Basidomycota*) филумига тахминан 25 000 та тур киради.

Уларнинг характерли белгилари – мицелий ҳужайраларга бўлинган, ҳужайра қобиғи хитин ва глюкан, баъзи турларда маннандан иборат, ҳужайралари дикариотик, кўп турларнинг гифаларида долипор септалари ҳамда “тўқалари” мавжуд, жинсий кўпайиши базидиоспоралар воситасида амалга оширилади. Базидиоспоралар махсус органлар – базидия (зигота) лар – устида (эззоген усулда) пайдо бўлади. Битта базидия устида одатда 4 та, баъзи турларда ёки ҳолларда 2 та ёки 8 та базидиоспора ривожланади. Ҳар бир спорадан бирламчи гаплоид мицелий ўсиб чиқади. Тезда битта мицелийнинг 2 та ҳужайраси (гомоталлик турларда) ёки иккита мицелийнинг биттадан ҳужайралари (гетероталлик турларда) қўшилади, янги пайдо бўлган ҳужайра ичida ядролари яқинлашиб, дикарион (жуфтлик) лар ҳосил қиласди. Бу ҳужайра ўсиб, ундан дикариотик (ҳужайралари 1 жуфт ядроли) мицелий ривожланади. Дикариотик мицелий узоқ яшами мумкин, мисол учун қалпоқчали замбуруғлар ва дараҳтларни заарловчи бўқоқ замбуруғларнинг мицелийлари кўп йиллик. Дикариотик мицелийда терминал ҳужайралар – базидиялар ҳосил бўлади; уларнинг 2 та ядроси қўшилади (кариогамия), сўнгра мейоз ва митоз кузатилади. Базидия устида стеригмалар ҳосил бўлади, ҳар бир стеригма устида битта базидиоспора ривожланади. Базидиядан стеригмалар орқали ҳар бир базидиоспорага биттадан ядро ўтади.

Базидия бир ҳужайрадан иборат бўлса *холобазидия*, 2 ёки 4 қисм (ҳужайра) дан ташкил топса, *гетеробазидия* дейилади. Агар базидия кўндаланг септалар воситасида 4 та ҳужайрага бўлиниб, уларнинг ҳар бирининг ён томонида стеригмаларда 4 та базидиоспора ривожланса, у *фрагмобазидия* дейилади.

Базидия (ва базидиоспора) лар бевосита мицелийда ҳосил бўлиши ёки кўп турларда шакли, катталиги, тузи ва консистенцияси ҳар хил бўлган мева таначаси (*базидиокарп*) ичida ёки устида жойлашиши мумкин. Базидиомицетларнинг жинссиз кўпайиши кам учрайди ва конидиялар (мицелий фрагментацияси воситасида пайдо бўладиган артроконидиялар, оидиялар, бошқа фрагментлар), хламидоспоралар, баъзан бластоконидиялар орқали амалга ошади.

Бу замбуруғлар аскомицетлардан келиб чиқсан, деб ҳисобланади. Базидиомикота филуми 3 та синфга бўлинади: Базидиомицетес, Устилягиномицетес ва Урединиомицетес. Қуйида улар ҳақида қисқа маълумотлар келтирилади.

### **Базидиомицетлар – Базидиомицетес (*Basidiomycetes*) синфи**

Бу синфга мансуб турларниг характерли белгилари – септалари долипоралар, септа тешикчаларининг қалпоқчалари мавжуд, ҳужайра деворчалари таркибидаги карбонсувлари ГЛЮКОЗА/манноза/ксилоза.

Гомобазидиомицетлар – Гомобазидиомицетес (*Homobasidiomycetes*) кенж синфи. Базидиялари 1 ҳужайрали (холобазидия), тўқмоқ ёки цилиндр шакли. Бу кенж синфга 2 та – гименомицетлар ва гастеромицетлар гурухлари киради.

Гименомицетлар – Гименомицетес (*Hymenomycetes*) гурухи. Базидиялари

мева танаачаларининг устида ҳосил бўлади. Гурухга 12 000 дан кўпроқ тур киради. Характерли белгиси – кўп йиллик мицелийларида йирик мева танаачалари ҳосил бўлишидир. Гименомицетлар ҳам шартли равишда 2 та – гименофорлари (мева танаачасининг базидиялардан ташкил топган гимениал қатлами) пластинка (агарикоид) шаклли ва бошқа (силлик, бурушиқ, тиканчали ёки қувурсимон – афиллофороид) шаклли гурухларга бўлинади. Фитопатоген турларга Полипоралес (*Polyporales*) тартибига кирувчи бўқоқ замбуруғлар (Фомитопсис – *Phomitopsis* ва Фомес – *Fomes* туркумлари турлари) ва б. тартибларга мансуб турлар киради.

Гастеромицетлар – Гастеромицетес (*Gasteromycetes*) гурухига мансуб турларнинг базидиялари мева танаачаларининг ичида жойлашади. Гурух таркибида фитопатоген турлар йўқ.


Гетеробазидиомицетлар – Гетеробазидиомицетес (*Heterobasidiomycetes*) кенжা синфи. Базидиялари гетеробазидиялар. Гурух таркибида фитопатоген турлар йўқ.

### **Устилягиномицетлар – Устилягиномицетес (*Ustilaginomycetes*) синфи**

Бу синф турлари облигат паразитлар бўлиб, уларнинг характерли белгилари – базидиялари холо- ёки гетеробазидия, долипора септалари мавжуд эмас, септа тешикчаларининг қалпоқчалари йўқ, хужайра деворчалари таркибидаги карбонсувлари ГЛЮКОЗА/манноза/галактоза. Мева танаачалари йўқ. Базидиялари маҳсус, қалин қобиқли спора – телиоспоралардан ўсиб чиқади.

Тартиб: Экзобазидиалес (*Exobasidiales*). Тартибига 4 та туркум ва тахминан 50 та фитопатоген тур киради. Базидиялар қатлами ўсимлик эпидермиси остида, бевосита мицелийда ҳосил бўлади ва сўнгра эпидермисни ёриб, ташқарига очилади. Ҳар бир базидияда 2 ёки 4 (кам ҳолларда 6 ёки 8) базидиоспора ҳосил бўлади. Улар шамол билан бошқа ўсимликларга тушади ва уларни заарлайди. Туркум: Экзобазидиум (*Exobasidium*). Турлари брусника, чой буталари ва б. ўсимликларни заарлайди.

Тартиб: Устилягиналес (*Ustilaginales*) – Қоракуя замбуруғлари. Тартибига икки оила, 25 тадан кўпроқ туркум ва тахминан 1 200 та тур киради. Улар кўп, ҳар хил экинларни заарлайди, айниқса ғалла экинларига катта заар етказади. Ўсимликларнинг заарланган тўқималари емирилади ва уларда кукун шаклидаги қоракуя споралари (телиоспоралар) ҳосил бўлади. Телиоспораларнинг қобиқларининг тузилиши турлича (3-расм). Телиоспоралар ўсиб, калта мицелиал найда шаклли промицелий (базидия) ва унда майда, рангиз споридий (базидиоспора) лар ҳосил қиласади.



Қоракуя замбуруғларининг телиоспоралари: тепада – *Tilletia*; чапда – *Urocystis*; ўнгда – *Ustilago* (Попкова и др., 2005).

Қоракуя замбуруғларининг мицелийси дикариотик, у хужайралараро бўшлиқларда

тарқалади ва хужайраларга гаусториялари ёрдамида киради. Телиоспоралар ривожланиши жараёнида ядролар қўшилади ва етилган

телиоспора диплоид ядрога эга бўлади. Телиоспора ўсганида мейоз жараёнида диплоид ядро бўлинади ва гаплоид ядролар ҳосил бўлади, улар споридийларга ўтади ва гаплоид базидиоспоралар ҳосил бўлади. Базидиоспоралар ўсиши пайтида қўшилиб, дикариотик мицелий ҳосил қиласи ва замбуруғнинг ривожланиш цикли давом этади.

Оила: Устилягинацеа (*Ustilaginaceae*). Телиоспоралари майда, қобиги силлиқ ёки жуда майда тикончалар билан қопланган. Турлари кўп ғалла экинларини уруг ўсиши ёки ўсимлик гуллаши даврида, қўпинча системали заарлайди. Туркум: Устиляго (*Ustilago*). Муҳим турлари – буғдойда чанг (*U. tritici*), арпада чанг (*U. nuda*) ва қаттиқ (*U. hordei*), маккажўхорида пуфакли (*U. ziae*), сулида чанг (*U. avenae*) ва қопланган (*U. laevis*) қоракуя касалликларининг қўзғатувчилардир. Туркум: Сороспориум (*Sorosporium*). *S. reilianum* тури маккажўхорида чанг қоракуя қўзғатади – унинг оталик ва оналик тўпгулларини заарлаб, ичи телиоспораларга тўла пуфакчалар ҳосил қиласи. Туркум: Сфацелотека (*Sphaceloteca*). *S. panici-miliacei* тариқда чанг қоракуя қўзғатади.

Оила: Тиллециацеа (*Tilletiaceae*). Туркум: Тиллеция (*Tilletia*). Телиоспоралари анча йирик. Муҳим турлари – буғдойда қаттиқ (*T. tritici* = *T. caries*, ) ва паканалик (*T. controversa*), жавдарда қаттиқ (*T. secalis*) ва буғдойда ҳинд (*T. indica* – карантин объект) қоракуяларини қўзғатувчилардир. Туркум: Уроцистис (*Urocystis*). Телиоспоралари одатда думалоқ шакли тўдалар ҳосил қиласи, уларнинг 1-2 марказий йирик, тўқ тусли фертил споралари майдароқ, оч тусли стерил хужайралар билан ўралган бўлади. Телиоспоралар кўпинча хўжайнин ўсимликларнинг вегетатив аъзоларида ҳосил бўлади. Турлари – буғдойда поя (*U. tritici*), жавдарда поя (*U. occulta*) қоракуялари ва пиёзда (*U. serulae*) оддий қоракуя қўзғатувчиларидир. Туркум: Энтилома (*Entyloma*). Таркибига тахминан 100 та тур киради. Бу туркум турлари билан заарланган ўсимликларнинг барг, поя, гулбандлари, баъзан илдизларида ичи телиоспоралар билан тўла бўлган доғлар ва шишлар ҳосил бўлади. Заарланадиган ўсимликлар қаторига бошоқли ўтлар ва б. киради.

*Ғалла экинларининг қоракуялари*. Буғдой ва арпа қоракуяларини ташқи белгиларига қараб ажратиш мумкин: чанг қоракуя билан заарланган бошоқларнинг ўзагидан ташқари барча қисмлари кўнғир, тўқ-кўнғир, деярли қора тусли телиоспораларга айланади. Улар олдин оқиши парда билан қопланган, кейин бу парда йиртилади, телиоспоралар чангта ўхшаб, тарқалиб кетади; қаттиқ қоракуя билан заарланган бошоқда дон пўсти бутунлигича қолади, аммо унинг ичи дон қисмларига эмас, балки кўнғир, тўқ-кўнғир, деярли қора тусли телиоспораларга тўла бўлади, бундай дон қоракуя халтачалари деб аталади.

Ўсимлик қайси фазасида заарланишига қараб қоракуя қўзғатувчилари шартли равища 5 та гурухга бўлинади: 1-гуруҳ – бузгой қаттиқ қоракуяси типи – а) уруғлик устида; б) тупроқда уруғ ёнида; в) уруғ пардаси остида (уруги пардали турларда) сақланадиган телиоспоралар орқали ўсаётган уруғ (майса) заарланади. Бу қоракуялар хўжайнин ўсимликларни майса фазасида заарлайди, системали (диффуз) ривожланади ва ўша мавсумда бошоқдаги дон ўрнига қоракуя халтачаларини ҳосил қиласди. Намояндалари – буғдойнинг қаттиқ ва поя қоракуялари, арпанинг тош (қаттиқ) ва сохта чанг (қора) қоракуяси ва б. 2-гуруҳ – бузгой чанг қоракуяси типи – ўсимлик гуллаш пайтида гул орқали заарланади. Мицелий уруғдонга, сўнгра муртакка ўтади, уни заарлайди ва ҳосил бўлган, ташқи кўриниши соғлом бўлган дон ичида сақланади. Кейинги мавсумда бундай дон унганда, мицелий ҳам ўсади ва ўсимликларда диффуз шаклда ривожланади ҳамда уларда касалликнинг – чанг қоракуяларнинг белгилари намоён бўлади, яъни бошоқларида дон ўрнига телиоспора тўдалари ҳосил бўлади. Намояндалари – буғдой ва арпанинг чанг қоракуялари. 3-гуруҳ – маккажўхорининг пуфакли қоракуяси типи. Патоген хўжайнин ўсимликни майса фазасида ҳам, сўнгра деярли бутун ўсув даврида ҳам заарлайди, заарланган сўта, поя ва баргларда ичи телиоспоралар билан тўлган, пуфак шаклли шишлар ҳосил қиласди. Бунда заарланиш 1-гуруҳдаги каби (1-тип бўйича) амалга ошади, аммо ундан фарқли ўлароқ, заарланиш ўсув даврида кўп марта қайтарилади. Инфекция уруғнинг ташқи қисмларида ва тупроқда қишлияди ва кейинги йили ўсимлик ниҳолларини заарлайди. Намояндаси – маккажўхори пуфакли қоракуясининг ўзи. 4-гуруҳ – бузгой паканалик қоракуяси типи – ўсиш даврида уруғдан янги унган майсаларнинг тупроқка яқин қисми заарланади. Замбуруғ телиоспоралари тупроқда 4 йилдан кўпроқ сақланиши мумкин. Намояндаси – буғдой паканалик қоракуясининг ўзи. 5-гуруҳ – бузгой ҳинд қоракуяси типи – ўсимликлар 2-гуруҳдаги каби гуллаш пайтида гул орқали заарланади, аммо ундан фарқли равища 1) касаллик бошоқларда айни мавсумда намоён бўлади; 2) кўпинча ўсимлик бошоғининг баъзи бошоқчалари, бошоқчалар ичида баъзи донлар ва донларнинг барча ёки фақат баъзи қисмлари заарланади. Бу қоракуя Ўзбекистонда карантин касаллик ҳисобланади. Гуруҳ намояндаси – буғдой ҳинд қоракуясининг ўзи.

### **Урединиомицетлар – Урединиомицетес (Urediniomycetes) синфи (Занг замбуруғлари)**

Бу синф турлари облигат паразитлар бўлиб, уларнинг характерли белгилари – базидиялари фрагмобазидиялар, долипора септалари ва септа тешикчаларининг қалпоқчалари йўқ, хужайра деворчалари таркибидаги карбонсувлари МАННОЗА/глюкоза/галактоза/фруктоза.

Тартиб: Урединалес (Занг замбуруғлари) (Uredinales). Занг замбуруғларининг спермацийлар деб аталувчи оталик хужайралари спермагонийда жойлашган оналик хужайрасига маҳсус, рецептив (қабул қилувчи) гифа орқали киради. Базидиялари маҳсус, қалин қобиқли спора – телиоспоралардан ўсиб чиқади.

Заарланган ўсимликлар апельсин ёки қизгиш-қўнғир тусли ёстиқчалар билан қопланади, шу сабабдан қўзғатувчилар занг замбуруғлари номини олган.

Занг замбуруғларининг ривожланиш циклида бирин-кетин келадиган (бир-бирини алмаштирадиган) 5 хил (0, I, II, III ва IV рақамлари билан белгиланувчи) споралаш типлари мавжуд<sup>3</sup>. Уларнинг ғалла экинида занг қўзғатувчи замбуруғ тури мисолидаги таҳлилини қўйида келтирамиз. 0 – оралиқ хўжайин ўсимликда ривожланувчи спермагоний (пикнида) лар ва уларнинг ичидаги спермаций (пикниоспора) лар. Спермацийлар ( $n$ ) ўсимликларни заарламайди, улар фақат жинсий жараёнда мицелий дикариотизациясида қатнашади. I – оралиқ хўжайин ўсимликда ривожланувчи эцийлар ( $2n$ ) ва эциоспоралар ( $2n$ ). Бу споралар ғалла экинларини ва ёввойи ҳолда ўсуви ҳар хил бошоқли ўтларни заарлайди. II – ғалла ўсимлигига ривожланувчи ёстиқча (урединия) лар ( $2n$ ) ва урединиоспоралар ( $2n$ ). Урединиоспоралар ўсимликларни қайта-қайта заарлайди ва 1 мавсумда бир неча авлод беради. III – ғалла ўсимликлари барглари ва/ёки поялари ёхуд бошқа аъзоларида, олдин урединиялар бўлган жойларда ривожланувчи телиялар ( $2n$ ) ва телиоспоралар ( $2n$ ). Бу споралар қўзғатувчи замбуруғ қишилаши ва унинг генетик материали янгиланиши учун хизмат қиласди. IV – баҳорда телиоспоралар ўсиб ҳосил қиласдиган базидиялар ва базидиоспоралар ( $n$ ). Базидиоспоралар фақат оралиқ хўжайин ўсимликларни заарлайди ва уларда спермагоний ва эцийлар ҳосил қиласди.

Занг замбуруғининг барча (5 та) споралаш типлари мавжуд бўлган турини *тўлиқ цикли*, баъзи споралаш типлари бўлмаганини *нотўлиқ цикли* тур деб аталади. Тўлиқ цикл ривожланиши уч босқичдан иборат. Б и р и н ч и, эциал, ёки баҳорги босқичда замбуруғ спермагонийларида спермацийлар (0) ва эцийларида эциоспоралар (I) ҳосил бўлади. И к к и н ч и – ёзги, ёки урединиобосқичда ёстиқча (урединия) ларда урединиоспоралар (II) ривожланади. У ч и н ч и – қишики, ёки телииобосқичда телиялarda телиоспоралар (III) ҳосил бўлади; улар баҳорда ўсиб, базидиоспоралар (IV) ҳосил қиласди.

Занг касаллиги қўзғатувчисининг ривожланиш цикли фақат битта ўсимлик турида ўтса, бу замбуруғ якка хўжайнли тур, иккита ўсимлик турида ўтса ҳар хил хўжайнли тур, деб аталади. Ҳар хил хўжайнли занг замбуруғининг спермагониал ва эциал босқичлари ривожланадиган ўсимлик *оралиқ хўжайн ўсимлик*, урединио- ва телииобосқичлари ривожланадиган ўсимлик эса *асосий хўжайн ўсимлик*, деб аталади.

Буғдойни занг касалликларидан ҳимоя қилиш жуда муҳим, чунки улар катта майдонларга тез тарқалиб, ҳосилга ўта жиддий зарар етказади. Ўзбекистонда буғдойда кенг тарқалган занг турлари ва уларга қарши кураш чоралари ҳақида батафсил маълумотлар илмий адабиётларда мавжуд (Хасанов, 2007; Ҳасанов, Очилов, 2010).

Занг замбуруғлари телиоспоралари ва эцийларининг тузилиши ҳамда хўжайн ўсимликларга нисбатан ихтисослашиши асосида оилаларга бўлинади.

<sup>3</sup> Бир замбуруғ турида 2 та ёки кўпроқ споралаш типлари учраса, бу ҳодиса *плеоморфизм* дейилади.

Оила: Пукциниацеа (Pucciniaceae). Телиялари эпидермис остида ҳосил бўлиб, телиоспоралар етилганида, эпидермисни ёриб, очилади. Телиоспоралари одатда оёқчали, якка-якка жойлашган, 1 ёки кўп ҳужайрали.

Туркум: Уромицес (*Uromyces*). Телиоспоралари 1 ҳужайрали. Лавлагини заарловчи *U. betaе* тури тўлиқ циклли ва якка хўжайнли, сабзида эциобосқичида паразитлик қилувчи *U. scirpi* тўла циклли, икки хўжайнли (II, III сувҳилолда), урединио- ва телиобосқичида ўриснўхатни заарловчи *U. pisi* ҳамда бедани заарловчи *U. striatus* турлари ҳам тўла циклли ва икки хўжайнли (0, I сутлама турларида). Бошқа экинлардан чиннигул *U. caryophyllinus* (II, III) билан кучли заарланади.

Туркум: Пукчиния (*Puccinia*). Телиоспоралари 2 ҳужайрали. Бу туркумга тахминан 1 000 тур киради. Уларнинг аксарияти икки хўжайнли турлар бўлиб, асосий хўжайнлари – бошоқли ўтларда урединио- ва телиобосқичларида, оралиқ хўжайнларида эса эциобосқичларида ривожланади. Энг муҳим ва хавфли турлар қаторига буғдой, арпа, жавдар ва бошоқли ўтларда сариқ, ёки тасмачасимон (*P. striiformis*), буғдой ва жавдарда қўнғир, ёки барг (*P. triticina*), буғдой ва барча бошқа ғалла экинлари ҳамда бошоқли ўтларда поя, ёки қора (*P. graminis*), жавдарда қўнғир, ёки барг (*P. dispersa*), сулида тожли (*P. coronifera*), маккажўхорида оддий (*P. sorghi*), жанубий (*P. polysora*) ва кўп бошқа экинларда занг қўзғатувчи турлар киради. Занг тарқалган мамлакатларнинг аксариятида ҳозирги даврда оралиқ хўжайнларининг аҳамияти йўқ, чунки патогенлар урединия босқичида тирик баргларда қишлишга ва экинларда тарқалишга мослашган. Улар бир мавсумда тахминан 10 авлод бериб, кўпаяди.

Оила: Фрагмидиацеа (Phragmidiaceae). Туркум: Фрагмидиум (*Phragmidium*). Телиоспоралари кўп ҳужайрали. Турлари хўжагат, наъматак ва атиргулни заарлайди.

Туркум: Гимноспорангийум (*Gymnosporangium*). Телиоспоралари 2 ҳужайрали, узун, оёқчали, шилимшиқ модда билан ўралган тўдачалар ҳосил қиласи. Бу замбуруғларнинг урединиобосқичи йўқ, телиобосқичи баҳорда, эциобосқичи эса ёзда ривожланади. Эцийлари фақат ушбу замбуруғларига хос бўлган қил, тиконча, галл ва сўгалчалар шаклига эга. Бу турлар ҳар хил хўжайнли: телиобосқичи ҳар хил арча (*Juniperus*) турларида, эциобосқичи эса раъногулдошларга мансуб дараҳтларда, жумладан олма, нок ва б. ривожланади. Ўзбекистонда нок *G. fuscum* турининг эциобосқичи билан заарланиши Сурхондарёда қайд этилган.

Туркум: Траншелия (*Transchelia*). Телиоспоралари 2 ҳужайрали, септадан тортилган, қўнғир тусли, сўгалчалар билан қопланган. Турлари ҳар хил хўжайнли. Намояндаси – олхўри зангини қўзғатувчи *T. pruni-spinosae*. Олхўри, ўрик, бодом, шафтоли ва қора олхўрининг барглари қўзғатувчининг урединиобосқичи билан заарланади.

Оила: Мелампсорацеа (Melampsoraceae). Туркум: Мелампсора (*Melampsora*). Телиоспоралари 1 ҳужайрали, Пукциниацеа оиласи турлариникидан фарқли ўлароқ, якка-якка жойлашмасдан, балки бир-бирининг ён томонлари билан бирикиб кетади. Заарланган ўсимлик аъзосининг эпидермиси остида улар ясси қатlam ҳосил қиласи. Намояндаси: зифир зангини

қўзғатувчи, тўлиқ циклли ва якка хўжайинли *M. lini* тури.

Оила: Кронарциацеа (*Cronartiaceae*). Туркум: Кронарциум (*Cronartium*). Телиоспоралари бир-бирининг бутун юзаси билан қўшилиб, ўсиб, ўсимликнинг зарарланган аъзолари устида устунчалар ҳосил қиласди. Намояндалари: эциал босқичида қорағат ва қизилғатда устуншакли занг қўзғатувчи, тўлиқ циклли, ҳар хил хўжайинли *C. ribicola* (II, III қарағайда рак қўзғатади) ва қарағайда елимли (смоляной) рак қўзғатувчи *C. flaccidum* (II, III саллагулнинг ва тегманозик ўтининг баргларини заарлайди).


### Касаллик қўзғатувчи замбуруғларнинг тузилиши ва характеристикалари

Замбуруғларнинг вегетатив танаси *мицелийдан* иборат. Мицелий одатда эни 1-10 мкм, баъзан 20 мкм ёки кенгроқ бўлган, шохланган узун иплар – гифалардан ташкил топган. Гифалар хужайраларга бўлинмаган ёки тўсиқчалар (*септалар*) воситасида бўлинган. Баъзи тузилиши оддий бўлган сохта ва тубан ҳақиқий замбуруғларнинг вегетатив танаси яланғоч (қобиқсиз) цитоплазмадан иборат ва у *плазмодий* деб аталади. Анъанавий равишда, вегетатив танаси плазмодий ёки хужайраларга бўлинмаган гифалардан ташкил топган турлар *тубан* замбуруғлар, хужайраларга бўлингандари эса *юксак* замбуруғлар гуруҳларига киритилади. Хужайра бўлиниши жараёнида септалар гифа деворчасидан ўртасига қараб ўсиб, ҳосил бўлади. Хужайра ўртасига етган септанинг қисмлари қўшилиб кетмайди ва хужайра ўртасида бир ёки бир неча тешик қолади. Бу тешик орқали озуқа моддалар ва органеллалар гифанинг бир хужайрасидан бошқаларига ўтади.

Гифалар доим апикал қисми билан узунасига ўсади ва уларнинг ўсиши чекланмаган. Ўсиш тезлиги озуқа моддалар гифа учига етказиб берилиши билан боғлиқ ва одатда соатига 0,1-6,0 мм га teng.

Мицелий ривожланиши муайян ҳарорат ва намлиқда спора (конидия) ўсишидан бошланади. Олдин спора атроф-муҳитдан намлик шимиб, шишади, кейин унинг қобиғи ёрилади, битта ёки бир нечта муртак (ниш найча) чиқаради ва улар ўсиб, мицелий ҳосил қиласди. Гифа ўсиши олдин спора ичидаги заҳира моддалар ҳисобига амалга ошади, кейинчалик озуқа субстратдан сўрилади.

Кўп базидиомицет турлар гифаларининг септалари устида кичик, ясси хужайрача – “тўқа” – лари бор. Одатда битта (4-расм, А), аммо баъзан (мисол учун ёғоч емирувчи *Coniophora cerebrella* турида) 10 тагача тўқа ҳосил бўлиши мумкин (4-расм, Б). Баъзан (*Serpula* ва б. турларда) тўқалар муртак ҳосил қиласди ва ўсади. Тўқалар базидия ривожланиши жараёнида ҳосил бўлади. Уларнинг роли – базидия ажралган хужайрада икки ядролилик ҳолатини тиклашдан иборатdir.



*Serpula* ва (А) *Coniophora* (Б) туркумiga мансуб замбуруғларнинг гифаларидаги тўқалари (Ильичёв и др., 1987).

Кўпчилик замбуруғлар ҳужайралари дағал қобиқ билан қопланган. Бу қобиқ ҳужайра деворчаси ва ҳужайрадан ажралиб чиқадиган моддалардан ташкил топган. Ҳужайра деворчаси қобиқнинг асосий структура яратувчи қисмидир. У протопластни ўраб туради ва вегетатив гифалар ҳамда споралар ҳужайраларига ўзига хос шакл беради, ҳужайрани ташқи факторлардан ҳимоя қиласи ва ҳужайра билан субстрат орасида модда алмашинувини таъминлайди.

Ҳужайра қобиғининг тузилиши, таркиби ва хусусиятлари замбуруғ турига ва ҳужайранинг функциясига боғлик. Одатда ёш ҳужайраларнинг қобиғи юпқа, рангиз, таркиби эса бир хил. Вақт ўтиши билан улар қалинлашиши, шилимшиқ ҳосил қилиши ёки (пигментлар қўшилиши натижасида) рангини ўзгартириши мумкин. Ҳужайра, айниқса споралар ҳужайраси қобиғининг ташқи қатламлари кўп замбуруғ турларида кутинлашган, яъни уларнинг таркиби мум ва мой билан бойитилган, бу эса атроф-муҳитнинг ноқулай шароитларига ҳужайраларнинг чидамлилигини оширади.

Ҳужайра деворчаси полимер тузилишга ва унинг таркиби таксономик аҳамиятга эга. Замбуруғлар аксариятининг (хитридио-, аско-, базидио- ва дейтеромицетлар) ҳужайра деворчалари таркибида хитин ва глюкан, зигомицетларницида – хитин ва хитозан, оомицетларницида эса целлюлоза ва глюкан мавжуд.

Баъзи тўқ тусли замбуруғлар ҳужайра деворчасининг ташқи қатламларида меланин пигментлари мавжуд. Улар нурланиш экстремал шароитига ва наметишмаслигига ўта чидамли.

*Мембрана тузилмалари.* Ҳужайра деворчасининг ички қисмига, ҳужайра ички қисми (протопласт) ни ўраб турувчи, цитоплазматик мембрана (плазмалемма) туташади. Плазмалемма уч қатли, қалинлиги 8 нм. У ярим ўтказувчанлик хусусиятига эга бўлиб, моддалар ҳужайрага киритилиши ва ҳужайрадан чиқарилишини тартибга солувчи осмотик тўсиқ бўлиб хизмат қиласи.

Ҳужайранинг барча ички аъзолари ҳам ярим ўтказувчан мембраналар билан ўралган. Ҳужайра ичидаги суюқ муҳит (цитоплазма) да ферментлар, аминокислоталар, карбонсувлар, нуклеин кислоталар ва захира моддалар (гликоген, мой ва волютин), кучли ривожланган ички мембраналар мажмуаси (жумладан эндоплазматик ретикулюм), рибосомалар, Гольджи аппарати, лизосомалар, митохондрийлар ва 1-30 та ядро мавжуд. Репродуктив органлардаги ядролар вегетатив ҳужайрадагилардан каттароқ. Одатда ядронинг диаметри 2-3 мкм. Вегетатив гифаларда ядро асосан митоз, жинсий қўпайишда мейоз усули билан бўлинади.

Заарланган ўсимлик ва бошқа субстратлар устида жойлашган мицелий ҳаво мицелийси (экзоген мицелий), субстрат ичига қараб ўсан мицелий эса субстрат мицелийси (эндоген мицелий) деб аталади. Замбуруғнинг кўпайиш органлари одатда ҳаво мицелийсида ҳосил бўлади. Заарланган ўсимлик органлари устида ҳаво мицелийси гифалар ва кўпайиш органларидан ташкил топган ҳар хил ғубор, момик қатлам, юпқа парда ва ҳоказоларни пайдо қиласи.

Мицелийси экзоген бўлган паразит замбуруғлар *эктопаразитлар* деб аталади. Уларнинг типик мисоллари – ҳақиқий ун-шудринг замбуруғларидир. Мицелийси эндоген бўлган паразит замбуруғлар *эндопаразитлар* деб аталади. Ўз навбатида, эндоген мицелий ҳужайра ичida ривожланадиган *интрацеллюлар* мицелий ва ҳужайраларо бўшилиқларда ривожланадиган *интерцеллюлар* мицелийларга бўлинади. Кartoшкада рак қўзғатувчи облигат паразит *Synchytrium endobioticum*, *Botrytis* ва *Cladosporium* турлари каби факультатив паразитлар ҳамда бошқа кўп анаморф замбуруғлар ҳужайра ичи паразитларидир. Ҳужайралар орасида ривожланувчи мицелий юқори даражада ихтисослашган облигат паразитлар, масалан, занг, сохта ун-шудринг касалликларининг қўзғатувчиларига хосдир.

Ҳар икки хил мицелий ҳам ўсимлик ҳужайраларига тешиб кирадиган ва ундан озуқа моддаларни сўриш учун хизмат қиласидиган маҳсус аъзо – *гаусторий* ҳосил қиласиди. Гаусторийлар ҳар хил шаклга, айрим систематик гурухлар турлари учун эса бир хил ва турғун шаклга эга бўлиб, бу ҳолда улар диагностик белгилардан бири бўлиб хизмат қиласиди. Аскомицетларда гаусторий қуйидаги усулда ҳосил бўлади. Гифа ўсимлик эпидермиси устида зич жойлашиб, ясси палла – *апрессорий* ҳосил қиласиди ва у билан эпидермал ҳужайрага ёпишади. Апрессорий чиқарган ферментлари таъсирида ҳужайра қобиғи шишади ва юмшайди. Апрессорийдан нозик гифа ўсиб чиқади ва у хўжайнин ўсимликнинг юмшаган қобиғини осон тешиб, ҳужайра ичига киради, у ерда пуфак ёки мураккаб ва шохланган шаклга эга бўлган тузилма – гаусторий ҳосил қиласиди. Гаусторий эндоген мицелийдан ҳам шу усулда ривожланади, аммо бу жараёнда апрессорий қатнашмайди.

Паразит замбуруғларнинг аксарияти ўсимликларда зарарланиш нуқтасидан бори-йўғи бир неча см ёки ҳатто мм масофага тарқаладиган локал мицелий ҳосил қиласиди. Шу билан бирга айрим эндопаразитлар, масалан, қоракуя замбуруғлари, ўсимликнинг битта аъзосига ёки барча аъзоларига тарқалувчи *диффуз мицелий* ҳосил қиласиди.

Ноқулай атроф-мухит шароитларида замбуруғ тиним даврида сақланиши ва ёки у субстратни тез эгаллаб олиши учун хизмат қилувчи *мицелийнинг ўзгарган шакллари* – склероцийлар, мицелиал стромалар, мицелиал “арқонча” (тяж, шнур) лар, ризоморф ва мицелиал пардалар ҳосил бўлади.

Склероцийлар озуқа моддаларига бой ва таркибида сув кам бўлган гифалар бир-бирига зич ёпишиб ҳосил қилган сохта тўқима (плектенхима) дан иборат бўлиб, замбуруғ ноқулай шароитда ҳаётчанлигини сақлаш функциясини бажаради. Уларнинг гифалари дифференциациялашган: ташқи қатлами (қобиғи) қалин пўстли, ички қисми юпқа қобиқли, оч тусли ҳужайралардан ташкил топган. Тиним давридан ўтган склероцийдан мицелий ёки спора ҳосил қилувчи органлар ўсиб чиқади. Агар склероций фақат гифалардан иборат бўлиб, зарарланган ўсимлик тўқимасидан осон ажralадиган бўлса, у дифференциациялашган склероций, агар пайдо бўлишида гифалардан ташқари зарарланган ўсимлик тўқималари ҳам қатнашса, склероциал стромалар, ёки мумиялар деб аталади. Кўп сабзвот, полиз экинлари ва картошка касалликлари қўзғатувчилари (*Sclerotinia* spp., *Botrytis* spp., *Verticillium* spp. ва б.)

дифференциациялашган склероцийлар ҳосил қиласы. Ўлчами кичик склероцийлар микросклероцийлар деб аталади.

*Мицелиал стромалар* субстрат ичида сингиб ўсиб кирған йирик ва серэт гифалар қатлами бўлиб, унинг ичида ёки устида замбуруғнинг мева танаачалари ёки спора ҳосил қилувчи органлари пайдо бўлади. Стромалар юмшоқ ёки ёғочсимон қаттиқ, ҳар хил тусли ва шаклли бўлади.

*Арқончалар* ҳосил бўлиши юксак замбуруғларга хос хусусият. Оддий арқонча бир қанча бир-бирига ташқи шилимшиқ қобиги ёки калта анастомозлар ёрдамида ёпишган бир хил гифалардан ташкил топади. Оддий арқончаларни фақат микроскопда кўриш мумкин. Функционал дифференциациялашган арқончалар муайян функцияни бажариш учун хизмат қиласы. Мисол учун уй замбуруғининг арқончалари уч хил: 1) оддий вегетатив; 2) арқончаларга механик мустаҳкамлик берувчи қобиги қалин ва ички қисми тор гифалардан ташкил топганлари; 3) ички қисми кенг ва ҳужайри деворчалари ҳар хил даражада қалинлашган томир гифалардан тузилганлари бўлиши мумкин. Томир гифалари озуқа моддалар ҳаракатини таъминлайди, демак улар ўтказувчи тўқима функциясини бажаради.

*Ризоморфлар* функционал дифференциациялашган арқончаларнинг яхши ривожланган яна бир тури бўлиб, эни бир неча мм, узунлиги эса бир неча метрга етиши мумкин.

*Мицелиал пардалар* субстрат устида ёки ичида гифалар зич жойлашиши натижасида ҳосил бўлади. Улар теридай мустаҳкам бўлиши ва қалинлиги 10-15 мм га етиши мумкин. Пардадан мицелий ва арқончалар ўсиши ёки устида замбуруғнинг мева танаачалари ривожланиши мумкин.

*Фитопатоген замбуруғлар озиқланиши*, уларнинг паразитик ихтисослашиши даражасига боғлиқ ҳолда, озуқа моддаларни ўсимликнинг тирик ёки ўлик ҳужайралари ҳисобига амалга ошади. Сапротроф усулида озиқланиш хусусиятини сақлаб қолган факультатив паразитлар муайян вақт давомида ҳам ўсимлик, ҳам ҳайвон қолдиқларидағи органик модда билан озиқланиши мумкин. Ҳужайралари ичидаги ва ташқарисидаги осмотик босим ҳар хил бўлиши ёрдамида замбуруғлар озуқа моддаларни сувли эритма шаклида бутун юзаси билан сўриб, озиқланади. Улар ўсимлик тўқималарининг мураккаб органик бирикма (оксил, карбонсув ва х.) ларини ўзларининг (экзо) фермент системалари ёрдамида оддийроқ моддаларга айлантиради. Сўнгра бошқа (эндо) ферментлар ушбу сўрилган моддалардан замбуруғ танаси учун лозим бўлган юқори молекуляр бирикмалар синтезини катализ қиласы.

Ферментлар тўпламларининг таркиби замбуруғларнинг яшаш тарзи ва ихтисослашиши билан боғлиқ. Сапротрофлар (ва факультатив паразитлар) кўп хил ва мураккаб фермент тўпламларига эга, бу эса уларга ҳар хил субстратларнинг органик бирикмалари ҳисобига озиқланиб, яшashi учун имкон яратади. Аммо замбуруғнинг паразитик ихтисослашиши даражаси қанча юқори бўлса, унинг ферментларининг сони шунчалик кам бўлади. Чунки, факультатив паразитларга нисбатан облигат паразитлар ва факультатив сапротрофларнинг озуқа манбаалари бўлган субстратлар чегараланган ва барқарордир.

Сифат таркиби бўйича фитопатоген замбуруғларга уларда ҳужайра

деворчаларини парчаловчи ферментлар мавжуд бўлиши хос. Булардан цеплюлаза ферменти цеплюлозани эритади, пектиназа эса ҳужайраларо пластинкаларни эритиб, тўқималар мацерация қилинишини таъминлайди. Бу ферментлар хўжайин ўсимлик ҳужайралари таркиби замбуруғ томонидан ўзлаштирилишига йўл очади.

Замбуруғ ҳужайрага киргач, унинг ичидаги моддаларни ўзлаштиришга имкон берадиган ферментларнинг (крахмални гидролизловчи амилаза, оксилларни парчаловчи протеаза ва б.) аҳамияти ортади. Бу ферментлар ёрдамида замбуруғлар амалда ўсимликнинг барча қисмларини емиради.

Замбуруғлар нормал яшаси учун уларга ҳар хил озуқа элементлари, энг аввало углерод, азот, олтингугурт, фосфор, калий ва магний ҳамда микроэлементлар (темир, рух, мис, кобальт, марганец, молибден ва б.), ундан ташқари витаминлар (асосан, биотин, тиамин), ўсишни бошқарувчи ва биологик фаол моддалар ҳам зарур.

*Замбуруғларни тоза қультурага ажратиш* учун озуқа муҳитини тайёрлаш пайтида организм модда алмашинуви хусусиятлари, уларнинг карбон ва энергия манбааларига эҳтиёжи ҳисобга олинади. Бунда умумий қоида – муҳитда карбон миқдори азотга нисбатан 10-15 баравар кўпроқ бўлиши лозимлигидир. Культураларини бактериал заарланишдан асраш учун муҳитларни илиқ бўлгунича совутиб, Петри ликопчаларига қўйгач, агар-агар қотишидан олдин уларнинг ҳар бирига 1 мл антибиотик (пенициллин, стрептомицин, хлорамфеникол ва б.) эритмаларидан бирини ёки бир нечтасининг аралашмасини солиш лозим. Булардан фақат хлорамфеникол автоклавда стерилизация қилишга чидамли ва бу жараёнда фаоллигини йўқотмайди. Замбуруғларни ҳар хил субстратлардан ажратиб олиш учун селектив муҳитлар танлаб олинади ва қайси туркум турларини ажратиб олиш режасига кўра маҳсус кимёвий бирикмалар ҳамда замбуруғлар ўсишини секинлаштирувчи бирикмалардан бири (бенгал нимранги, медицинада ишлатиладиган хўқиз сафроси (ўти), натрий пропионат, тритон ёки дезоксихалат) қўшилади.

*Атроф-муҳит факторларининг таъсири.* Замбуруғлар яшаси, ўсиши, ривожланиши ва паразитик фаолияти атроф-муҳит факторлари, энг аввало намлик, ҳарорат, кислород мавжудлиги каби факторларга боғлиқ.

*Намлик.* Ўсимликларда касаллик пайдо бўлиши ва тарқалиши бевосита муайян намлик ва ҳарорат мавжуд бўлиши билан аниқланади. Замбуруғларнинг аксарияти субстрат ва ҳавонинг юқори намлигига ривожланади, фақат томчи намлик мавжудлигига споралаш органларини ҳосил қиласди. Фитопатоген замбуруғларнинг споралари фақат юқори ҳаво намлиги ва томчи намлик мавжудлигига ўсиши ва хўжайин ўсимликларни заарлаши мумкин. Фақат ҳақиқий ун-шудринг касалликларининг қўзгатувчилари ҳатто анча қуруқ ҳаво шароитида ҳам яхши ривожланиши мумкин.

*Ҳарорат* ҳам замбуруғлар ўсиши, ривожланиши, ёз жазирамаси ва қиши совуғида ҳаётчанлигини сақлашга таъсир этувчи муҳим фактордир. Замбуруғларнинг аксарияти учун оптималь ҳарорат 20-25°C, аммо улар 2°C ва 40°C орасида ҳам ўса олади. Пастроқ (0°C атрофидаги) ҳароратда қор остидаги

кузги ғалла майсаларини заарловчи *Fusarium nivale*, *F. avenaceum*, *Sclerotinia graminearum* ва кам сонли бошқа турлар ривожлана олади. Манфий ( $0^{\circ}\text{C}$  дан паст) ҳароратларда замбуруғлар ўсмайди, аммо уларнинг споралари ва баъзан мицелийси қаттиқ совуқда ҳам ҳаётчанлигини сақлаши мумкин.

Замбуруғларнинг ҳар бир тури ўсиши ва ривожланиши муайян (минимумдан максимумгача) ҳарорат диапазонида кузатилади ва бу диапазон унинг табиатда сақланишининг чегараларини аниқлайди. Патоген замбуруғнинг энг яхши ривожланиши ушбу тур учун оптималь ҳароратда кузатилади. Агар оптималь ҳарорат билан бирга оптималь намлик ҳам мавжуд бўлса, бу турнинг энг тез ва энг кучли ривожланиши таъминланади. Максимал ва минимал ҳароратларда замбуруғларнинг яшаш жараёни сусаяди ёки тўхтайди. Айрим замбуруғларнинг тиним даври споралари, склероцийлари ва мева танаачалари экстремал (минимумдан паст ёки максимумдан юқори) ҳароратларда муайян муддат давомида ҳаётчанлигини сақлашга қодир, бу вақтда улардаги барча ҳаётий жараёнлар бутунлай тўхтаб туради.

Фитопатоген замбуруғлар ўсимликка кириши учун ҳам намлик, ҳам ҳарорат шароитлари ўта муҳим, аммо касаллик ривожланишининг кейинги босқичларида ҳароратнинг аҳамияти биринчи ўринни эгаллайди. Мицелий ўсимлик ичида ривожланишига намлик кам таъсир қиласи, аммо замбуруғ ножинсий қўпайиш аъзоларини пайдо қила бошлиши билан, намлик яна чегараловчи факторга айланади. Шу сабабдан, муайян замбуруғ қўзғатган касаллик ривожланишининг эҳтимолини баҳолаш учун айни вақтда ҳам намлик, ҳам ҳарорат кўрсаткичлари ҳисобга олиниши лозим. Кутилаётган обҳаво шароитлари ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш ва патоген учун оптималь ҳарорат кўрсаткичларини билиш муайян муддат давомида касаллик ривожланишини башорат қилишга асос бўлади.

*Муҳит нордонлиги* ҳам замбуруғлар ривожланишига унча-мунча таъсир қиласи. Уларнинг аксарияти нордон субстратлар ва муҳитнинг сал нордонроқ реакциясини ( $\text{pH } 4-6$ ) афзал кўради, аммо баъзи турлар учун янада нордонроқ ёки аксинча, нейтрал ёхуд ҳатто ишқорли муҳит қулай бўлиши мумкин.

Ёруғлик замбуруғлар ривожланишида унча катта роль ўйнамайди. Замбуруғларнинг аксарияти учун ёруғлик талаб қилинмайди, аммо споралаш органлари ривожланиши учун одатда тарқоқ ёруғлик зарур. Кўп замбуруғлар қоронғида спора ҳосил қиласи. Ун-шудринг қўзғатувчиларидан бошқа замбуруғларнинг ўсиши ва споралашига тўғри тушадиган қуёш нурлари одатда қаттиқ салбий таъсир қиласи. Бу нурларга тузи тўқроқ бўлган споралар чидамлироқ. Рангсиз споралар тўғри тушадиган қуёш нури таъсирида дарҳол нобуд бўлади. Кўп фитопатоген замбуруғлар далада ёруғ ва қоронғи вақтнинг муайян нисбатлари мавжуд бўлганидагина ўсимликларда споралаш аъзоларини ҳосил қиласи. Лаборатория шароитида озуқа муҳитларида кўп фитопатоген замбуруғ турлари конидиялар ҳосил қилиши учун тўлқин узунлиги 300-420 нм, чўққиси 350 нм (ёки баъзи бошқа турлар учун 225-395 нм) бўлган ультрабинафша нурлар таъсирида муайян вақт давомида пластик Петри идишларида ўстирилади. Ёруғликнинг замбуруғлар ҳаётидаги аҳамияти ҳали тўла аниқланмаган.


## Замбуруғларнинг кўпайиши ва ядро фазалари (насллари) нинг галланиши

*Замбуруғлар кўпайиши усуллари.* Замбуруғлар вегетатив, репродуктив жинссиз ва репродуктив жинсий йўл билан кўпаяди. Замбуруғлар кўпайиши учун хизмат қиласидан барча аъзолар, жумладан мицелий бўлаклари, оидий, склероций, хламидоспора, зооспора, спорангииоспора, конидия, зигота, аскоспора, базидиоспора ва ҳоказоларнинг умумий номи *пропагула* деб аталади.

*Вегетатив кўпайиши* гифа бўлаклари ва гифаларнинг ўзгарган шакллари – оидийлар (артроспоралар – цилиндр ёки овал шакли гифа фрагментлари), бластоспоралар, хламидоспоралар, геммлар ва б. воситасида амалга ошади. Оидийлар ва бластоспоралар гифа ҳужайралари куртакланиши, хламидоспора ва геммлар эса гифалар алоҳида ҳужайраларга ажралиб кетиши воситасида ҳосил бўлади. Улар ва мицелийнинг ҳар қандай бир бўлаги ўсиб, янги мицелий ҳосил қила олади. Культураларни сунъий озуқа муҳитида сақлашда вегетатив кўпайтириш усули қўлланилади. Хламидоспора қалин қобиқ билан ўралган, узоқ вақт озуқа мавжуд бўлмаганида, паст намликда (куруқликда) ва ҳар хил бошқа нокулай шароитларда сақланиш қобилиятига эга бўлган ҳужайрадир.


*Жинссиз репродуктив кўпайиши* споралари замбуруғлар гифаларининг маҳсус “новдаларида” эндоген ёки экзоген усулда ҳосил бўлади. Эндоген усулда споралар маҳсус таначалар – *спорангий* ва *зооспорангийлар* ичida, экзоген усулда эса *конидиофора* (конидия банди) устида ривожланади. Улар мутаносиб равишда *спорангииоспоралар*, зооспоралар ва конидиялар деб аталади (5-расм). Зооспоралар яланғоч протоплазмалар бўлиб, битта ёки иккита, қамчи шаклли ёки тукли хивчинчаси воситасида сувда фаол харакатланади (6-расм). Спорангииоспоралар қаттиқ қобиқقا эга ва улар ҳаво оқимлари билан тарқалади.

Конидиялар конидиофора устида биттадан ёки занжирчаларда, бошчаларда ва бошқа усулларда пайдо бўлиши мумкин. Конидиялар ҳар хил ўлчамга, тусга (рангсиз ва турли тусли), шаклга (думалоқ, ип, урчук, тўқмоқ, тескари тўқмоқ, шохланган ва х.), конидиофорага бирикиш усулларига эга, улар бир ва кўп ҳужайрали бўлиши мумкин. Конидиофоралар оддий, шохланган, рангсиз ёки ҳар хил тусли ва ҳоказо бўлиши мумкин. Замбуруғларнинг туркумлари ва турларини аниқлашда конидиофора ва конидияларнинг белгилари муҳим диагностик аҳамиятга эга.



Замбуруғларнинг жинссиз репродуктив кўпайиш органлари:  
а – спорангий, б – конидиофора ва конидиялар, в – зооспорангий ва зооспоралар  
(Попкова и др., 2005).

Кўп патоген замбуруғларнинг мицелийлари заарланган ўсимлик органларининг тўқималари ичидаги ривожланади. Уларнинг конидиофоралари ташқарига оғизча (устыца) лардан ёки эпидермисни ёриб чиқади. Бунда замбуруғлар маҳсус конидиал тузилмалар – коремия, ёстиқча, спородохий ва пикнидаларни ҳосил қиласди (7-расм).



Зооспоралар хивчинчаларининг хиллари:  
а – қамчи шакли, б – тукли, с – иккита  
хар икки хил хивчинчали; зооспоралар  
стрелка билан кўрсатилган йўналишда  
сузади  
(Gams et al., 1987).

Дунёдаги етакчи микологлар томонидан юксак замбуруғлар (аско-, базидио- ва дейтеромицетлар) нинг жинссиз кўпайиш жараёнида ҳосил бўладиган пропагулаларни споралар демасдан, конидиялар деб аташ, спора атамасини бошқа пропагулалар (зоо-, спорангии-, аско- ва базидиоспоралар) учун ишлатиш қатъий тавсия қилинган (Gams et al., 1987).

*Коремия.* Устки қисмида конидиялар ҳосил бўладиган, бир-бирига зич ёпишиб жойлашган конидиофоралар коремия (7-расм, г) деб аталади. Коремия устидаги конидиялар тўпламлари қуруқ қуқун ёки шилимшиқ ҳолида бўлиши мумкин. Бу тузилма анаморф замбуруғларнинг Гифомицетлар (Нурhomycetales) тартиби турларига хос.

*Ёстиқчалар* ясси жойлашган гифалар ва зич конидиофоралардан (7-расм, д) ташкил топади ва улар заарланган субстрат устида ёки ичидаги жойлашади. Кейинги ҳолда ёстиқчалар етилгандан сўнг эпидермисни ёриб, ташқарига очилади. Бу конидиал тузилма анаморф замбуруғларнинг Меланконийлар (Melanconiales) тартибига мансуб турларда учрайди. Улар қўзгатадиган ўсимлик касалликлари антракнозлар деб аталади.


*Спородохийлар* субстрат устида жойлашган конидиофоралар ва конидияларнинг ёстиқчалариdir (7-расм, е). Бу конидиал тузилма анаморф замбуруғларга хос.

*Пикнидалар* думалоқ, тухум, нок ва бошқа шакллардаги мева танаачалари (7-расм, ж) бўлиб, одатда тўқ тусли қобиқقا ва устки қисмида оғизча (устыца) га эга. Пикнида ичидаги конидиофоралар ва конидиялар (пикноспоралар) мавжуд. Конидиялар оғизчадан шилимшиқ массаларда чиқади ва ҳавода қуриб, томчилар ёки буралган иплар шаклида қотиб қолади. Улар ёмғир ёки шудрингда эрийди, конидиялар сувда томчиларига ўтади ва ёмғир ҳамда шамол воситасида тарқалади. Кўпинча пикнидалар субстрат ичидаги жойлашиб, ташқарига фақат оғизчаси чиқади. Баъзи замбуруғларнинг пикнидалари

субстрат устида жойлашади. Бу конидиал тузилма Пикнидали замбуруғлар (*Sphaeropsidales*) тартибига мансуб турларга хос.

Күп фитопатоген замбуруғлар ўсув даврида бир неча жинссиз конидиал күпайиш авлодлари беради. Улар табиий инокулюм кенг тарқалиши ва ўсимликларни күп марталаб қайта заарлаш функцияларини бажаради. Кам ҳоллардагина конидиал күпайиш қўзғатувчи ноқулай атроф-мухит шароитларида ҳаётчанлигини сақлаши учун хизмат қиласи.

*Жинсий репродуктив күпайиш* дейтеромицетлардан ташқари барча замбуруғларда аниқланган. Бу жараёнда маҳсус жинсий хужайралар иштирок этади. Замбуруғларнинг жинсий органлари *гаметангийлар*, жинсий хужайралари - *гаметалар* деб аталади. Тубан замбуруғларнинг жинсий жараёни *гаметогамия*, *оогамия* ва *зигогамия* усули билан амалга ошади, юксак замбуруғларники эса аскомицетларда халтачалар ва аскоспоралар, базидиомицетларда базидиялар ва базидиоспоралар ҳосил бўлиши билан якунланади. Жинсий жараён уч босқичдан иборат: *плазмогамия*, *кариогамия* ва *мейоз* (ядро редукцион бўлинини). Биринчи босқичда иккита (оталик ва оналик) хужайранинг протоплазмалари қўшилади (бу жараён плазмогамия ёки *копуляция* деб аталади). Иккинчи босқичда иккита ядро қўшилади ва хромосомаларнинг икки тўпламига эга бўлган диплоид ( $2n$ ) ядро пайдо бўлади. Учинчи босқичда ядро редукцион бўлинади ва хромосомаларнинг гаплоид ( $n$ ) тўпламлари қайтадан ҳосил бўлади.




Замбуруғларнинг конидиал күпайиш органлари: а,б,в – якка-якка жойлашган

конидиофоралар;  
г – коремия; д – ёстиқча; е – спородохий; ж - пикнида (Попкова и др., 2005).

Замбуруғлар ривожланиш циклида жинсий жараённинг алоҳида босқичлари эгаллайдиган муддатлар ўта муҳим. Плазмогамия жараёнида ҳар икки ҳужайранинг ядролари битта умумий протоплазма ичига тушади ва баъзан улар дарҳол қўшилади (кариогамия бўлади), аммо кўпинча улар муайян вақт давомида мустақиллигини сақлайди. Копуляция натижасида ҳосил бўлган икки ядроли ҳужайра *дикарион* деб аталади. Дикарион ўсиб янги мицелий ҳосил қиласа, унинг ҳужайралари ҳам икки ядроли бўлади, бундай мицелий *дикариотик* мицелий деб аталади. Кейин жинсий жараённинг иккинчи босқичи бўлиб ўтади ва диплоид ядро пайдо бўлади. Диплоид ҳужайра ўсиб мицелий ҳосил қиласа, диплоид мицелий ҳосил бўлади. Ҳар хил замбуруғларда ҳар хил бўлган ривожланишининг муайян босқичида мейоз бўлиб ўтади ва хромосомаларнинг гаплоид тўплами тикланади. Шундай қилиб, жинсий кўпая оладиган ҳар бир замбуруғ турининг ривожланиш циклида гаплоид ( $n$ ) ва диплоид ( $2n$ ) ҳолатлар (ёки ядро фазалари) галланиб туради: копуляциядан мейозгача – диплоид ( $2n$ ) фаза ва мейоздан янги копуляциягача – гаплоид ( $n$ ) фаза ўрин олади.

Барча замбуруғларда жинсий жараённинг охирги натижаси, кўпайиш учун мўлжалланган маҳсус споралар ҳосил бўлишидир. Булар тубан замбуруғларнинг цисталари ( $2n$ ), ооспоралари ( $2n$ ), юксак замбуруғларнинг аскоспора ( $n$ ) ва базидиоспораларидир ( $n$ ) (8-расм). Цисталардан ва ооспоралардан муртак зооспорангийлар ( $n$ ), зигоспоралардан одатда муртак спорангийлар ( $n$ ) ўсиб чиқади.

Тубан аскомицетларнинг халтачалари ва аскоспоралари мицелийда, юксак аскомицетларники эса маҳсус ёпиқ (*клейстомеций*, *клейстокарпий*), яrim очиқ (*перитеций*) мева таначалари ичидаги мева таначалари – *апотецийлар* устида ҳосил бўлади (9-расм). Халтачалар субстрат (фитопатоген турларда ўсимлик тўқимаси) ичидаги мицелиал стромалар ичидаги маҳсус камераларда – локулларда ҳам ҳосил бўлиши мумкин; улар *аскосстромалар* ёки *псевдометецийлар* деб аталади (9 ва 10-расмлар).



Замбуруғлар жинсий кўпайишида ҳосил бўладиган споралар: а – цисталар; б – ооспоралар; в – зигоспора; г – халтачалар ва уларнинг ичидаги аскоспоралар; д – базидиялар ва базидиоспоралар (Попкова и др., 2005).

Аскомицетларнинг жинсий органлари дифференциациялашган. Баъзи

турларда мицелийнинг иккита ихтисослашган хужайраси қўшилади, диплоид ядроли зигота ҳосил бўлади ва у бевосита мицелийда ўтрок халтачага айланади.

Мева таначалари мавжуд бўлган аскомицетларнинг оналиқ аъзоси *аскогон* ва *трихогина*, бир ҳужайрали оталик аъзоси эса *антеридий* дейилади. Жинсий жараёнда антеридийнинг таркиби трихогина орқали аскогонга оқиб ўтади. Плазмогамиядан кейин икки жинсга мансуб гаплоид ядролар қўшилмайди, аммо *дикарион* деб аталадиган жуфтликлар ҳосил қиласди. Аскогондан аскоген гифалар ўсиб чиқади, шохланади ва уларда “илмоқ” усулида халтачалар ҳосил бўлади. Халтачаларда дикарионларнинг ядролари қўшилиб, диплоид ядро ҳосил бўлади, у олдин мейоз, сўнгра митоз усулида бўлинниб, 8 та гаплоид ядро ҳосил қиласди ва уларнинг атрофида 8 та аскоспора шаклланади.


Баъзи аскомицетларда антеридий мавжуд бўлмайди, уларнинг вазифасини *спермацийлар* бажаради. Тузилишидан спермацийлар майда конидияларга ўхшаб, улар аскогондан анча узоқ жойларда ҳосил бўлади ва аскогонга ҳаво оқими, ёмғир томчилари ва ҳашаротлар ёрдамида тушади.

Қобиги тузилишига қараб асклар 2 та гурухга бўлинади. *Прототуникат* аскларнинг қобиғи юпқа, осон емириувчан ва уларда ҳосил бўладиган аскоспоралар пассив шаклда тарқалади. Эутуникат аскларнинг қобиғи қалинроқ ва улар аскоспоралар тарқалишида фаол қатнашади. Эутуникат асклар ҳам икки гурухга – қобиғи юпқароқ ва бир қат бўлган *унитуникат* асклар ва икки қат бўлган *битуникат* аскларга – бўлинади. Аскоспоралар битуникат асклардан фаол отилади.

Асклар шар, тухум, тўқмоқ, цилиндр ва бошқа шаклли бўлиши мумкин. Аскоспоралар ҳам ҳар хил – думалокдан то ипсимонгача шаклларга эга.

Жинсий йўл билан ҳосил бўлган споралар асосан замбуруғ турлари нокулай шароитда ҳаётчанлигини сақлаш ҳамда популяцияда генетик хилма-хилликни таъминлаш учун хизмат қиласди. Жинссиз қўпайиш пропагулалари эса субстратни тез эгаллашни таъминлайди. Замбуруғ ривожланиши жараёнида ҳар мавсумда бир неча жинссиз қўпайиш авлодларини беради. Уларнинг жинсий қўпайиши эса мавсумда бир марта, одатда ўсув даври охирида нокулай об-ҳаво шароитлари кузатилганда, қиши келиши арафасида ўрин олади. Жинсий усулда ҳосил бўлган споралар қишлияди ва кейинги йили баҳорда ёки ёз бошида ўсади ва ўсимликларни бирламчи заарлайди (Попкова и др., 2005; Agrios, 2008).

Фитопатоген замбуруғларнинг янги физиологик ирқлари ва биотиплари пайдо бўлишининг сабаби *гетерокариоз* ва *парасексуал* жараён бўлиши мумкин. Гетерокариоз ҳар хил синфларга мансуб бўлган кўп замбуруғларда учрайди. Гетерокариоз – бир турга мансуб замбуруғнинг гифаларида генетик жихатдан ҳар хил ядролар мавжудлигидир. Гетерокариоз пайдо бўлиши бир неча йўл орқали амалга ошади: ҳар хил генетик информацияга эга бўлган вегетатив гифалар орасида анастомоз бўлиши ва ядролар бир мицелийдан иккинчисига оқиб ўтиши; баъзи ядроларида мутация бўлиши; гетерокариотик спора ўсиши; ядролар қўшилиши ҳамда диплоид ҳосил бўлиши пайтларида генетик материал алмашинуви натижасида гетерокариоз ҳосил бўлишидир.



Аскомицетларнинг мева таначалари: а – клейстотеций; б – перитеций; в – апотеций; г – псевдотеций (Попкова и др., 2005).

Строма (аскострома) ва унинг ичидаги мева таначалари: 1 – строма; 2 – перитеций; 3 – халтачалар ва аскоспоралар; 4 – хўжайин ўсимлик тўқимаси (Попкова и др., 2005).

Гетерокариотик мицелийда у ёки бу типга мансуб ядролар мавжудлиги ўзгарувчан атроф-мухит факторлариiga замбуруғларда юкори адаптацион қобилияят пайдо бўлишини таъминлайди.

*Парасексуал жараён.* Бир қатор замбуруғларда ҳақиқий жинсий жараён мавжуд эмас. Уларда генетик информация алмашинуви парасексуал жараён воситасида амалга ошади. Бу жараён кўп дейтеромицет ва базидиомицетларда, асосан лаборатория шароитида қайд этилган. Бу жараёнда плазмогамия, кариогамия ва хромосомалар гаплоид ҳолатга келиши маҳсус жинсий структураларда ёки яшаш циклининг маълум бир босқичида эмас, балки мицелийнинг вегетатив гифасида амалга ошади. Парасексуал цикл – ҳар қандай вегетатив гифадаги генетик томондан фарқ қиласиган ядролар қўшилиши ва митоз бўлинишида хромосомалар қисмларининг рекомбинация қилинишидир.

Жинсий жараёни мавжуд бўлмаган дейтеромицетлар учун парасексуал циклнинг аҳамияти катта. Бу цикл ушбу замбуруғлар учун ирсий ўзгарувчанлик манбаидир. Парасексуал цикл баъзи, жинсий жараёни мавжуд бўлган, замбуруғларда ҳам бор.

### *Муҳокама учун саволлар*

1. Замбуруғларнинг замонавий классификацияси. Замбуруғлар ва замбуруғсимон организмлар ҳозирги вақтда нечта дунёга бўлинади? Уларнинг номлари нима?
2. Протозоа дунёси, Пламодиоформикота филумига кирувчи замбуруғсимон организмлардан ўсимликларда паразитлик қилувчи қандай турни биласиз?

3. Хромиста дунёси, Оомикота филуми, Оомицетес синфига мансуб бўлган замбуруғсимон организмларнинг муҳим турлари ўсимликларда қандай касалликларни қўзғатади? Уларнинг қайси турлари картошкада ва токда муҳим касалликларнинг қўзғатувчилариридир?
4. Ҳақиқий замбуруғлар дунёсига нечта филум (бўлим) киради? Уларнинг номлари нима?
5. Хитридиомикота филуми, Хитридиомицетес синфига мансуб бўлган қайси тур Ўзбекистонда картошкада карантин объект ҳисобланади?
6. Зигомикота филуми, Зигомицетес синфи, Мукоралес тартибига мансуб бўлган фитопатоген замбуруғлар ўсимликларда қандай касалликларни қўзғатади?
7. Аскомикота филумига мансуб замбуруғларнинг асосий белгилари нималардан иборат? Анаморфа, телеоморфа ва голоморфа терминлари нималарни англатади?
8. Архиаскомицетлар синфи, Тафриналар тартибига мансуб замбуруғларнинг биологияси ва улар қўзғатадиган касалликларнинг белгилари нималардан иборат?
9. Ҳақиқий аскомицетлар синфи қандай белгилари асосида 4 та тартиблар гуруҳига бўлинган? Уларнинг мева танаҷалари – клейстотецийлар, перитецийлар, аптецийлар ва псевдотецийларни – тавсифлаб беринг.
10. Пиреномицетлар тартиблар гуруҳига мансуб бўлган қандай фитопатоген турларни биласиз? Эризифалес тартибига киравчи турлар ўсимликларда қандай касалликларни қўзғатади?
11. Дискомицетлар тартиблар гуруҳига мансуб бўлган қандай фитопатоген турларни биласиз? Ўсимликларда касаллик қўзғатувчи, Склеротиния ва Монилиния туркумларига мансуб турлар қайси тартиб ва қайси оила таркибига киради?
12. Анаморф замбуруғлар гуруҳига мансуб турларнинг асосий белгилари нималардан иборат? Бу гуруҳга нечия синф киради ва уларнинг номлари нима?
13. Гифомицетлар синфи, Гифомицеталес тартибига киравчи замбуруғларнинг асосий белгилари нимадан иборат? Бу тартибга киравчи Монилиацеа, Дематиацеа ва Туберкуляриацеа оиласлари бир-бирларидан турларининг қандай белгилари билан фарқланади?
14. Гифомицетларнинг Монилиацеа оиласига киравчи фитопатоген турларнинг қандай вакилларини биласиз? Ботритис, Монилия, Вертицилл, Пеницилл ва Аспергилл туркумларига мансуб бўлган муҳим фитопатоген турлар қўзғатадиган касалликлар ҳақида гапириб беринг.
15. Гифомицетларнинг Туберкуляриацеа оиласи, Фузариум туркумига киравчи фитопатоген турлар ўсимликларда қандай касалликларни қўзғатади?
16. Целомицетлар синфига киравчи замбуруғларнинг асосий белгилари нимадан иборат? Бу синфга киравчи Меланкониалес ва Сферопсидалес тартиблари бир-бирларидан турларининг қандай белгилари билан фарқланади?
17. Меланкониалес тартибига мансуб турлар ўсимликларда қўзғатадиган қандай

касалликларни биласиз? Ёнгоқда ва токда антракноз касаллигини қайси турлар қўзғатади?

18. Сферопсидалес тартибига киравчи фитопатоген замбуруғларнинг қандай туркумларини ва турларни биласиз?
19. Агономицес гуруҳининг иккинчи номи нима учун “Стерил мицелийлар” деб аталади?
20. Базидиомикота филумига киравчи турларнинг асосий белгилари нималардан иборат?
21. Базидиомикота филумининг Устилягиномицетес синфи, Устилягиналес тартибига киравчи қоркуя замбуруғларининг асосий белгилари нималардан иборат? Бу тартибга киравчи Устилягинацеа ва Тиллециацеа оиласлари бир-биридан турларининг қандай белгилари асосида фарқланади?
22. Фалла экинларида қоракуя қўзғатувчи қандай фитопатоген турларни биласиз? Уларнинг 5 та гуруҳининг тавсифлари нималардан иборат?
23. Базидиомицетларнинг Урединиомицетес синфи, Урединалес тартибига мансуб бўлган занг замбуруғларининг асосий белгилари ва қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти нималардан иборат?
24. Занг замбуруғларининг ривожланиш циклида неча хил споралаш хиллари мавжуд? “Плеоморфизм” ҳодисаси нимани билдиради? Тўлиқ ва нотўлиқ цикли турлар ҳамда якка ва ҳар хил хўжайнли турларнинг бир-биридан фарқлари нимада?
25. Буғдойни занг замбуруғларининг неча тури заарлаши мумкин ва улардан қайсилари Ўзбекистонда ушбу экин ҳосилига катта заар келтиради?
26. Фитопатоген замбуруғларнинг тузилиши. Гифа, мицелий, септа, апрессорий, гаусторий, склероций, строма, мицелиал арқонча, ризоморф терминларини тавсифлаб беринг. Экзлген ва эндоген ҳамда локал ва диффуз мицелийларнинг фарқи нимада? Фитопатоген замбуруғлар қандай озиқланади? Уларнинг қандай ферментлари бор? Фитопатоген замбуруғларнинг споралари ўсиши, ўсимликларни заарлаши ва ривожланишига қандай асосий факторлар таъсир қиласди?
27. Замбуруғларнинг қандай кўпайиш усуулари мавжуд? Вегетатив, жинссиз репродуктив ва жинсий кўпайишда улар қандай органлар ҳосил қиласди? Коремия, ёстиқча, спородохий, пикнидаларни тавсифлаб беринг. Гаметогамия, оогамия ва зигогамия жараёнлари замбуруғларнинг қайси гуруҳларида учрайди? Аскомицет ва базидиомицет замбуруғлар жинсий репродуктив кўпайиш жараёнларида қандай структуралар ҳосил қиласди?

## БАКТЕРИОЛОГИЯ ФАНИНИНГ ТАРИХИ

Ўсимликларнинг бактериал касалликлари хақидаги фан фитопатологиясининг бир қисмидир. XIX асрнинг 60-нчи йилларигача ўсимлик касалликларининг қўзғатувчилари фақат замбуруғлар деб ҳисобланган. Фитопатологлар ва микробиологлар ўсимликлар фитопатоген бактериялар билан заарланиши “принципиал шаклда мумкин эмас” лигини, демак бундай

бактериялар ҳам мавжуд эмаслигини исботлашга уринишган.

Немис олимни Роберт Кох (1843-1910) бактериялар инсон ва ҳайвонларда касалликлар қўзғатишини биринчи бўлиб исботлагандан кейин кўп вақт ўтмасдан, 1878 йилда, юксак ўсимликлар ҳам бактериялар билан паразитик шаклда заарланиши мумкинлигини, мевали дараҳтлар кўйиш касаллигининг бактериал табиатини аниқлаган ва 1882 йилда ўсимликда биринчи бактериозни кашф этган америкалик олим *Томас Джон Баррол* (1839-1916) исботлади.

Фитопатологиянинг бактериозлар ҳақидаги йўналишига америкалик фитопатолог Эрвин Смит асос солди. У ўсимликлар илдиз бўғзининг рак касаллигини бактерия (*Agrobacterium tumefaciens*) қўзғатишини исботлади. У ўсимликларнинг кўп бактериал касалликларини тадқиқ қилибгина қолмасдан, балки фитопатологияда бактериологик тадқиқот ўтказиш методикаларини яратди ва XX асрнинг бошида ўсимликлар касалликларнинг бактериал табиатини ишонарли шаклда исботлади. 1915 йилга келиб ўсимликларнинг 144 туркумига мансуб турларида бактериялар аниқланди, 1920-йилларда эса ўсимликларда аниқланган бактериозлар сони инсон ва ҳайвонларнинг бактериал касалликлари сонидан ошиб кетди. МДҲ мамлакатларида фитобактериология фанининг ривожланишига М. С. Воронин, М. В. Горленко, И. В. Воронкович, Ўзбекистонда эса С.А. Асқарова, Ж. Сафиязов ва Р.К. Саттаровалар катта ҳисса қўшганлар.

Бактериялар сапротроф (патоген бўлмаган) ва фитопатоген бўлиши мумкин. Ўсимликларда 400 тадан кўпроқ фитопатоген бактериялар касаллик қўзғатади, жумладан сабзавот, полиз экинлари ва картошканинг кенг тарқалган бактериозларининг сони 30 тадан кўпроқ. Биринчи ўсимлик бактериозлари кашф этилган вақтдан (1882 йилдан) бошлиб ҳозиргача фитопатоген бактерияларнинг янги турлари, кенжа турлари ва сапротроф турларнинг патологик варианлари (патоварлари) кашф этилиши давом этмоқда.

### **Фитопатоген бактерияларнинг биологияси**

Бактериялар прокариот организмлар бўлиб, уларнинг шаклланган ядроси мавжуд эмас, нуклеоплазмаси (ядро моддаси) цитоплазмадан ҳеч қачон мембрана воситасида ажралмайди. Бактериялар оддий иккига (бинар) бўлиниш воситасида кўпаяди.

Бактериялар хлорофилсиз, бир ҳужайрали тубан, гетеротроф организмлардир. Улар тайёр органик модда ҳисобига озиқланади. Уларнинг ҳужайраларининг узунлиги 0,5-4,5 мкм, эни 0,3-0,8 мкм. Бактериялар спорали, спорасиз, ҳаракатланувчи ва ҳаракатсиз шаклларга эга. Ҳаракатчан бактерияларнинг хивчинчалари мавжуд. Хивчинчаларнинг ҳужайрадаги сони ва жойлашишига қараб бактерияларни монотрихлар (ҳужайранинг бир учida битта хивчинчали), лофотрихлар (ҳужайранинг бир учida бир даста хивчинчали) ва перитрихларга (хивчинчалар ҳужайра устининг барча қисмларини қоплаган) ажратишиади.

Бактерия ҳужайраларининг шаклига қараб уларни куйидаги гурухларга

бўлишади: таёқчасимон<sup>4</sup> спорасиз бактериялар, таёқчасимон спорали бациллалар, шарсимон кокклар (монококк, диплококк, стрептококк ва стафилококклар), эгилган таёқчасимон вибрионлар, спираль шаклли спириллар ҳамда спирохеталар ва б.

Бактериялар осмотик усулда – озуқани ҳужайраларининг барча устки қисмлари билан сўриб, озиқланади. Барча фитопатоген бактериялар оддий озуқа муҳитларида ўсади, аммо таркибида ўсимлик моддалари мавжуд бўлган озуқа муҳитларини афзал кўради. Оқсили муҳитларда уларнинг кўпчилиги морфологик ўзгарган шакллар ҳосил қиласи ёки ҳаётчанлгини йўқотади. Фитопатоген бактерияларнинг кўпчилиги грамманфий, факат бациллалар граммусбат ва коринебактериялар граммусбат ёки грамўзгарувчан. Грамманфий ва граммусбат спора ҳосил қилувчи бактериялар хивчинчаларга эга ва ҳаракатчан. Грамманфий бактерияларнинг ҳужайра қобиги граммусбат бактерияларнига кўра анча юпқа. Коринебактериялар ҳаракатсиз. Фитопатоген бактерияларнинг аксарияти аэроблар – моддаларни ҳаво кислороди ҳисобига оксидлайди ва органик бирикмалар оксидланишида ҳосил бўлган энергияни ўзлаштиради. Озиқланиш типи бўйича улар хемоорганотрофлардир. Уларнинг баъзилари кислород етишмовчилигига ривожлана оладиган микро аэрофиллардир.

Баъзи фитопатоген бактерияларнинг усти шилимшиқ қатlam – *капсула* – билан қопланган. Капсулалар бактериялар нокулай атроф-муҳит шароитларида ҳаётчанигини сақлашга имкон яратади. Баъзи фитопатоген бактериялар (*Pseudomonas*, *Xanthomonas* туркумларига мансуб турлар) нинг шилимшиқ моддаларида токсинлари бор, бу бактерияларнинг ўсимликни заарлай олиш хусусияти ушбу токсинлар мавжудлигига боғлиқ. Капсула мавжудлиги заарланган ўсимлик тўқималари устида нам об-ҳавода бактерия ҳужайралари шилимшиқ модда ёки экссудат ҳолида тўпланишига имкон яратади.

Фитопатоген бактериялар ўсиши учун минимал ҳарорат  $5-10^{\circ}\text{C}$ , оптимум –  $25-30^{\circ}\text{C}$  ва максимум  $25-30^{\circ}\text{C}$  ни, термотолерант турларда эса ундан ҳам юқориоқни ташкил этади. Улар учун нейтрал ёки бироз ишқорли муҳит (рН 7-8) қулай ҳисобланади.

Нокулай ташки муҳит факторлари, мисол учун антибиотиклар таъсирида баъзи фитопатоген бактериялар L-форма деб аталган шаклни пайдо қиласи. Бактерияларнинг L-формаларида ҳужайра қобиги бўлмайди, аммо улар муайян шароитларда ҳужайра шаклини тиклаши мумкин. Ҳужайра қобиги мавжуд бўлмаслиги туфайли L-бактериялар ўзига хос шакли ва ҳажмини йўқотади; бундай бактериялар бактериал фильтрдан ўтади. Шу сабабдан L-бактерияларни фильтрдан ўтувчи бактериялар деб аташади.

Фитопатоген бактерияларнинг фильтрдан ўтувчи формаларининг бактериозлар ривожланишдаги аҳамияти катта, чунки улар ўсимлик ичида яширин шаклда (ташки белгилари намоён бўлмасдан) узоқ вақт давомида сақлана олади. Бундай заарланиш латент инфекция деб аталади. Қулай шароит қайтадан пайдо бўлганида бактериялар L-формадан оддий формага

<sup>4</sup> Фитопатоген бактерияларнинг аксарияти таёқча, факат *Streptomyces* турлари ипсимон шаклга эга.

үтади, кўпая бошлайди ва ўсимликларда касалликларнинг типик симптомлари ривожланади.

Фитопатоген бактерияларнинг қаттиқ озуқа муҳитларидағи колониялари одатда оқ, оқиши-кулранг, сарғиш ёки (коринебактеряларда) апельсин оҳангли тусга эга. Колониялар қуруқ ёки шилимшиқ бўлиши мумкин.

Битта соф культура колониясидан олинган материал бир неча озуқа муҳитига кўчириб экилганда морфологияси ҳар хил бўлган колониялар ўсиб чиқади. Бу ҳодиса *диссоциация*, ёки *диссоциатив ўзгарувчанлик*, деб аталади, характеристига кўра фарқланувчи колонияларнинг ўзлари эса *диссоциантлар номини* олган. Диссоциантларнинг асосий формалари M-, S- ва R-формалардир.

M-диссоциантларнинг колониялари шилимшиқ моддадан иборат, шакли қавариқ – озуқа муҳит сатҳидан анча кўтарилиган; S-диссоциантлар колонияларининг усти силлиқ, ялтироқ, ясси ёки озуқа муҳит сатҳидан сал кўтарилиган; R-диссоциантлар колонияларининг усти хира (ялтироқ эмас), кўпинча бурушиқ, нотекис, гижимланган ёки қат-қат шаклли. Диссоциантлар колония тузи бўйича ҳам фарқланиши бактерияларда (*Erwinia amylovora*, ўсимликлар илдиз бўғзида рак касаллигини кўзғатувчи *Rhizobium radiobacter*, коринесимон ва бошқа бактерия турларида) кўп учрайди. *Clavibacter michiganensis* subsp. *michiganensis* бактерияси диссоциантларининг колониялари оқ ва сариқ бўлиши мумкин, оқ колонияли шаклларнинг вирулентлиги юқори эканлиги, аммо улар озуқа муҳитида яхши ўсмаслиги аниқланган.

Фитопатологлар бактерияларнинг озуқа муҳитларида ва табиий шароитда кузатиладиган морфологик (ва генетик) ўзгарувчанлигига (диссоциациясига) жуда диққат билан ёндашиши лозим, чунки диссоциантлар (вариантлар) бир-биридан патогенлик даражалари бўйича фарқланади.

### **Бактерияларнинг тарқалиши ва ҳаёт кечириши, бактериозларнинг белгилари**

Фитопатоген бактериялар соғлом ўсимлик тўқималариға касал ўсимлик билан контакт орқали, ўсимликлардаги табиий тешиклар – гуллар, барглардаги устъицалар, гидатодалар, мевали дараҳтлар илдизларидағи кавакчалар, картошка туганакларидағи кавакчалар ва кўзчалар – ҳамда ҳар хил механик жароҳатлар ва яралар орқали киради. Бактериозларнинг инфекция манбаалари қаторига заараланган ўсимликлар, уруғлар ва экиш учун қўлланиладиган материаллар, заараланган ўсимликларнинг қолдиқлари, тупроқ киради. Соғлом ўсимликларга бактериялар ҳашаротлар, қушлар, қишлоқ хўжалик иш қуроллари, ҳаво оқимлари ва ёмғир томчилари билан тарқалади.

*Бактериозларнинг белгилари ва типлари.* Касаллик белгилариға асосланиб бактериозларни 2 та – диффуз ва локал типларга бўлишади (4-жадвал).

*Диффуз (системали) бактериозда* бактериялар ўтказувчи найчаларга кириб олади, ушбу найчалар ва уларнинг атрофидаги тўқималар бўйлаб тарқалади. Бактериялар кўпайиши жараёнида олдин алоҳида органларнинг, кейин эса бутун ўсимликнинг ўтказувчи найчалари бактерия массалари билан тўлиб, тиқилиб қолади, тўқималарга сув етказилиши бузилади ва ўсимлик сўлийди. Сўлиш системали бактериозларнинг асосий белгиси ҳисобланади.

Мисол учун, помидор ва полиз экинларининг бактериал сўлиш касалликлари (қўзғатувчилари *Clavibacter michiganensis* ssp. *michiganensis* ва *Erwinia tracheiphila*) олдин алоҳида барглар, кейин айрим новда ва палаклар, охирида бутун ўсимлик сўлишига олиб келади. *Сўлиш* – ўсимлик тўқималарининг тургори йўқотилиши туфайли пайдо бўладиган патологик ўзгаришлар натижасидир.

*Локал бактериозда* ўсимликларнинг айрим органлари – барглари, новдалари, қобиқлари ва меваларининг паренхима тўқималари заарланади. Асосий белгилари – некрозлар, чиришлар, хлорозлар, шишлар, галлар ва бактериал шилимшиқ – экссудат ҳосил бўлишидир.

*Некроз* – ҳалок бўлган, қўнғир ёки қора тус олган ҳужайраларнинг бир гуруҳидир. Кейин некроз атрофидаги бошқа ҳужайраларга тарқалади. Мисол учун, мевали дараҳтларнинг гуллари ва барлгарида *Erwinia amylovora* қўзғатган белгилари.

*Чириш* – илдизмевалар ва туганаклар каби, таркибида шира (намлик) ва карбонсувлар миқдори юқори бўлган паренхима тўқималари заарланиши натижасидир. Бунда пектиназа ва протопектиназа ферментлари таъсирида тўқима юмшайди, бўтқага ўхшаб қолади ва ўзига ҳос (кўпинча бадбўй) ҳид чиқаради. Мисол – сабзи, картошка ва бошқа илдизмевалар *Erwinia carotovora* таъсирида чириши.

*Хлорозлар* кўпинча касаллик ривожланишининг илк босқичларида ва кейинчалик некрозлар билан бирга (одатда некрозлар атрофида) пайдо бўлади, мисол – ўсимлик баргларининг заарланган жойи атрофида ҳосил бўладиган хлорофилли кам бўлган қисмлари. Хлорофилл камайиши бактериялар токсинларининг таъсиридир.

*Шишлар* (галлар, бўртмалар) камроқ учрайди. Мисол – кўп дараҳтларнинг илдиз бўғзида ва пояларида рак қўзғатувчи *Agrobacterium tumefaciens* бактерияси қўзғатадиган белгилар.

Баъзи бактериялар бир вақтнинг ўзида ўсимликларда бир неча хил касаллик қўзғатиши мумкин, *Erwinia carotovora* далада картошка ниҳоллари чириши ва поялари сўлишига, омборхоналарда туганаклар чиришига олиб келади. Баъзи бактериялар (мисол учун мевали дараҳтлар куйиши қўзғатувчиси ва б.) бактериал экссудат ҳосил қиласиди. Бошқалари эса токсинлар синтез қиласиди.

Локал ва диффуз бактериозларнинг бир неча турлари Ўзбекистонда ҳам ҳар хил экинларда учрайди (4-жадвал).

#### 4-жадвал. Диффуз ва локал бактериозларнинг мисоллари\*

Касаллик	Қўзғатувчи	Касаллик формалари
<b>Диффуз бактериозлар</b>		
Помидорнинг рак касаллиги	<i>Clavibacter michiganensis</i> ssp. <i>michiganensis</i>	Сўлиш
* Картошка	<i>Erwinia carotovora</i>	Сўлиш - картошка ўсув даврида

бактериози	(= <i>Pectobacterium carotovorum</i> )	
* Карам томирлари бактериози	<i>Xanthomonas campestris</i>	Карам барглари, поялари ва кўзокларида доғлар ривожланиши ва б.
* Полиз экинлари сўлиши	<i>Erwinia tracheiphila</i>	Сўлиш
<b>Локал бактериозлар</b>		
* Бодринг барглари серқирра доғланиши	<i>Pseudomonas syringae</i> pv. <i>lacrymans</i>	Некроз – баргларда қиррали доғлар пайдо бўлади
* Данакли мевали дараҳтларнинг бактериозлари	<i>Pseudomonas syringae</i> pv. <i>syringae</i> ва бошқа патоварлар	Некроз – баргларда кичик, думалоқ, поя қобигида узун, тасмасимон доғлар пайдо бўлади
Мевали дараҳтлар куйиши	<i>Erwinia amylovora</i>	Некроз – дараҳтларнинг барча қисмларида қўнғир доғлар пайдо бўлади Заарланган органларда экссудатлар ҳосил бўлади
Ловия бактериози	<i>Pseudomonas syringae</i> pv. <i>phaseolicola</i>	Некроз – ловия дуккакларида доғлар пайдо бўлади Хлороз – заарланган органларда хлоротик доғлар пайдо бўлади Заарланган органларда экссудатлар ҳосил бўлади
Тамакининг бактериал чўтирлиги касаллиги	<i>Pseudomonas syringae</i> pv. <i>tabaci</i>	Некроз – заарланган органларда доғлар пайдо бўлади Хлороз – заарланган органларда хлоротик доғлар пайдо бўлади
* Сабзи, картошка, карам, пиёз, саримсоқ ва б.	<i>Erwinia carotovora</i> , <i>Erwinia aroidea</i> , <i>Erwinia</i> sp.	Картошка ниҳолларида “қора сон” – ниҳоллар чириши; мева ва илдизмевалар сақлаш даврида чириши
* Мевали дараҳтлар, ток ва б. экинларнинг илдиз бўғзининг рак касаллиги	<i>Agrobacterium tumefaciens</i> (= <i>Rhizobium radiobacter</i> )	Заарланган органларда шишлар, галлар ҳосил бўлади
* Лавлагининг бўқоқ касаллиги		
* Ёнгоқнинг бактериал куйиши	<i>Xanthomonas arboricola</i> pv.	Заарланган барг ва бошқа аъзоларда доғлар ва меваларда

касаллиги	<i>juglandis</i>	яралар ҳосил бўлади
* Анжир бактериози	<i>Bacterium fici</i>	Заарланган баргларда доғлар ҳосил бўлади ва новдалардан экссудат оқади
* Ўзанинг гоммоз касаллиги	<i>Xanthomonas campestris</i> pv. <i>malvacearum</i>	Заарланган баргларда доғлар, поя ва қўсакларда доғлар ва яралар ҳосил бўлади
* Лавлагининг сил касаллиги	<i>Xanthomonas campestris</i> pv. <i>beticola</i>	Заарланган илдизмеваларда шишлар ҳосил бўлади
Помидорнинг рак касаллиги	<i>Clavibacter michiganensis</i> ssp. <i>michiganensis</i>	Поя чатнаши ва меваларда доғлар пайдо бўлади
* Картошка халқа чириши	<i>Clavibacter michiganensis</i> ssp. <i>sepedonicus</i>	Картошка туганаклари чириши
* Помидорнинг сўгал касаллиги	<i>Xanthomonas campestris</i> pv. <i>vesicatoria</i>	Помидор ва қалампир баргларда доғлар, меваларда сўгаллар ҳосил бўлади

Изоҳ. Ўзбекистонда учрайдиган бактериозлар юлдузча билан белгилаб қўйилган.

*Бактериал касалликларни аниқлаши.* Ўсимликни заарлаган бактерия туркум ва турларини Берджи аниқлагачи ёрдамида аниқлаш учун уларнинг қуидаги белгилари лаборатория шароитида ўрганилади: касаллик белгиларининг баёнини пухта қайд қилиш; заарланган ўсимлик тўқималарида бактериялар мавжудлигини аниқлаш: тўқимани микроскопда текшириш, лозим бўлса, касалликни бактерия қўзғатишини исботлаш учун тўқимадаги бактерия хужайраларини Грам усулида бўяш (анализ учун фақат яқинда олинган ўсимлик материалини қўллаш мумкин); заарланган тўқимадан касаллик қўзғатувчисининг соф культурасини ажратиш; бактериянинг морфологияси (шакли, ўлчами, ҳаракатчанлиги, капсулалари ва хивчинчалари мавжудлиги, хивчинчалари мавжуд бўлса, уларнинг сони, жойлашиши, споралари мавжудлиги ёки йўқлиги, мавжуд бўлса, уларнинг жойланиши) ни ўрганиш; бактерия хужайраларида захира моддалар тўпланиши ёки тўпланмаслиги, тўпланса – уларнинг қайси кимёвий гурухга мансублигини аниқлаш; бактерия колонияларининг морфологияси (шакли – диссоциантлар форма (M-форма, S-форма, R-форма) лари, тузи), озуқа муҳитида ўсиш тезлигини аниқлаш; бактериянинг кислородга муносабати (аэроб ёки анаэроблиги) ни аниқлаш; озуқа муҳитида ўсиш пайтида газ ҳосил қилиши қобилияти мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлаш; метаболизм (нафас олиш ёки ачитиш) типини аниқлаш; муҳит нордонлиги даражасига муносабати (ўсиши учун қандай pH оптималь эканлиги) ни ҳамда ўсиш пайтида муҳитни нордонлаштириш ёки ишқорлаштириш қобилияти мавжудлиги ёки йўқлигини аниқлаш; бактерия

ўсиши учун органик факторлар (витаминлар, биотин, ачитқи замбуруғи экстракти, аминокислоталар, метионин, цистеин, глутамин ва никотин кислоталари ва х.) га әхтиёжи борлиги ёки йүқлигини аниқлаш; бактерия үзлаштира оладиган озуқа (азот ва карбон) манбаалари ва муҳитлари (оқсиллар, карбонсув хиллари), крахмал, целлюлоза, аминокислоталар, аммоний, нитрат, нитрит ва бошқаларни үзлаштира олишини аниқлаш; карбонсувлар (моно- ва дисахаридлар, жумладан глюкоза ва б.), органик кислоталар ва бошқа органик моддаларни үзлаштира олиш ҳамда сахарозадан леван (шилимшик модда) синтез қилиш қобилиятлари мавжудлиги ёки йүқлигини аниқлаш; бактерия ўсиши учун оптималь ҳароратни ва ҳароратга муносабати (психрофил, термофил, психротолерант, термотолерант) ни аниқлаш; озиқланиш типи, ферментлари мавжудлиги ёки йүқлиги, мавжуд ферментларнинг хиллари (каталаза, оксидаза, целлюлаза, уреаза, пектиназа, липазалар ва х.) ни аниқлаш; желатинани суюлтириш қобилияти мавжудлиги ёки йүқлигини аниқлаш; заарланган тўқимадан ажратилган бактериянинг соф культурасининг патогенлигини аниқлаш (ўсимликни сунъий заарлаганда унда пайдо бўладиган симптомлар табиий шароитда заарланган ўсимликда ҳосил бўладиган белгилар билан айни эканлигини исботлаш). Бу вазифа *Роберт Кох қоидаларига* (триадасига) биноан бажарилиши талаб этилади: қўзғатувчини ажратиш → у билан ўсимликни заарлаш → сунъий заарланган ўсимликдан қўзғатувчини қайтадан ажратиб олиш (*реизоляция*) ва у табиий шароитда заарланган ўсимликдан ажратилган қўзғатувчининг белгилари билан айни эканлигини исботлаш. Микроорганизмнинг патогенлигини аниқлаш учун ҳар хил методлар қўлланилади: бактерия культурасининг суспензиясини ўсимликларга пуркаш, ёки ушбу суспензияни ўсимлик тўқимасига шприц ёрдамида киритиш; ўсимликни сунъий пайдо қилган яра орқали заарлаш ва б.; фитопатоген бактериянинг ривожланиш циклини ўрганиш; касаллик қўзғатувчи турни аниқлаш – *идентификация* қилиш; бактериоз билан курашишнинг мос келадиган усулинин танлаб олиш талаб қилинади.

Бактерия турини аниқлашда хатога йўл қўймаслик учун а) культура тоза эканлигига амин бўлиш; б) уни тип штамми билан солиштириш; ривожланиш циклида бактериялар ҳужайраларининг шакли ва ҳаракатчанлиги ўзгариши мумкинлигини эсда тутиш лозим.

Бактерияларни аниқлаш учун қўлланиладиган бошқа усувлар қаторига *генетик тестлар* (ДНК анализи, ПЦР, ген дактилоскопияси; ҳужайрадаги гуанин ва цитозин миқдорларини аниқлаш; серологик анализ, иммунофермент анализ ҳамда электрон микроскопия киради. Шу билан бирга идентификация методлари доим такомиллашиб бориши, янги методлар яратилиши ва чоп этилишини эсда тутиш ва улардан фойдаланиш лозим.

Фитопатоген бактерияларни аниқлашда муайян қ.х. экинларида энг кўп учрайдиган бактерия турлари ҳақидаги маълумотлардан фойдаланиш ёрдам беради (4-жадвал).

### Фитопатоген прокариотлар классификацияси

Бактериялар ва моллиқютлар бир ҳужайрали прокариот организмлар

бўлиб, уларни эукариотлардан ажратадиган асосий белгилар 5-жадвалда умумлаштирилган. Прокариотларнинг замонавий классификацияси 6-жадвалда келтирилган. Жадвалдан кўриниб турибдики, ўсимликларнинг фақат ксилема ёки фақат флоэма тўқималарида яшовчи бактериялар<sup>5</sup> (*Xylella*, *Candidatus*, *Serratia* ва б.) нинг ҳамда фитопатоген фитоплазмаларнинг классификациялари ҳали охиригача ҳал қилинмаган.

Бактерияларни ифодалашда *бинар* номенклатура қўлланилади: ҳар бир турга туркум ва тур номи берилади.

### 5-жадвал. Прокариотлар ва эукариотлар

Параметрлар	Прокариотлар	Эукариотлар
Шаклланган ядро мавжудлиги	Шаклланган ядроси мавжуд эмас	Шаклланган ядроси мавжуд
Генетик материали ва унинг хужайрада жойлашиши	ДНК, цитоплазмада тарқоқ ҳолда	ДНК, шаклланган ядрода
Мембраналар мавжудлиги	Моллиютларнинг хужайраси фақат мембрана билан ўралган, хужайра деворчаси мавжуд эмас, бактерияларда мембрана ва хужайра деворчаси мавжуд	Барча органеллалар (ядро, митохондрийлар ҳамда ўсимликлар хлоропластлари) ўз мембраналари билан ўралган
Рибосомалари ва уларнинг жойлашиши	70 S рибосомалар цитоплазмада	80 S рибосомалари цитоплазмада, 70 S рибосомалари митохондрийларда ва хлоропластларда

*Актиномицетлар* грамманфий бактерияларга мансуб ва улар мицелиал прокариотлардир. Морфологик, физиологик, биологик ва экологик белгилари асосида актиномицетлар мустақил гурухни ташкил қиласди. Уларнинг вегетатив танаси мицелийдан иборат, аммо гифаларининг диаметри замбуруғларнидан 5-7 марта тор. Актиномицетлар мицелий бўлаклари ва споралари воситасида кўпаяди. Озуқа муҳитларида актиномицетлар олдин терисимон колониялар (*субстрат мицелийси*), сўнгра унинг устида ҳаво мицелийси ҳосил қиласди. Актиномицетлар ўсимлик ва ҳайвонлар қолдиқлари билан озиқланади. Актиномицетларнинг кўпчилиги сапротрофлардир. Патоген турлар *Streptomyces* туркумига мансуб; уларнинг мисоли – картошканинг оддий

<sup>5</sup> Булардан баъзилари, масалан, тоқда Пирс касаллигини қўзғатувчи *Xylella fastidiosa* бактерияси, олдин риккетсияларга мансуб, деб ҳисоблашган.

калмараз касаллигини қўзғатувчи *Streptomyces scabies* ва *Streptomyces turkumica* мансуб яна иккита турлардир.

**6-жадвал.** Фитопатоген прокариотларнинг замонавий классификацияси (Agrios, 2008)

Дунё: Прокариотлар - Kingdom: Prokaryotae				
Гурух - Group	Бўлим - Division	Синф - Class	Оила - Family	Туркум - Genus
Бактериялар – Bacteria	Грам-манфий бактериялар - Gracilicutes	Асосан бир ҳужайрали бактериялар - Proteobacteria	Энтеробактериялар – Enterobacteriaceae	Эрвания – <i>Erwinia</i> , Пантоя – <i>Pantoea</i> , Сerratia – <i>Serratia</i> , Сфингомонас - <i>Sphingomonas</i>
			Псевдомонадалар – Pseudomonadaceae	Асидоворакс – <i>Acidovorax</i> , Псевдомонас – <i>Pseudomonas</i> , Ралстония – <i>Ralstonia</i> , Ризобактер – <i>Rhizobacter</i> , Ризомонас – <i>Rhizomonas</i> , Ксантомонас – <i>Xanthomonas</i> , Ксилофилус – <i>Xylophilus</i>
			Ризобиацеа – Rhizobiaceae	Агробактериум – <i>Agrobacterium</i> , Ризобиум – <i>Rhizobium</i>
			Бактерияларнинг ном берилмаган оиласи – Still unnamed	Ксиелла – <i>Xylella</i> , Кандидатус – <i>Candidatus</i> , Ном берилмаган папайяни зарарловчи бактерия – Unnamed causing bumpy top disease of papaya
	Грам-мусбат бактериялар - Firmicutes	Асосан бир ҳужайрали бактериялар - Firmibacteria		Бацилла – <i>Bacillus</i> , Клостридиум – <i>Clostridium</i>
			Шохланувчи бактериялар - Thallobacteria	Артробактер – <i>Arthrobacter</i> , Клавибактер – <i>Clavibacter</i> , Куртобактериум – <i>Curtobacterium</i> , Лейфсония – <i>Leifsonia</i> , Родококк –

				<i>Rhodococcus</i> , Стрептомицет – <i>Streptomyces</i>
Молликютлар – <i>Mollicutes</i>	Тенерикютлар – <i>Tenericutes</i>	Молликютлар – <i>Mollicutes</i>	Спироплазмалар – <i>Spiroplasmataceae</i>	Спироплазма – <i>Spiroplasma</i>
			Ном берилмаган – Still unnamed	Фитоплазма – <i>Phytoplasma</i>

### ***Мұхокама учун саволлар***

1. Ўсимликда биринчи фитопатоген бактерияни қайси олим ва қачон кашф қылган?
2. Фитопатологияның бактериозлар ҳақидаги йұналишига қайси олим асос солған?
3. МДХ да ва Ўзбекистонда ўсимлик бактериозларини тадқиқ қылған қандай олимларни биласиз?
4. Бошқа микроорганизмлардан бактериялар қандай хусусиятлари билан фарқланади?
5. Бактерияларның морфологик белгилари. Бактерияларның капсулаларининг функциялари.
6. Бактерияларның L-формаларининг хусусиятлари.
7. Бактерияларның диссоциатив үзгарувчанлиги, M-, S- ва R-формалари.
8. Бактерияларның ўсимликларни заарлаш усуллари ва экин орасида тарқалиш йўллари.
9. Ўсимлик бактериозларининг белгилари ва типлари. Диффуз, локал бактериозлар.
10. Ўзбекистонда ўсимликларда учрайдиган бактериозларни санаб беринг.
11. Ўсимликларда бактериозларни аниқлаш усуллари. Морфологик, физиологик ва биокимёвий тестлар. ДНК анализи, ПЦР ва бошқа молекуляр-генетик тестлар. Кох триадаси.
12. Фитопатоген прокариотларның эукариотлардан фарқлари нимадан иборат?
13. Фитопатоген прокариотларның замонавий классификацияси.

### **ВИРУСЛАРНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИ**

XIX асрнинг охирида фитопатологларнинг обьекти сифатида патогенларның янги груп – вируслар юзага чиқди. *Вируслар* инсон, ҳайвон ва ўсимликларда касаллик қўзғатувчи жуда майда (субмикроскопик – ёргулик микроскопларида кўринмайдиган) организмлардир. Улар ҳужайра тузилишига эга эмас, сунъий озуқа муҳитларида ўсмайди ва фақат хўжайин организмнинг тирик ҳужайралари ичida ҳаёт кечиради.

Вирусларнинг ўсимликлар касалларни пайдо бўлишидаги роли аниқланиши фитопатологияның яна бир – фитовирусология йўналишига асос яратди.

1886 йилда голландиялик олим А. Майер (Adolph Mayer) мозаика билан заарланган тамаки баргидан олинган шира соғлом ўсимликка киритилганда унда ҳам мозаика ривожланишини аниқлади. Касал ўсимликда ва ундан

олинган ширада замбуруғлар мавжуд бўлмагани сабабли, А. Майер касалликни бактерия қўзғатади, деб хulosса қилди.

1892 йилда рус тадқиқотчиси Д.И. Ивановский (1864-1920) заарланган тамаки барги ширасидаги тамаки мозаикаси касаллигини қўзғатувчи организм бактериал фильтрдан ўта олишини, демақ, қўзғатувчи бактерия эмаслигини исботлади. Аммо Д.И. Ивановский тамаки мозаикасини бирорта бактериянинг токсини ёки жуда майда, бактериал фильтрдан ҳам ўта оладиган бактерия қўзғатиши мумкин, деган хulosага келди.

1898 йилда М.У. Бейеринк (Martinus Willem Beijerink) (1851-1931) Д. И. Ивановский тажрибаларидан баъзиларни такрорлади ва тамаки мозаикасини микроорганизм эмас, балки “инфекцион тирик суюқлик” қўзғатади ва бу суюқликнинг номи “вирус” деб хulosса қилди.

Аммо яна тахминан 40 йил давомида (1935 йилгача) ҳеч бир олимда вирусларнинг табиати, тузилиши, катталиги, шакли, кимёвий хусусиятлари ва кўпайиш усуслари ҳақида ғоя пайдо бўлмади. Бу вакт давомида қўзғатувчилари вирус ҳисобланган бир қанча ўсимлик касалликлари (жумладан, бодринг, помидор, ловия, картошка, мевали ва резавор мевали дарахтларнинг белгилари тамаки мозаикасиникига ўхшаш бўлган касалликлари) баён қилинди, аммо уларнинг қўзғатувчиларини аниқлай олишмади, чунки вирусларнинг табиати бу давр давомида номаълумлигича қолди. Бунинг сабаби – вирусларни одатдаги микробиологик усуслар ёрдамида тадқиқ қилиб бўлмаслиги, жумладан, жуда майда бўлгани учун уларни оддий ёруғлик микроскопларида кўриб, текшириш ҳамда сунъий озуқа муҳитларида ўстириш мумкин эмаслиги эди.

Вирусларни тадқиқ қилиш учун анъанавий микробиологик методларни эмас, балки янги методларни қўллаш лозим эди. Бу йўналишда кейинги муваффақиятга американлик биохимик ва вирусолог У.М. Стэнли (Wendell Meredith Stanley) (1904-1971) эришди. У 1935 йилда тамаки мозаикаси вируси (ТМВ) билан заарланган тамаки баргларидан олинган ширага аммоний сульфат қўшиб, чўкмада кристалл шакли оқсилни ажратди. Бу оқсилли чўкмани тамаки баргларига ишқалаганда ТМВ касаллигининг характерли белгилари пайдо бўлди. У. Стенли ТМВ касаллигини ушбу оқсил қўзғатади, деб хulosса қилди. Аммо кейинчалик бу хulosса нотўғри бўлиб чиқди.

1936 йилда инглиз олимлари Ф. Боуден ва б. ушбу кристаллар таркибида оқсилдан ташқари, рибонуклеин кислотаси (РНК) нинг паст концентрациялари ҳам мавжудлигини исботлашди.

ТМВ нинг заррачаларини биринчи марта электрон микроскопда 1939 йилда Кош ва б. (Kausche et al.) кўришди.

Нихоят, 1956 йилда Геррер (Gierrer) ва Шрамм (Schramm) ТМВ ширасидан олинган кристаллдан оқсилни ажратиб олишди ҳамда бутун генетик маълумот қолган РНК таркибида эканлигини ва бу РНК билан тамаки баргларини сунъий заарлаганда вирус тўла репродукция қилиниши мумкинлигини кўрсатиб беришди.

У. Стэнли, Ф. Боуден, Геррер, Шрамм ва бошқаларнинг тадқиқотлари вирусларнинг хусусиятларини кенг миқёсда ўрганишга йўл очиб берди. Кўп бошқа вируслар кристалл шаклида ажратиб олинди ва уларнинг кимёвий

таркиби аниқланди. Кейинчалик фитопатоген вирусларнинг аксариятининг нуклеин кислоталари бир-ибли РНК, баъзилариники икки-ибли РНК, бошқалариники эса бир ёки икки-ибли ДНК эканлиги исботланди.

Фитовирусология фанининг ривожланишига рус олимларидан А.А. Ячевский, В.Л. Рыжков, М.С. Дунин, А.М. Вовк, С.Н. Московец, И.К. Атабеков, Ю.И. Власов, ўзбек олимларидан А.Х. Ваҳобов, Ж. Юлдашов ва б. ўз ҳиссаларини қўшганлар.

### **Фитопатоген вирусларнинг тузилиши, ўлчамлари, кўпайиши ва тарқалиши**

Фитопатоген замбуруғлар каби вируслар ҳам ўсимлик касалликларининг муҳим қўзғатувчилари ҳисобланади. Улар ўсимликларда кенг тарқалган ва ўта заарли касалликлар (*вирозлар*) ни қўзғатади. Кейинги ўн йилликларда аниқланган фитопатоген вирусларнинг сони кескин кўпайди. *Хозир вируслар билан заарланмайдиган биронта ҳам маданий ўсимлик тури йўқ.* Вируслар билан заарланган экин майдонлари кенгаймоқда ва ҳосил йўқотилиши ошмоқда.

Вирозлар туфайли йўқотиладиган ҳосил миқдорини аниқлаш қийин, чунки вирозларни ҳар доим тўғри аниқлашмайди. Кўп ҳолларда улар келтирадиган заарни ноқулай об-ҳаво ва тупроқ шароитларига тўнкашади. Ҳисобкитобларга қўра барча экинларнинг касаллик ва зааркунандалар туфайли йўқотиладиган ҳосилининг тахминан 20 фоизи вируслар туфайли кузатилар экан. Кўпинча вируслар ўсимликларни ўлдирмайди, уларнинг зарари ҳосил миқдори ва сифати пасайиши, экин заиф, бошқа касалликларга ва паст ҳароратга чидамсиз бўлиб қолиши, касал ўсимликлардан олинган уруғ сифатсиз ва унувчанлиги паст бўлиши билан ифодаланади.

Вирус билан заарланган ўсимликлардан олинадиган озуқа ва ем-хашакнинг сифати ва маҳсулотларнинг қайта ишлашга яроқлилиги ўзгаради. Мисол учун, вирус сариқлиги билан заарланган қанд лавлагининг илдизмеваларида қанд миқдори 1-2% га, ҳар хил вируслар билан заарлаган картошқа туганакларидаги крахмал миқдори 1,5-2% га камаяди.

*Вирус касалликларининг белгилари* асосан 5 хил бўлади. Булар а) ўсимликлар ўсишдан орқада қолиши (пакана бўлиб қолиши); б) баргларда мозаика ривожланиши – уларнинг нормал яшил тусли қисмлари аномал (оч-яшил, сарғиш-яшил ёки сариқ) тусли қисмлар билан галма-гал жойлашиши, ёки барг юзасида ҳар хил тусли, тартибсиз равишда жойлашган ёки ҳар хил (халқа, ярим ой, чизиқча) шакллар ҳосил қилувчи доғлар пайдо бўлиши; оч-сариқ ёки оқ тусли мозаика аукуба, барг бутунлай хлороз билан қопланиши *сариқлик* деб аталади; в) ўсимлик аъзолари (барг, мева ёки гуллари) нинг тўқималари хунук шакл олиши; г) ўсимлик пояси, барг бандлари ва томирчаларида некроз (доғ, халқа, тасма, чизиқча ва б.) лар ҳосил бўлиши (мисоллар: помидорнинг жуфт стрик, олхўрининг шишган мева касалликлари ва х.); д) ўсимликларнинг репродуктив функциялари бузилиши (гуллар ва тугунчалар тўкилиши, уларнинг айрим қисмлари хунуклашиши ёки йўқотилиши, бепуштлик, уруғ ҳосил бўлмаслиги ва б.). Баъзи вирозларда айни вақтда бир неча белгилар

ривожланиши мумкин. Вирозларнинг белгиларига ва улар намоён бўлишига ҳарорат, ёруғлик, намлик ва ҳ. таъсир қиласи. Вирозларнига ўхшаш кўп белгилар ўсимликларга ноқулай абиотик факторлар таъсирида ҳам ҳосил бўлиши мумкин.

Фитопатоген вируслар билан заарланган ўсимликларда, бошқа кўзғатувчилар билан заарланишга нисбатан, *латентлик* ҳодисаси кўпроқ учрайди; бунда ўсимлик системали заарланган бўлишига қарамасдан, вирознинг ташки белгилари намоён бўлмайди, аммо у бошқа ўсимликлар учун касалликнинг латент манбаи бўлиб хизмат қиласи.

*Вирусларнинг шакллари* уларнинг нуклеокапсидларининг шакллари билан аниқланади. Фитопатоген вирусларнинг кўпчилигини қўйидаги 4 та: *таёқча* ва *ипсимон* ( $2000 \times 10$  нм гача), *сфера* (диаметри  $17-75$  нм) ва *бацилла* ( $250 \times 70$  нм) шаклли морфологик гуруҳларга бўлиш мумкин. Мисол учун, таёқча шаклли вируслардан ТМВ (катталиги  $300 \times 9$  нм), бодринг 2-мозаикаси (*Cucumis virus 2*) ( $280 \times 16$  нм), картошка X-вирози ( $730 \times 60$  нм), ипсимон вирусларга цитрус экинларининг тристеза вируси ( $2000 \times 11$  нм), лавлаги сариқлигини қўзғатувчи вирус ( $1000 \times 12$  нм), сфера шакллиларга шафтolinинг X-вирози (диам.  $50$  нм), бодринг 1-мозаикаси (*Cucumis virus 1*) (диам.  $30-35$  нм) ни қўзғатувчи вируслар ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Бу белгилар ҳар бир вирус тури учун характерли.

*Вирусларнинг кимёвий таркиби* оқсил ва нуклеин кислоталаридан – нуклеопротеидлардан – иборат. Нуклеин кислотаси думалоқ шаклли вируслар таркибининг 15-45 фоизи, таёқчасимон вирусларнинг тахминан 5 фоизи ва бацилла шаклли вирусларнинг тахминан 1 фоизини ташкил қиласи, уларнинг қолган қисмлари оқсилдан иборат; масалан, картошка X-вирусининг заррачалари таркибида 5-6% РНК ва 94-95% оқсил мавжуд. Лекин айнан РНК инфекция ташувчи ва ирсий белгиларни аниқловчи агент бўлиб, оқсил фақат ушбу нуклеин кислотасини (вирус ҳужайрадан ташқарида бўлганида) ҳимояловчи қобиқ вазифасини бажаради. Етук вирусларнинг нуклеопротеид заррачалари *вирион* деб аталади. Моллиқутлар ( $500$  млн дальтон) ва бактериялар ( $1\ 500$  млн дальтон) билан солиштирганда, вируслар нуклеин кислоталарининг оғирлиги кам: вирус заррачалари нуклеопротеинларининг оғирлиги  $4,6-7,3$  млн дальтон орасида, соф нуклеин кислоталариники эса  $1-3$  млн (баъзилариники эса  $6-16$  млн) дальтон. Вирусларнинг кўпчилиги РНК га ва фақат баъзилари ДНК га эга (бошқа гуруҳларга мансуб бўлган касаллик қўзғатувчилари ҳужайраларида ҳар икки хил нуклеин кислоталари мавжуд).


*Вирусларнинг кўпайиши.* Вирусларнинг нуклеин кислоталари ўсиш ва бўлинниб кўпайишга қодир эмас. Улар фақат ўсимлик ҳужайраларини нуклеин кислоталари билан заарлаганда, ўсимликнинг рибосомаларидан фойдаланиб кўпаяди; бу *абсолют паразитизм* ҳисобланади. Фитопатоген вирусларнинг кўпчилигига инфекцион агент функциясини РНК (жуда кам ҳолларда ДНК) бажаради, улар оқсилдан ташкил топган қобиқка эга. Ҳужайрага кирган вируснинг оқсил ва нуклеин кислотаси ажralиб кетади. Нуклеин кислотаси ҳужайранинг ирсий аппаратига кўшилиб, у вируснинг янги нуклеин кислоталари ва оқсил қобиқлари синтез қилинишини таъминлайди; улардан эса

хужайра ичиде янги вирионлар йифилади. Янги вирионлар ўтказувчи система (флоэма ва ксилема) орқали ўсимликнинг барча қисмларига тарқалади (2-расм).

Вирионлар (уларнинг нуклеин кислоталари) кўпайиши *репликация* деб аталади. Репликация пайтида ирсий ўзгарган шакллар – вирус *штаммлари* ҳосил бўлади. Бу жараён туфайли олдин вируслар билан заарланмайдиган экин навлари чидамлилигини йўқотади. Фитопатоген вирусларнинг кўп штаммлари аниқланган, масалан ВТМ нинг ҳар хил ўсимлик турлари ва навларини заарлаш қобилияти, касаллик белгилари, физик ва кимёвий хусусиятлари бўйича фарқланувчи 200 тадан кўпроқ штамми мавжуд.

Вирусларнинг атроф-мухит факторлари таъсирига чидамлилиги ҳар хил ва бу белгидан фойдаланиб уларнинг турларини аниқлаш мумкин. Вируслар *in vitro* икки грухга: турғунлар ва бардошлизларга бўлинади. *Турғун вируслар* юқори ҳарорат, мухит нордонлиги ва бошқа факторлар таъсирида ҳалок бўлмайди. Мисол учун ВТМ 80-90°C да иситишга 10 мин давомида чидайди, ўсимликдан сиқиб олинган сувида (ширасида) 50 йилдан узоқ сақланади, ҳатто қуруқ тамаки маҳсулотида ва сигареталар устида ўсимликларни заарлаш хусусиятини йўқотмайди. Аммо вирусларнинг кўпчилиги бундай шароитларга чидамсиз ва улар *бардошлиз вируслар* ҳисобланади. Масалан помидор олачипор сўлиши (бронза тусини олиши) ни қўзгатувчи вирус уй ҳароратида 4-10 соат орасида инактивацияланади (2-жадвал).

Вирусларнинг хусусиятларидан бири – муайян шароитда кристалл ҳосил қилишидир. Кристалл ҳолатидаги вируслар паразитлик хусусиятини йўқотмайди ва тўқимага кирганда, ўсимликда касаллик қўзгатади.



Муҳит факторларининг баъзи вирусларга таъсири (Проценко, 1964\*)

Ўсимлик вирус билан механик заарланишида инфекцион жараённинг бошлангич босқичлари:  
а – вирус заррачаси заарланган хужайрага кириши; б – унинг нуклеин кислотаси эркин ҳолга келиши; в – вирус нуклеин кислотасининг репликацияси ва оралиқ маҳсулотлар синтези; г – транспорт вирус заррачалари ҳосил бўлиши, улар плазмодесмаларда тарқалиши, вирус қобиги оқсиллари синтези ва вирус йифилиши; д – вирус ўтказувчи системада тарқалиши (чапда – флоэмада транспорт заррачалари шаклида, ўнгда – ксилемада транспорт ва етук заррачалар шаклида) (Попкова и др., 2005).

Вирус	Инактивация	Ўсимлик	Қуритилганда
-------	-------------	---------	--------------

	ҳарорати, °С	ширасида сақланиш вақти	сақланиш вақти
Тамаки мозаикаси	93	Кўп йиллар	Кўп йиллар
Картошка X-вируси	79	Кўп йиллар	Кўп йиллар
Тамаки халқа доғланиши	60	3 суткача	Дарҳол нобуд бўлади
Бодринг мозаикаси	60-70	3-4 сутка	Дарҳол нобуд бўлади
Ловия мозаикаси	58	2-3 сутка	Дарҳол нобуд бўлади
Картошка Y-вируси	52-55	Бир неча соат	Дарҳол нобуд бўлади
Помидор олачипор сўлиши	42	5 соатдан кам	Дарҳол нобуд бўлади

\* Маълумотлар Попкова и др., 2005 дан олинган.

*Вируслар тарқалиши.* Вируслар контакт-механик усул билан (ўсимлик қисмлари бир-бирига текканда, экинга ишлов бериш жиҳозлари ва ускуналар, ишчиларнинг қўллари ва кийимлари орқали, пайванд пайтида пайвандтаг ва пайвандуст воситасида, чеканка, пикировка қилиш пайтида ва ҳ.; мисоллар – ТМВ, картошка X-вируси, мозаика қўзғатувчи вируслар ва б.), векторлар (касаллик ташувчилар) – шиralар, қандалалар, саратон (цикада) лар, триплар, каналар, нематодалар ва замбуруғлар – воситасида (мисоллар – лавлаги ва ловия мозаикалари, бодрингнинг 1-мозаикаси, картошканинг Y-, A- ва M- вируслари, помидор олачипор сўлиши, қовоқ мозаикаси ва б.), ургу, гул чангиги билан ва бошқа усуллар ёрдамида тарқалади. Қуруқ тамакида ТМВ 30 йил ва кўпроқ сақланиши мумкин. Қиши пайтида вируслар туганаклар, илдизмевалар, пиёзбошларда, баъзилари (ТМВ, бодринг 2-мозаикаси ва б.) эса тупроқда ва ўсимлик қолдиқларида сақланади. Фанга маълум бўлган барча фитовируслардан тахминан 25 фоизининг векторлари ширалардир.

### Вируслар ва фитоплазмаларни аниқлаш

Вируслар ва фитоплазмаларни аниқлаш учун қуйидаги тадқиқотларни ўтказиш лозим: касаллик симптомларини аниқлаш; ўсимликда касаллик мавжудлигини аниқлаш; касаллик тарқалиши усули (векторлар мавжуд бўлса, уларнинг турлари) ни аниқлаш; заарланадиган ўсимлик турлари доирасини аниқлаш; индикатор ўсимликларни заарлаш усулини қўллаш; физик хусусиятлари (термал инактивация нуқтаси; *in vitro* сақланиш муддати; фаоллигини сақловчи охирги суюлтириш концентрацияси) ни аниқлаш; вирионларнинг шакли, узунлиги ва эни; нуклеин кислотасининг типини аниқлаш; молекуляр-биологик методларни (полимераза занжирли реакцияси ёрдамида РНК нинг тур учун специфик нуклеотид кетма-келикларини

амплификация қилиш ва тест натижаларини гель электрофорези ёки иммунофлуоресценция ёрдамида аниклаш) күллаш; серологик анализ ўтказиш.

Вируслар диагностикасида *визуал метод* ёрдамида касалликнинг ташқи белгилари аниқланади. Аммо вирус штамми, хўжайин ўсимлик нави, атроф-муҳит шароитлари билан боғлиқ ҳолда вирозларнинг белгилари жуда ўзгарувчан бўлиб, бундай белгиларнинг баъзилари бошқа биотик (масалан, шира, саратон ва бошқа заарли ҳашаротлар билан заарланиш натижасида) ва абиотик факторлар (масалан, тупроқда темир, магний, марганец етишмаслиги ёки хлор кўп бўлиши, ўсимлик баргларига бехосдан гербицид тушиши) таъсирида ҳам ривожланиши мумкин.

*Ўсимликда вироз мавжудлигини аниклаш* учун бир неча усуллар кўлланилади: а) вироз билан заарланганлиги гумон қилинган ўсимлик намунасига бироз 0,1 М фосфат буферини қўшиб, намунадан бироз шира сиқиб олинади, унга яна бироз инфекцияни барқарорловчи материал (масалан, натрий сульфатнинг 0,1% ли эритмаси) солиб, шира 2 қат докадан сузиб олинади. Кейин бу ширага озгина карборунд қўшиб, соғлом ўсимликка ишқаланади. Сунъий заарланган ўсимликлар изоляторга қўйилади ва касаллик белгилари пайдо бўлгунигача (ўсимлик ва вирус тури билан боғлиқ ҳолда – 3 кундан 30 кунгача) кузатиб борилади. Бу усул ёрдамида контакт усулда тарқаладиган вирозларни аниклаш мумкин; б) пайванд усули қўлланилади, бунда вироз билан заарланганлиги гумон қилинган ўсимлик қисми пайвандтаг ёки пайвандуст шаклида олинади; в) вектор ҳашаротлар қўлланилади. Бунда соғлом вектор ҳашаротлар вироз билан заарланганлиги гумон қилинган ўсимликда муайян муддат (перsistент вируслар учун 3-7 кун, нопersistент вируслар учун эса бир неча минут) давомида озиқлантирилади ва кейин изоляторда соғлом ўсимликка қўйиб юборилади, сўнгра ўсимликда вироз симптомлари пайдо бўлиши кузатиб борилади; г) зарпечак қўлланилади, бунда паразит айни пайтда ҳам вироз билан заарланганлиги гумон қилинган ўсимликда, ҳам соғлом ўсимликда ўсиши лозим. Касаллик вирус билан заарланганлиги тасдиқлангац, вирус турини аниклаш талаб қилинади

*Индикатор ўсимликларни кўллаш.* Индикатор ўсимликлар – муайян вирус билан сунъий заарлагандан уларда яхши қўринадиган, специфик касаллик белгилари пайдо бўладиган ўсимликлардир. Бундай ўсимликлар вирусларнинг кўп турлари учун танлаб олинган ва бу усул амалиётда кўп ишлатилади. Соғлом индикатор ўсимликлар олиш учун, улар изоляторда ўстирилади ва 3-4 барг фазасида сунъий заарлантирилади. Кўпинча юқорида баён этилган шира сиқиб олиб, механик заарлаш усули қўлланилади. Кейин заарланган индикатор ўсимликлар 4 ҳафта давомида кузатилади. Вирус билан заарланган индикатор ўсимликларда 3 хил симптомлар ривожланиши мумкин: локал реакция (вироз белгилари фақат инокуляция қилинган баргларда пайдо бўлади); системали реакция (симптомлар ўсимликнинг ҳар хил қисмларида, мозаика, деформация, некротик доғлар шаклида ривожланади); аралаш реакция (вироз белгилари олдин инокуляция қилинган баргларда пайдо бўлиб, кейин ўсимликнинг бирча қисмларига системали тарқалади).

*Серологик усул.* Юқорида кўрсатилган усуллар ёрдамида вирусларни

тадқиқ қилиш учун хўжайин ўсимлик бўлиши гумон қилинган ўсимликларни ва ёки индикатор ўсимликларни сунъий заарлаш, вируснинг соф препаратларини ажратиб олиш, бу препаратларни электрон микроскоп ёрдамида текшириш, маҳсус, баҳоси қиммат бўлган реактивларни қўллаш ҳамда тадқиқотларни ўтказишга жуда кўп вақт ва маблағ сарфлашга тўгри келади. Аммо бу усуллар ёрдамида вирус турини фақат тахминан аниқлаш мумкин. Вирус турларини фақат *серологик* усул (жумладан иммунофермент анализ - ELISA) ёрдамида ишончли ва нисбатан тез (кўпи билан 1-2 кун орасида) аниқлаш мумкин ва бу усул фитовирусология амалиётида жуда кенг қўлланилади. Бу усулнинг моҳияти шундаки, бирор ҳайвоннинг қонига ушбу ҳайвон учун бегона оқсил киритилса, унинг организмида маҳсус, *антитело-(агглютинин, преципитин)* лар деб аталадиган оқсил танаҷалари ҳосил бўлади. Антителолар бегона оқсилни бойлаб, инсон ёки ҳайвон организми учун заарсиз ҳолатга келтиради (инсон ва ҳайвонларнинг юқумли касалликларга иммунитети асосида ушбу ажойиб ҳодиса ётади). Ҳайвон организмига киритилганида антителолар ҳосил бўлишига олиб келадиган модда (бегона оқсил ва б.) *антиген* деб аталади, антиген билан зардобдаги антителолар орасидаги реакция эса *серологик реакция* (*преципитация* ёки *агглютинация* *реакцияси*) дейилади.

Антителолар қуидаги хусусиятларга эга: а) антителолар юқори даражада специфик ва фақат улар ҳосил бўлишига асос бўлган ёки уларга жуда яқин бўлган антигенлар билангина реакцияга киради; б) улар ўта сезгир бўлиб, антигеннинг жуда кам миқдорлари билан ҳам реакцияга киради; в) улар организмда катта миқдорда ҳосил бўлиб, барча антигенлар заарсизлантирилгандан кейин ҳам кўп антителолар организмда эркин ҳолатда қолади; г) улар нафақат ҳайвон организмида (*in vivo*), балки ҳайвон организмидан ажратиб олинганида ҳам (*in vitro*) антиген билан реакцияга киради.

Серологик анализ антителоларнинг ушбу хусусиятларига асосланади. Бошқа микроорганизмлар ҳамда бегона ҳайвон ва ўсимлик оқсиллари каби вируслар ҳам ҳайвон (куён, от ва х.) қонига киритилганида, унинг қонининг плазмаси (зардоби) да антителолар тўпланишини таъминлайди. Бунда муайян вирус киритилса, зардобда фақат ушбу вирус учун специфик антителоларнинг катта миқдорлари ҳосил бўлади. Ўсимликда ушбу вирус мавжудлигини аниқлаш учун унинг шираси ишлов берилган ҳайвон зардоби билан аралаштирилади. Агар ўсимликда вирус мавжуд бўлмаса, аралашма лойқа ҳолатида қолади, вирус мавжуд бўлганида эса антиген ва антитело орасида реакция бўлиб, аралашмада пағасимон чўкма (*преципитат*) ҳосил бўлади. Серологик анализнинг мисоли М.С. Дунин ва Н.Н. Поповаларнинг томчи анализи бўлиб, бунда таҳлилдаги ўсимлик шираси ва ишлов берилган (синов) ва берилмаган (назорат) ҳайвонлар зардбларининг томчиларини буюм шишиасида аралаштиришга асосланган. Бунда синов ижобий натижа берса (ўсимликда антиген – вирус мавжуд бўлса), 1-3 мин орасида преципитат ҳосил бўлади.

Серологик усулнинг сезгирлигини янада ошириш мақсадида иммунофермент анализ методи ишлаб чиқилган. Бунда муайян вирусга

специфик антителоларга фермент уланади ва *конъюгат* номли комплекс олинади. Конъюгатга вирус билан заарланган ўсимликнинг шираси қўшилади. Фермент билан “тамгаланган” (меченые) антителолар вирус-антиген билан рекцияга киради. Антиген антителолар томонидан адсорбция қилиниши натижасида антителога уланган фермент нофаол ҳолатга келади. Вирус билан реакцияга кирмаган антителолардаги фермент эса фаол ҳолатда қолади. Сўнгра ушбу фермент таъсир қиласидаги субстрат солинади. Реакцияга кирган фермент микдори колориметрия (маҳсулот рангининг ўзгаришини ўлчаш) ёрдамида аниқланади. Вирус мавжудлиги ва унинг концентрацияси тажриба ва назорат варианларида фермент фаоллиги пасайишини солиштириш асосида аниқланади. Бу усулининг аниқлиги томчи усулидан бир неча баравар устунлиги учун кўп мамлакатларда кенг қўлланилади.

### **Фитопатоген вируслар классификацияси ва номенклатуроси**

Вируслар классификацияси уларни таксономик система (синф, тартиб, оила ва х.) ларга бўлиш бўлиб, номенклатура вируслар номларининг ва вирусологияда ишлатиладиган терминларнинг йифиндисидир. Вируслар классификацияси уларнинг морфологияси, нуклеин кислотасининг типи, репликация усули, ихтисослашиши (вирус билан заарланадиган хўжайин ўсимликлар доираси), улар қўзғатадиган касаллик типи, инфекция тарқалиши усуллари ва касалликнинг ташқи белгиларига асосланади. Биринчи классификацияда муайян вируснинг номи, унинг хўжайин ўсимлигининг лотинча номига, унда аниқланган вируснинг тартиб рақамини қўшишдан иборат бўлган. Масалан, бу классификация бўйича ТМВ *Nicotiana virus-1* деб номланади. Фойдаланиш қулайлиги сабабли бу классификация ҳозир ҳам кенг ишлатилади (Smith, 1937). Қуйида ҳозир дунёда анча кенг тарқалган вируслар классификациялари ҳақида қисқа маълумотлар келтирилади.

1. Д. Балтимор (David Baltimore, 1971) системасида вируслар қўйидаги 7 грухга бўлинади: I. Икки-ипли ДНК ли; II. Бир-ипли ДНК ли; III. Икки-ипли РНК ли; IV. Мусбат бир-ипли РНК ли; V. Манфий бир-ипли РНК ли; VI. Бир-ипли РНК ли, тескари транскриптаза ёрдамида репликация қилувчи; VII. Икки-ипли ДНК ли, тескари транскриптаза ёрдамида репликация қилувчи.

2. Ф. Холмс (Holmes, 1948) вирусларни қўйидаги уч грухга бўлди: I. Бактерияларни заарловчи вируслар – Phaginae. II. Ўсимликларни заарловчи вируслар – Phytophaginae. III. Ҳайвонларни заарловчи вируслар – Zoophaginae. У алоҳида турларни Линней системаси бўйича биномиал номлашни таклиф қилди, аммо бу система ҳозир амалиётда қўлланилмайди.

3. Касъенс ва Кингс (Casjens, Kings 1975) вирусларни қўйидаги тўрт: бир-ипли РНК ли; икки-ипли РНК ли; бир-ипли ДНК ли; икки-ипли ДНК ли вируслар грухига бўлди.

Вируслар таксономияси бўйича Халқаро комиссия (ВТХК – the International Committee on Taxonomy of Viruses) тузилган бўлиб, бу комиссия вирусларнинг таксономияси учун қўйидаги таксонларни қабул қилган: тартиб (-virales), оила (-viridae), кенжа оила (-virinae), туркум (-virus), тур (-virus); қавс ичида ушбу бўлимлар лотин тилда ёзилишининг охирги, стандарт қисмлари

кўрсатилган. 2008 йилда ВТХК соҳага тааллуқли бўлган замонавий маълумотларни умумлаштирган ва барча вирусларни 5 та тартиб (Caudovirales, Herpesvirales, Mononegavirales, Nidovirales ва Picornavirales), 82 оила, 11 кенжада оила, 307 туркум ва 2083 тадан кўпроқ турларга бўлган (яна 3000 та типнинг таксономик ўрни ҳали аниқланмаган). Ҳозиргача тахминан 1 000 та фитопатоген вируслар аниқланган бўлиб, улардан 800 тадан кўпроғи 1-ипли РНК, 50 таси 2-ипли РНК, 110 таси 1-ипли ДНК ва 40 таси 2-ипли ДНК га эга.

Шу билан бирга, амалиётда қўллашни қулайлаштириш мақсадида вируслар филогенетик алоқалари деярли бўлмаган бир неча сунъий гурухларга бўлинган. Гурухларнинг молекуляр ва биологик белгилари қуйидаги тўртта каср шаклидаги тўрт жуфт *криптограмма* (ракамлар ва ҳарфлар ёрдамида кодланган маълумот) лар воситасида ифодаланади:

- *1-нчи жуфт белгилар*: вируснинг нуклеин кислотасининг типи (R – РНК, D – ДНК) / нуклеин кислотаси иллари сони (1 – бир ипли, 2 – икки ипли).
- *2-нчи жуфт белгилар*: нуклеин кислотасининг молекуляр оғирлиги (kD) / вирус заррачасидаги нуклеин кислотасининг фоиз (%) ҳисобидаги миқдори.
- *3-нчи жуфт белгилар*: вирус заррачаларининг шакли (S – сфера, E – узунчоқ) / нуклеокапсидлар шакли (S – сфера, E – узунчоқ, U – мураккаб структура).
- *4-нчи жуфт белгилар*: хўжайнин организм (A – актиномицетларлар, B – бактериялар, S – уругли ўсимликлар, I – умуртқасиз ҳайвонлар, V – умуртқали ҳайвонлар, Fu – замбуруғлар) / касаллик ташувчи (вектор) (Ac – ўргимчакканалар, Al – оқсанотлар, Ai – чигирткалар, Ar – ширалар, Au – саратонлар, Cc – кокцидлар, Cl – қўнғизлар, Di – пашша ва чивинлар, Ne – нематодалар, Fu – замбуруғлар, Ps – барг бургачалари, Th - триплар ва б.).

О – белги мавжуд эмас; \* - белги ўрганилмаган.

Масалан, ТМВ нинг криптограммаси (R/1; 2/5; E/E; S/O) дан қуйидаги маълумотларни билиб олиш мумкин: R/1: вируснинг нуклеин кислотаси РНК / у 1-ипли; 2/5: нуклеин кислотасининг молекуляр оғирлиги 2 млн дальтон / вирионлар таркибининг 5 фоизини нуклеин кислотаси ташкил қиласди; E/E: вирионларнинг шакли узунчоқ / нуклеокапсидларнинг шакли узунчоқ; S/O: хўжайнин организм – уругли ўсимликлар / белги мавжуд эмас, яъни касаллик ташувчи организм мавжуд эмас (чунки вирус ўсимликдан ўсимликка контакт усулда ўтади).

Ушбу белгиларга асосланиб вируслар гурухларга бўлинган. Ҳар бир гурух тип намояндасининг номи билан аталган. Баъзи гурухлар ҳақидаги маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

Одатда фитовирусология фани вируслар билан бирга бир неча *субвирапл агентлар* – вироидлар ва сателлитларни ҳам ўрганади.

Баъзи вирус гурухларининг характеристикалари (Попкова и др., 2005)

<b>Вирус гурухлари<sup>6</sup></b>	<b>Криптограмма</b>	<b>Бошқа маълумотлар</b>
Ауровируслар	(R/1; 2/5; E/E; S/Fu)	Картошка моп-топ вируси (вектори <i>Spongospora subnerranea</i> замбуруғи) ва бүгдойнинг америка мозаикаси вируслари (вектори <i>Polytuxa graminis</i> замбуруғи) гурухи
Бромавируслар	(R/1; 1,1/23 + 10/22 + 0.7/21; S/S; S/*)	Уч компонентли геномли қилтиқсиз ялтирибаш мозаикаси гуруҳига мансуб вируслар; векторлари аниқланмаган
Карлавируслар	(R/1; */6; E/E; S/Ap)	Картошканинг S- ва M-вируслари ва чиннигулнинг латент вируси гурухи
Каулимовируслар	(D/2; 4,5/16; S/S; S/Ap)	Икки ипли ДНК ли рангли карам мозаикаси вируси гурухи
Клостеровируслар	(R/1; 4,3/5; E/E; S/Ap)	Лавлаги сарик касаллиги ва цитруслар тристецаси вируслари гурухи; бу вирусларнинг заррачалари энг узун (2000 нм гача) ва (+)РНК молекуласи энг йирик (асослар сони 20000 жуфтгача)
Комивируслар	(R/1; 2,3/34 + 1.5/28; S/S; S/Cl)	Икки компонентли геномли сигирнўҳат мозаикаси вируси гурухи. Редиска мозаикаси вируси ҳам ушбу гурухга киради
Кукумовируслар	(R/1; 1,3/19 + 1.1/19 + 0.8/19; S/S; S/Ap)	Бодринг мозаикаси вируси гурухи. Жуда кенг тарқалган, 40 дан кўп ўсимлик оиласлари турларини заарлайди. Фрагментар геномга эга. Помидор аспермияси (уругсизлиги) вируси ҳам ушбу гурухга киради
Лютеовируслар	(R/1; 2/*; S/S; S/Ap)	Картошка барглари буралиши ва арпа сарик паканалиги вируслари гурухи. Флоэмадаги вируслар вектори – ширалар
Неповируслар	(R/1; 2,4/43 + 1.4-2.3/30-40; S/S; S/Ne)	Нематода ва ург орқали тарқаладиган вируслар. Гурухга помидор қора халқа доғланиши вируси ва б. киради
Потексвируслар	(R/1; 2,2/6; E/E; S/O)	Картошка X-вируси гурухи. Гурухга картошкада мозаика ва аукуба, қашқарбедада сарик мозаика қўзғатувчилари ҳам киради
Потивируслар	(R/1; 3.5/5; E/E; S/Ap)	Картошка Y-вируси гурухи. Гурухга ловия мозаикаси, олхўри чечаги ва б. вируслар ҳам киради
Рабдовируслар	(R/1; 4/2; U/E; S,I,V/Ap, Au,Di,O)	Вирионлари (ташқи мембраналари) ўқ шаклли вируслар гурухи. Гурухга картошка сарик паканалиги, бошоқли ўсимликлар паканалиги, умуртқали ҳайвонларнинг везикуляр стоматит ва қутуриш ҳамда

<sup>6</sup> Баъзи бошқа гурухлар: беда мозаикаси вируси гурухи; тамаки некрози вируси гурухи; қашқарбедада шишларни эрта пайдо қилувчи вирус гурухи; какао новдалари деформацияси вируси гурухи (Власов, Ларина, 1982).

		ҳашаротлар касалликлари вируслари ҳам киради. Ҳар хил ҳашаротлар воситасида тарқалади
Тимовируслар	(R/1; 2/37; S/S; S/Ap)	Турнепс сариқ мозаикаси вируси гурухи. Кемирувчи ҳашаротлар (қўнғизлар) воситасида тарқалади
Тобамовируслар	(R/1; 2/5; E/E; S/O)	Тамаки мозаикаси вируси гурухи. Гурухга бодринг яшил мозаикаси, <i>Plantago</i> турлари мозаикаси ва б. киради
Тобасвируслар	(R/1; 1.5/18; S/S; S/*)	Помидор бутасимон паканалик вируси гурухи
Тобравируслар	(R/1; 2,3/5 + 0.6-1.3/5; E/E; S/Ne)	Тамаки шақилдоқлиги вируслари ( <u>tobacco rattle virus</u> ) гурухи. Картошка туганакларининг этида некротик доғлар ҳосил қиласди

*Вироидлар* вируссимон заррачалар бўлиб, кичик молекулали бир занжирчали РНК дан иборат ва вируслардан фарқли ўлароқ, нуклеопротеид заррачаларига эга эмас. Бу РНК ўсимлик ҳужайрасининг биосинтетик системасига қўшилади ва вироид репликациясини таъминлайди, аммо унинг механизмлари охиригача аниқ эмас. Вироидлар қўзғатадиган касалликлар – вироидозларга картошка туганакларининг урчук шаклии вироидози, цитрус экинларининг экзокортиси, хризантема паканалиги, қулмоқ паканалиги ва б. мансуб. Вироидозларнинг энг кўп учрайдиган белгилари ўсимликлар заифлашиши, ўсимлик ёки унинг алоҳида аъзолари (барг, гул ва мевалари) кичрайиши ва оч тус олиши, баргларда хлороз ривожланишидир. Вироидлар 2 та оила ва 7 та туркумга бўлинади. Ўсимликларда вироидлар қўзғатадиган касалликларнинг кечиши, белгилари, уларни аниқлаш усуллари ва вироизодозлар билан кураш чоралари вирусларнига яқин.

*Сателлитлар* вироидларга яқин заррачалар бўлиб, улар ҳужайрада факат ёрдамчи вирус (helper virus) мавжуд бўлганидагина репликация қилишга қодир. Сателлитларнинг нуклеин кислоталаридағи нуклеотидлар кетма-кетлиги ёрдамчи вируслар ва хўжайнин ўсимликларнидан тубдан фарқланади. Сателлит агент ҳужайрада қобиқ оқсилини синтез қилиб, у билан қопланганидан кейин у *сателлит вирус* деб аталади. Сателлитларга а) бир-ипли РНК ли сателлит вируслар (намояндалари: асалариларни фалажловчи хроник сателлит вирус ва тамаки некрозини қўзгатувчи сателлит вирус); б) бир-ипли сателлит ДНК лар ва бир- ёки икки-ипли РНК лар киради.

### Ўсимликларнинг юқумсиз (неинфекцион) касалликлари

Модда алмашиш - ҳаётий жараённинг асосидир. Барча тирик организмларда ташқи мухитдан олинган моддаларни ҳосил қилиш-ассимиляция ва уларни парчалаш – диссимилияция жараёни давом этиб туради. Ассимиляция ва диссимилияция жараёни туфайли барча тирик организмлар ташқи мухит билан комплекс муносабатда бўлиб туради.

Ташқи мухит шароитининг ўзгариши организмлар ҳаёт кечириш усулини ва модда алмасиниш жараёнини ўзгартиради. Ташқи мухит шароитининг ўзгариши натижасида ўсимлик ривожланишидан орқада қолади, касалланади ва нобуд бўлади. Ўсимликларнинг бундай нобуд бўлишининг сабаби абиотик факторлардир. Бу касалликлар ўсимлик ёки унинг қолдиқлари орқали биридан иккинчисига ўтмайди ёки унинг бирор қисмини касаллантиrmайди.

Юқумсиз касалликларни келтириб чиқарувчи абиотик факторларга ноқулай шароит (озикланиш, сув баланси) ва метрологик факторлар (харорат, ёруғлик) киради.

### **Ўсимликларнинг тупроқда озиқ моддалар етишмаслигидан келиб чиқадиган касалликлари.**

Меёрида озиқланиш барча тирик организмларнинг ўсиш ва ривожланиши учун зарур. Тупроқда озиқ моддаларнинг етишмаслиги ўсимликтаги мухим жараёнларнинг бузилишига, турли патологик ҳолатларни келтириб чиқаради.

Ўсимликларнинг нормал ривожланиши учун асосий элементлар (азот, калий, фосфор, кальций, темир ва х.к.) ва микроэлементлар – марганец, бор, мис, рух кабилар асосий роль ўйнайди.

Тупроқда айrim озиқ моддаларнинг меъёридан ортиқча бўлиши вегетатив аъзоларнинг тез ривожланишига сабаб бўлиб, генератив аъзоларни хосил бўлишини сустлаштиради.

Тупроқдаги озиқ моддалар, хатто уларнинг бир тури етишмаса, унинг ўрнини бошқалари боса олмаганидан улар табиатда зарур микдорда бошқа моддалар билан мувозанатда бўлиши керак.

Тупроқ таркибида учрайдиган азот аминокислоталар таркибига кириб, улардан оқсил хосил бўлади.

Ўсимликка тупроқдан азот етишмаса, у ўсишдан орқада қолади. Натижада унинг пояси, навдаси яхши ривожланмай қисқа, нимжон бўлиб қолади. Мевали дарахтлар хўжайрасида углевод ва антоцион моддаларининг кўп тўпланишидан навдаларнинг эгилувчанлик хусусиятини йўқолишига, қизғиши-қўнғир рангга киришига сабаб бўлади. Данак мевали дарахтларда эса навдалар буралиб ўсиб, қисқа, қаттиқ бўлиб қолади. ~алла экинларида бошоқ хосил қилиш сустлашади. Барча экинларда гуллаш жараёни камайиб, илдизлари яхши ривожланмайди. Ўсимлик барглари оч яшил, сарғиш рангга киради. қулупнайда таноблар хосил бўлиши секинлашади, мева тугуллари секин аста тушиб кетиб, қолганлари майда бўлиб қолади. Ўсимлик барглари эрта тўкилиб, ён навдалар вертикал холда жойлашади.

Экинларда азот етишмаслигидан юзага келадиган касалликлар тинимсиз ёғинганрчиликдан кейин тупроқ қатламида азотнинг пастки

қатламларга ювилиб кетиши ёки совуқ, қуруқ иқлим шароитида тупроқда нитрификация жараёни рўй берганда кузатилади.

Экинларга азот етишмаса баргниниг қүёш энергиясидан фойдаланиш коэффициенти ва фотосинтез интенсивлигининг пасайишига, хосилдорлик камайишга олиб келади.

Тупроқ таркибидаги калийни ўсимлик ўзлаштириш даражасига силикат бактериялари парчалаш оқибатида келиб чиқади. Калий ўсимликларнинг касалликларга чидамлилигини орттиради.

Калий етишмаса ўсимлик ўсишдан орқада қолади, навдалари суст ривожланиб, буралиб кетади, учки қисми қурийди, бўғин оралиқлари қисқаради. ~алла экинлари кўп тўплансада, бошоқ кам хосил қиласди. Мева тугунчалари тушиб кетиб, уруғлар майда бўлиб қолади. Ўсимлик бурглари тўқ яшил, кўкиш, бронзасимон рангга киради. Барг пластинкасида тургор ҳолати йўқолиб, ўсимлик сўлийди. Бундай ўсимликларнинг ер ости аъзолари (илдиз туганак ва илдиз мева) яхши ривожланмай, ер усти аъзолари тарақкий этиб кетади. Олма, помидор, смородина мевалари бир вақтда етилмайди.

Фосфор етишмаса ўсимлик ўсишдан орқада қолади. Новда, поя ва илдиз суст ривожланиб, барг тўқ яшил-кўкиш, бинафша (маккажўхори, жўхори, помидор) рангда бўлади. Поянинг пастки ярусида жойлашган баргларда нобуд бўлган хўжайралар хисобига қўнғир қора рангдаги доғлар пайдо бўлади. Ёш барглар ва меваси майда, тезда тушиб кетади. Ўсимлиқда фосфор етишмаса, унда қанд моддасининг тўпланиши ва нафас олиш метаболизми ўзгаради.

Ўсимлик хўжайра пўсти таркиби кирадиган моддалардан кальций етишмаса, ўсимлик илдиз тизими тез ривожланиб учки куртакчалари нобуд бўлади, барглари майдалашади. Барглар қирраларида оқ чизиқли доғлар (шалғам, турп, карамда) пайдо бўлиб, юқорига қараб буралиб кетади (лавлаги, картошкада) барглари сўлийди.

Темир ўсимлиknинг нормал ривожланиши учун зарур элементлар қаторига киради. У барг таркибида кўп учраб, хлорофиллнинг хосил бўлишида ва нафас олиш ферментлари таркибида асосий роль ўйнайди.

Ўсимлиқда темир етишмаса – хлороз касаллиги вужудга келади. Натижада ўсимлик барглари муентазам сарғайиб (олма, малина) хлорофилл хосил бўлмай қолади. Мунтазам сарғайиб борадиган баргларда азот, калий, фосфор ва бошқа қолдиқ элементлар тўпланиб қолади. Ўсимлиқда темир ёш аъзоларга харакатдаги элемент сифатида келиб туриш лозим.

Хлорозли баргларда фотосинтез интенсивлиги пасайиб, сув миқдори хўжайранинг осмотик босим қучи ортиб сув буғлатиш камаяди. Хлороз қrim, Украина, Волга бўйи, Молдавияда кенг тарқалган бўлиб, у ерларда хосилдорлик кескин камайиб, экинлар қуриб қолади.

Марганец тупроқ таркибида кўп учрайдиган микроэлементdir. У ўсимлик учун хлорофилни синтез қилиш учун зарур. Марганец етишмаганда ўсимлик барг томири орасида хлороз келиб чиқади. Таркибида марганец етишмаган сули барглари қўнғир-яшил ва жигар, картошкада жигар, лавлагида оч қизғиши рангда кўринади. Бундай барглар қиррасидаги хўжайралар нобуд бўлиб, барг юзасига қараб буралиб кетади.

Марганец етишмаслигидан ўсимликдаги нафас олиш ва фотосинтез жараёни 2-марта сустлашади. Натижада, хўжайра хлорофиллидаги фотофосфор реакцияси бузилади.

Тупроқ таркибидаги бор ва кальцийнинг миқдорини ўзгариши ўсимликнинг нормал ўсишига таъсир қиласи. Натижада, ўсимлик навдасининг учки куртаклари нобуд бўлиб, ён навдалар тез ривожланади, барг пластинкаси буралиб, гуллаш камаяди, мева хосил қилмайди.

Қанд лавлагида бор етишмаса илдизнинг қуруқ чириши, ён илдиз пўстлоқ паренхималари ёрилиб, кальций тўқималари нобуд бўлади. Энг мухими, бундай ўсимликлар ўсиш конусидаги мериистема хўжайралари бўлинниш хусусиятини йўқотганлигидан, флоэма ва ксилема тукималарининг хосил бўлиши ўзгариб кетади.

Бор етишмаган ўсимлик хўжайраларида тирозинозага ўхшаш оксидазалар ва АТФ синтези миқдорининг кескин камайиб кетиши кузатилади (Рубин, 1971).

Ўсимликларга мис етишмаслиги натижасида ўсиш сустлашиб, ёш баргларда хлороз туфайли тургор ҳолати йўқолади ва уруг хосил қилиш камаяди. Ўсимликларнинг сув режими бузилади, тургор ҳолати тикланмайди, хўжайранинг шимиш кучи кўпайиб, транперация интенсивлиги ортади. Ўсимлик цитоплазмаси таркибида азот, органик фосфор миқдори кескин камайиб кетади, хўжайранинг нафас олиш интенсивлиги ортиб, унинг иссиқ ва совуқ ҳавога чидамлилиги камайиб кетади (Тарасов ва бош., 1973).

Ўсимликлар учун рух элементи хўжайрада фермент фаолиятини тезлаштириш учун ва гетероауксинни хосил қилиш учун зарур. Рух етишмаган ўсимликнинг бўғин оралиғи қисқариб кетади, барглар шакли ўзгариб, сарғайиб, меваси майдалашади. Тупроқ таркибида рух етишмаслигини микологик усул ёрдамида - *Aspergillus niger Link* замбуругини миқдорига қараб аникланади. Ўсимлик хўжайраси таркибидаги рух миқдори 1 кг қуруқ моддага 25-100 мг/кг ни ташкил қилиши зарур.

### **Тупроқ таркибидаги намлик миқдоридан келиб чиқадиган касалликлар.**

Барча ўсимликларнинг ҳаёт жараёни тупроқдан сувни қабул қилиш ва буғлатиш билан боғланган. Сувнинг ўсимлик хўжайраси таркибида нормал

миқдорда бўлиши, барча физиологик жараёнлар – хўжайранинг бўлиниши ва ривожланишнинг асосини ташкил қилади.

Сув миқдорининг камайиши мураккаб органик моддаларнинг оддий моддаларга (крахмални қандга), цитоплазманинг колоид-кимёвий хусусиятига ва нафас олиш жараёнининг тезлашишига сабаб бўлади.

Ўсимликдаги транспирация жараёнининг камайиши натижасида ўсимлик тана ҳарорати кўтарилиб, цитоплазманинг коагуляция хусусияти ўзгаришдан тўқималар нобуд бўла бошлайди.

Ўсимлик хўжайрасидаги сув етишмаслиги дастлаб тургор ҳолатининг бузилишига сабаб бўлади. Натижада, ҳаво ҳарорати кўтарилган даврда барг сўлиганга ўхшаб қолади. Кечга бориб сув балансининг вужудга келиши билан барглар ўз ҳолатига келади. Сув танқислигининг тез-тез такрорланиши ўсимлик ўсиш жараёнига, хосилдорликка салбий таъсир кўрсатади. Масалан, қурғоқчиликда ўсан ғалла экинлари пояси паст, бошоғи яхши ривожланмаган ва майда дон хосил қилади. Энг мухими бундай ўсимликлар турли касалликларга берилувчан бўлиб қолади

**Ўсимликларнинг сўлиши.** Ўсимликка қабул қилинаётган сув миқдорига нисбатан парлатилаётган сув миқдори ортиқча бўлганда сўлиш жараёни юзага келади. Транспирация жараёни кучайганда ўсимлиқда сув баланси мунтазам камайиб боради ва тургор ҳолатининг йўқолишига, ён илдизлар нобуд бўлишига, углекислоталарни ассимиляциясини сустлашиши натижасида хлорапластлар миқдорини камайтиради. Оқибатда тўқималардаги оқсил моддалар парчаланишини кучайтирувчи фермент фаолиятини бузилишига сабаб бўлади.

Ўсимликлар сув танқислигига турлича муносабатда бўлади. Кўпчилик ўсимликлар 2-3% сув танқислигига сўлиш хосил қилса, картошка 25-30% га бардош беради.

Юқори ҳаво ҳарорати ва паст нисбий намлиқда ғалла экинларида қуриб қолиш холлари кузатилади. Бундай ҳолат 2000 йил баҳорида Республикализ лалмикор хўжаликларида яққол кўзга ташланди. Натижада лалмикор дехқончилик қиласидаги хўжаликларда ўртача буғдой хосилдорлиги 1-5 ц/га ни ташкил қилди. Бунга сабаб, иқлимининг қурғоқчил келиши натижасида озиқ моддалар тўпланиши кескин камайиб, бошоқ хосил қилмасдан, мавжудлари заиф ривожланмаган пуч донлар хосил қилган. Бундай об-ҳаво шароитида тупроқдан олинадиган сув бошоқда хосил бўлган дон хисобига бўлганлигидан уларнинг озиқланиши ва ўсиши бузилади.

қурғоқчилик йилларида кўпчилик дарахт ўсимликларида учки навдаларнинг қуриб қолиши кузатилади. Бу жараён тупроқдаги қишида тўпланган сув захиралари миқдори кескин камайиб кетган йилларда кузатилади. Учки навдаларнинг қуриб қолиши кумоқ тупроқларда ўсадиган мевали ва манзарали дарахтларда кўп учрайди. Бундай ҳолат парк ва хиёбонлардаги ўсаётган дарахтларда ҳам кузатилади.

Учки навдаларнинг қуриб қолиши тупроқда сув миқдорининг мейёридан ортиқ бўлган холларда ҳам кузатилади. Сизот сувлари яқин бўлган, ботқоқланган тупроқда заррачалари сув томчилари билан тўлиб қолганда ўсимлик илидизининг кислород билан таъминланиши ёмонлашади. Тупроқдаги анаэраб шароитида углекислоталар, органик кислоталар, темир ионларига ўхшаш заарли махсулотлар кўп хосил бўлади. Ўсимлик илдиз тизимининг ёмон ривожланиши фўзда қузги сўлиш, лавлаги, сабзи илдиз мевасининг, мевали дараҳтлар мевасининг ёрилиб кетишига сабаб бўлади.

Баргларнинг муддатдан олдин тўкилиб кетиши. Тупроқнинг ва атмосфера ҳавосининг нам миқдорининг узоқ муддатга кескин камайиб кетиши ўсимлик баргини барвақт тўкилишига сабаб бўлади. Бундай шароитда барг тўқимасида хлорофиллнинг парчаланишига сабаб бўладиган аммиакнинг хосил бўлиши барг бандида тикланмайдиган жараённи вужудга келтиради.

Маккажўхори ўсимлиги узоқ муддат давомида сувсиз шароитда ўсганда уруғ пўсти эпидермасининг парчаланиши натижасида унинг эпидермаси уруғ пўстини ёриб унинг юзасига оқиш бўртмалар тарзида чиқади. Бу жараён об-ҳаво шароити қурғоқчил бўлган йиллари, ўсимлик сўта хосил қилаётганда тупроқнинг кўп миқдорда намланишидан вужудга келади. Чунки, ортиқча намланган тупроқларда уруғга келиб тушаётган ортиқча сув ва озиқ моддалар эпидермис ҳажмини ортишига ва уруғ пўстини емирилишига сабаб бўлади.

**Бодринг мевасининг аччиқ бўлиши.** Бодринг меваси аччиқ бўлишига кукурбитация моддаси сабаб бўлади. Бу модда бодринг гулининг гулкосаси атрофида, мева пўстининг 3-5 мм қалинлигидаги юзасида учрайди. Бодринг аччиқ меваларни асосан тупроқда сув етишмаганда, ҳаво ҳарорати кундузи баланд, кечаси кескин пасайиб кетган шароитларда кузатилади.

**Картошкада кичик туганакчалар хосил бўлиши.** Узоқ давом этадиган сувсизлик, юқори ҳарорат натижасида картошка туганагининг куртакларидан столонлар хосил бўлиб, улар бир неча тизим хосил қиласи. Бундай майда туганакчалар истеъмолга ва уруғлик сифатида фойдаланишга ярамайди .

Юқори ҳарорат таъсирида вужудга келадиган об-ҳавонинг максимумидан юқори ҳарорати таъсирида ёш ўсимликлар нобуд бўлса, катта ёшдаги ўсимлик айrim аъзолари заар кўради. Касалланган ўсимликдаги патологик жараёнда ўсимлик аъзолари тургор ҳолатининг йўқолиши, сув буғлатишининг камайиши, сўлиши ва қуриб қолишида намоён бўлади.

**Об-ҳавонинг юқори ҳароратидан қўйидаги касалликлар келиб чиқади.**

**Баргнинг қуёшдан қуиши.** Каштан, жўка каби дараҳтлар ўсаётган тупроқда намлик кескин камайса, барглар қуёш нури таъсирида қуиши ёки тушиб кетиши кузатилади.

Кучли ёмғир бўлган даврларда барг юзасидаги томчилар ўзига хос линза вазифасини бажаради ва қуёш нурини баргга ўтказиб унинг тўқималарини нобуд қилиб бурчакли, юмолоқ доғларни хосил қиласди.

Поянинг қуёшдан қуиши мевали дараҳтлар ёш навдаларининг қуёш нуридан турлича қизиши туфайли вужудга келади. қуёш нури тушган пўстлоқ тезда намлиги қуриб, қизийди ва бўйига қараб ёрилиб кетади.

### **Паст ҳаво ҳарорати таъсирида вужудга келадиган касалликлар.**

Тупроқ ва ҳаводаги ҳарорат таъсирида ўсимлик хўжайрасидаги цитоплазмасининг коллоид моддаларининг уюши кузатилади. Бундай ҳолатнинг вужудга келиши эрта баҳорда вегетацияни бошлаган ўсимликларга ҳароратнинг кескин пасайиши натижасида совуқ уришида кузатилади. Республика мизда 1995-1998 йилларда 5-10 май кунларида бўлган ҳароратнинг пасайиб қор ёғишидан қўпгина мевали боғлар ва узум, тут плантациялари нобуд бўлган.

**Дараҳт танасининг сувсизланишидан қуиши.** қиши фаслида қўпгина дараҳт танаси физиологик сувсизланишга дуч келади. қиши фаслида бир туп олма дараҳти бир кунда 250-300г сув буглатади. Чуқурда жойлашган илдизлар бу микдордаги сувни тупроқ пастки қатламларидан олади. Юза қатламларидан жойлашган илдизлар тупроқ музлаб қолганда тупроқдан сувни шима олмайди. Бундай ҳолат уруғдан унган кўчатларда, янгидан экилган кўчатларда кузатилади. Илдизи саёз, юза жойлашган дараҳтларда қишида сув танқислиги туфайли ўзига хос патологик жараён вужудга келади.

**Қишки қуёш нуридан қуиши.** қиши фаслида узоқ муддатли ҳаво ҳароратининг кескин қўтарилиб кетиши айрим дараҳтлар куртагининг уйғонишига сабаб бўлади. Шу даврда ҳаво ҳароратининг кескин пасайиб кетиши, ўсимликнинг совуққа чидамлилигини кескин пасайтиради. Ўрик, олхўри дараҳтлари танасидаги қуёшга қараган томонидаги луб ва камбийнинг нобуд бўлишига сабаб бўлади.

**Кузги экинларнинг совуқ уриши.** Кўпгина кузда экилган ўсимликларнинг қишиги совуққа чидамлилик хусусиятига эга бўлмаган даврида рўй беради. Куз фаслида ҳаво ҳароратининг кескин пасайиб кетиши, қор кам тушадиган, муз хосил бўлган даврларда экинларни совуқ уради.

### **Ёруғликнинг етишмаслиги ёки ортиқчалигидан келиб чиқадиган касалликлар.**

Ёруғсевар ўсимликларга қуёш нури етишмагандан этиология деб аталадиган патологик жараён рўй беради. Икки паллали ўсимликлар қуёш

нури етишмайдиган жойларда етиштирилганда пояси ўсиб кетиб, барг япроғи кичиклашади. Бир паллали ўсимликларда пояси қисқариб, барг пластинкаси катталашади.

Этиологияга учраган ўсимликлар пояси тез ўсади, нозик бўлиб, ўз танаси оғирлигига эгилиб кетади. Этиология ходисаси соя жойда ўсган ўсимликларда, қалин экилган экинзорларда кузатилади. Натижада экинларнинг хосилдорлиги кескин камайиб, хосил сифати ёмонлашади, касалликка чидамлилиги пасайади. Этиология жараёнида ўсимлик озиқланиш учун фойдаланиладиган моддаларни, хлорофилл ва оқсил хисобига амалга оширади.

### **Кимёвий моддаларнинг таъсирида вужудга келадиган касалликлар.**

Ўсимликга салбий таъсир қўрсатувчи кимёвий захарли моддалар ҳавода, тупроқда ва сувда мавжуд бўлиб, улар орасида энг кўп учрайдиганлари қўйидагилардир.

**Ўсимликнинг ҳаводан захарланиши.** Ўсимликлар тутун, захарли газ ва корхоналардан чиқарилган захарли газлар билан захарланади.

Ҳавонинг таркибида ёқилғи маҳсулотларининг тўлиқ ёниб улгурмаслигидан захарли газсимон моддлар сульфат ва сульфит ангидриди, углерод кислоталари хосил бўлиб, улар ўсимликда юқумсиз ва сурункали касалликларни келтириб чиқаради. Натижада, ўсимлик баргида қорайган доғлар хосил бўлиб, улар бутун ўсимликни заарлайди.

Завод ва фабрикалар мўриларидан чиқкан заррачалар ўсимлик баргини, поясини, гулини чанг қоплами билан қоплаб, уларнинг устиналарини ёпиб, газ алмашинишини бўзилишига сабаб бўлади. Натижада, бундай ўсимликлар ўсишдан орқада қолиб, барглари тушиб кетади ва навдаларнинг учлари қуриб қолади. Юқорида кўрсатилган захарли моддалр тупроқда тўпланиб, ўсимлик илдизини ҳам заарлайди.

Шахар кўчалари, саноат марказларида ер юзасини қаплашда фойдаланилган асфальт, гидронлардан ажралиб чиқкан газлар ҳам ўсимликлар баргида жигар рангдаги доғлар пайдо қилиб, барглар сўлишига, хлорофилл доначаларининг парчаланиб, цитоплазмада жигар рангдаги томчиларни хосил қиласди.

**Пестицидлардан захарланиш.** Ўсимликлар касалликлари, хашоратлар ва бегона ўтларга қарши қўлланган захарли моддалар уларга салбий таъсир кўрсатиб, айрим аъзоларини ёки бутун ўсимликни заарлайди.

Бундай моддалардан касалланган ўсимлик барглари ўзгариб, тўқ қўнғир ёки қизғиш рангдаги доғлар пайдо бўлиб, қурий бошлайди. Касалланган барглар тез синиб тушиб кетади. Касалланган ўсимлик меваси ёмон етилади, ранги ўзгариб, тўлиқ пишиб етилмайди.

Ўсимликларнинг пестицидлар билан заарланиши натижасида физиологик, анатомик, цитологик ўзгаришлар амалга ошади. Жумладан, фотосинтез, сув буғлатиш, озиқ моддаларнинг хосил бўлиши кескин ўзгариб кетади. Мис билан захарланган ўсимлик баргида қизғиш, мевасида қўнғир рангдаги доғ хосил бўлади, барг пластинкаси юқори томонга қараб буралиб кетади ва ўсимлик ўсишдан орқада қолади.

**Механик жароҳатланишдан келиб чиқадиган касалликлар.** Бундай касалликлар қаторига метеорологик факторлардан шамол, жала, дўл, қор, бўрон, яшин таъсиридаги ва инсон воситасидаги хосилни йиғиш ва транспортда ташиш жараёнида, ўсимликларга шакл беришда ва кўчириб ўтқазиш даврида хосил бўлган заарланишлар киради.

Механик заарланиш айрим ўсимлик аъзоларига ёки айрим тўқималарига таъсир кўрсатади. Масалан, буғдойни йиғиштириб олиш даврида комбайннинг нотўғри созланган қисмлари буғдой донини турлича заарлайди.

### *Муҳокама учун саволлар*

1. Фитопатоген вирусларнинг характерли белгилари нималардан иборат?
2. Биринчи фитопатоген вирусни қайси олим кашф қилган?
3. Нима сабабдан 1935 йилгача олимлар ўсимликларнинг вирус касаллирининг қўзғатувчиларини аниқлаша олмадилар?
4. Қайси олим ва қачон биринчи марта ТМВ ни кристалл ҳолида ажратди?
5. Қайси олимлар ва қачон кристаллар таркибида оқсилдан ташқари РНК мавжудлигини исботлади?
6. Кристаллар таркибидаги оқсилдан РНК ни қайси олимлар ва қачон ажратиб олишди ва ТМВ нинг барча ирсий хусусиятлари РНК таркибида мавжуд эканлигини исботлашди?
7. Фитовирусология фани ривожланишига ўзларининг ҳиссаларини қўшган Ўзбекистон олимларидан кимларни биласиз?
8. Вируслар қўзғатадиган касалликларнинг асосий белгилари нималардан иборат?
9. Вирусларнинг қандай шакллари мавжуд?
10. Фитопатоген вирусларнинг нуклеин кислоталарининг нечта хили учрайди?
11. Вируслар кўпайишида репликация жараёнининг босқичлари нималардан иборат?
12. Турғун ва бардошсиз вирусларни тавсифлаб беринг.
13. Вирусларнинг табиатда қандай усуллар орқали тарқалади?
14. Вируслар ва фитоплазмаларни аниқлаш усуллари. Улардан қайсилари энг тезкор ва ишончли усул ҳисобланади?
15. Вируслар ва фитоплазмаларни аниқлашда серологик усулни қўллаш қайси босқичларни ўз ичига олади?
16. Антиген, агглютинин, антитело, зардоб, преципитация реакцияси, преципитат терминларининг тавсифларини гапириб беринг.

17. Иммунофермент анализ усулининг моҳияти ва унинг босқичлари нималардан иборат?
18. Фитопатоген вирусларнинг классификациялари нималарга асосланади?
19. Фитопатоген вирусларнинг номенклатураси. Криптограмма нима ва у тажрибаларда қандай мақсадда қўлланилади?
20. ТМВ нинг криптограммасидан (R/1; 2/5; E/E; S/O) қандай маълумотларни билиб олиш мумкин?
21. Субвирап агентларга қандай организмлар киради?
22. Вироидларнинг тавсифларини гапириб беринг.
23. Фитоплазмаларнинг тузилиши, шакллари ва ўлчамлари ҳақида гапириб беринг. Улар бактериялар, вируслар ва микоплазмалардан қандай белгилари билан фарқланади?
24. Фитоплазмалар қўзғатадиган касалликларнинг мисолларини келтиринг. Фитоплазмалар билан заарланган ўсимликларда касалликларнинг қандай белгилари ҳосил бўлади? Фитоплазмалар табиатда қандай йўллар билан тарқалади?
25. Фитоплазмаларнинг неча хил нуклеин кислоталари мавжуд? Фитоплазмалар қандай қилиб кўпаяди?

## АДАБИЁТЛАР

1. Ҳасанов Б.А. ва бошқалар. Ғўзани зааркунанда, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш. Тошкент, “Университет”, 2002, 379 б.
2. Ҳасанов Б.А. ва бошқалар. Сабзавот, картошка ҳамда полиз экинларининг касалликлари ва уларга қарши кураш. Тошкент, “Voris-Nashriyot”, 2009, 244 б.
3. Ҳасанов Б. А., Очилов Р. О., Холмуродов Э.А., Гулмуродов Р. А. Мевали ва ёнғоқ мевали дараҳтлар, цитрус, резавор мевали буталар ҳамда ток касалликлари ва уларга қарши кураш. Тошкент: "Office-Print", 2010, 316 б
4. Ҳасанов Б.А. Микология. Тошкент, ТошДАУ нашр-таҳририят бўлими, 2019, 503 б.
5. Рахимов У.Х., Ҳасанов Б.А. Ўсимликларнинг карантин касалликлари. Тошкент, “Наврӯз”, 2019, 258 б.
6. Рахимов У.Х. ва бошқалар. Ўсимликлар карантинида фитоэкспертиза. Тошкент, “Наврӯз”, 2020, 247 б.
7. Поспелов.С.М., Шестиперова.З.И., Долженко.И.К – Основы карантина растений. Москва., Агропромиздат. 1985. (дарслик)
8. Рогова.Т.И. – Методическое руководство по лабораторной карантинной экспертизе растительных материалов и почвы. Изд-во Сельское хозяйство. Москва. 1960.
9. George N.Agric. Plant pathology. Elsevier Academic Press. Florida, 2004.
10. Randall C. Rowe. Potato Health Management. The American

### **З-МАВЗУ: ЎСИМЛИКЛАРНИ КАРАНТИН КАСАЛЛИКЛАРИДАН ХИМОЯ ҚИЛИШДА ЗАМОНАВИЙ АГРОТЕХНИК, ФИЗИК-МЕХАНИК ТАДБИРЛАРНИ ҚЎЛЛАШ. РЕЖА**

1. Қишлоқ хўжалик экинларини карантин касалликларидан ҳимоя қилишда замонавий агротехник тадбирларни қўллаш.

2. Ўсимликларни карантин касалликларидан ҳимоя қилишда физик-механик тадбирларни қўллаш.

3. Қишлоқ хўжалик экинларини карантин касалликларидан ҳимоя қилишнинг инновацион технологиялари.

#### **Қишлоқ хўжалик экинлари касалликларига қарши кураш усуллари.**

Қишлоқ хўжалик экинларининг касалликларига қарши кураш чораларини тўғри белгилашда касалликни келтириб чиқарувчи микроорганизмлар турларини тўғри аниқлаш, уларнинг биологик хусусиятларини билиш ва самарали таъсир қиласидан воситаларни тўғри қўллаш муҳимдир. Экинларнинг касалликларига қарши кураш чоралари умумагрономик ва ихтисослашган турларга бўлинади. Экинларнинг касалликларга чидамлилигини ва хосилдорлигини оширишда турли ўғитларни меъёрида қўллаш, навларни тўғри танлаш билан бирга, ўсимликлар қолдиғидаги, тупроқдаги, уруғдаги ва хаводаги инфекция миқдорини камайтиришга қаратилган тадбирлар асосий рол ўйнайди. Экинларнинг касалликларга қарши кураш чоралари қўллаш усулига қараб профилактик ва даволаш мақсадида ўтказиладиган селекцион-уруғчилик, агротехник, биологик, кимёвий, физик-механик турларга бўлинади.

#### **Агротехникавий кураш усули.**

Қишлоқ хўжалигининг интенсив ривожланиши, дехқончилик маданиятининг юксалиши, экинларнинг касалликларига қарши курашда вилоятларнинг тупроқ-иқлим шароитини, ўсимлик турини хисобга олиб комплекс агротехник кураш чораларини қўллашни тақазо қиласи. Агротехник кураш чораларининг асосий мақсади, соғлом уруғлик ва кўчатлар етиштиришга қаратилган бўлиб, экинларни экишдан тортиб ҳосилни йиғиштириб олгунга қадар қўллашни тақазо қиласи.

Алмашиб экиш қоидаларига амал қилиш экинзорларда инфекциянинг тўпланмаслигига шароит яратади. Бунинг учун келгуси йилда экиладиган экинлар касалланмайдиган турларга мансуб бўлиши муҳимдир. Экинзорларда яъни, экин даласида икки йилдан ортиқ муддатда бир хил экин экмаслик, экин ўрнига экиладиган ўсимлик тури олдинги ўсимлик билан бир хилдаги касалликлар билан касалланмаслиги муҳим ахамиятга эга.

Республикамизда пахта якка хокимлиги даврида гўзани 7-9 йил давомида узлуксиз етиштириш, уларда вилт касаллигининг кўпайишига сабаб бўлган. Буғдой, арпа каби ғалла экинларини алмашиб экиш, уларда илдиз чириш, фузариоз касалликларининг кўпайишига сабаб бўлади. Экинзорларда алмашлаб экишга амал қилиш касалликларнинг зарарини камайишига, тупроқда сапротроф микроорганизмлар ва антагонистларнинг кенг тарқалишига шароит яратади.

Тупроқда узоқ муддатда сақланадиган патоген инфекциянинг миқдорини камайишида тупроқни чуқур ҳайдаш муҳим агротехник тадбир хисобланади. Бундай далаларни шудгордан кейин яхоб бериш ҳам инфекция миқдорини камайишига олиб келади. Кунгабоқарнинг оқ чириш, кузги буғдойнинг илдиз чириш, занг замбуруғларнинг споралари миқдорининг тупроқни чуқур ҳайдаш натижасида камайишига сабаб бўлади. Буғдойзорлардаги ўсимлик пояси ва илдизидаги инфекция миқдорини камайтиришда уларни даладан чиқариб ташлаш ёки майдалиб тупроққа аралаштириш ҳам муҳим агротехник тадбир хисобланади.

Фитопатоген замбуруғларнинг тупроқда сақланишида бегона ўтлар ҳам асосий рол ўйнайди. Экинзорларда бегони ўтлар миқдорини камайтириш, уларнининг қолдиқларини экин далаларидан чиқариб ёқиб ташлаш инфекцияни камайтиради. қишлоқ хўжалик экинларида кенг тарқалган касалликлардан фузариоз, ризоктониоз, гельминтоспориозлар тупроқда намлик миқдорининг кескин ўзгариши, кислотали мухитнинг ортиши, азот фосфор, калий ва бор етишмагандага уларнинг зарари кучаяди.

Минерал ўғитларни ўз вақтида қўллаш экинларнинг касалликларга чидамлилигини ортиради. Органик ўғитлар тупроқнинг физикавий хусусиятларини яхшилаб, намлигини орттиради, сув ўтказувчанлигини яхшилади. Натижада, тупроқнинг сув-хаво сигими ва харорат меъёрини бараварлаштириб, ўсимликларнинг минерал озиқланишини яхшилади.

Азотли ўғитларни қўллашда калийли ва фосфорли ўғитлар миқдорига алоҳида эътибор бериш керак. Азотли ўғитларни соф холда меъёридан ортиқ қўллаш, кузги буғдойнинг илдиз чириши, картошканинг фитофториоз билан касалланишига имкон беради.

Фосфорли ўғитларни қўллаш экинлар илдиз тизимини такомиллаштириб, касалликларга чиламлилигини ортиради. Калийли ўғитлар экинлар тўқималарини мустахкамлаб, углеводлар билан таъминотини яхшилади. Калийнинг етишмаслиги тўқималарнинг қорайишига, баргларнинг қуриб қолиши сабаб бўлади. Калийли ўғитларни фосфорли ва азотли ўғитлар билан бирга фойдаланиш яхши самара беради.

Микроэлементлардан марганец, бор, мис, рух кабилар ўсимликларнинг минерал озиқланишида асосий рол ўйнайди ва уларнинг нормал ривожланишини таъминлайди. Мис элементи ўсимликлардаги оксидланиш - тикланиш ферментларини активлигини ортириши натижасида, уларнинг хосилдорлиги кўпайиб, касалликларга чидамлилиги яхшиланади. Мис

сульфати билан ишлов берилган картошканинг омборхоналарда сақлаш жараёнида чиришини 70% га, крахмалнинг йўқолишини 50% га, туганак перидермасининг миқдорини 2-3,5 марта ортиб, хосили эрта етилишига имкон беради .

Марганецли ўғитлар қанд лавлаги, буғдой, маккажўхори, сабзавот экинларга 0,5-2 ц/га миқдорида марганецли суперфосфат ёки олитнгугуртли марганец 45-60 кг/га тарзида фойдаланилганда юксак самара берган. Айниқса, арпанинг тош қоркуя касаллиги билан касалланиши, назоратга нисбатан кескин камайган .

Экинлар уруғини экишдан олдин 0,2% ли бор эритмаси билан ишлов берилганда уруғларнинг унувчанлиги кўпайиб, касалликларга чидамлилиги 1-5 марта ортган (Шумиленко, 1953). Тарвуз илдизи бор кислотаси билан озиқлантирилганда, унинг антракноз касалигига чидамлилиги 65% га ортиб, 1 га майдондан 282 ц/га хосил олинган.

Рух – ўсимликларнинг озиқланишида муҳим ахамиятга эга бўлиб, оқсилларнинг оксидланишида, ауксиннинг хосил бўлишида асосий рол ўйнайди. Рухни 1 кг кумга 2.25 м<sup>2</sup> миқдорда қўллаш каноп ўсимлигининг фузариоз касалигига чидамлигини 2-3 марта ортиради.

Олtingугуртли рухнинг 0,02% ли эритмаси билан бодринг уруғларига ишлов берилганда, унинг бактериоз касалигига чидамлилиги 5-12 марта ортган. Бундай эритма билан буғдой уруғига ишлов берилганда ун шудринг, кўнғир занг ва фузариоз билан касалланиши кескин камаяди.

Микроэлементлар таъсирида помидорнинг учки чириш, горохнинг аскохитоз, маккажўхорининг пуфакли қоракуя, беданинг рак ва қора доғланиш касалликларига чидамлилиги ортган.

Микроэлементларнинг ўсимлик ўсиш ва ривожланишига ижобий таъсирини анатомик тузилишини ўрганишларнинг кўрсатишича, касаллик қўзғатувчи патогенларнинг мицелийсини шакли кичрайганлиги туфайли тўқималарга кириб келиши камайиб, унинг ривожланиши тўхтайди.

Ўсимликнинг нормал ривожланишида, турли касалликлар билан оғримаслигига экинларни экиш муддатлари ҳам асосий рол ўйнайди. Экинларни эрта экиш муддатларга тупроқдаги сув режимининг меъёрида бўлишига, ёруғлик билан таъминланишига, тез ривожланишига имкон беради. Кузги буғдойларни эрта муддатларда экилганда фузариоз, илдиз чириш, занг, ун шудринг касаллиги билан касалланмаслигига шароит яратилади. Сули, дон дуқакли экинларни эрта муддатларда экиш уларнинг қора куя, занг фузариоз каби касалликлар билан кам касаллантиради. Картошка ва савзавот экинларини кеч муддатларда экиш уларнинг касалликларга чидамлигиги ортиришга олиб келади. Кеч экилган экинлардаги моддалар алмашиниш жараёнидаги ўзгаришлар, картошканинг вирус касаллигига, ракка, карамни бактериозга чидамлигиги ортиради.

Экинларнинг турли касалликлар билан касалланмаслигига уруғликларни ва кўчатларни экишга тайёрлаш ҳам муҳим агротехник тадбир хисобланади. Бу тадбирлар уруғларни, тугунакларни, пиёзбошларни, кўчатларни тозалаш жараёнида уларнинг бир хил сифатда бўлишини таъминлайди. Майда, яхши ривожланмаган уруғлар, туганакларни экишда фойдаланмаслик мақсадга мувофиқдир. Ғалла экинларининг қоркуя, тош қуя касалликларига қарши курашда уларнинг уруғларини  $47^{\circ}\text{C}$  хароратда 2-3 соат давомида қиздириш ҳам яхши самара беради.

### **Кимёвий кураш чоралари.**

Касалликларга қарши кимёвий кураш чораларини қўллаш, касалликни келтириб чиқарувчи микроорганизмларга қарши органик, анорганик ва захарли моддаларни фойдаланишга асосланган. Ўсимликларнинг касалликларига қарши қўлланиладиган кимёвий моддалар фунгицидлар дейилади. Республикализ шароитида қишлоқ хўжалик экинларининг касалликларига қарши қўлланиладиган фунгицидлар "Ўзбекистон Республикасида ишлатиш учун рухсат этилган ўсимликларни химоя қилиш воситалари рўйхатида" (Тошкент 2018) берилган. Бу рўйхат ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамаси ўсимликларни химоя қилиш воситалари Давлат комиссияси томонидан тасдиқланади.

Фунгицидлар қишлоқ хўжалик экинлари кўчат ва уруғларига экишдан олдин ишлов бериш, тупроқни ва иссиқхоналарни, омборхоналарни дезинфекция қилиш учун фойдаланилади. Кимёвий усул ёрдамида касаллик қўзғатувчи микроорганизмлар ўсимлик ичкарисига кириб келгунга қадар унинг манбаларига бархам бериш учун фойдаланилади. Фунгицидлар таъсир этиш хусусиятига қараб контаккли ва системали таъсир этиш хусусиятига эга.

Системали таъсир этувчи фунгицидлардан касалланган ўсимлиknи ўсуv даврида даволашда фойдаланилади. Улар ўсимлик ичкарисига кириб келиб, унда паразитлик қилаётган замбуруғларга таъсир қиласи ва ўсишини тўхтатади.

Контактли фунгицидлар ўсимлик аъзоларининг устида сақланиб, уни касаллантирувчи замбуруғларга бевосита салбий таъсир кўрсатади, унинг ўсиш ва ривожланишини тўсиб қўяди. Натижада, касалликнинг ўсимлиkkка салбий таъсири камаяди ёки касаллик қўзғатувчи бутунлай нобуд бўлади.

Ўсимликларни химоя қилиш жараёнида кимёвий кураш чораси энг муҳим ахамиятга эга бўлмоқда. Лекин кимёвий кураш чораларининг салбий оқибатлари ҳам йўқ эмас. Жумладан, кимёвий моддалар патоген микроорганизмлар билан бирга сапротроф организмларга ҳам салбий таъсир кўрсатади; кимёвий моддалар таъсирида захарли моддаларга нисбатан чидамлиликни намоён қиласиган генотиплар ва кучли патоген штаммларни хосил бўлишига олиб келади. Шунинг учун кимёвий кураш чораларини қўллашда этиштирилган махсулотларнинг, санитария-эпидемиологик холатини назорат қилиб туришни талаб этади.

## **Биологик кураш чоралари.**

Бундай кураш чораларининг мохияти шундан иборатки, патоген микроорганизмларга қарши сапротроф микроорганизмларнинг ўзаро қарама-қарши хусусиятларини ёки улар хосил қилган моддаларни салбий таъсирини қўллаш натижасида уларнинг зарарини камайтиришга қаратилган. Бу усулга ўсимликларнинг фитонцидлар, ингибиторлар хосил қилиш хусусияти ва гуллик паразитларга қарши хашоратларидан фойдаланиш ҳам киради.

Тупроқда хаёт кечирувчи микроорганизмлар орасида ўзаро зиддият уларнинг сапротроф ва патоген вакиллари орасида амалга ошганлигидан фойдали микроорганизмлар хосил қилган антибиотиклар, фитонцидлар таъсирида патоген турларнинг нобуд бўлишга олиб келади. Тупроқдаги антогенистик-микроблар: бактериялар, замбуруғлар, актиномицетлар, фаглар ўзининг ривожланишининг турли босқичларида фитопатоген замбуруғлар ва бактерияларга таъсир кўрсатади. Улар хосил қилган антибиотиклар ўсимликнинг илдиз тизими орқали ўсимлик ка кириб келиб, унинг ўтказувчи тўқималарида хаёт кечираётган касал лик қўзгатувчиларига салбий таъсир кўрсатади.

Ер устидаги антогенист-микроблар гиперпаразитлар, сапротроф замбуруғ ва бактериялар ун шудринг, занг замбуруғлариниг мицелийсига ёки меватаналарига, гуллик паразитларнинг вегетатив аъзоларига салбий таъсир қилиб, уларнинг ривожланишини тўсиб қўяди. Ер усти антогенист - микробларга бактерияфаглар, протистлар (амёбалар, инфизориялар), бактерияларга, замбуруғларга таъсир қилувчи бактериялар, актиномицетлар, замбуруғлар мисол бўла олади.

Фитопатоген бактерияларга таъсир қилувчи бактерияфаглар ўсимлик ичидағи бактерия хужайраларини нобуд қиласди. Улар бактериялар кенг тарқалган тупроқда, ўсимлик органларида, қудук, дарё, денгиз, кўлмак сувларида кенг тарқалган бўлади.

Қишлоқ хўжалик экинларининг касалликларида қарши бактерияфагларни фойдаланиш учун уларни уруғларини ивитиш, кўчатлар илдизига ишлов бериш, ўсимлик аъзоларига сепиш, ерларни ун шудринг, занг касалликларидан соғломлаштиришида яхши самара беради. Масалан, уруғларига бактерияфаглар билан ишлов берилган ғўза ўсимлигининг гоммоз билан заарланишини назоратта нисбатан 74% га камайган.

Содда хайвонлардан амёба ва инфизорияларнинг *Fusarium* замбуруғларига қарши таъсири ҳам аниқланган. *F.oxyoporum* Schl.f neveum замбуруғи спораси амёба таъсир қилинмаган тупроқларда узоқ сақланса, амёбалар билан суғорилган тупроқларда тўрт кундан кейин замбуруғ споралари йўқолиб кетган. Содда хайвонлардан инфизориялар таъсирида

ғўзанинг вертициллиёз сўлиш, ризактониоз касалликлари ҳам кескин камайган.

Фитопатоген замбуруғларга салбий таъсир қилувчи бактрея фаглар *Fusarium*, *Helminthosporium*, *Verticillium*, ун шудринг каби замбуруғларга нисбатан аниқланган. Бу бактреяфаглар карам, зифир, ғўза, қўп йиллик дараҳтлар уруғларига ва илдизига ишлов беришда фойдаланиш уларнинг касалланишини кескин камайтирган (Никитина, 1959; Косьянова, 1971; Плотникова, 1974).

Тупроқдаги фитопатоген замбуруғларга актиномицетлар ҳам салбий таъсир кўрсатади. Кунжарада ўстирилган актиномицетларни экинлар уруғига ишлов бериб тупроққа экилганда, уларнинг касалланиши кескин камайган (Кублановская, 1959).

### **Селекцион – уругчилик усули.**

Қишлоқ хўжалик экинларининг касалликлариغا қарши қурашнинг энг самарали усули касалликка чидамли навларни яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилишдир.

Селекция натижасида яратилган картошка навларининг 85% рак касалига чидамлидир.

Селекция ишларининг самарадорлиги, касалликка чидамлилик хусиятининг сақланиб қолишида паразит замбуруғларнинг рассаларини хосил бўлмаслигига эришиш мухимдир. Бунинг учун уруглик материалларни фитоэкспертиздан ўtkазиб туриш, экинзорлардаги айrim касалланган ўсимлик қолдиқларини териб олиб ташлаш, уруғликни фақат соглом ўсимликлардан тайёрлаш мухим ахамиятга эга. Етиштирилаётган уруғликларни Давлат Стандартлари талабига жавоб беришини таъминлаш учун ўз вақтида назорат қилиб бориш, уларда ўсимлик карантини касалликлари тарқалишига йўл қўймаслик керак.

Уруғлик сифатини таъминлашда элита навлар асосий рол ўйнайди. Элита уруғлари юксак унувчанлик ва касалликларга чидамлиликни намоён қиласди. Уруғликни етиштиришда агротехник тадбирларни тўғри йўлга қўйиб, соглом ўсимлик хосил қилишга эришиш керак. Соғлом уруғлик кейинчалик замбуруғлар билан заарланмаслигига эриш учун уларнинг фитосанитария холатини назорат қилишни тақазо қиласди.

Уруғликнинг замбуруғлар билан заарланмаслиги учун контактли фунгицидлар билан ишлов берилиши керак. Уруғ ичидағи инфекцияга қарши курашиши учун системали таъсир этувчи фунгицидлардан фойдаланилади. Элита ва супер элита навларининг қоракуя касаллигига қарши термик ишлов бериш усулидан ҳам фойдаланилади.

Уруғлик экинлар майдони чидамсиз навлар ва хўжалик экинзорларидан узоқда жойлашиши, навлар алмашиши муддатига риоя қилиш, экин турининг бир хил бўлмаслигига эришиш керак. Картошканинг фитофтороз, фузариоз, парша касалликларини белгиларининг намоён бўлишига қараб саралаб

борош зарур. Уруғчиликдаги соғломлаштиришга қаратилган тадбирлар, экинзорларнинг соғлом бўлишига, хосилдорликни 16-40%га кўтарилишига сабаб бўлади.

### **Физик ва механик усул.**

Бу усулнинг мохияти шундан иборатки, касаллик қўзғатувчилариға физик омиллар ва механик усулларни таъсир этирилади. Физик усулда касаллик қўзғатувчилариға қарши радиацион нурлар, юқори кучланишли ток, ултра қисқа тўлқин, юқори ва паст харорат таъсир этказилади.

Ёпиқ иссиқхоналарнинг тупроқлардаги замбуруғларни, вирусларни йўқотиш учун 80-90<sup>0</sup> С хароратда 1,5-3 соат давомида қиздирилади. Иссиқхона тупроқларидағи патоген микрорганизмларни нобуд қилиш учун ўсимлик қолдиқларини биотермик қизиш жараёнида хосил бўлган хароратдан ҳам фойдаланилади. Буғдой, арпа, маккажўхорининг қоракуя касаллигига қарши курашда улар уруғи 47<sup>0</sup> С хароратда 2 соат қиздириш усулидан фойдаланилади.

Пиёзбошлардаги ун шудринг замбуруғига қарши курашда 40-47<sup>0</sup>С хароратдаги хаво оқимидан ҳам фойдаланилади. Кўпгина уруғида сақлайдиган касалликларнинг инфекцияларга қарши уларни қуёш нурида куритиш ёки қиздириш ҳам самарали усул хисобланади.

Қишлоқ хўжалик экинлариниг касалликларидан механик усулда тозалашга, уруғлардаги заараланганларини териб олиб ташлаш, оқ чириш склероцитларидан, зарпечак уруғларини териб олиш, касалликларнинг оралиқ хўжайнларини даладан олиб ташлаш, касалланган ўсимлик аъзоларини ёки ўзларини даладан йиғиб олиб ташлаш, каби тадбирлар киради.

### **Замбуруғ касалликларига қарши кураш чоралари**

Ўсимликларни касалликлардан ишончли ҳимоя қилмасдан қишлоқ хўжалмк соҳаси самарали бўлишини ва юқори хосил олишни таъминлаш мумкин эмас. Ўсимликларни ҳимоя қилишда профилактик, ёки фитосанитар (касалликларнинг олдини олишга қаратилган) ва терапевтик (даволовчи) чоратадбирлар қўлланади. Фитосанитар тадбирлар ўсимликларни ҳимоя қилишининг негизидир. Уларга селекцион-уруғчилик ва агротехник усуллар, даволовчиларга эса физик-механик, биологик ва кимёвий тадбирлар киради. Карантин алоҳида фан сифатида ажратилади.

Селекцион-уруғчилик усулнинг мақсади ўсимликларнинг касалликларга чидамлилигини оширишdir. Бу усул чидамли дуранайлар яратиш, экишга мўлжалланган уруғ ва кўчатларнинг сифатини назорат қилиш ишларини ўз ичига олади ҳамда уларни ташиш ва саклаш даврида қоидаларга риоя қилишни бошқаради.

Профилактик тадбирлардан уруғчилик ва кўчат етиштиришни ташкил қилишининг аҳамияти катта ва улар экиш учун соғлом материал тайёрлашни таъминлайди. Уруғ, қаламча ва бошқа экиладиган материаллар юқори сифатли,

патоген микроорганизмлар билан заарланмаган – давлат уруғ назорат ташкилотлари томонидан сифатли эканлиги ва уларда инфекция йўқлиги сертификатланган бўлиши лозим.

*Урӯчилик тизими* қўйидаги вазифаларни бажариши ўта муҳим: а) экишга мўлжалланган материалда инфекция мавжудлиги ёки йўқлигини баҳолаш (фитопатологик экспертиза); б) экиладиган материални заарсизлантириш ва уруғ етиштириш учун экилган экинларни иккиласчча заарланишдан ҳимоялаш; в) бу экинларни мунтазам фитопатологик назорат қилиш ва онда-сонда учрайдиган касалланган ўсимликлардан тозалаб туриш.

*Агротехник* усул бир катор тадбирлардан (ерни тайёрлаш, экинни парваришилаш, алмашлаб экиш тизимини йўлга қўйиш ва х.) иборат бўлиб, улар ёрдамида экин учун қулай, касаллик ривожланиши, қўзғатувчилар тупроқда кўпайиши ва тарқалиши учун ноқулай шароитлар яратилади. Бу тадбирлар қўйидагилардан иборат:

1) Муайян тупроқ-иқлим шароитларига мос келадиган, жумладан касалликлар кучли тарқалиши ва ривожланиши хавфи бўлган жойларда чидамли навлар экиш.

2) Ерни агротехника қоидаларига риоя қилган ҳолда тайёрлаш; экиш вақтини, экин қалинлигини тўғри танлаш. Бу қоидаларга риоя қилмаслик экинларнинг касалликларга чидамлилиги пасайишига олиб келади. Мисол учун, кўчат ва ниҳоллар жуда қалин экилиши уларда касалликлар тез тарқалиши ва дараҳтлар кучли заарланиши ёки нобуд бўлишига олиб келади.

Ўсимликлар касалликлар билан заарланишига ўғитларнинг таъсири катта. Органик ва минерал ўғитларни қўллаш ўсимликлар кўп (айниқса тупроқ замбуруғлари қўзғатадиган) касалликлар билан заарланишини камайтиради, сапротроф микробиотани фаоллаштиради, тупроқдаги инфекция захирасини камайтиради, ўсимликлар ўсиш шароитларини яхшилайди, натижада уларнинг касалликларга чидамлилиги ортади. Калий ва фосфорли ўғитлар ўсимликларнинг касаллик қўзғатувчиларига чидамлилигини кучайтиради. Элементлар баланси сақланмаган ўғит ишлатиш, айниқса фақат азот моддасининг катта миқдорларини бериш, ўсимликлар касалликлар билан заарланишини кучайтиради. Микроэлементлар ўсимликларнинг модда алмашинувини фаоллаштириши туфайли уларнинг патогенларга чидамлилигини оширади.

*Чуқур кузги шудгор* ўсимлик қолдиқларида сақланадиган касаллик қўзғатувчиларнинг фаолиятини камайтиради ёки уларни йўқотади. Шудгор қатламларидағи ўсимлик қолдиқлари (ўт-ўлан, барглар, замбуруғ склероцийлари ва х.) тупроқ заррачалари билан аралashiб, тезда минераллашади ва улардаги патогенлар ҳаётchanлигини йўқотади.

*Алмашлаб* экиши ўта муҳим усул ҳисобланади, чунки битта экинни бир неча йил давомида экиш тупроқда уни кучли заарлайдиган инфекция йилдан йилга кўпайишига ва экин касаллик билан заарланиш даражаси ҳам йилдан йилга ошиб боришига сабаб бўлади.

*Физик-механик* усул касаллик қўзғатувчиларини бевосита йўқотиш – ўсимлик қолдиқларини тўплаб, кўмиб ташлаш, тупроқка термик ишлов бериш,

уругларни саралаш ва бошқаларни ўз ичига олади.

*Кўчатхона (иссиқхона) ларда ташки муҳит факторларини тартибга солиши, кўчатхона ичини ва иш анжомларини ва тупрогини зарарсизлантириши усуллари адабиётда баён этилган* (Ҳасанов, Очилов, Гулмуродов, 2009).

*Ўсимлик касалликларига қарши биологик усулларни қўллаш.* Ўсимликларни касалликлардан биологик ҳимоя қилишнинг асоси табиатда антагонизм ҳодисаси мавжудлигидир. Антагонистик муносабатлар – битта микроорганизм тури қандайдир йўл билан иккинчи турнинг ҳаётчанлигига қаттиқ салбий таъсир кўрсатиши ёки уни нобуд қилишидир. Биологик ҳимоя амалиётида бу муносабатлар кенг қўлланилади. Биологик усул антагонистик микроорганизмларни, гиперпаразитларни ва улар ҳаёт фаолиятида синтез қиласидан биологик фаол модда (БФМ) ларни касаллик қўзғатувчи микроорганизмларнинг фаолиятини тўхтатиш учун қўллашдан иборат. БФМ ларга антибиотиклар, фитонцидлар, фитогормонлар ва тирик организмларнинг бошқа метаболитлари киради. Кимёвий усулнинг кенг қўлланилиши атроф-муҳитга ва инсон саломатлигига салбий таъсир кўрсатиши ва табиатда экологик жараёнлар бузилиши туфайли кейинги даврда биологик усул кўпчиликнинг дикқатини жалб этмоқда. Биологик ҳимоянинг самарадорлиги юқориилиги ва иссиқконли ҳайвонларга хавфсизлиги унинг истиқболли усул эканлигидан далолат беради.

*Антагонистларларнинг кўпчилиги тупроқ микроорганизмларидир.* Антагонист замбуруглар касалликларни камайтиришда ёки тўхтатища муҳим роль ўйнайди. Микроорганизмлар бошқа гуруҳларига нисбатан замбуругларнинг фитопатогенлар фаолиятини пасайтирувчи антагонистик хусусиятлари – гиперпаразитизм, озуқа муҳити учун рақобат, антибиотиклар ва бошқа моддалар синтез қилиши – кўпроқ намоён бўлади. Ўсимлик касалликлари қўзғатувчиларининг ривожланишини камайтириш ёки тўхтатиша қобилиятига эга бўлган замбуругларнинг аксарияти такомиллашмаган замбуруглар (дайтеромицетлар) гуруҳига мансуб.

Тупроқни антагонист микроорганизмлар билан бойитиш уларнинг тоза культураларини ёки тоза культуралар билан тўйинтирилган компостни тупроқка солиш орқали амалга оширилади. Антагонист микробларни қуритиб тайёрланган кукун билан экишдан олдин уругларни дорилаш, кўчириб экишдан олдин кўчатларни замбуруғ споралари ёки бактериялар ҳужайралари суспензияларига ботириб, заарсизлантириш ва бу суспензияларни касал ўсимликларга пуркаш мумкин. Микроорганизмлар қаттиқ ёки суюқ озуқа муҳитларида ўстирилади.

*Trichoderma туркумига мансуб замбуруглар.* Триходермалар тупроқда яшовчи кўп фитопатоген организмлар (*Fusarium, Rhizoctonia, Pythium, Phoma, Phytophthora, Alternaria, Botrytis, Phoma* турлари ва б.) ривожланишини бевосита паразитлик қилиб камайтириши ёки тўхтатиши мумкин, аммо уларнинг антагонистик хусусиятлари кўпроқ роль ўйнайди. Улар бир қатор антибиотиклар (виридин, глиотоксин, триходермин, соцукаллин, аламецин ва б.) ни синтез қиласиди ва шу сабабдан кенг антагонистик спектрга эга.

Триходерма билан тўйинтирилган тупроқда илдиз чириш, сўлиш ва баъзи бошқа касалликларнинг ривожланиши камаяди ёки тўхтайди. *Trichoderma* турларининг ферментлари (хитиназалар, целлюлазалар, глюканазалар) хўжайин ҳужайралари деворчаларини юмшатади ва хужайрага гифалари ҳамда антибиотиклари киришига имкон яратади. *Trichoderma* турлари тупроқ структурасини яхшилайди ва ҳосилдорлигини оширади.

Ўсимликлар биологик ҳимоясида *Trichoderma viride* (синоними *T. lignorum*), *T. harzianum* ва б. турлар асосида тайёрланадиган препаратлар кенг қўлланилади. Россияда 4 та триходермин препарати ишлаб чиқарилади. АҚШ да сотувда 9 та триходермин препарати мавжуд.

Бошқа антагонист замбуруғлардан *Gliocladium* туркумига мансуб замбуруғлар асосида тайёрланадиган биопрепаратлар АҚШ да сотувда мавжуд.

Россияда *Penicillium vermiculatum* гифомицет замбуруғнинг конидияларидан Вермикулен, ПС препарати ишлаб чиқарилган, АҚШ да замбуруғлар асосида яратилган, ҳар хил экинларнинг турли касалликларига қарши ишлатиладиган 20 тадан кўп препаратлар сотувда мавжуд.

Антагонист бактерияларни қўллаш микроорганизмлар орасидаги антибиоз механизмига асосланган. Антибиоз ризоплан (илдиз ва илдиз тукчалари атрофидаги, кенглиги 100 мкм гача бўлган ризосфера) зонасида муҳим роль ўйнайди. Антагонист бактериялар манбай супрессив тупроқлар бўлиб, уларда фитопатогенлар ривожланиши камаяди ёки бутунлай тўхтайди. Ўсимлик касалликларига қарши курашда чет элларда *Agrobacterium*, *Bacillus*, *Burkholderia*, *Pseudomonas*, *Streptomyces* ва бошқа туркумлар намояндалари ва уларнинг антибиотиклари асосида биопрепаратлар яратилган.

*Bacillus subtilis* (пичан таёқчаси) тупроқ, сув ва ҳавода учрайди. Бу аэроб, 70 тадан кўпроқ антибиотик синтез қилувчи, спорали бацилла фитопатогенлар билан биологик кураш агентларидан энг муҳими ҳисобланади. Ушбу антибиотиклардан баъзилари фитопатоген микроорганизмлар ўсишини камайтиради ёки тўхтатади.

АҚШ да бу бацилла асосида ишлаб чиқарилган препаратлар кўчкатхона, иссиқхона ва дала экинларида касаллик қўзғатувчи бир қатор замбуруғлар (*Rhizoctonia*, *Fusarium*, *Alternaria*, *Phytophthora*, *Pythium* турлари) га қарши уруғ дорилаш ва кўчириб экиш даврида кўчат ва ниҳоллар остига сувга қўшиб қуийш усули билан қўлланилади.

Россияда *B. subtilis* нинг ҳар хил штаммлари ва антибиотиклари асосида бир неча биопрепаратлар ишлаб чиқарилади. Улар ҳар хил экинлар уруғларини дорилаш ва ўсув даврида ўсимликларга пуркаш учун қўлланилади, жумладан синовларда *B. subtilis* олманинг оддий рак касаллигига қарши самарали эканлиги аниқланган.

*Pseudomonas* туркумига мансуб ризобактериялар асосида АҚШ, Россия ва Белоруссияда ишлаб чиқариладиган препаратлар ҳар хил ўсимликлар касалликларига қарши, жумладан ғўза ниҳоллари ризоктониози, мевали дараҳтларнинг ун-шудринг, калмаразга ва бактериозларга қарши қўлланилади..

*Тупроқ супрессивлиги.* Ҳар хил экинларда вилт, майса ва кўчатлар чиришини қўзғатувчи *Fusarium oxysporum*, мевали ва ўрмон дараҳтларини

заарловчи *Phytophthora cinnamomi*, кўп экинларда майса ва илдиз чиришни қўзғатувчи *Rhizoctonia solani* ва *Pythium* spp. каби замбуруғлар баъзи – *кондутив* – тупроқларда кучли касаллик қўзғатиши, бошқа – *супрессив* – тупроқларда эса улар қўзғатадиган касалликлар кам ривожланиши қайд этилган. Тупроқларнинг табиий супрессивлик хусусияти асосан уларнинг таркибида антагонистлар (*Trichoderma*, *Penicillium*, *Sporidesmium* ва бошқа туркумларга мансуб замбуруғлар ҳамда *Pseudomonas*, *Bacillus*, *Streptomyces* туркумларига киравчи бактериялар) нинг битта ёки бир нечта тури мавжудлиги билан боғлиқ эканлиги аниқланган. Бу антагонистлар касаллик қўзғатувчи микроорганизмларга ўзларининг антибиотиклари, токсинлари ва литик ферментлари билан таъсир қиласди, озуқа учун рақобат қиласди ёки уларда бевосита паразитлик қиласди, натижада патоген популяцияси ва у қўзғатадиган касаллик камаяди. Тупроқнинг бу хусусияти уни 60°C ҳароратда 30 мин пастеризация қилганда ёки буғлагандага йўқолади, кондутив тупроқларга эса бу хусусиятни уларга (ҳажм бўйича тахминан 10% микдорда) супрессив тупроқ қўшиш орқали ўтказиш мумкин.

Сидерат экин (“яшил ўғит”) ларни экиб, тупроқка киритиш усули ҳам тупроқда ўзига хос “супрессивлик” ривожланишига олиб келади. Сидерат экинлар сифатида бутгулдошлар (масалан, рапс), дуккақдошлар (ўриснўхат ва б.), бошоқли экинлар (арпа), уларнинг аралашмалари ва бошқа ўсимликлар қўлланилади. Сидерат экинлар ўсиб, етарли даражада ер усти массаси ҳосил қилгандан сўнг ер ҳайдалади, ўсимликлар майдаланиб, тупроқка киритилади ва далада улардан чиринди ҳосил бўлгунигача қолдирилади. Бунда тупроқ органик моддалар билан бойитилади, уларда антагонистлар кўпаяди ва улар тупроқдаги касаллик қўзғатувчи микроорганизмларни тубдан камайтиради ёки йўқотади.

*Гиперпаразит замбуруғлар* – бошқа паразит замбуруғларда паразитлик қилиб яшовчи замбуруғлардир. Уларни иккинчи тартиб паразитлари ёки ўта паразитлар ҳам дейишади. Фитопатоген замбуруғларнинг ўнлаб гиперпаразитлари маълум. *Trichoderma* турларидан ташқари, ўсимликларни ҳимоя қилиш амалиётида қўлланиладиган гиперпаразитларга ампеломицес, кониотириум ва б. киради.

*Ampelomyces quisqualis* табиатда ун-шудринг замбуруғларида паразитлик қиласди. Бу замбуруғ асосида ишлаб чиқарилган. препаратлар иссиқхоналарда бодрингни, боғларда олма ва токни, далаларда эса қулупнайни ун-шудрингдан ҳимоя қилиш учун қўлланилади.

*Coniothyrium minitans* ҳар хил фитопатоген замбуруғлар (*Sclerotinia*, *Rhizoctonia*, *Verticillium*, *Claviceps*, *Botrytis*, *Sclerotium* турлари ва б.) нинг склероцийлари ва микросклероцийларида паразитлик қиласди. Унинг конидиялари асосида Россия, Германия ва АҚШ да биопрепаратлар ишлаб чиқарилган.

*Антибиотиклар* микроорганизмлар фаолиятининг маҳсус маҳсулотлари бўлиб, улар бошқа микроорганизм гуруҳлари (вируслар, бактериялар, актиномицетлар, замбуруғлар, сув ўтлари, энг содда организмлар) га нисбатан юқори физиологик фаол бўлган, уларнинг ўсиши ва ривожланишини

камайтирадиган ёки бутунлай тўхтатадиган моддалардир. Ҳозирги даврда 4000 га яқин табиий ва 35000 дан ортиқ синтетик антибиотиклар ва уларнинг аналоглари мавжуд. Олдинги бўлимларда эсга олинган, биопрепаратлар ишлаб чиқаришда қўлланиладиган антагонист микроорганизмларнинг кўпчилиги (масалан, *Bacillus subtilis*, *Trichoderma* spp. ва б.) ҳам ўсиш ва ривожланиши жараёнида ҳар хил антибиотикларни синтез қиласди.

Антибиотиклар сезгир организмларга нисбатан ўта юқори фаолликка эга (жуда паст концентрацияларда таъсир қиласди) ва улар яққол танлаб таъсир қиласди, яъни ҳар бир антибиотик организмларнинг фақат муайян гурухларига нисбатан фаоллик намоён қиласди, бошқа гурух турларига эса умуман таъсир қилмайди.

Антибиотиклар ўсимлик органлари ва тўқималарига енгил сингади, ўсимлик тўқималарида нисбатан секин инактивацияланади (узоқ муддат давомида сақланади), тавсия этилган меъёрларда ўсимлик ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир қилмайди. Антибиотиклар нафақат қўзғатувчилар ривожланишини камайтиради ёки тўхтатади, балки уларнинг токсинлари ва ферментларини ҳам нейтраллайди. Улар БФМ сифатида ўсимликларга кучли таъсир қиласди, касалликларга чидамлилитини оширади, ўсишини жадаллаштиради ва ҳосилини кўпайтиради.

Японияда бластицидин-S анитибиотиги шоли пирикуляриозига қарши ишлатилади. Ҳам ҳимояловчи, ҳам даволовчи таъсирга эга бўлган касугамицин-касумин (продуценти *S. kasugaensis*) антибиотиги эса ловия, қалампир, бақлажон, қанд лавлаги, олма ва нокни фитопатоген замбуруғларнинг саккиз туридан ҳимоя қилиш учун қўлланилади.

Чет элларда ўсимлик касаллик қўзғатувчиларига қарши антибиотиклар ва уларнинг турли фунгицидлар билан аралашмалари тарзидаги препаратлар ҳар хил фирма белгилари остида чиқарилади.

Замбуруғ касалликларига қарши циклогексимид ва гризофульвин (асосий продуценти – *Penicillium griseofulvum*) ҳам қўлланилади. Кўчатлар ётиб қолишига қарши баъзи бўқоқ замбуруғлари (*Fomitopsis pinicola*, *Phellinus igniarius* ва айниқса *Inonotus obliquus*) нинг мева танаchalарида ҳосил бўладиган антибиотиклар қўлланилади. Бу замбуруғларнинг мева танаchalаридан тайёрланган сувли экстрактлар ушбу касалликни 4-5 марта камайтиради.

Россияда биринчи биопрепарат – трихотецин – *T. roseum* замбуруғининг антибиотиги асосида ишлаб чиқарилган. Яна битта Россия препарати – фитобактериомицин – *Streptomyces lavendulae* бактерияси асосида яратилган. У кўп экинларда, жумладан олма ва ўрмон дарахтларининг бактериал ҳамда замбуруғ касалликларига қарши ишлатилади.

Антагонист-микроорганизмлар, антибиотиклар ва бошқа биологик ҳимоя агентларини қўллашда олинган ижобий натижаларга қарамасдан, улар ҳали жуда кам ишлатилади. Бу йўналишни ривожлантиришнинг афзалликлари шубҳасиз, чунки уни қўллаш атроф-муҳитни ифлослантиrmайди, инсон, ҳайвонлар ва ўсимликлар учун хавфсиз, чет элларда кенг ишлатилади, масалан, АҚШ да замбуруғлардан тайёрланган 17 тадан кўпроқ препаратлар ҳамда бактериялардан тайёрланган 12 та препарат фитопатоген микромицетлар

қўзғатадиган касалликларга қарши курашиш учун сотувда мавжуд.

*Кимёвий кураши чоралари.* Ўсимликларни касалликлардан ҳимоя қилишда ишлатиладиган кимёвий усул – маҳсус органик ва анорганик кимёвий моддаларни тирик ўсимликлар ва тупроқдаги ўсимлик касалликларини қўзғатувчи патоген организмларни қириш ёки уларнинг ривожланишини тўхтатиш учун қўллашдан иборат.

Кимёвий усулни қўллашда уруғлар қуруқ, ярим қуруқ ва нам усулда дориланади, препарат тупроқка (заарсизлантириш учун) солинади, иссиқхоналарни заарсизлантириш учун ишлатилади, ўсимликларга кукун шаклида чанглатилади ёки суюқ шаклда пуркалади. Ўсимлик касалликлари билан курашда қўлланиладиган кимёвий модда *пестицид*, деб аталади. Замбуруғларга қарши ишлатиладиган пестицидлар *фунгицид*, батерияларга қарши ишлатиладиганлари эса *бактерицид*, деб аталади ва х.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш тизимида кимёвий усул энг олдинги ўринлардан бирини эгаллайди, аммо унинг бир қатор камчиликлари мавжуд. Биринчи навбатда бу атроф-муҳит ва ўсимлик маҳсулотлари ифлосланишидир. Шу сабабдан кимёвий усулни қўллаш доим ўсимлик маҳсулотларининг жиддий санитар назорати билан бирга амалга оширилади. Жумладан, кимёвий ишлов берилган ўсимликлардан олинган маҳсулотдаги препаратлар қолдиқлари миқдори белгилаб қўйилган энг юқори миқдоридан (ПДК дан) ошмаслиги лозим. Шу сабабдан, ҳар қандай пестицидни қўллашда ҳосилни йиғищдан неча кун олдин препарат ишлатилишини тўхтатиш лозимлиги Давлат кимё комиссияси томонидан белгилаб қўйилади.

Пестицидларни қатъий равишида фақат “Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигида ишлатиш учун рухсат этилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхати” да белгилаб қўйилган регламентлар асосида қўллаш лозим.

Фунгицидлар ўсимлик барглари, новдалари ва шохларига пуркалади. Яраларни даволаш учун уларга антисептиклар суртилади. Заарранган ўсимликнинг ички қисмларини даволаш учун унинг танасига фунгицидларни инъекция қилиб ҳам киритилади. Пуркаш учун маҳсус пуркагичлар қўлланилади.

Пестицид ўсимлик аъзоларига яхши ёпишиши ва юзани яхши қоплаши учун унинг эритмасига ҳар хил сирт фаол моддалар қўшилади. Пуркаш ишлари шамолсиз, қуруқ об-ҳавода, эрталаб ёки кучқурун шабнам тушишидан олдин ўтказилади. Кундузи ишлов берилса, тўғри тушадиган қуёш нурлари баргларни куйдириши мумкин. Тинч, булутли об-ҳавода ишловлар куннинг ҳар қандай вақтида ўтказилиши мумкин. Чанглатиш ҳам тинч об-ҳавода ўтказилади, шудринг тушганда чанглатиш яхши натижа беради.

Патогенларга таъсир этиш усулига қараб контакт ва системали таъсирли пестицидлар ажратилади.

### *Ўсимликларнинг бактериал касалликларига қарши кураши чоралари.*

*Профилактик чора-тадбирлар:* а) мамлакатда мавжуд бўлмаган бактерия турларига нисбатан карантин чора-тадбирларини қўллаш; б) уруғликни

заарсизлантириш (кимёвий усул, термоишлов бериш, уни соғлом экиндан олиш); в) картошка, баъзи гуллар ва бошқа экинларни соғлом меристема тўқималари культуралари билан вегетатив кўпайтириш; г) дараҳтлар новдаларини кесиш, токни хомток қилиш, ўсимликларни пайванд қилиш ва ҳоказоларда ишлатилган инструментларни дезинфекциялаш; д) заарланган ўсимликларни ёки уларнинг заарланган аъзоларини даладан чиқариб, йўқотиш ҳамда заарланган ўсимлик қолдиқларини чуқур қўмиш, алмашлаб экинни йўлга қўйиш; е) қ.х. экинларининг касалликларга чидамли навларини кўллаш; ж) юқори агротехникани қўллаш ва ҳ. *Кимёвий кураш чоралари*: а) уруғларни дорилаш; б) пестицидларни ўсув даврида қўллаш (сабзавот ва мевали дараҳтларнинг бактериозларига қарши таркибида мис бўлган препаратлар, масалан, Бордо суюқлиги жуда кенг қўлланилади); в) тупроқни дезинфекциялаш. *Биологик кураш усули*: а) уруғларни биопрепаратлар билан дорилаш.; б) уруғларни антибиотиклар билан дорилаш; в) тупроққа антагонистлар киритиш; г) тупроқда антагонистлар кўпайиши учун шароит яратиш (гўнг, компост, сидерат экинлари, минерал ўғитлар ва микроэлементлар киритиш; тупроқни оҳаклаш; алмашлаб экиш); д) тупроққа антибиотик киритиш; е) экинларга антибиотик пуркаш лозим.

### **Вирус касалликлари билан кураш чоралари**

Вирус касалликлари билан кураш чоралари шартли равищда профилактик ва терапевтич (даволовчи) тадбирларга бўлинади. Профилактик чораларга экин учун вируссиз материал ишлатиш, вируслар ва векторларга чидамли экин навларини қўллаш, векторлар билан кураш, вакцинация, агротехник усуллар ва карантин, даволовчиларга термотерапия ва б. киради.

Экин учун вируссиз материал ишлатиш. Бу материал вирус билан заарланмаган ўсимликлардан тайёрланади. Уруғлик экинлар, кўчатхоналардаги ниҳоллар ягана қилинади ва яққол вирус билан заарланганлари олиб ташланади. Аммо вирус латент шаклда бўлса, касалликнинг ташқи белгилари ҳосил бўлмайди. Бунда ўсимликлар серологик усул ёрдамида анализ қилинади ва вирус билан заарланганлари йўқотилади.

Вируссиз материал тайёрлаш учун ўсимликнинг апикал (тепа қисми) меристемаси культурасини тайёрлаш усули (масалан, картошка, кулупнай, чиннигул ва бошқа экинларни етиштиришда) кенг ишлатилади.

*Векторлар ва вирусларнинг резерваторлари бўлган бегона ўтлар билан курашии* муҳим тадбирлар ҳисобланади ва улар механик (экинларни чопиқ қилиш, ҳашаротларни тутқичлар ёрдамида йўқотиш) усулларни ёки кўпроқ даражада кимёвий препаратларни қўллаш орқали амалга оширилади. Айниқса системали инсектицидлар экинларни вирус ташувчи ҳашаротлардан узок муддат давомида самарали ҳимоя қиласи.

*Чидамли навлар.* Вирус касалликлари билан курашда вирусга ёки унинг векторига чидамли навлар ўстириш самарали ва иқтисодий жиҳатдан фойдали усул ҳисобланади. Айниқса бир неча вирусга чидамли навларнинг аҳамияти катта. Ҳозирги даврда вируслар ва бошқа патоген микроорганизмларга чидамли

бўлган кўп экинлар навлари, жумладан, трансген навлар яратилган ва амалиётда қўлланилади.

*Вакцинация* (эмлаш) – ўсимликларни вирусларнинг авирулент ёки кам вирулент штаммлари билан олдиндан заарлаб, уларнинг вирулент штаммларга чидамлилигини оширишдир. Бунда ўсимликда латент (яширин) ёки зўрга кўринадиган инфекция (субъинфекция) ривожланади.

Ўсимлик вакцинацияси одамлар ва ҳайвонлар вакцинациясидан фарқ қилмайди. Ҳар икки ҳолда ҳам организмда инфекцияга иммунитет пайдо бўлади. Аммо ҳайвонлар ва ўсимликлар иммунитети механизмлари бир хил эмас. Ҳайвонлар қонида касаллик кўзгатувчининг ривожланиши ва кўпайишини тўхтатадиган антителолар ҳосил бўлади, ўсимликларда эса эмлаш вируслар интерференциясига асосланган, яъни ҳужайраларга олдин киритилган авирулент вируснинг у ерда кўпайиши кейин кирган патоген вирус кўпайишига тўсиқ бўлиб хизмат қиласди.

Вируслар интерференциясининг механизми ҳозиргача тўла аниқ эмас. Шу билан бирга, эмланган ўсимликлар, масалан, ўта заарли касалликлар – деформацияловчи мозаика ҳамда барг ва мева некрозига қарши вакциналанган помидор экинининг ушбу касалликлардан тўла ҳимояланиши ҳозирги даврда ҳеч қандай шубҳа туғдирмайди. Эмланган экин ҳосили эмланмаган, вирус билан заарланган экин ҳосилига нисбатан 20-30% га ошади. Картошка ўсимликларини ҳам муваффақият билан эмлаш мумкин. Вакцинация учун вируссиз туганаклар танлаб олинади. Ўсимликлар 2 ҳақиқий барг фазасида картошка X-вирусининг заиф штамми билан эмланади. Эмлашдан кейин 4-нчи йили вакциналанган картошка патоген штамм билан заарланган экинга нисбатан 40% кўпроқ ҳосил берган.

Вакцинация усулининг камчиликлари – вируснинг заифлашган штаммини топиш мураккаблиги, бундай штаммлар ҳар доим патогеннинг барча кучли вирулент штаммларига қарши етарли самара бермаслиги, вакцина штаммининг номақбул мутациялаш ва юқори вирулент штаммга айланиш хавфи, патогеннинг авирулент шакли билан дала экинларини инокуляция қилиш мураккаблиги ва б. Шу сабабдан ўсимликларни ҳимоя қилишда вакцинация усулининг ҳозирги даврда қўлланилиши жуда чегараланган.

*Агротехник тадбирлар.* Экинни оптималь муддатларда экиш ва тавсия қилинган туп сонини сақлаш кўп ҳолларда вирозларнинг тарқалиши ва зарарини камайтиради.

*Термотерапия.* Баъзи ўсимлик вирозларини юқори ҳарорат (яъни термотерапия) ёрдамида камайтириш ёки тўхтатиш мумкин. Бунинг учун экинга иссиқ ҳаво ёки иссиқ сув билан ишлов берилади. Масалан, олхўрининг некротик ҳалқали доғланишига қарши  $38^{\circ}\text{C}$  ли ҳаво билан 17 кун ёки  $35^{\circ}\text{C}$  ли сув билан 36 соат давомида, нок қобиғи некрозига қарши  $37^{\circ}\text{C}$  ли ҳаво билан 28 кун, олманинг хлоротик ҳалқали доғланишига қарши  $38^{\circ}\text{C}$  ли ҳаво билан 7 кун, қулупнай вирозларига қарши  $43^{\circ}\text{C}$  ли сув билан 30 мин давомида ишлов берилади ва х. Термотерапия уруғлик, ниҳол, кўчат ва пайванд учун қўлланиладиган материалларни вируслардан тозалаш учун ҳам қўлланилади.

Сабзавот, картошка ва полиз экинларини вирус касалликларидан ҳимоя

қилиш ҳақида батафсил маълумотларни тегишли ўқув қўлланмаларида (Хасанов ва б., 2008) топиш мумкин.

## Фитоплазмалар (микоплазмалар)

Инсон ва ҳайвонларда касаллик қўзғатувчи микоплазмалар кўпдан бери маълум. Ўсимликларни заарловчи бундай микроорганизмлар эса 1967 йилда кашф этилган бўлиб, ҳозир уларни *фитоплазмалар* ёки *микоплазмасимон организм (МСО) лар* деб аташади. Биринчи фитоплазмани япон олимлари паканалик билан касалланган тут дараҳтининг флоэмасида электрон микроскоп ёрдамида қайд қилишган. МСО лар фитопатогенлик хусусиятига эга эканлиги, касал ўсимлиқдан соғломига цикадалар (*Hyalesthes obsoletus*), барг бургачалари (псиллидлар – *Psyllidae*) ва зарпечак воситасида ўтиши аниқланган. МСО ларнинг хусусиятлари микоплазмалариникига ўхшаш. Аммо микоплазмалар одатда ҳайвонлар ҳужайраларининг ташқарисида жойлашса, фитоплазмалар, улардан фарқли ўлароқ, ўсимлик ҳужайралари ичидаги жойлашади. Электрон микроскопия ёрдамида 100 тадан кўпроқ фитоплазмалар топилган. Ўсимликларда олдин қўзғатувчилари вируслар деб ҳисобланган 50 тадан кўпроқ касалликлар, жумладан, ўсимликларда “жодугар супургиси”(*witches' broom*), астра сариқлиги (*aster yellows*), итузумдошлар столбури (*stolbur*), қорағат реверсияси (серяпроқлилиги), тут жингалак майдабарглиги (паканалиги), олма пролиферацияси ва майдага мевалилиги (*apple proliferation*), йўнгичқа филлодияси (*clover phyllody*), маккажўҳори (*corn stunt*) ва кокос пальмаси паканалиги (*cocos stunt*), цитрус экиларининг стабборн касаллиги (*citrus stubborn*) ва бошқа касалликлар фитоплазмозлар эканлиги аниқланган. Булардан столбур, тут майдабарглиги ва йўнгичқа филлодияси каби касалликларнинг қўзғатувчилари ўсимликларга бевосита илдиз системаси орқали кириб, заарлаши мумкин.

Фитоплазмалар фитопатоген организмларнинг ўзига хос гурухи бўлиб, таксономик жиҳатдан улар бактериялар ва вируслар орасидаги ўринни эгаллайди. Уларнинг ҳужайралари думалоқ, узунчоқ, гантелсимон ва бошқа шаклларга ҳамда ҳар хил ўлчамга эга. Масалан, столбур билан заарланган тамаки ўсимликларининг флоэмаларидағи қўзғатувчи фитоплазма ҳужайралари думалоқ, овал, узунчоқ ёки бошқа шаклларга эга ва уларнинг диаметри 0,1-1 мкм.

Фитоплазмалар бактериялардан ҳақиқий ҳужайра қобиғи йўқлиги ва оддий 3-қатли мембрана билан ўралганлиги билан, вируслардан эса ҳужайра тузилишига эга бўлиши ва сунъий озуқа муҳитларида ўсиб, кўпая олиши билан фарқланади. Фитоплазмалар қаттиқ озуқа муҳитларида ҳажми кичик ва ташқи кўринишидан товада қовурилган тухум (“глазунья”) шаклли колония ҳосил қилиши билан тавсифланади. Фақат бир хил нуклеин кислотасига эга бўладиган вирус заррачаларидан фарқли ўлароқ, фитоплазмалар икки хил нуклеин кислоталари (ДНК ва РНК) га эга ва уларнинг рибосомаларининг катталиги бактерияларнига яқин. Бактериялардан фарқли ўлароқ, фитоплазмалар пенициллинга чидамли, вирусларга нисбатан эса тетрациклинга сезгир.

Фитоплазмаларнинг кўпайиши ҳар хил бўлиб, буларга куртакланиш, оналик заррачалар ичида элементар танаачалар ҳосил бўлиши, хужайра оддий иккига (бинар) бўлиниши ёки ипсимон ва занжирча ҳосил қилувчи фитоплазмаларнинг хужайралари фрагментларга бўлиниши киради. Бунда цитоплазма бўлиниши ва геном репликацияси айни вақтда амалга ошади.

Ўсимликларга фитоплазмалар жуда катта зарар келтиради. Заарланган ўсимликлар умуман ҳосил бермайди ёки унинг миқдори кескин камаяди, чунки фитоплазмолар ўсимлик ўсиши ва ривожланишини бузади, ўсимликлар пакана бўлиб қолади. Уларнинг генератив органлари ўзгаради, гуллар яшил тус олади (масалан, итузумдош ўсимликларнинг столбур касаллиги), уларнинг баъзи қисмлари баргга ўхшаш шаклга киради (қорағатнинг реверсия ва йўнғичқанинг филодия касалликлари ва б.).

Фитоплазмоларнинг баъзи белгилари – ўсимликнинг ҳар хил аъзоларининг номахсус деформациялари, сўлиш, некроз, майда барглилик ва б. – вирусларнига ўхшаб кетади. Битта ўсимликда ҳар хил симптомлар – умумий хлороз, антоцианоз, аъзолар деформацияси ва сўлиш – айни бир вақтда ёки кетма-кет пайдо бўлиши мумкин. Шу сабабдан, касаллик ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлиш учун унинг ривожланишини бутун ўсув даврида кузатиб бориш лозим бўлади.

Фитоплазмалар асосан флоэманинг элаксимон найчаларида тўпланади ва одатда ўсимликларда системали тарқалади.

Кўп фитоплазма турлари ҳар хил ўсимликларни заарлай олади. Масалан, астра сариқлигини қўзғатувчи фитоплазма сабзи, сельдер, қулупнай ва кўп бошқа ўсимлик турларини заарлайди. Итузумдошларнинг столбур касаллиги билан ушбу оила турларидан ташқари бошқа оилалар намояндалари, масалан қўйпечак, сутлама, латтатикон (пахтатикон) ва б. ҳам заарланади. Баъзи фитоплазмалар тор ихтисослашган, масалан, қорағатнинг реверсия касаллигининг қўзғатувчиси фақат шу ўсимликни заарлайди.

Баъзи фитоплазмалар вектор ҳашаротлар организмида ҳам кўпаяди. Бундай ҳашаротнинг ичига фитоплазма кирганидан кейин дарҳол уни тарқатиш қобилиятига эга бўлмасдан, бунинг учун муайян (латент) муддат ўтиши талаб қилинади. Латент давр мобайнида фитоплазма ҳашарот танасида кўпайиб, унинг ичагидан сўлак безларига ва сўлагига ўтади; шу пайтдан бошлаб ҳашаротда фитоплазмани ўсимликларга тарқатиш хусусияти пайдо бўлади.

Фитоплазмалар ўсимлик аъзолари (туганаклар, илдизмевалар, пиёзбошлар, кўп йиллик бегона ўтларнинг илдизлари ва илдизпоялари) нинг тирик хужайраларида сақланади. Улар бегона ўтлар, айниқса кўп йиллик илдизпояли ўсимликлар ва вектор ҳашаротларда сақланиши ва кўпайиши мумкин. Кўзғатувчи бегона ўтлардан экинга фақат бир ҳолда – агар вектор ҳар икки ўсимлик турида ҳам озиқлансангина – ўтиши мумкин.

Кўп фитоплазмаларнинг табиий “ўчок” лари аниқланган. Масалан картошка ва помидорга столбур қўйпечак ва бошқа бегона ўтлардан ўтади.

Фитоплазмаларнинг тарқалиши вектор ҳашаротлар сонига, масалан, столбурнинг картошкада тарқалиши унинг асосий вектори бўлган цикада (*Hyalesthes obsoletus*) популяцияларининг сонига боғлиқ.

Фитоплазмаларни аниқлаш учун улар қўзғатадиган касалликлар белгилари, заарланган ўсимлик тўқималарини электрон микроскопда тадқиқ қилиш натижалари ва индикатор ўсимликларни заарлаш усуллари қўлланилади. Фитоплазмалар механик усулда ўтмаслиги туфайли заарланган ўсимликларнинг уч қисми кесиб олинади ва улар индикатор ўсимликларга пайванд қилинади. Фитоплазмани микробиологик усул ёрдамида аниқлаш учун қўзғатувчининг тоза культураси ажратилади, у билан тест ўсимлик сунъий заарланади; ҳосил бўлган касаллик симптомлари оригинал ўсимликтаги белгилар билан солиштирилади ва қўзғатувчи қайтадан тоза культурага ажратилади (Кох триадаси усули).

*Фитоплазмозлар билан кураши чораларига* экиш учун соғлом ва сертификатланган материал тайёрлаш ва қўллаш; касаллик манбааларини – фитоплазма сақланадиган ва заарлайдиган бегона ўтларни йўқотиш; заарланган ўсимликларни йўқотиш; касаллик ташувчи ҳашарот (цикада) лар билан курашиш; фитоплазмаларга чидамли экин навларини яратиш ва ўстириш; карантин чора-тадбирлари; ўсимликларни юқори агрофонда ўстириш киради.

Фитоплазмалар тетрациклинга сезгир ва заарланган ўсимликларга бу антибиотик билан ишлов бериш (пуркаш, экишдан олдин кўчат ва ниҳоллар илдизларини антибиотик эритмасига ботириш ва уларни ушбу эритма билан суғориш) юқори самара беради Аммо медицинада ишлатиладиган антибиотикларни қишлоқ хўжалигига қўллаш тақиқланганлиги сабабли, фитоплазмаларга қарши ишлатиш учун янги ва самарали антибиотикларни топиш ёки яратиш соҳасида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўсимликларни фитоплазмалардан тозалашда термотерапия самарали усул ҳисобланади. Кўп фитоплазмалар хўжайин ўсимлик чидайдиган юқори ҳароратларда нобуд бўлади ва бу экинларни қиздириб, фитоплазмалардан тозалаш учун имкон яратади. Масалан, картошкани “жодугар супургиси” дан тозалаш учун уни 36°C да 6 кун, йўнғичқани гуллар яшилланишидан тозалаш учун эса 40°C да 10 кун давомида ушлаб туриласди.

### **Мухокама учун саволлар.**

1. Ўсимликларнинг карантин касалликларига қарши қандай карантин тадбирлар қўлланади?
2. Замбуруғлар қўзғатадиган касалликларга қарши қўлланадиган препаратлар қандай номланади?
3. Ўруғ дорилагичлар қандай қўлланилади?
4. Агротехник кураш чораси деганда нимани тушунасиз?
5. Биологик кураш чораси деганда нимани тушунасиз?
6. Кимёвий кураш чораси деганда нимани тушунасиз?
7. Физик механик кураш чораси деганда нимани тушунасиз?
8. Селекция-уруғчилик кураш чораси деганда нимани тушунасиз?

### **АДАБИЁТЛАР**

1. Ҳасанов Б.А. ва бошқалар. Ғүзани зааркунанда, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш. Тошкент, “Университет”, 2002, 379 б.
2. Ҳасанов Б.А. ва бошқалар. Сабзавот, картошка ҳамда полиз экинларининг касалликлари ва уларга қарши кураш. Тошкент, “Voris-Nashriyot”, 2009, 244 б.
3. Ҳасанов Б. А., Очилов Р. О., Холмуродов Э.А., Гулмуродов Р. А. Мевали ва ёнгоқ мевали дараҳтлар, цитрус, резавор мевали буталар ҳамда ток касалликлари ва уларга қарши кураш. Тошкент: "Office-Print", 2010, 316 б
4. Ҳасанов Б.А. Микология. Тошкент, ТошДАУ нашр-таҳририят бўлими, 2019, 503 б.
5. Рахимов У.Х., Ҳасанов Б.А. Ўсимликларнинг карантин касалликлари. Тошкент, “Наврӯз”, 2019, 258 б.
6. Рахимов У.Х. ва бошқалар. Ўсимликлар карантинида фитоэкспертиза. Тошкент, “Наврӯз”, 2020, 247 б.
7. Поспелов.С.М., Шестиперова.З.И., Долженко.И.К – Основы карантина растений. Москва., Агропромиздат. 1985. (дарслик)
8. Рогова.Т.И. – Методическое руководство по лабораторной карантинной экспертизе растительных материалов и почвы. Изд-во Сельское хозяйство. Москва. 1960.
9. George N.Agrios. Plant pathology. Elsevier Academic Press. Florida, 2004.
10. Randall C. Rowe. Potato Health Management. The American Phytopatological Society, 1993. Pp 173.

#### **4-МАВЗУ: ЎСИМЛИКЛАР ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАХСУЛОТЛАРИНИ КАРАНТИН КАСАЛЛИКЛАРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ЗАМОНАВИЙ ВОСИТАЛАРНИ ҚЎЛЛАШ.**

##### **РЕЖА**

1. Ўсимликларни карантин касалликларидан ҳимоя қилишда замонавий кимёвий воситалар турлари.
2. Қишлоқ хўжалик экинларини карантин касалликларидан кимёвий воситалар орқали ҳимоя қилиш самарадорлиги.

Ўсимликларни касалликлардан ҳимоя қилишда ишлатиладиган кимёвий усул – маҳсус органик ва анерганик кимёвий моддаларни тирик ўсимликлар ва тупроқдаги ўсимлик касалликларини қўзғатувчи патоген организмларни қириш ёки уларнинг ривожланишини тўхтатиш учун қўллашдан иборат.

Кимёвий усулни қўллашда уруғлар қуруқ, ярим қуруқ ва нам усулда дориланади, препарат тупроқка (зарарсизлантириш учун) солинади, иссиқхоналарни зарарсизлантириш учун ишлатилади, ўсимликларга кукун шаклида чанглатилади ёки суюқ шаклда пуркалади. Ўсимлик касалликлари билан курашда қўлланиладиган кимёвий модда *пестицид*, деб аталади.

Замбуруғларга қарши ишлатиладиган пестицидлар *фунгицид*, батерияларга қарши ишлатиладиганлари эса *бактерицид*, деб аталади ва ҳ.

Үсимликларни ҳимоя қилиш тизимида кимёвий усул энг олдинги үринлардан бирини әгаллайды, аммо унинг бир қатор камчиликлари мавжуд. Биринчи навбатда бу атроф-мухит ва үсимлик маҳсулотлари ифлосланишидир. Шу сабабдан кимёвий усулни қўллаш доим үсимлик маҳсулотларининг жиддий санитар назорати билан бирга амалга оширилади. Жумладан, кимёвий ишлов берилган үсимликлардан олинган маҳсулотдаги препаратлар қолдиқлари микдори белгилаб қўйилган энг юқори микдоридан (ПДК дан) ошмаслиги лозим. Шу сабабдан, ҳар қандай пестицидни қўллашда ҳосилни йиғищдан неча кун олдин препарат ишлатилишини тўхтатиш лозимлиги Давлат кимё комиссияси томонидан белгилаб қўйилади.

Пестицидларни қатъий равишда фақат “Ўзбекистон республикаси қишлоқ хўжалигига ишлатиш учун рухсат этилган пестицидлар ва агрохимикатлар рўйхати” да белгилаб қўйилган регламентлар асосида қўллаш лозим.

Фунгицидлар үсимлик барглари, новдалари ва шохларига пуркалади. Яраларни даволаш учун уларга антисептиклар суртилади. Заарланган үсимликнинг ички қисмларини даволаш учун унинг танасига фунгицидларни инъекция қилиб ҳам киритилади. Пуркаш учун маҳсус пуркагичлар қўлланилади.

Пестицид үсимлик аъзоларига яхши ёпишиши ва юзани яхши қоплаши учун унинг эритмасига ҳар хил сирт фаол моддалар қўшилади. Пуркаш ишлари шамолсиз, қуруқ об-ҳавода, эрталаб ёки кучқурун шабнам тушишидан олдин ўтказилади. Кундузи ишлов берилса, тўғри тушадиган қуёш нурлари баргларни куйдириши мумкин. Тинч, булатли об-ҳавода ишловлар куннинг ҳар қандай вақтида ўтказилиши мумкин. Чанглатиш ҳам тинч об-ҳавода ўтказилади, шудринг тушганда чанглатиш яхши натижа беради.

Патогенларга таъсир этиш усулига қараб контакт ва системали таъсирли пестицидлар ажратилади.

*Контакт пестицидлар* үсимлик тўқималарига сўрилмайди (баргнинг сиртидан бошқа томонига ўта олмайди) ва фақат патогенга бевосита текканда (контакт бўлганида) таъсир қиласи. Улар уруғ, үсимлик, тупроқ ва бошқа субстратлар устидаги патогенларни ўлдиради ёки ривожланишдан тўхтатади. Бундай фунгицидларнинг мисоллари кўп анорганик бирикмалар, Бордо суюқлиги, мис хлороксиди, анорганик олтингугурт ва унинг ҳосилалари, ТМТД ва б. Контакт пестицидларнинг битта камчилиги – улар билан қўп, бир мавсумда 5-6 мартағача ишлов бериш зарурлигидир. Ишловдан кейин ёқсан биринчи ёмғир бу препаратлар ювилиб кетишига ва яна ишлов бериш лозим бўлишига олиб келади.

*Системали таъсирли пестицидлар* үсимлик ичига, тўқималарига киради ва тарқалади (мисол учун, илдиздан поянинг юқори қисмидаги новдалар ва баргларга, барг ва новдалардан бошқа барг ва новдаларга ўтади), үсимликка заар етказмайди. Улар касаллик қўзғатувчилар ривожланишини үсимлик аъзоларининг ҳам устида, ҳам тўқималари ичига тўхтатади. Шунинг учун бу препаратлар ҳам касалликларнинг олдини олиш, ҳам заарланган

ўсимликларни даволаш учун қўлланилади.

Қўйида амалиётда кенг ишлатиладиган фунгицидлар ҳақида маълумотлар келтирилади.

*Анорганик кимёвий бирикмалар. Мис бирикмалари. Бордо суюқлиги* (БС) дунёда энг кенг ишлатиладиган фунгицид-бактерицидлардан биридир.

БС юқори самарали фунгицид ва бактерицид таъсирга эга бўлиб, унинг 3%-ли (баъзан 4%- ёки 5%-ли) эритмаси боғларда барча мевали дaraohтлар тиним пайтида бўлганида (кузда барглар тўкилгандан кейин ва/ёки баҳорда куртаклар бўртишидан олдин, олмада калмаразга қарши куртаклар бўртиши пайтида ҳам), 1%-ли эритмаси эса ўсув даврида олма ва нокнинг калмараз, монилиоз, данакли мевали дaraohтларнинг доғланишлари (клястероспориоз ва б.) ва яланғочхалтачали замбуруғлар қўзғатадиган касалликлари, токнинг сохта ун-шудринг, антракноз, қора чириш, церкоспороз, цитрус экинлари, хўжагат, қорағат ва крижовникнинг занг, антракноз касалликларига қарши пуркалади. Экинларнинг ун-шудринг ва тамакининг сохта ун-шудринг касалликларига қарши БС етарли самара бермайди.

Тиним давридаги дaraohтларга БС ўрнига мис сульфатнинг 1%-ли эритмасини қўллаш мумкин.

Ток ҳар гал хомток қилингандан кейин ҳамда ҳар хил сабабларга кўра мевали дaraohтларнинг қўп новдалари кесиб олинганидан сўнг (айниқса сернам, илиқ об-ҳавода) ўсимликларга дарҳол БС нинг 1%-ли эритмаси ёки бошқа бирорта самарали фунгицид (Павлина, Топаз, Топсин М ва б.) билан ишлов бериш уларни қўп касалликлар тарқалиб кетишидан самарали ҳимоя қиласди.

Таъсир этувчи моддаси мис бўлган бошқа фунгицидлар қаторига *мис хлороксиди* киради; у оч-яшил рангли, хидсиз, 90%-ли намланувчи кукун. Уруғли мевали дaraohтларнинг калмараз, барг доғланишлари ва монилиоз, данакли мевали дaraohтларнинг доғланишлари (клястероспориоз ва б.), монилиал куйиш, барг буралиши (4-8 кг/га) ва токнинг антракноз (6 кг/га) касалликларига қарши ишлатилади.

*Анорганик олтингугурт бирикмалари* барча экинларнинг ҳақиқий ун-шудринг, олма ва нокнинг калмараз касалликларига қарши ишлатилади, жумладан олмада олтингугурт-оҳак қайнатмасининг 1°C-ли ва нокда 0,5°C-ли эритмалари қўлланилади.

*Түйилган олтингугурт.* Таркибида 95-99,5% соф модда бўлган (оч-) сариқ кукун, сувда эримайди ва сув билан намланмайди. Бу модда барча мевали дaraohтлар ва токнинг ун-шудринг касалликларига (ва заарли каналарга) қарши, 15-30 кг/га меъёрида, чанглатиш усули билан ишлатилади. Одатда олтингугурт йўл тупроғи ёки сўндирилган оҳак кукуни билан 1:1 нисбатда аралаштирилиб, қўлланилади. Одамлар ва ҳайвонлар учун кам заҳарли.

*Коллоид олтингугурт* таркибида 70 ёки 80% соф модда бўлган кулранг-сариқ кукун ёки коллоид бўлиб, сув билан яхши аралашади ва намланади. Бу модда барча мевали дaraohтларнинг калмараз, антракноз, барча экинларнинг ун-шудринг ҳамда бошқа касалликларига (ва заарли каналарга) қарши, 8-20 кг/га меъёрида ишлатилади. Олтингугуртнинг барча шакллари иссиқ (25-30°C) об-ҳавода юқори самара беради. Ҳарорат 30°C дан ошганида токка (ва бошқа

сезувчан экинларга, мисол учун, қовун, тарвуз, помидор ва б.) олтингугурт билан ишлов бериш тавсия қилинмайди, чунки бунда препарат ўсимлик аъзоларини куйдиради.

*Дарахтларнинг яраларини заарсизлантириши.* Мевали, ёнғоқ мевали дарахтлар ва токнинг ҳар хил сабабларга қўра кесиб ташланган жойлари ҳамда поя қобигининг патоген замбуруғлар ва бактериялар (қора рак, цитоспороз, илдиз бўғзининг рак касаллиги ва бошқа касалликларнинг қўзгатувчилари) билан заарланган қисмларини ўткир боғ пичоғи билан, яра атрофидаги 1,5-2 см соғлом қисми билан бирга, ёғоч қисмигача кесиб олиш лозим. Бу ишни ҳаво ҳарорати 15°C дан паст бўлмаганида бажариш керак. Чикиндиларни боғдан ташқарида ёқиб юбориш ёки кўмиб ташлаш керак. Яра ўрни 3%-ли темир сульфат эритмаси, 1-2%-ли ДНОК, 1-2%-ли нитрафен ёки 1-2%-ли мис сульфат эритмаси билан заарсизлантирилади ва унга дархол боғ суртмаси (70% нигрол + 15% канифоль + 15% парафин ёки 70% нигрол + 30% кул) ёки мойли бўёқ (200 г олифа + 100 г охра) суртилади. Яраларни кесиб олмасдан ҳам, уларга ООҚ ёки рух сульфатнинг бор билан аралашмасини суртиб, касаллик ривожланишини анча камайтириш мумкин.

Илдиз бўғзининг рак касаллигига қарши мевали дарахтлар ниҳолларининг илдизларига ҳам 5%-ли БС пуркаш тавсия қилинади. Ишлов берилгандан сўнг ниҳоллар илдизларини БС қолдиқларидан тозалаш учун, уларни сув билан яхшилаб ювиш лозим.

*Органик кимёвий бирикмаларга контакт ва системали таъсирили фунгицидлар киради.*

*Контакт таъсирили ҳимояловчи фунгицидлар* гурухига дитиокарбаматлар ва этиленбисдитиокарбаматлар (тирам, фербам, набам, манеб, цинеб, манкозеб, манзат D, Дитан M-45 ва б.), ароматик бирикмалар (пентахлоронитробензен – ПХНБ, дихлоран, хлороталонил, бифенил ва б.) ва ҳетероциклик бирикмалар (каптан, ипродион, винклозолин ва б.) киради. Манеб цинеб, манкозеб, манзат D, Дитан M-45 ва б. мевали дарахтлар, буталар ва токни барг доғланишлари, кўчатлар ётиб қолиши ва чириши ҳамда мевалар заарланиши ва чиришидан ҳимоя қиласи. ПХНБ тупроқ фунгициди бўлиб, у алоҳида ёки этридиазол билан комплекс шаклида сабзавот, манзарали экинлар майсалари ва мевали дарахтлар кўчатзорларида учрайдиган касалликларга (айниқса ризоктониозларга) қарши қўлланиладиган фунгицидлар орасида энг самаралисиdir. Бифенил цитрус меваларини сақлаш ва ташиш даврида *Penicillium*, *Diplodia*, *Botrytis* ва *Phomopsis* турлари қўзгатадиган касалликларга қарши қўлланилади. Бу учувчан модда меваларга шимдирилади, сақлаш даврида буғланади ва меваларни юқоридаги касалликлардан ҳимоя қиласи. Каптан мевали, манзарали дарахтлар, сабзавотлар ва бошқа экинларнинг барг доғланишлари ва мева чиришларига қарши қўлланилади. Ипродион одатда данакли мевали дарахтлар ва токка пуркаш учун ҳамда уруғларни дорилаш учун қўлланилади; бу препарат *Botrytis*, *Monilinia*, *Sclerotinia*, *Alternaria* ва *Rhizoctonia* турлари қўзгатадиган касалликларга қарши самарали. Сақлашга қўйиладиган меваларни касалликлардан ҳимоя қилиш учун улар ипродион эритмасига ботириб олинади. Ўзбекистонда контакт таъсирили органик фунгицидлар рўйхатга

олинмаган.

*Системали таъсири органик фунгицидлар* гуруҳига ацилаланинилар, триазоллар, пирамидилар, бензимидазоллар, оксатиинлар, фосфорорганик фунгицидлар, стробилуринлар ва бошқа ҳар хил системали таъсири органик фунгицидлар киради. Улар ўсимлик тўқималарига тез (ишловдан сўнг 1 соат ичида) кириб, сингади, ўсимликда узоқ вақт (20-70 кунгача) сақланади ва самараасини 10-15 кундан 20-40 кунгача сақлади.

*Ацилаланилар.* Булардан энг муҳими металаксил (Эйпрон, Ридомил). У кўчатлар ётиб колиши, уруғ чириши, сохта ун-шудринг кўзғатувчилари ҳамда *Rhizium* ва *Phytophthora* туркумларига мансуб оомицетларга қарши, профилактик ва даволовчи препарат сифатида ишлатиладиган энг самарали системали фунгицидлар қаторига киради. Металаксил тупроққа киритилади, уруғларни дорилаш учун ишлатилади ёки унинг бошқа фунгицид билан аралашмалари баргларга пуркалади. Металаксил сувда анча яхши эрийди, ўсимлик илдизларидан устки қисмларига тез, аммо ён тарафларига кам тарқалади. Кўлланилганидан сўнг баъзи патогенларда чидамлилик пайдо бўлганлигини ҳисобга олиб, металаксилни бошқа, кенг спектрли фунгицидлар билан алмаштириб туриш лозим. Бу фунгицидлар Ўзбекистонда рўйхатга олинмаган.

*Бензимидазоллар* қаторига муҳим фунгицидлардан беномил, карбендазим, тиабендазол ва тиофанат киради. Дерозал ҳам шу гуруҳга мансуб. Ўсимлик аъзолари устида бензимидазолларнинг кўпчилиги бензимидазол метил карбаматга (БМК га, яъни карбендазимга) айланади, БМК эса сезувчан замбуруғларнинг ядролари бўлинишини бузади.

Беномил (Бенлат, Фундазол ва б.) барча экинларнинг ун-шудринг, олманинг калмараз, данакли ва уруғли меваларнинг чириш касалликлари, ҳар хил ўсимликларнинг *Sclerotinia*, *Botrytis*, *Rhizoctonia*, *Thielaviopsis*, *Ceratocystis*, *Fusarium* ва *Verticillium* турлари қўзғатадиган касалликларига қарши ишлатиладиган кенг спектрли фунгицид, аммо у оомицетлар, тўқ тусли гифомицетлар (*Bipolaris*, *Drechslera*, *Alternaria*), баъзи базидиомицетлар ва бактерияларга таъсири қилмайди. Беномил уруғларни дорилаш, баргларга пуркаш, суғориш сувига қўшиш ва сақлашга қўйиладиган меваларни эритмасига ботириб ишлов бериш учун қўлланилади.

Тиабендазол ҳам кенг спектрга эга ва манзарали экинларнинг барг доғланишлари, туганакпиёз ва туганаклар касалликларига, цитрус, олма, нок ва бошқа экинлар меваларининг сақлаш давридаги чиришларига қарши қўлланилади.

Тиофанат метил (Топсин М) бир қатор ўсимликларда ун-шудринг, сохта ун-шудринг, кулранг чириш, ҳар хил барг доғланишлари, калмараз ва чиришларга қарши, тупроқ фунгициди шаклида илдиз чиришларига қарши қўлланилади. Бензимидазоллардан Ўзбекистонда Топсин М (пуркаш учун) ва Тиабендазол (бошқа фунгицидлар билан аралашма сифатида, уруғ дорилаш учун) рухсалланган.

*Оксатиинларга* асосан карбоксин (Витавакс фунгицидининг компоненти) ва оксикарбоксин (Плантвакс) ҳамда Флуроталонил ва Никобифен киради.

Витавакс 200ФФ, 34% с. э. к. ва Витавакс 200, 75% н. кук. ҳар хил ўсимликларда *Rhizoctonia*, *Fusarium*, *Pythium*, *Alternaria* ва бошқа замбуруғлар қўзғатадиган майса, кўчат ва ниҳол чиришларига ҳамда ғалла экинларининг чанг ва қаттиқ қоракуяларига қарши ишлатилади; улар Ўзбекистонда ғўза ва бугдойда рўйхатга олинган. Никобифен ҳар хил экинларни зарарловчи аскомицет замбуруғларга қарши самарали фунгицид ҳисобланади.

*Фосфорорганик фунгицидларга* асосан Фоссетил-Ал (Альетт) ҳамда Китацин, Эдиленфос ва Пиразофос киради. Улар Ўзбекистонда рўйхатга олинмаган.

*Пirimидинларга* ҳар хил экинларнинг ун-шудринг касалликлариға қарши ишлатиладиган Диметиримол (Милькёрб), Этиримол (Мильстем) ва Бупиримат (Нимрод) ҳамда ун-шудринглар, бир неча хил барг доғланишлари, баъзи занглар ва қоракуяларга қарши самарали Фенаримол (Рубиган) ва Нуаримол (Тримидал) киради. Улар Ўзбекистонда рўйхатга олинмаган.

*Триазоллар* (коназоллар, имидазоллар, стерол биосинтези ингибиторлари). Кейинги йилларда дунёда ўсимлик касалликлариға қарши триазол фунгицидлари (бромуконазол, диниконазол, дифеноконазол, пенконазол, пропиконазол, тебуконазол, триадименол, триадимефон, тритиконазол, флутриафол, ципроконазол, эпоконазол, фенбуконазол [бутризол], этаконазол [ципродинил], миклобутанил, флусилазол ва б.) жуда кенг ишлатилмоқда. Уларнинг таъсир қилиш механизми хужайра мемранасида стероидлар деметиллашини (эргостерол биосинтезини) тўхтатишидир, натижада замбуруғ хужайраси коллапсга учрайди ва мицелий гифалари ўсишдан тўхтайди, замбуруғларнинг нафас олиши, нуклеин кислоталар, оқсиллар ва липидлар синтез қилиши тўхтайди. Триазоллар ҳам профилактик, ҳам даволаш мақсадида қўлланилади. Улар ҳар хил экинларнинг жуда кўп, аскомицет, дейтеромицет ва базидиомицет замбуруғлар қўзғатадиган, жумладан барг, илдиз тизими касалликлариға (масалан, майса, кўчат ва ниҳол чиришлари, барг доғланишлари ва чириши, ун-шудринглар, занглар, қоракуялар ва бошқаларга) қарши юқори самара билан қўлланилади. Бу фунгицидлар пуркаш ва уруғларни дорилаш учун ишлатилади. Уларнинг кўпчилиги Ўзбекистонда рўйхатга олинган ва кенг қўлланилади.

Бошқа, Ўзбекистонда рўйхатга олинмаган триазолларга Этридиазол [=Этазол], Имазалил, Трифлумизол ва Прохлораз киради. Этридиазол (одатда ПХНБ ёки Тиофанат метил билан аралашма шаклида) уруғларни дорилаш ва/ёки тупроққа солиш орқали, *Pythium*, *Phytophthora*, *Fusarium* ва *Rhizoctonia* турлари қўзғатадиган кўчат ётиб қолиш касаллигига қарши қўлланилади. Имазалил кўп аскомицет ва дейтеромицетлар қўзғатадиган ун-шудринг, барг доғланишлари, мева чиришлари ва трахеомикоз (вилт) касалликлариға қарши, баргларга пуркаш ва/ёки уруғ дорилаш усулида, ҳам профилактик, ҳам даволаш мақсадида қўлланиладиган юқори самарали фунгицид ҳисобланади. Прохлораз ҳам аскомицет ва дейтеромицетлар қўзғатадиган ун-шудринг, барг доғланишлари ва мева чиришларига қарши баргларга пуркаш ва/ёки уруғ дорилаш усулида қўлланилади.

*Стробилуринлар* гурухига энг янги ва муҳим фунгицидлар киради. Улар

Ўзбекистонда рўйхатга олинмаган.

*Ҳар хил системали фунгицидларга* Хлоронеб, Пропамокарб ва Трифорин киради. Хлоронеб ғўза ва бошқа экинлар уруғларини дорилаш ҳамда манзарали экинлар остидаги тупроққа солиш учун ишлатилади; тупроқдан ювилиб кетмайди. Пропамокарб (Превикур) *Pythium*, *Phytophthora*, сохта ун-шудринг, баъзи занглар ва мева чиришларини қўзғатувчи замбуруғларга қарши ишлатилади. Трифорин ун-шудринг, барг ва мева доғланишлари, мева чириши, антракноз касалликларини қўзғатувчи аскомицет ва дейтеромицетларга ҳамда баъзи занг қўзғатувчиларига қарши пуркаш учун қўлланилади. Бу гурухдан Ўзбекистонда чигит дорилаш ва ғўза ўсимликларига пуркаш учун Превикур рўйхатга олинган.

*Ҳар хил органик фунгицидларга* Додин, Фентин гидроксид, Флудиоксонил, Фамоксадон, Оксихинолин сульфат, Пипералин, Рух нафтенат ва Зооксамид киради. Ҳимояловчи таъсирга эга бўлган бу фунгицидлар Ўзбекистонда рўйхатга олинмаган.

*Ўсимликларни уйғунлашган ҳимоя қилиши системаси* (УҲС) атроф-муҳитни ҳимоя қилишга энг мос ва самарали усуслар мажмусидир. УҲС алоҳида заарли организмларнинг барчасини механик қириб ташлашга эмас (аслида буни ҳеч қачон бажариб бўлмайди), балки уларнинг миқдорини хавфсиз даражада ушлаб туриш ва айни вақтда атроф-муҳит учун кузатиладиган салбий таъсирларни иложи борича камайтиришга йўналтирилган. Кураш чоралари энг самарали ва иқтисодий томондан мақбул бўлиши учун экин, унинг касалликларининг қўзғатувчилари, олдинги мавсумларда кузатилган касалликлар, навларнинг касалликларга чидамлилиги, кутилаётган об-ҳаво (об-ҳаво башорати) ҳақидаги ва бошқа маълумотларга эга бўлиш лозим. УҲС нинг ўсимликларни касалликлардан ҳимоя қилиш бўйича асосий вазифалари қўйидагилардан иборат: бирламчи инокулюмни йўқотиш ёки камайтириш; бирламчи инокулюм қўзғатадиган касаллик миқдорини камайтириш; хўжайн ўсимликнинг чидамлилигини ошириш; ўсимлик иккиласми заарланишларини камайтириш.

УҲС мавжуд бўлган барча кураш усусларини жамлаштиради ва қўйидагиларга асосланган: юқори агротехника; чидамли навларни қўллаш; табиатда фойдали организмлар (антагонистлар) ни сақлаб қолиш, уларнинг фаолиятини кучайтириш ҳамда фитопатогенлар миқдорини бошқаришга қаратилган усусларни кенг қўллаш; биологик ва кимёвий ҳимоя усусларини заарли организм ривожланишининг ва у келтириши мумкин бўлган заарнинг башоратини таҳлил қилиш асосида қўллаш.

Шундай қилиб, УҲС, муайян экологик-географик минтақада муайян экин турини заарлайдиган касалликлар (ҳамда бегона ўтлар ва заарли ҳашаротлар) комплексига қарши ишлатиладиган биологик, кимёвий, физик ва бошқа усусларнинг энг мақбул йиғиндисидир. УҲС ни қўллашдан мақсад – табиатдаги фойдали организмлар сонини сақлаган ҳолда, заарли организмлар миқдорини иқтисодий зарар етказа олмайдиган даражагача камайтиришдир.

УҲС нинг амалиётдаги ютуқлари қишлоқ хўжалик экинлари ҳимоясида агротехник ва олдини олувчи, биринчи навбатда касалликларга чидамли

навларни қўллаш билан боғлиқ бўлиб, бу ўтказиладиган кимёвий ишловлар сонини камайтиришга ёки уларни бутунлай қўлламасликка имкон яратади. Чидамли навларни кенг қўллаш нафақат касалликлар туфайли ҳосил йўқотилишини камайтиради, балки агробиоценозлардаги экологик шароитни тубдан яхшилайди, атроф-муҳит ва қишлоқ хўжалик экинлари маҳсулотлари пестицидлар қолдиқлари билан ифлосланишини камайтиради. Алмашлаб экиш, экиш муддатлари, тупроққа тўғри ишлов бериш ва ўғитларни тўғри қўллашга риоя қилиш, кимёвий усулни кенг қўлламасдан экинларни касалликлардан ҳимоя қилишга имконият яратади.

Зарарли организмлар билан фаол курашиш усуллари (биологик, кимёвий, физик ва бошқа тадбирлар) УҲС да зарарли организмлар ривожланишининг ва ҳосил йўқотилишининг объектив башорати – иқтисодий зааралилик мезонини аниқлаш – асосида қўлланилади.

*Иқтисодий зааралилик мезони* (ИЗМ) – зарарли организм тури популяциясининг шундай зичлигики, бунда кимёвий ёки бошқа бирор фаол ҳимоя усулини қўллаш иқтисодий нуқтаи-назардан мақсадга мувофиқдир. Бунда ҳимоя усулини қўллаш ишлаб чиқариш рентабеллигини (фойдалилигини) оширада ва маҳсулот таннархини камайтиради.

Кимёвий усулни ИЗМ ни ҳисобга олган ҳолда қўллаш УҲС да пестицидларни ишлатиш ҳажмини анча қисқартиришга имкон яратади. Ўсимликлар ҳимоясига уйғунлашган ҳимоя нуқтаи-назаридан ёндашиш биологик усулни кенгроқ қўллаш асосида амалга оширилади.





### **Мухокама учун саволлар.**

1. Ўсимликларнинг карантин касалликлариiga қарши қўлланиладиган препаратлар қандай номланади?
2. Замбуруғлар қўзгатадиган касалликларга қарши қўлланадиган препаратлар қандай номланади?
3. Ўруғ дорилагичлар қандай қўлланилади?
4. Кантакт таъсир қилувчи препаратларга изоҳ беринг?
5. Системали таъсир этувчи препаратларга изоҳ беринг?
6. Фумигантлар нима ва улар қаерда қўлланилади?

### **АДАБИЁТЛАР**

11. Ҳасанов Б.А. ва бошқалар. Ғўзани зааркунанда, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш. Тошкент, “Университет”, 2002, 379 б.
12. Ҳасанов Б.А. ва бошқалар. Сабзавот, картошка ҳамда полиз экинларининг касалликлари ва уларга қарши кураш. Тошкент, “Voris-Nashriyot”, 2009, 244 б.
13. Ҳасанов Б. А., Очилов Р. О., Холмуродов Э.А., Гулмуродов Р. А. Мевали ва ёнгоқ мевали дараҳтлар, цитрус, резавор мевали буталар ҳамда ток касалликлари ва уларга қарши кураш. Тошкент: "Office-Print", 2010, 316 б
14. Ҳасанов Б.А. Микология. Тошкент, ТошДАУ нашр-таҳририят бўлими, 2019, 503 б.
15. Рахимов У.Х., Ҳасанов Б.А. Ўсимликларнинг карантин касалликлари. Тошкент, “Наврўз”, 2019, 258 б.
16. Рахимов У.Х. ва бошқалар. Ўсимликлар карантинида фитоэкспертиза. Тошкент, “Наврўз”, 2020, 247 б.

17. Поспелов.С.М., Шестиперова.З.И., Долженко.И.К – Основы карантина растений. Москва., Агропромиздат. 1985. (дарслик)
18. Рогова.Т.И. – Методическое руководство по лабораторной карантинной экспертизе растительных материалов и почвы. Изд-во Сельское хозяйство. Москва. 1960.
19. George N.Agrios. Plant pathology. Elsevier Academic Press. Florida, 2004.
20. Randall C. Rowe. Potato Health Management. The American Phytopatological Society, 1993. Pp 173.

## IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР

### 1-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ:

Ғүзанинг карантин касалликлари ва уларнинг тарқалишини олдини олиш карантин чора-тадбирлари.

#### 1-Топшириқ. Ғүзанинг антракноз касаллиги билан танишиш

**Дарсни мақсади:** Ғүзанинг антракноз ва Техас илдиз чириш касалликларининг ташқи белгиларини ўрганиш ва касаллик қўзғатувчиларнинг морфологик тузилиши билан танишиш.

**Дарсга зарур жихоз ва материаллар:** Касалланган ўсимлик расмлари, микроскоп, буюм ва қоплагич ойна, препоравал нина, пипеткалар, пинцетлар.

**Топшириқни бажариш тартиби:** Ғүзанинг антракноз касаллигининг ташқи белгиларини тафсилотини ёзиб, расмини чизинг.

#### Ғүзанинг антракноз касаллиги

**Қўзғатувчилари:** Касалликни Ҳақиқий замбуруғларнинг *Anamorphic Fungi* (*Deuteromycota*) (Анаморф замбуруғлар = Дейтеромикота) бўлими, *Coelomycetes* (Целомицетес) синфи, *Melanconiales* (Меланкониалес) тартиби, *Melanconiaceae* (Меланкониацеа) оиласи, *Colletotrichum* (Коллетотрихум) туркумига мансуб бўлган *Colletotrichum gossypii* (Коллетотрихум госсипии) тури ҳамда баъзи мамлакатларда *Colletotrichum indicum* (Коллетотрихум индикум) тури қўзғатади.

*Colletotrichum gossypii* турининг телеоморфаси Ҳақиқий замбуруғларнинг *Ascomycota* (Аскомикота) бўлими, *Euscomycetes* (Эуаскомицетес) синфи, *Pyrenomycetes* - (Пиреномицетес) тартиблар гурухи, *Phyllachorales* (Филлахоралес) тартиби, *Gnomoniaceae* (Гномониацеа) оиласи, *Glomerella* (Гломерелла) туркумига кирувчи *Glomerella gossypii* (Гломерелла госсипии) туридир.

*Colletotrichum indicum* турининг телеоморфаси номаълум.

**Зарарланадиган ўсимликлар.** Маданий (*Gossypium hirsutum*, *Gossypium barbadense* ва б.) ва ёввойи (*Gossypium* spp.) ғўза турлари; гулхайридошлар оиласига мансуб ўсимликлардан тутмачагул (*Malva* spp.), гибиск (*Hibiscus* spp.) ва б.

**Зарари.** Антракнознинг пахта ҳосилига кескин салбий таъсири ғўза ниҳол пайтида ҳамда кўсаклар ривожланиши ва очила бошлиши даврида кузатилади. Ниҳолларда касаллик тарқалиши 80% дан ошганида уруғпалла, гипокотиль, чинбарглар, поя ва илдиз чирийда ва ўсимликлар нобуд бўлади. Касаллик

кўсаклар бутунлай йўқотилиши, поя заарланиши, тола миқдори камайиши ва сифати бузилишига олиб келади. АҚШда 1945 йилдан олдин (уруғлик чигитни ёппасига дорилашни бошлашдан олдин) антракноз ҳар йили жуда катта талафот етказган. Жанубий Каролина ва Флорида штатларида кўсакларнинг 60-90 фоизи йўқотилган. Чигит самарали фунгицидлар билан дорилаб бошланган давр (1955 й.) дан эътиборан антракноз АҚШда кам кузатиладиган ва ҳосилга зарар келтира олмайдиган касалликка айланган (АҚШ шарқининг сернам қисмлари истисно). Шу билан бирга АҚШ шарқининг сернам зоналарида ва бир нечта бошқа мамлакатларда антракноз ҳозиргача хавфли касаллик бўлиб қолмоқда. Хинди斯顿да ва Хитойда бу касаллик кўсак чиришининг асосий сабабидир. Африканинг Коте-д-Ивуар мамлакатида антракноз туфайли ҳосил йўқотилиши 25% га етган. Сенегал давлатида баъзи мавсумларда кўсакларнинг 40-60 фоизи йўқотилганлиги хабар қилинган. Миср ва Суданда ҳам анча зарар етказади.



1-расм. Ғўзанинг антракноз касаллиги- *Colletotrichum gossypii* Southw ёки *Colletotrichum indicum* Dast

**Касаллик ривожланиши ва белгилари.** Қўзғатувчи замбуруғ ғўзани бутун ўсув даврида ва барча ривожланиш фазалари заарлайди. Ўсимликларнинг илдиз қисмидан ташқари барча органлари – уруғбарг, гипокотиль, ниҳоллар, чин барг, барг банди, поя, кўсак, кўсак банди, тола ва чигит заарланади. Антракноз айниқса ёш ниҳолларга ва кўсакларга катта зарар етказади. Патоген ўсимлик тўқимасига одатда механик жароҳатлар ва ҳашаротлар пайдо қилган яралар орқали киради, аммо конидия чиқарган инфекцион гифа тўқимага тўғридан-тўғри ҳам кира олади.

Замбуруғ тўқима ичида (эндоген шаклда) ривожланади, ташқарига фақат конидия ҳосил қилувчи органлари чиқади.

Заарланган уруғ экилиши уруғпалла ва ёш ниҳоллар заарланишига олиб келади. Уларда пайдо бўлган конидиялар ёмғир томчилари, ҳашаротлар ва шамол орқали соғлом ўсимликларга тарқалади ва заарлайди.

Ёмғир ва ҳавонинг юқори нисбий намлиги ўсимликлар заарланиши учун қулай шароит түғдиради. Куруқ об-ҳавода касаллик ривожланиши камаяди ёки тўхтайди, сўнгра кўсаклар ривожланиши даврида яна кучаяди.

**Нихол шакли.** Уруғпалла тупроқдан чиқмасдан ёки кўпинча тупроқ юзасига чиққанидан кейин заарланади Бунда уруғбаргларда қизғиш-қўнғир ёки тўқ-қўнғир доғлар пайдо бўлади, улар ўсиб, баргларни қоплаб олади, барглар охири чириб кетади. Илдиз бўйинчасида қизғиш ёки тўқ-қизғиш доғлар пайдо бўлади, улар поячани ўраб олади ва қисиб, нозиклаштиради, ўсимлик сарғаяди, ётиб қолади ва чирийди. Доғлар устида замбуруғнинг конидия ва конидиофораларидан ташкил топган, концентрик доиралар шаклидаги намроқ қатлам (ёстиқчалар) ривожланади. Бу ёстиқчалар (= спородохий, спороложе) олдин эпидермис остида бўлиб, етилганда уни ёриб чиқади. Ҳаво харорати 20-26°C бўлганида уруғбарг ва 5-6 чин барг чиқарган ниҳоллар жуда кучли заарланади. Ҳаво исиб кетиши билан, касаллик сусая бошлайди ва ниҳолларнинг бир қисми бутунлай соғайиб кетиши мумкин.

Етилган ўсимликлар антракноз билан фақат улар бирор сабабга кўра заифлашганида заарланади – пояларида узунчоқ қизғиш-қўнғир, баргларида думалоқ, тўқ-қўнғир доғлар пайдо бўлади.

**Кўсак шакли.** Кўсаклар кучли заарланади, уларнинг устида кичик, думалоқ, ўртаси ботик, қизғиш-жигарранг, тўқ-қўнғир ёки тўқ-қизил доғлар пайдо бўлади, доғлар аста-секин қораяди, четларида қизғиш ранг сақланиб қолади ва ҳосия ҳосил қиласи. Доғлар ўсиб, қўшилиб кетади, кўсак устининг чорагини, ярмини,  $\frac{3}{4}$  қисмини ёки кўсакни бутунлай қоплайди. Қулай об-ҳавода доғларнинг усти нам, хамирсимон, тузи ифлос-кулрангдан равшан пуштигача бўлган ёстиқчалар билан қопланади. Ёстиқчалар эпидермисни ёриб чиқкан конидия ва конидиофоралардан ташкил топади. Ўлчами катта доғлар концентрик доиралар шаклига киради, бунда энг ташқи доира бироз қизғиш-қўнғир, кейингиси қора, доғнинг маркази эса конидиялар кўплигидан пушти туслади. Замбуруғ кўсак ичида тола ва чигитга тез тарқалади; антракнознинг ташқи белгилари бўлмаган кўсакнинг ичида тола ва чигит бутунлай чириган бўлиши мумкин. Кучли заарланган кўсак очилмайди ёки ярим очилади, тола ва чигит ёпишиб қолади, чаноқдан қийин ажралади, қўнғир ёки қора тус олади, усти замбуруғнинг конидиялари билан қопланади. Заарланган тола тўқ-қўнғир тус олади, ёпишиб қолади ва чирийди. Заарланган чигит ташқи кўриниши ва кулрангроқ-яшил ранги билан соғломларидан фарқ қилмайди, фақат кучли заарланганлари сарғиш ёки қўнғир тус олади, майда бўлиб қолади, ичида муртаги ривожланмайди.

**Касаллик қўзғатувчиси ва унинг белгилари.** Қўзғатувчи замбуруғ – аскомицет *Glomerella gossypii* (Sout) Ed табиатда одатда такомиллашмаган (конидиал) босқичи (*Colletotrichum gossypii* Southw) учрайди. Замбуруғ бу босқичида олдин эпидермис тагида ривожланиб, сўнgra эпидермисни ёриб, товоқча шаклида очиладиган ёстиқчалар (спородохийлар) – қалин, даста бўлиб жойлашган конидиофора ва конидиялар ҳамда қиллар қатлами – ҳосил қиласи. Ёстиқчалар ҳосил бўлиши ва уларнинг ичида микроскопик органларининг шакли ва ўлчамлари антракноз касаллигини ва унинг қўзғатувчисининг турини аниқлашда асосий таксономик белгилар сифатида қўлланилади. *Colletotrichum gossypii* Southw замбуруғининг ташхиси: ёстиқчалар эпидермисни ёриб чиқувчи. Қиллар якка ёки даста-даста, пастки қисми тўқ-қўнғир, учи деярли

рангсиз, түғри ёки бироз эгилган, деворчалар билан ҳужайраларга бўлинган, узунлиги 100-250 мкм. Конидиофоралар калта, шохланган, рангсиз, аммо кўплари бирга бўлганда пушти-апельсин рангли, ўлчами 12-28x5 мкм. Конидиялар чўзинчоқ, тухум шакли ёки цилиндрсизмон, рангсиз, аммо кўп споралар бирга бўлганида ифлос-пушти тусли, ўлчами 10-20x4,5-5,5 мкм.

Замбуруғнинг такомиллашган босқичи (*Glomerella gossypii* (Sout) Ed) табиатда деярли учрамайди, бир неча марта ғўзанинг қолдиқларини нам камерага қўйганда олинган ва ёки озуқа муҳитида тоза культуралари ажратилган. Бу босқичда замбуруғ маҳсус мева танаачалари – перитецийлар ҳосил қиласди. Улар бутунлай ғўза тўқималари ичида жойлашади, фақат бўйинчали эпидермисни ёриб, ташқарига чиқади. Кўплаб ҳосил бўлиши мумкин. Ранги тўқ-қўнғир ёки қора, шакли думалоқроқ ёки ноксимон, ўлчами 100-160x80-120 мкм, кўпинча кенглиги 115-140 мкм, хартумчасининг узунлиги 60 мкм ёки узунроқ. Асклар кўплаб ҳосил бўлади, тескари тўқмоқ шакли, ўлчами 50-70x10-14 мкм. Аскоспоралар чўзинчоқ, бироз эллипс шакли, тўғри, кам ҳолларда букилган, рангсиз, аск ичида 1 ёки 2 қаторда жойлашган, ўлчами 12-30x5-8 мкм, ўртacha 13-14x7 мкм. Парафизалари кўп, узун, нозик.

Касалликни Ҳиндистон ва баъзи бошқа мамлакатларда замбуруғнинг бошқа тури – *Colletotrichum indicum* Dast – қўзғатади. Унинг ташихиси: ёстиқчалар ниҳоллар поясида қора тусли, қавариқ, тарқоқ жойлашган; кўсакларда пушти рангли, зич жойлашган, концентрик доиралар ҳосил қиласди. Қиллар конидиофоралар орасида жойлашган, тўқ-қўнғир, уни қиррали, ҳужайраларга бўлинмаган ёки 1-8 ҳужайрали, ўлчами 76,5-125,5x3,8-7,6 мкм. Конидиофоралар рангсиз, тўғри ёки кам эгилган, уни силлиқ, ўлчами 7,7-13,2x1,6-2,7 мкм. Конидиялар ўроқсимон эгилган, учлари нозиклашган ёки остки уни силлиқ, ўлчами 15-25x1,8-4,3 мкм.

Бу турнинг аскомицет босқичи номаълум. У асосан ғўза ниҳоллари ва кўсакларини барча ривожланиш босқичларида заарлайди. Олдинги турга нисбатан иссиқроқ об-ҳавони ёқтиради, унинг ривожланиши учун оптимум 30-35°C, минимум 17°C ва максимум 52°Cга тенг.

**Касаллик манбалари ва тарқалиши.** Антракнознинг бирламчи манбалари – уруғлик чигит устида ва ичида, толада ва ўсимлик қолдиқлари (поя, кўсак, барг ва ҳ.к.) да ҳосил бўладиган ва қишлийдиган мицелий, конидия ва аскоспоралардир, уларнинг асосий ва жуда кўп ҳосил бўладигани конидиялардир. Чигитдаги инфекция энг узоқ сақланади - чигит намлиги, саклаш давридаги ҳарорат ва намлик билан боғлиқ ҳолда, замбуруғ чигитда 1 йилдан 13 йилгача, тоза озуқа муҳитида 10 йилгача ҳаётчанлигини саклаши мумкин. Битта чигит устида 80000 тагача конидия бўлгани аниқланган. Ниҳоллар кучли заарланиши учун чигит устида озроқ конидия ҳам етарли эканлиги исботланган. Вегетация даврида касаллик заарланган уруғпалла ва ниҳолларда пайдо бўладиган конидиялар воситасида тарқалади.

## Ғұза антракнози құзғатувчиларининг микроскопик белгилари

	<i>Colletotrichum gossypii</i> Southw	<i>Colletotrichum indicum Dast</i>
Қиллар шакли	Учи түмтоқ	Учи қиррали
Қиллар ранги	Түк-құнғир, уч томонига қараб оч тусли	Түк-құнғир
Қиллар узунлиги, мкм	100-250	76-125
Конидиофоралар узунлиги ва эни, мкм	12-28x5	7,7-13,2x1,6-2,7
Конидиялар шакли	Чүзинчоқ, тухум ёки цилиндришімөн, учлари түмтоқ	Ұроқсимон әгилган, учлари нозиклашган ёки остық учи силлиқ
Конидиялар узунлиги ва эни, мкм	10-20x4,5-5,5	15-25x1,8-4,3
Такомиллашган (аскомицет) босқичи	<i>Гломерелла гессийии</i>	Топилмаган

### 2-Топшириқ. Техасс илдиз чириши касаллиги билан танишиш

**Дарсни мақсади:** Ғұзанинг Техасс илдиз чириш касаллигининг ташқи белгиларини үрганиш ва касаллик құзғатувчиларнинг морфологик тузилиши билан танишиш.

**Дарсга зарур жиҳоз ва материаллар:** Касалланған үсімлік намуналарининг расмлари, микроскоп, буюм ва қоллагиң ойна, препоравал нина, пипеткалар, пинцетлар.

**Топшириқни бажариш тартиби:** Ғұзанинг Техас илдиз чириш касаллигининг ташқи белгиларини тафсилотини ёзиб, расмини дафтарингизга чизинг.

### Техасс илдиз чириши

Касалликни Ҳақиқий замбуруғларнинг *Ascomycota* (Аскомикота) филуми,

*Pezizomycetes* (Пециомицетес) синфи, *Pezizales* (Пециалес) тартиби, *Rhizinaceae* (Ризинацеа) оиласи *Phymatotrichopsis* (Фиматотрихопсис) туркумига мансуб бўлган *Phymatotrichopsis omnivora* (Фиматотрихопсис омнивора) туридир, синонимлари *Phymatotrichum omnivorum* (Фиматотрихум омниворум), *Ozonium omnivorum* (Озониум омниворум).

Қўзғатувчи узоқ вақтгача такомиллашмаган замбуруғлар (*Deuteromycetes*) гуруҳига мансуб деб ҳисобланган, сўнгра эса уни базидиомицетларнинг *Aphyllophorales* тартибига киритишган. Ушбу тур аскомицетларга мансуб эканлиги фақат кейинги даврда, унинг ДНК асосларининг кетма-кетлиги ва баъзи бошқа молекуляр-генетик белгиларини таҳлил қилиш ёрдамида аниқланган.

**Зарарланадиган ўсимликлар.** Техас илдиз чиришини қўзғатувчи замбуруғнинг асосий хўжайин ўсимликлари ғўза турларидир (*Gossypium hirsutum*, *G. barbadense*, *G. herbaceum*). Ингичка толали ғўза жуда кучли заарланади. Ингичка толали ғўза жуда кучли заарланади. Қўзғатувчи ғўздан ташқари икки паллали ўсимликларнинг 200 тадан кўпроқ турларини, жумладан 31 та дала экинлари, 58 та сабзавот экинлари, 18 та мевали дараҳтлар ва резавор мевали ўсимликларни, 35 та ўрмон дараҳтлари ва буталарини, 7 та ўтсимон манзарали экинларни ва 20 та бегона ўт турларини заарлаши исботланган. Булар қаторига қанд лавлагиси, сабзи, аччиқ қалампир, беда, каноп, уруғ ва данак мевали дараҳтлар, цитрус экинлари, олма, нок, шафтоли, ток, ёнғоқ мевали дараҳтлар, нинабаргли дараҳтлар, манзарали дараҳтлар, қайрағочлар, олеандр, атиргул ва б. киради. Бошқа маълумотларда қўзғатувчи ўсимликларнинг 2300 та турини заарлаши хабар қилинган.

**Бир паллали ўсимликлар (ғалла экинлари, маккажўхори, оқ жўхори, бошоқли ўтлар ва б.)** *Phymatotrichum omnivorum* (*Duggar*) *Hennebert* билан зарарланмайди.

**Касаллик белгилари.** Қўзғатувчи замбуруғ ғўзани бутун ўсув даврида заарлаши мумкин, аммо одатда касалликнинг ташқи белгилари июль ойининг 2-ярмидан сўнг, тупроқ ҳарорати етарли бўлганида, ўсимлик шоналаши ва кўсак ҳосил қилиши пайтида яққол кўринади. Олдин ёш барглар сал сарғаяди ёки бронза тус олади, ҳарорати кўтарилади, сўнгра ўсимлик бирдан, 1-2 кун ичида сўлиб қолади, барглари қурийди, аммо тўкилмасдан, ғўзада осилиб қолади. Техас илдиз чиришининг бошқа тупроқ патогенлари қўзғатадиган касалликлардан кескин фарқи – далада нобуд бўлган ўсимликлар нотўғри думалоқ шаклли, қўнғир тусли «ўчоқлар» («орол» ва «оролчалар») ҳосил қилиши ва улар кўпчилик далаларда ҳар йили олдинги мавсумларда учраган айни жойларда кузатилишидир. Бунинг сабаби – паразит сугориш суви, ёмғир, тупроқка ишлов бериш механизлари, ҳашаротлар, шамол ёрдамида тарқалмайди. «Ороллар» илиқ, нам ҳавода атрофига ўсади. Касаллик кучли ривожланган ҳолларда бутун даладаги ўсимликлар нобуд бўлиши мумкин. Тупроқ остида илдиз замбуруғ гифаларининг эшилган канопга ўхшаш қўнғир тусли иплари – ризоморфлари – билан қопланади. Бу иплар лупа ёрдамида осон кўринади. Илдиз қобиғи яралар билан қопланади, бутунлай чирийди, юмшоқ

бўлиб қолади, бармоқ билан осон тешилади, қобиқ остидаги қисмлари қизил ёки қўнғир тус олади. Тупроқ устида, илдиз атрофларида замбуруғ оқ момиқ мицелий ҳосил қиласди. Паразит одатда илдизни заарлайди, баъзан пояга ўтиб, тупроқ сатҳидан 2-5 см баландликкача кўтарилади.

**Касаллик ривожланиши.** Касалликнинг бирламчи манбаалари тупроқда фўза илдизларининг қолдиқларида сақланадиган склероцийлар ва кўп йиллик ўсимликларнинг тирик илдизларида сақланадиган ризоморфлардир. Кўзғатувчи замбуруғ уруғда сақланмайди. Унинг нозик иплари тупроқда ўсиб, бошқа фўза ўсимликларининг илдизларига етиб боради ва уларни заарлайди. Ризоморфлар тупроқда кейинги мавсумгача факат кўп йиллик ўсимликларнинг тирик илдизларида сақланиши мумкин, фўза илдизи қолдиқларида сақланмайди. Фўзада касаллик мавсумдан мавсумга ўтишини асосан склероцийлар таъминлайди. Уларнинг асосий қисми (80 фоизи) тупроқда 50-90 см дан чукурлиқда, қолган қисми эса 30-50 см орасида жойлашади. Ризоморфлар ва склероцийлар 3,6 м чукурлиқда ҳам топилган. Табиатда тупроқда склероцийлар тиним даврига кириб, 12 йилгача ҳаётчанлигини сақлаши аниқланган.

Далани 120 кун давомида сувга бостириб қўйганда ҳам қўзғатувчи тўла нобуд бўлмаган. Ёзда кучли ёмғирдан кейин замбуруғ тупроқ устига ўсиб чиқиши ва у ерда мицелий ёстиқчалар ва уларнинг устида конидиялар ҳосил қилиши мумкин. Бу конидиялар ўсмайди ёки ўсиши жуда қийин. Уларнинг замбуруғ ривожланиши циклидаги роли номаълум. Касаллик ривожланишида қўзғатувчи замбуруғ телеморфасининг роли ҳам номаълум. Ўсимлик касаллик туфайли нобуд бўлганидан сўнг замбуруғ тупроқнинг чукурроқ қисмларига қараб ўсади, склероцийлар ҳосил қиласди ва кейинги мавсумларгача сақланади.

Ҳарорат ўртача  $28^{\circ}\text{C}$ , юқори намлик, тупроқда оҳак ( $\text{CaCO}_3$ ) миқдори 1% дан кўп бўлиши касаллик ривожланиши учун қулай шароит яратади. Тупроқ ҳарорати  $0^{\circ}\text{C}$  атрофида бўлиши қўзғатувчи замбуруғ тезда нобуд бўлишига олиб келади. Тупроқда алмашинувчи натрий элементининг миқдори 500-700 промиля бўлиши қўзғатувчи замбуруғ ва касаллик ривожланиши учун нокулай шароит туғдиради.

Замбуруғ ривожланиш циклида мицелий, ризоморф, склероций ва конидия босқичлари мавжуд. Ризоморф босқичи энг характерли ва муҳим диагностик аҳамиятга эга. Ризоморфлар замбуруғ гифалари узунасига «эшилиб», ёпишиб, бирикиши натижасида ҳосил бўлади. Ризоморфларнинг диаметри тахминан 200 мкм ( $=0,2$  мм), қобиқ устида тўрсимон жойлашади ва уларни  $10^x$  лупа ёрдамида осон кўриш мумкин. Улар марказий, катта хужайрали гифа ва атрофида майда қобиқ хужайралардан иборат, усти тикансимон, бут (+) шаклли ацикуляр гифалар билан қопланган.

Ризоморфда склероцийлар ҳосил бўлади. Улар нотўғри думалоқ шакли, диаметри 1-5 мм, оч-ёки тўқ-қўнғир, вақт ўтиши билан деярли қора тусли, якка-якка ёки илдиз бўйлаб занжирчаларда, баъзан илдиздан узокроқда тупроқда тўдачаларда ҳосил бўлади.



**2-расм. Ғўзанинг Техас илдиз чириш касаллиги - *Phymatotrichum omnivorum* (Duggar) Hennebert**

Тупроқ устида, илдиз атрофларида замбуруғ оқ ёки оч-сарик тусли, момик, диаметри 10-40 см ва қалинлиги 1,8-6 мм бўлган мицелий ёстиқчаларини ҳосил қиласади. Ёстиқчаларда ҳар бир думалоқ шакли конидиофора устида 10-30 та бир ҳужайрали, гиалин, думалоқ ёки овал шакли, диаметри 4-6 мкм ёки ўлчами 6-8x5-6 мкм келадиган конидиялар ҳосил бўлади.

**Иқтисодий зарари.** Касалликнинг асосий зарари ғўзада намоён бўлади. Техас илдиз чириши АҚШ да ғўзанинг энг хавфли касалликларидан бири бўлиб, у ҳар йили пахта ҳосилини ўртacha 1% (Техас штатида 1-3,5%, Аризона штатида 2-6%) га, маблағ ҳисобида 1981 йилдаги қиймат билан 25 млн долларга камайтиради. Ғўзадан бошқа экинларга етказадиган зарари йўқотилган маблағ миқдорини тахминан яна 40% га оширади. 1910-1940 йилларда касаллик туфайли ҳосил нобуд бўлиши бундан ҳам бир неча баравар кўп бўлган. Ғўза ҳосили пасайишининг миқдори касаллик бошланиш даври ва унинг даладаги манбааларининг ўлчами билан боғлиқ. Техас илдиз чириши экинларда теримдан 2 ой ёки 5 ҳафта олдин пайдо бўлса, тегишли равишда ҳосил 100% ёки 50% га пасаяди, 3 ҳафта олдин кузатилганида эса ҳосилга деярли таъсир қилмайди. Заарланган ўсимликлардан олинган тола сифати кескин пасаяди, чигит унувчанигини бутунлай ёки қисман йўқотади.

Ғўзадан ташқари АҚШ да ушбу замбуруғ олма, шафтоли, ток, кунгабоқар, беда, Мексикада манго ва авокадо ҳосилига катта зарар етказади. Техас штатида олма етиштиришда асосий тўсиқ ҳисобланади. Қайрағоч (Улмус) турлари ҳам кучли заарланади. Цитрус, рододендрон, атиргул, батат ва ерёнгоққа зарари кам.

**Топширик.** Гурух тингловчиларини 2 та гурухга бўлиб “Б/Б/Б/” жадвалини тўлдиринг.

Биламан	Билишни ҳоҳлайман	Билиб олдим

## 2-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ:

**Буғдой, арпа ва маккажухорининг карантин касалликлари ва уларга қарши карантин чора-тадбирлари**

Фалла экинларининг карантин касалликлари қаторига буғдойнинг хинд қоракуяси ва сариқ (шилимшик) бактериози, арпанинг тасмача шаклли мозаикаси, шолининг бактериал тасмача шаклли доғланиш касаллиги ва бактериал куйиши, маккажўхорининг жанубий чириш (син. "жанубий гельминтоспориоз"), баргларининг жанубий доғланиши, диплодиози ва бактериал сўлиши касалликлари киради.

### 1-Топширик. Буғдойнинг хинд қора куяси касаллиги билан танишиш.

**Дарсни мақсади:** Буғдойнинг хинд қора куяси касаллигининг ташқи белгиларини расмлар асосида ўрганиш ва касаллик қўзгатувчиларнинг морфологик тузилиши билан танишиш.

**Дарсга зарур жиҳоз ва материаллар:** Касалланган ўсимлик расмлари, микроскоп, буюм ва қоплагич ойна, препоравал нина, пипеткалар, пинцетлар.

**Топшириқни бажариш тартиби:** Буғдойнинг хинд қора куяси касаллиги белгиларини буғдой донида ва ўсимликдаги ташқи белгиларини намаён бўлишининг тафсилотини ёзиб, расмини чизинг.

### Буғдойнинг хинд қоракуяси

Касалликни *Basidiomycetes* синфи, *Ustilaginales* туркуми, *Tilletiaceae* оиласига мансуб бўлган *Tilletia (=Neovossia) indica* Mitra замбуруғи қўзгатади.

Буғдойнинг хинд (Карнал) қоракуясининг ватани Ҳиндистон. *Osiё* – Афғонистон, Ироқ, Ливан, Мьянма, Покистон, Сурия, Туркия, Ҳиндистон; Америка – Мексика, Ўзбекистонда ва бошқа МДХ мамлакатларида карантин

касаллик ҳисобланади. Касалликнинг Ўзбекистонга кириши ва тарқалиши хавфи мавжуд.

Хинд қоракуяси билан фақат юмшоқ буғдой заарланади. Чидамли навлар мавжуд эмас. Пакана навлар узун бўйли навлардан кучлироқ заарланади. Қаттиқ буғдойнинг аксарият навлари, бошқа ғалла экинлари ва бошоқли ўсимликлар заарланмайди.

**Касаллик белгилари.** Ўсимликлар гуллаш пайтида гул орқали заарланади ва касаллик бошоқларда айни мавсумда намоён бўлади. Бу қоракуянинг ўзига хос хусусияти – ўсимлик бошогининг баъзи бошоқчалари, бошоқчалар ичидаги баъзи донлар ва донларнинг барча ёки фақат айрим қисмлари локал заарланишидир. Заарланган органларнинг тўқималари сасиган балиқ ҳидли телиоспоралар кукунига айланади.

Буғдойни заарлагандан дон ичини бутунлай парчалаб, фақат пўстини қолдирадиган қаттиқ қоракуялар (*Tilletia tritici*, *T. levis*, *T. controversa*) дан фарқли ўлароқ, хинд қоракуяси билан буғдой дони қисман заарланади. Касаллик фақат бошоқда намоён бўлади, ҳар бир бошоқда биттадан 5 тагача бошоқча заарланади. Кўпинча доннинг муртак қисми ёки эгатчasi касалланади ва уларда, қора кукун шаклида, телиоспоралар пайдо бўлади. Бу қоракуяни фақат буғдой донлари пишгандан ва бошоқчалар очилгандан сўнг кўриш мумкин.

**Касаллик қўзгатувчиси ва унинг биологияси.** Вақт ўтиши билан заарланган доннинг қобифи ёрилади ва ундан телиоспоралар чиқади. Кўзгатувчининг ўзига хос белгиси – телиоспора тўплари пайдо бўлишидир. Замбуруғнинг етилган телиоспоралари эллипс, нотўғри думалоқ ёки овал шаклини, жигарранг ёки тўқ-қўнғир ёхуд деярли қора, қобифининг туси тўқ-қизил-қўнғир, деярли қора, тўрсимон, унинг устида яна битта рангсиз желатин қобифи ва дум шаклини рангсиз ўсмаси мавжуд; катталиги 22-45(55)x22-40 мкм, ўртача узунлиги 35,5 мкм ёки диаметри 18-49 мкм. Тўпларда етилган споралар орасида кўплаб сарғиш ёки деярли рангсиз, думалоқ ёки қиррали, споралардан кичикроқ стерил хужайралар мавжуд. *T. indica* телиоспораларининг шакли *T. tritici* никига ўхшаш, аммо уникидан 2 марта каттароқ (*T. tritici* нинг споралари 14-22 мкм).

Хинд қоракуясининг споралари узоқ тиним давридан сўнг, намлик ва 15-25°C ҳарорат мавжудлигига калта ва йўғон базидия (=промицелий) пайдо қилиб, ўсади. Базидиянинг учиди бирин-кетин 50-120 тагача узун, 1-2 хужайрали, сал эгилган шаклини гаплоид базидиоспоралар пайдо бўлади ва улар базидиядан бирин-кетин ажралади. Ҳархил жинсий белгига эга бўлган иккита базидиоспора жуфтлашади, дикариофит мицелий пайдо қилиб, ўсади ва мицелийда кўплаб споридийлар пайдо қиласиди. Шамол ва ёмғир воситасида тарқалиб, споридийлар гуллаш пайтида буғдой бошогига ўтади, мицелий пайдо қилиб ўсади ва бошоқчалардаги муртакларни заарлайди.



3- расм. Буғдойнинг хинд қоракуяси- *Tilletia indica* Mitra.  
1-буғдойнинг касалланган дон; 2-касалланган ва соғлом дон фарқлари;

Замбуругнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у тупроқда, қаттиқ қоракуяга ўхшаб, буғдой ўсимталари тўқимасига кирмайди, балки буғдойни фақат бошоқ чиқаргандан сўнг заарлаши мумкин. Ҳиндистонда хинд қоракуяси экинни суғориладиган, гўнг билан яхши таъминланган далаларда, буғдой гуллаши ва дон тузиши даврида кўп ёмғирли об-ҳаво кузатилганида кучли заарлайди. Заарланган ўсимликларнинг ҳосили 10-20% га камаяди, уруғлик доннинг унувчанлиги пасаяди, дон сифати бузилади.

Хинд қоракуясининг асосий манбай – ҳосил йиғиш даврида заарланган дон билан тупроққа тушган телиоспоралардир. Улар тупроқда 7 ойгача, омборхоналардаги донда эса 3 йил ёки кўпроқ вақтгача сақланиши мумкин. Янги территорияларга ва мамлакатларга касаллик заарланган дон билан тарқалиши мумкин.

## **2-Топшириқ. Буғдойнинг сариқ шилимшиқ бактериози билан танишиш**

**Дарсни мақсади:** Буғдойнинг сариқ шилимшиқ бактериози касаллигининг ташки белгиларини ўрганиш ва касаллик қўзғатувчиларнинг морфологик тузилиши билан танишиш.

**Дарсга зарур жихоз ва материаллар:** Касалланган ўсимлик гербариyllари, микроскоп, буюм ва қоплагич ойна, препоравал нина, пипеткалар, пинцетлар.

**Топшириқни бажариш тартиби:** Буғдойнинг сариқ шилимшиқ бактериози касаллигининг ташки белгиларини тафсилотини ёзиб, расмини чизинг

### **Буғдойнинг сариқ (шилимшиқ) бактериози**

Буғдойнинг сариқ (шилимшиқ) бактериози Ҳиндистон, Хитой, Эрон, Кипр, Миср, Австралия ва Эфиопияда топилган.

Касалликни *Corynebacterium tritici* бактерияси қўзғатади. Касаллик далаларда ўчоқлар шаклида учрайди. Бу касаллик билан юмшоқ буғдой (*Triticum aestivum*) заарланади. Ўсимликларнинг заарланган барглари ва барг қинларида тасмача шакли, оқ ёки сарғиш тусли доғлар ҳосил бўлади. Сўнгра барглар буралиб, уларнинг усти ғадир-будур бўлиб қолади ва

шимлимшиқланади. Поялар ҳам буралиб ёки эгилиб қолади, ўсимликлар ўсишдан орқада қолади. Бошоқларнинг шакли хунуклашади, улар барг қинидан чиқа олмай қолади, зичлашади, натижада шакли бузилган ва равшан-сариқ шилимшиқ экссудат билан қопланган массага айланади. Бу касалликнинг диагностик белгиси ҳисобланади. Сернам об-ҳавода шилимшиқ экссудат шунчалик кўп ҳосил бўладики, унинг томчилари тупроққа оқади. Қуруқ об-ҳавода шилимшиқ қурийди, қотади ва бошоқда ҳамда баргларнинг устки томонида оқ ёки оч-сариқ, мўрт пардага айланади. Бу парда бошоқ ўсишига механик равишда ҳам салбий таъсир қиласи.

Касаллик эпифитотия шаклида учрамайди, у факат Ҳиндистоннинг ва, эҳтимол, Эфиопиянинг айрим қисмларида иқтисодий аҳамиятга эга. Одатда касаллик пастқам жойлардаги экинларда, ***облигат равиша*** доннинг галл нематодаси (*Ангуина тритиси*) билан бирга учрайди. Бу нематода сариқ бактериоз касаллигининг қўзғатувчисининг вектори сифатида фаолият кўрсатади. Нематоданинг личинкалари бактерия билан тупроқда заарланади. Бу бактериоз билан заарланган бошоқдаги нематода галлари ва личинкаларининг таркибида доимо бактерия мавжуд бўлади. Галл ичида бактерия ҳаётчанлигини камида 5 йил сақлаши мумкин. Демак *Corynebacterium tritici* бактерияси заарланган уруғлик дон, тупроқ ва нематода галлари воситасида тарқалади.



4-расм. Буғдойнинг сариқ шиллиқ бактериози - *Corynebacterium tritici*  
1-касалланган барг ва бошоқ стержени.2-касалланган дон

Қўзғатувчи бактерия грамманфий таёқча, коккоид, тўқмоқ ва пона шаклигача, баъзан (бўлинган хужайралар септа билан тўла ажralмаганлиги туфайли) шохланган шаклли. Хужайра морфологиясига бактерия ўстирилган озуқа муҳити таъсир қиласи. Ўлчами кўпинча  $0,95-1,3 \times 0,5-0,75$  мкм. Битта поляр хивчинчаси мавжуд. Кўп озуқа муҳитларида сариқ-апельсин тусли пигмент ҳосил қиласи, колониялари қавариқ шаклли, хўл, ялтироқ, четлари силлиқ. Аэроб, нитратларни редукциялайди, крахмални гидролизламайди,

сахароза, раффиноза ва лактозадан кислота синтез қилади, маннитолдан кислота ҳосил қилмайди. Ўсиши учун ҳарорат оптимуми 23-25°C, 50°C да нобуд бўлади, 5°C дан паст ва 38°C дан юқори ҳароратда ўсмайди.

### **3-Топшириқ. Арпанинг тасмача (чизиқча) шаклли мозаикаси касаллиги билан танишиш.**

**Дарсни мақсади:** Арпанинг тасмача (чизиқча) шаклли мозаикаси касаллигининг ташки белгиларини расмлар асосида ўрганиш ва касаллик қўзғатувчиларнинг морфологик тузилиши билан танишиш.

**Дарсга зарур жихоз ва материаллар:** Касалланган ўсимлик расмлари, микроскоп, буюм ва қоплагич ойна, препоравал нина, пипеткалар, пинцетлар.

**Топшириқни бажариш тартиби:** Арпанинг тасмача (чизиқча) шаклли мозаикаси касаллиги белгилари ва ўсимликдаги ташки белгиларини намаён бўлишининг тафсилотини ёзиб, расмини чизинг.

#### **Арпанинг тасмача (чизиқча) шаклли мозаикаси**


Касалликни таёқча шаклли, ўлчами 125-150x30 нм келадиган вирус (*Barley stripe mosaic virus*) қўзғатади. Касаллик МДҲда Латвия, Украина, Молдова, Шимолий Кавказ ва Россиянинг Ноқоратупроқ зонасида қайд этилган.

Заарланган ўсимликларнинг баргларида параллел жойлашган оч-яшил ёки сарик тасмачалар ҳамда тўқ-қўнғир тусли, тўғри ёки баъзан «в» шаклли некротик чизиқчалар ҳосил бўлади. Касаллик белгилари арпа нави ва вирус штаммига боғлиқ ҳолда ўзгарувчан бўлади. Эрта ва кучли заарланган ўсимликлар ўсишдан орқада қолади ва хунук шаклли бошоклар ҳосил қилади.

Заарланадиган ўсимликлар. Вирус билан, арпадан ташқари, буғдой ва шакар маккажўхори (баъзан қилтиқсиз ялтирибош ҳам) заарланади. Уларнинг баргларида оч-яшил ёки оқиш тасмачалар ҳосил бўлади, баъзан барглар бутунлай оқаради. Вируснинг ташувчиси аниқланмаган. Патоген заарланган ўсимликлардан олинган уруғлик дон орқали тарқалади. Заарланган арпа донида вирус ҳаётчанлигини 10 йилгacha сақлаши мумкин. Ўсимликлар қанча эрта заарланса, вируснинг ҳосилга зарари ҳам шунчалик катта (жадвалга қаранг).

Тасмача шаклли мозаиканинг арпа ҳосили ривожланиши ва миқдорига таъсири

Заарланиш пайтида арпа ривожланиши босқичи	Шаклланган донлар сони, %	Шаклланган доннинг ўсувланилиги (хаётчанлиги), %	Шаклланган доннинг вирус билан заарланганлиги, %
2 чин барг	61	44	38
Тупланиш	48	71	44
Гуллаш охири	66	70	0
Назорат (соғлом ўсимликлар)	77	80	0



5-расм. 1.Арпанинг чизик қурама касаллиги - *Barley stripe mosaic virus* 2. *Barley stripe mosaic virus*нинг тузилиши

**Топшириқ.** Гурух тингловчиларини 2 та гурухга бўлиб “Б/Б/Б/” жадвалини тўлдиринг.

Биламан	Билишни ҳоҳлайман	Билиб олдим

#### 4-Топшириқ. Маккажўхорининг жанубий чириш касаллиги билан танишиш

**Дарсни мақсади:** Маккажўхорининг жанубий чириш касаллиги касаллигининг ташқи белгиларини ўрганиш ва касаллик қўзғатувчиларнинг морфологик тузилиши билан танишиш.

**Дарсга зарур жиҳоз ва материаллар:** Касалланган ўсимлик гербарийлари, микроскоп, буюм ва қоплагич ойна, препоравал нина, пипеткалар, пинцетлар.

**Топшириқни бажариш тартиби:** Маккажўхорининг жанубий чириш касаллигининг ташқи белгиларини тафсилотини ёзиб, расмини чизинг.

#### Маккажўхорининг жанубий чириш касаллиги (синоними "жанубий гельмитоспориоз")

Касалликни аскомицетларнинг *Loculoascomycetes* тартиблар гурухи, *Pleosporales* тартиби, *Pleosporaceae* оиласи, *Cochliobolus* туркумига мансуб бўлган *Cochliobolus heterostrophus* тури қўзғатади. Қўзғатувчининг конидиал босқичи анаморф замбуруғлар гурухининг *Hypocreales* синфи, *Hypocreales* тартиби, *Dematiaceae* оиласи, *Bipolaris* туркумига мансуб бўлган *Bipolaris maydis* туридир.

Касаллик тропик ва субтропик иқлими жуда кўп мамлакатларда тарқалган. МДҲ да Шимолий Кавказда, Грузияда ва Шимолий Осетияда қайд

этилган.

Қўзғатувчи замбуруғнинг асосий хўжайин ўсимлиги маккажўҳори; ундан ташқари оқ жўҳори, арпа, шоли, тарик ва кўп турдаги бошоқли ўтлар ҳам заарланади.

Маккажўҳори баргларида олдин эллипс шаклли, кейин узунасига ўсиб, узун тўртбурчак шаклига киравчи, оч-қўнғир тусли, баъзан бироз тўқ-қизил охангли, тўқ-қизил-қўнғир ҳошияли, узунлиги 2,5 см гача бўлган доғлар ҳосил бўлади. Улар баъзан концентрик шакл олади, бир-бирига қўшилиб кетади ва конидиялар ҳосил бўлганида, кулранг тус олади. Қўзғатувчининг Т-ирқи билан заарланган баргларда доғлар атрофида кенг хлороз зоналари ҳосил бўлади, барглар жуда тез нобуд бўлади. Т-ирқи ўсимликларнинг барча қисмларини заарлайди.

Касаллик қўзғатувчи замбуруғнинг учта физиологик ирқи мавжуд – 0, Т ва С. Т-ирқи АҚШ да 1970 йилда техас типидаги оталик бенасллиги фитоплазмасига эга бўлган маккажўҳори навларида миллий эпифитотия қўзғатган ва бу мамлакат жуда катта иқтисодий талафот кўрган. Нормал типдаги ва бошқа хил оталик бенасллиги фитоплазмасига эга бўлган маккажўҳори навлари қўзғатувчининг Т-ирқига чидамли.

Қўзғатувчи замбуруғ уруғлик донда ва ўсимлик қолдиқларида қишлияди. Ўсув даврида патогеннинг конидиялари шамол билан тарқалади.

Замбуруғ ин витро ривожланиши ва конидиялари ўсиши учун оптимал ҳарорат 25-32°C, конидиялар ҳосил бўлиши учун энг қулай ҳарорат 23°C.

Қўзғатувчи замбуруғнинг конидиофоралари якка-якка ёки гурухларда, ясси, тўқ-қўнғир, деярли қора стромалардан ўсиб чиқади, ўлчами 700-1000x5-10 мкм. Конидиялари яққол эгилган, урчуқ шаклли, тузи оч-қўнғирдан тўқтилларанг-қўнғиргача, ўлчами 30-160x10-22 мкм, 2-15 септали, кўпинча 85-98x14-17 мкм, 5-11 септали.

### **Маккажўҳори баргларининг жанубий доғланиш касаллиги**

Касалликни аскомицетларнинг *Loculoascomycetes* тартиблар гурухи, *Pleosporales* тартиби, *Pleosporaceae* оиласи, *Cochliobolus* туркумига мансуб бўлган *Cochliobolus carbonum* тури қўзғатади. Қўзғатувчининг конидиал босқичи анаморф замбуруғлар гурухининг *Hypocreales* синфи, *Hypocreales* тартиби, *Dematiaceae* оиласи, *Bipolaris* туркумига мансуб бўлган *Bipolaris zeicola* туридир.

Географик тарқалиши: Жанубий-Шарқий Европа, Осиё: Камбоджа, Хитой, Ҳиндистон; Африка: Марказий ва Жанубий Африка; Шимолий Америка: АҚШ, Канада; Марказий ва Жанубий Америка: Аргентина, Гватемала, Коста-Рика, Колумбия, Сальвадор; Австралия ва Океания: Австралия, Янги Каледония; МДҲ: Фарбий Грузия, Молдавия, Украина (Карпат орти).

Заарланадиган ўсимликлар. Асосий хўжайин ўсимлик – маккажўҳори. Сунъий заарлаш тажрибаларида патогеннинг айрим изолятлари шоли, тарик, жўҳори ва бир неча бошоқли ўтларни заарлаган.

Касаллик белгилари маккажўҳори ўсимлиги патогеннинг қайси

физиологик ирқи билан заарланганлигига боғлиқ. 1-ирқ билан заарланган маккажүхори баргларида доғлар олдин овал ёки думалоқ шаклли, түқ-яшил, түқ-зайтун ёки оч-қўнғир-сарғиш тусли, кейинроқ улар концентрик шакл олади, атрофида түқ-қизил-қўнғир ҳошия ҳосил бўлади, ўлчами  $2,5 \times 1,5$  см га етади; кейин доғлар кўпинча бир-бири билан қўшилиб кетади. 2-ирқ билан заарланган барглардаги доғлар шоколад-қўнғир тусли, овал ёки нотўғри шаклли, ўлчами  $0,5-2,5 \times 0,15-0,5$  см, баргларда доғлар сони 1-ирқ билан заарланганга кўра анча кам. Ҳар икки ирқ ҳам маккажүхорининг сўталари ва донларини заарлайди, улар замбуруғнинг тўқ-қўнғир, деярли қора тусли мицелийси билан қопланади ва кўмирга ўхшаб қолади.

Кўзғатувчи замбуруғнинг озуқа муҳитларидағи колониялари тўқ-қўнғир, вақт ўтиши билан кўмирдай қора тус оловчи, гифалари қалин қобиқли, кўпинча алоҳида сегментларга бўлинниб кетувчи. Бу мицелий заарланган маккажүхори сўталари ва донига кўмирдай қора тус беради. Конидиофоралари якка-якка ёки кичик гурухларда,  $160-500 \times 5-8$  мкм, базал қисми  $10-15$  мкм гача шишган. Конидиялари эгилган ёки баъзан тўғри, айримлари деярли цилиндр шаклли, аммо кўпчилигининг энг кенг қисми уларнинг ўртасида ва ҳар икки учларига қараб аста-секин ингичкалашган,  $15-125 \times 7-20$  мкм, кўпинча  $60-80 \times 12-16$  мкм, 3-12, кўпинча 5-8 септали, туси зайдун-қўнғир ёки тўқ-қўнғир тусли, вақт ўтиши билан деярли қорамтири-қўнғир, ўртасидан учларига қараб оч тус оловчи ва энг учки хужайралари деярли рангсиз.

Кўзғатувчи замбуруғ мавсумдан мавсумга заарланган уруғлик дон ва ўсимлик қолдиқларидағи мицелий ва конидиялари орқали ўтади. Ўсув даврида экин ичида унинг конидиялари шамол билан тарқалади.

Кўзғатувчи замбуруғнинг иккита физиологик ирқи мавжуд, 1-ирқнинг вирулентлиги 2-ирқнидан юқори. Маккажүхори ўсимликларининг чидамлилиги битта генга боғлиқ ва чидамлилик гени бўлган кўп маккажүхори навлари яратилган. Шу сабабдан, чидамли навлар экиладиган мамлакатлардан АҚШ да ва баъзи бошқа мамлакатларда бу касаллик иқтисодий томондан зарар келтира олмайди.

## **5-Топшириқ. Маккажүхори диплодиози касаллиги билан танишиш**

**Дарсни мақсади:** Маккажүхори диплодиози касаллиги касаллигининг ташки белгиларини ўрганиш ва касаллик қўзғатувчиларнинг морфологик тузилиши билан танишиш.

**Дарсга зарур жихоз ва материаллар:** Касалланган ўсимлик гербариylари, микроскоп, буюм ва қоплагич ойна, препоравал нина, пипеткалар, пинцетлар.

**Топшириқни бажариш тартиби:** Маккажүхори диплодиозикасаллигининг ташки белгиларини тафсилотини ёзиб, расмини чизинг.

### **Маккажүхори диплодиози (қуруқ чириши)**

Касалликни анаморф замбуруғлар гурухининг *Coelomycetes* синфи, *Sphaeropsidales* тартиби, *Spheropsidaceae* оиласи, *Diplodia* туркумига мансуб бўлган *Diplodia zea* тури қўзғатади.

Маккажўхори диплодиози АҚШ ва бошқа мамлакатларда кенг тарқалган, МДХ да Грузиянинг ғарб ва шарқ қисмларида учрайди. Умуман бу касаллик сентябрь ойида ўртача ҳаво ҳарорати  $15^{\circ}\text{C}$  дан юқори ва йиллик ёғингарчилик миқдори 250-300 мм дан кам бўлмаган минтақаларда учрайди. Ўзбекистонда *Diplodia zeae* учрамайди ва ташки карантин объекти ҳисобланади.

Заарланган маккажўхори ўсимликларининг пояларида, асосан пастки бўғимларида ва бўғинлари ёнларида қўнғир доғлар ҳосил бўлади, тўқималари юмшайди ва поя синиши мумкин. Доғларда олдин кичик, нукта шакли, оқ доғлар – пикнидаларнинг муртаклари пайдо бўлади, улар етилиб, қора тусли пикнидаларга айланади. Кишлаган пояларда улар кўплаб ҳосил бўлади. Заарланган баргларда қўнғир доғлар ва баъзан пикнидалар ҳосил бўлади. Барг кўлтифи остида эса кўпинча оқ мицелий ривожланади.



6-расм. Маккажўхорининг диплодиози *-Diplodia zeae*.: 1-касалланган сўта ; 2-касалланган сўтанинг кўндаланг ва бўйига кесиги.

Заарланган маккажўхори сўталарида ўзига хос, характерли белгилар ривожланади – сўтанинг пастки қисми оқ, юмшоқ, момиқ мицелий билан қопланади, бу моғор сўтанинг қобиғига ҳам ўтади. Сўталар буришиб қолади, етилмайди ва мўрт, осон синувчан бўлиб қолади. Камроқ заарланган сўталарда мицелий дон қаторлари орасидаги эгатчаларда ва доннинг остки қисмида ривожланади. Баъзан дон қўнғир тус олиб, мўрт бўлиб қолади, унинг муртак қисмида қора пикнидалар ривожланади.

Юқори намлиқ шароитида кўзғатувчи замбуруғ маккажўхори ўсимликларининг қолдиқларида сапротроф сифатида ривожланади ва уларда пикнидалар ҳосил қиласади. Баҳорда уларнинг ичидан чиқадиган конидиялар кейинги мавсумда экилган маккажўхори майсалари учун бирламчи инфекция манбаи бўлиб хизмат қиласади. Ўсимлик қолдиқларида патоген 3-4 йил сақланиши мумкин. Заарранган дон ҳам бирламчи инфекция манбаи бўлиб хизмат қиласади. Тупроқда патоген сақланмайди, чунки антагонист микроорганизмлар таъсирида тезда нобуд бўлади. Оптималь ҳарорат замбуруғ конидиялари ўсиши учун  $20^{\circ}\text{C}$ , касаллик ривожланиши учун  $28\text{-}30^{\circ}\text{C}$ .  $13^{\circ}\text{C}$  дан

паст ва 35°C дан юқори ҳароратда замбуруғнинг мицелийси ўсишдан тўхтайди. Диплодиоз туфайли маккажўхори ҳосилининг 15 фоизи ёки ундан ҳам кўпроғи йўқотилиши мумкин.

## **6-Топшириқ. Маккажўхорининг бактериал сўлиши касаллиги билан танишиш**

**Дарсни мақсади:** Маккажўхорининг бактериал сўлиши касаллиги касаллигининг ташқи белгиларини ўрганиш ва касаллик қўзғатувчиларнинг морфологик тузилиши билан танишиш.

**Дарсга зарур жихоз ва материаллар:** Касалланган ўсимлик гербариyllари, микроскоп, буюм ва қоплагич ойна, препоравал нина, пипеткалар, пинцетлар.

**Топшириқни бажариш тартиби:** Маккажўхорининг бактериал сўлиши касаллигининг ташқи белгиларини тафсилотини ёзиб, расмини чизинг.

### **Маккажўхорининг бактериал сўлиши касаллиги**

**Қўзғатувчи-*Erwinia stewartii Dye* бактерияси.**

**Зарарланадиган ўсимлик - маккажўхори.**

**Зарари.** Маккажўхорига жуда катта заарар етказади. Касалликка мойил эртапишар навлар экилиши туфайли Шимолий Америка мамлакатларида касаллик тез тарқалган ва экинларни жуда кучли заарраган. Ўсимликлар ўртача даражада зааррланганида ҳосилнинг 20-50 фоизи, экин эрта зааррланганда ҳосил бутунлай (100 фоиз) нобуд бўлган. Касаллик кўп марта эпифитотия шаклида ривожланган. Италияда бактериал сўлиш туфайли маккажўхори ҳосилининг 65 фоизгачаси йўқотилган.


**Касаллик белгилари.** Маккажўхори барча ўсиш ва ривожланиш босқичларида зааррланади. Касаллик типик трахеобактериоз, у ўсимликнинг ўтказувчи системасини зааррлайди; касаллик белгилари маккажўхорининг барча ерусти органларида – барг, поя, рўвак, сўта ва уруғларида намоён бўлади. Майса босқичида ўсимликлар ўсишдан орқада қолади, барглари сўлади, сарғаяди, сўнгра қўнғир тус олади ва қурийди. Касал ўсимликларнинг ички тўқималари қораяди, баъзан поянинг пастки қисми чирийди. Етилган ўсимликларда касалликнинг биринчи белгиси пастки баргларда узунасига жойлашган чизиқсимон, олдин оч-яшил, сўнгра сариқ доғлар пайдо бўлишидан бошланади. Кейинчалик доғлар ўрта ва юқори яруснинг барча поя ва баргларига ўтади. Доғлар устида бактерия экссудати кичик томчилар шаклида пайдо бўлади. Рўваклар вақтидан олдин чиқади ва оқ тусли бўлади. Баъзан барглар экссудат туфайли бир-бирига ёпишиб қолади, рўвак чиқмайди ва поя қийшиқ бўлиб қолади. Кесасига кесилган поянинг томирларидан, бироз вақтдан сўнг, чўзилувчан бактериал шилимшиқ чиқади. Касаллик кучли ривожланганида ва тез кечганида ўсимликлар ёш пайтидаёқ ҳалок бўлади, ёки бўйи жуда паст бўлиб қолади ва ҳосил бермайди. Барглар ҳали поя яшиллигига сўлиб қолади, ўсимлик совуқ урганга ўхшаб қолади. Касаллик секин кечгандан, сўталарнинг пастки қисмида зааррланган, кичик ва буришган уруғлар пайдо бўлади.

**Касаллик қўзғатувчисининг белгилари.** Қўзғатувчи – ҳаракатсиз, таёқча шакли бактерия, катталиги  $1-2 \times 0,5-0,7$  мкм; алоҳида ёки иккитадан қўшилган,

хивчинсиз, грамсалбай, спорасиз, капсуласиз, аэроб. Гүшт-пептон агарида колониялари думалоқ, кичик, атрофи равон, оч-кулранг-сарғиши, сүнгра сарик, секин ўсувчи. Бактерия учун оптимал ҳарорат  $30^{\circ}\text{C}$ , минимум  $8\text{-}9^{\circ}\text{C}$ , максимум  $39^{\circ}\text{C}$ ,  $53^{\circ}\text{C}$ да ҳалок бўлади.

**Касаллик манбалари ва тарқалиши.** Бактерия уруғда, чиримаган ўсимлик қолдиқларида ҳамда қўнғизлар туркумига мансуб бўлган ҳашаротлар – ер бургачаларининг танаси ичидаги қишлияди. Кўпинча заарланган уруғларда, улар кичик ва буришган бўлишидан ташқари, касалликнинг бошқа ташки белгилари кўринмайди. Узоқ масофаларга бактерия уруғ билан тарқалади.

Хўжайин ўсимлик йўклигида бактериялар сакланишида ер бургачалари катта роль ўйнайди. Бу бургачалар тарқалган минтақаларда маккажўхорининг заарланиш даражаси қишиланган бургачалар сонига пропорционал бўлади. Бургачалар ўсимликнинг бирламчи заарланишида ва кейинчалик вегетация даврида тарқалишида иштирок этади. Улар баҳорда маккажўхорининг ёш баргларини кемирган пайтида, ўсимликка бактерияни юқтиради. Бактериясиз бургачалар касал ўсимликда озиқланганида бактерия билан заарланади ва касаллик тарқатувчисига айланади. Касаллик бургачалар учрамайдиган минтақаларда ҳам, мисол учун Италияда, тарқалган.



7-расм. Маккажўхорининг бактериал сўлиши - *Erwinia stewartii* Dye (*Aplanobacter stewartii* Mc. Cull.): 1-соғлам ўсимлик тўпгули; 2-касалланган тўп гул; 3-касалланган барг; 4-бактериоз билан касалланиб буришиб қолган донлар.

Вегетация даврида бактериялар касал ўсимликлардан соғломларига ёмғир томчилари, шамол ва ҳашаротлар воситасида ўтади ва уларнинг тўқимасига барг тешиклари, гидатодалари ва ҳархил механик жароҳатлар туфайли пайдо бўлган “инфекция дарвозалари” орқали кириб олади. Ўсимлик тўқимасига

кирган бактерия, унинг барча қисмлариға, жумладан сўта ва уруғларига ҳам, тарқалади.

**Топшириқ.** Мавзудан ёритилган препаратларни диққат билан ўқинг, сўнг “Т-жадвали”дан фойдаланиб уларнинг афзал ва камчилик томонларини жадалга ёзиб чиқинг.

### **T- жадвал**

<b>№</b>	<b>Афзалликлари</b>	<b>Камчиликлар</b>
1.		
2.		
3.		
4.		

## **З-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ:**

**Шоли, соя ва зигирнинг карантин касалликлари ва уларга  
қарши карантин чора-тадбирлари**

### **1-Топшириқ. Шолининг бактериал куйиши касаллиги билан танишиш**

**Дарсни мақсади:** Шолининг бактериал куйиши касаллигининг ташқи белгиларини ўрганиш ва касаллик қўзғатувчиларнинг морфологик тузилиши билан танишиш.

**Дарсга зарур жиҳоз ва материаллар:** Касалланган ўсимлик гербариylари, микроскоп, буюм ва қоплагич ойна, препоравал нина, пипеткалар, пинцетлар.

**Топшириқни бажариш тартиби:** Шолининг бактериал куйиши касаллигининг ташқи белгиларини тафсилотини ёзиб, расмини чизинг.

### **Шолининг бактериал куйиши**

Касаллик Осиёда Япония, Хитой, Ҳиндистон ва яна 14 та мамлакатда, Африкада 8 та, Шимолий Америкада АҚШ да, Марказий Америкада 6 та, Жанубий Америкада 4 та мамлакатда ҳамда Австралияда тарқалган. МДҲ да Россия ва Украинада қайд этилган. Ўзбекистонда ташқи карантин объекти ҳисобланади.

Касаллик қўзғатувчи бактерия *Xanthomonas campestris* pv. *Oryzae* Dye грамманфий, таёқча шаклли, ўлчами 1,1-2,0x0,4-0,6 мкм, битта поляр хивчинчали, харакатчан. Кўпинча капсула ҳосил қиласи. Культурал-морфологик, биокимёвий ва бошқа белгилари адабиётларда мавжуд (СМИ Дескриптионс ...., Но. 1457). Ўсиши учун ҳарорат оптимуми 25-30°C, 53°C да нобуд бўлади, 5°C дан паст ва 40°C дан юқори ҳароратда ўсмайди.



8-расм. Шоли бактериал күйдиргиси - *Xanthomonas campestris* pv. *oryzae* Dye

Бу бактерия билан шолидан ташқари ёввойи шоли, тариқ, курмак, саломалайкүм, ажриқ ва бир неча бошқа бошоқли ўтлар заарланади.

Заарланган ёш ўсимликлар баргларининг учки қисмларида ва четларида оч-яшилдан кулранг-яшилгача тусли, мойсимон, чизик ва тасмача шаклли доғлар ҳосил бўлади. Кейинроқ улар бир-бири билан қўшилиб кетади, сарғишок тус олади ва четлари тўлқинсимон бўлиб қолади. Барг юзаси доғлар билан тўла қопланиши мумкин, бундай барглар оқиш-кулранг тусга кириб, нобуд бўлади.

Касалликнинг системали шакли мавжуд бўлиб, бунда заарланган бактерия ўсимликнинг ўтказувчи найчаларига киради, у ерда ҳаракатланади, ривожланади ва натижада ўсимлик сўлиб қолади ва қурийди. Юқори ҳарорат ( $\sim 30^{\circ}\text{C}$ ) ва юқори намлик касаллик ривожланиши учун қулай шароит яратади. Бошоқча тангачаларида ноаниқ шаклли доғлар ҳосил бўлади. Доғлар устида экссудат томчилари ҳосил бўлади, улар қуриганида оч-қўнғир-сариқ тусли майда донга ўхшаб қолади.

Касаллик туфайли шоли уруғларининг унувчанлиги пасаяди, майсалари нобуд бўлади, экин сийрак бўлиб қолади, ҳосил пасаяди. Японияда бактериал куйиш туфайли шоли ҳосилининг 10 фоизи йўқотилиши хабар қилинган.

Қўзғатувчи бактерия заарланган уруғлик донда, резерватор ўсимликларнинг ризосферасида, ўсимлик қолдиқларида қишлиайди. Тупроқда сақланмайди. Мавсум давомида заарланган шоли ўсимликлари ва бошқа бошоқли ўтлардан соғлом шоли ўсимликларига шамол, ёмғир ва суғориш суви билан ўтади.

## **2-Топшириқ. Шолининг бактериал тасмача шаклли доғланиш касаллиги билан танишиш**

**Дарсни мақсади:** Шолининг бактериал тасмача шаклли доғланиш касаллигининг ташқи белгиларини ўрганиш ва касаллик қўзғатувчиларнинг морфологик тузилиши билан танишиш.

**Дарсга зарур жиҳоз ва материаллар:** Касалланган ўсимлик гербариylари, микроскоп, буюм ва қоплагич ойна, препоравал нина, пипеткалар, пинцетлар.

**Топшириқни бажариш тартиби:** Шолининг бактериал тасмача шаклли доғланиш касаллигининг ташқи белгиларини тафсилотини ёзиб, расмини

чицинг.

### Шолининг бактериал тасмача шаклли доғланиш касаллиги

Касаллик Осиёда Хитой, Ҳиндистон ва яна 11 та мамлакатда, Африкада 3 та мамлакатда ва Австралияда тарқалган. МДҲ да Росияда қайд этилган. Ўзбекистонда ташқи карантин обьекти ҳисобланади.

Касаллик қўзғатувчи бактерия *Xanthomonas campestris pv.orysicola Dyea* грамманфий, таёқча шаклли, ўлчами  $1,0\text{-}2,5 \times 0,4\text{-}0,6$  мкм, битта поляр хивчинчали, ҳаракатчан. Культурал-морфологик, биокимёвий ва бошқа белгилари адабиётларда мавжуд (СМИ Дескриптионс ...., Но. 1458). Ўсиши учун ҳарорат оптимуми  $25\text{-}28^{\circ}\text{C}$ ,  $8^{\circ}\text{C}$  дан паст ва  $38^{\circ}\text{C}$  дан юқори ҳароратда ўスマйди.

Бу бактерия билан шолидан ташқари ёввойи шоли ва бир неча бошқа бошоқли ўтлар заарланади.

Шоли баргларига бактерия устъицалар ва (айниқса ҳашаротлар ҳосил қилган) механик жароҳатлар орқали киради ва устъица ости ва ҳужайралараро бўлшлиқларда кўпаяди. Вақт ўтиши билан барг паренхимаси ўрнига бактерия тўпламлари ҳосил бўлади. Барг томирчалари орасида тор, тўқ-яшил тусли, тиник, ўлчами ҳар хил бўлган чизиқча ва тасмача шаклли доғлар ҳосил бўлади. Бу доғлар устида майда, қаҳрабо тусли экссудат томчилари мавжуд бўлади. Кейинроқ доғлар бир-бири билан қўшилиб кетади ва катта, қўнғир тусли доғлар пайдо бўлади. Касаллик ривожланишининг сўнгги босқичларида унинг белгиларини бактериал қуиши касаллигининг белгиларидан ажратиб бўлмайди.

Қўзғатувчи бактерия заарланган уруғлик донда, резерватор ўсимликларда ва ўсимлик қолдиқларида қишлияди. Тупроқда сақланмайди. Мавсум давомида заарланган шоли ўсимликлари ва бошқа бошоқли ўтлардан соғлом шоли ўсимликларига шамол, ёмғир ва суғориш суви билан ўтади.



9-расм. Шолининг бактериал тасмачали доғланиши - *Xanthomonas campestris pv. orysicola Dyea*

**Топшириқ.** Пиретроидларгурухига кирувчи инсектицидларнинг хусусиятларини билиш учун юқоридаги мавзу билан танишиб чиқиб “Инсерт усули”дан фойдаланиб жадвални тўлдиринг.

### Инсерт жадвали

V	*	-	?

**V- мен биламан;**  
**\* - янги ахборот;**  
**- - мен билганимга зид;**  
**? - менин үйлантириб күйди.**

### **3-Топшириқ. Сояниңг поя рак касаллиги билан танишиш**

**Дарсни мақсади:** Соя поя раки касаллигининг ташқи белгиларини ўрганиш ва касаллик күзғатувчиларнинг морфологик тузилиши билан танишиш.

**Дарсга зарур жиҳоз ва материаллар:** Касалланган ўсимлик гербариyllари, микроскоп, буюм ва қоллагич ойна, препоравал нина, пипеткалар, пинцетлар.

**Топшириқни бажариш тартиби:** Соя поя раки касаллигининг ташқи белгиларини тафсилотини ёзиб, расмини чизинг.

#### **Соя поясининг раки**

Соя поясининг раккасаллигини *Deutereomyctetes* синфи, *Sphaeropsidales* тартиби, *Sphaeropsidaceae* оиласининг вакили *Diaporthe phaseolorum* (Cke et Ell) Sacc.var *caulivora* Athew et Cadwell тури тамонидан келтириб чиқарилади. Замбуруғ ўсимликнинг хамма ривожланиш фазаларида касаллантиради, айниқса күчатларнинг униш фазасида чиритиб кўп зарар келтиради. Белгилар дастлаб уруғкортак баргда, кейинчалик пояда қизғиши жигар рангдаги ботик доғлар тарзида намаён бўлиб, поя бўйлаб тарқалиб уни ўраб олади, касалланган ўсимлик дастлаб сўлийди ва қуриб қолади. Барглардаги барг томирлари орасида дастлаб оч яшил доғлар хосил бўлиб, кейинчалик жигар ранга киради ва барг қурисада тушиб кетмайди. Ўсимликнинг касалланган жойларида хосил бўлган пикнидий лар қатор бўлиб жойлашади, касалланган қўзоқлар очилиб кетади ва қуриб қолади. Нам ҳаво шароитида касалланган жойларда қўнғир бинафша доғларда хосил бўлади. Шундай белгиларга эга уруғларнинг сифати ва унувчанлиги кескин пасайиб кетади.

Замбуруғларнинг пекнидиялари шарсимон бўлиб ўлчами 112-545x98-385 мкм катталиқда бўлиб, рангсиз, бир хужайрали 2 тадан ёф томчиларини хосил қилади. Халтачалар саккиз спорали бўлиб, ўтроқ, тўғноғиҳимон, чўзинчоқ шаклда бўлиб, ўлчами 30-40x4-7 мкм ни ташкил қилади. Замбуруғнинг халтачали босқичи *Diaporthe phaseolorum* Sacc.var *sojae* деб номланиб *Ascomyctetes* синфи, *Euascomycetidae* кенжা синфи, *Sphaeriales* тартиби, *Valsaceae* оиласининг вакили дейилади. Замбуруғнинг меватаналари ўсимликнинг поясининг қолдиғида тиним даврини кечиргандан кейин, баҳорда иссиқ кунлар келиши билан ривожланади. Инфекция манбайи тупроқда сақланиб, харорат  $25^{\circ}$  С бўлганда споралари униб, тез ривожланади. Хосил бўлган мицелий ва споралар уруғ ва ўсимлик қолдиғида сақланиб, уруғ воситасида тарқалади. Бу замбуруғ касаллантирилган ўсимлик аъзоси юзасида пектиниоспорали пекнидий хосил қилади. Пекнидийларнинг асоси кенг, шарсимон ўлиб, ўлчами 112- 582 x 98- 385 мкм ташкил қилади. Пектиниоспоралар рангсиз, бир хужайрали, урчуқсимон шаклда бўлиб, 4,9 - 9,8 x 1,9- 3,2 мкм ни ташкил қилади. Замбуруғ баъзан халтачали босқичини ўтганда перитецийда халтача ва халтачаспоралар хосил қилади. Перитеций сферик шаклда бўлиб, ўлчами 148- 282 x 185- 346 мкм ни ташкил қилади. Халтачалар тўғноғиҳимон шаклда бўлиб, 8 та халтачали. Халтачаспоралар икки хужайрали, рангсиз, эллипссимон шаклда бўлиб, ўлчами 9,2- 13,5 x 3,3 -5,6 мкм ни ташкил қилади.

Касаллик сояниң уруғдан унган күчтеги, катта ёшдаги ўсимликтарнинг пояси ва илдизини касаллантиради. Касалланган аъзо юзасида дастлаб қўнғир рангдаги доғлар тарзида намаён бўлиб, кейинчалик унинг юзаси ботик доғларга айланади. Пояда доғлар бир бири билан тулашиб уни тўлиқ ўраб олади. Пояниң қорайган қисмини кўндаланг кесиб кўрилса, унинг ўзак қисми қорайиб кетади. Касалланган ўсимлик дастлаб сўлийди кейин куриб қолади. Сўлиган баргалар ўсимлиқда осилиб қолади. Касалланган ўсимлик дуккак хосил қилмайди, хосил бўлган дуккакларда тўлиқ этилмаган уруғлар хосил бўлади.



12-расм. Соя пояси раки - *Diaporthe phaseolorum* Cke et Ell

Касаллик туфайли 40 % хосил нобуд бўлади. Касалланган уруғлар униб чиқмайди. Инфекция уруғда ва касалланган ўсимлик қолдиғида сақланади.

Касалликка қарши курашда қуйидаги тадбирларга амал қилиш керак: касаллик учрайдиган худудлардан уруғлик тайёрламаслик керак; четга чиқарилган уруғлар фитосанитар экспертизадан ўтказилиб, кейин карантин питомникларга экиш керак; бу жойда ўсаётган ўсимликлар майса унганда, ўсиш даврида назорат қилиниши керак. Уруғларни экишдан олдин тигам 46 кг/т, фундазол 3 кг/т микдорда фунгицидлар билан ишлов бериш, чидамли навларни экиш керак.

#### **4-Топшириқ. Сояниң қизил пушти серкаспориоз касаллиги билан танишиш**

**Дарсни мақсади:** Сояниң қизил пушти серкаспориоз касаллигининг ташки белгиларини ўрганиш ва касаллик қўзгатувчиларнинг морфологик тузилиши билан танишиш.

**Дарсга зарур жиҳоз ва материаллар:** Касалланган ўсимлик гербариyllари, микроскоп, буюм ва қоплагич ойна, препоравал нина, пипеткалар, пинцетлар.

**Топшириқни бажариш тартиби:** Сояниң қизил пушти серкаспориоз

касаллигининг ташқи белгиларини тафсилотини ёзиб, расмини чизинг.

Қизил пушти серкаспориоз касаллиги соянинг уруғдан унган кўчатларни, катта ёшдаги ўсимликларнинг поясини касаллантиради. Касалланган майса юзасида дастлаб тўқ пушти рангдаги доғлар тарзида намаён бўлиб, кейинчалик ғадир будир тусга кириб, поя тезда синиб кетади. Касалланган ўсимлик дастлаб ўсишдан орқада қолади. Касалланган барглар ва дуккалар юзасида майда, хар хил шаклдаги, думалоқ қизил қўнғир рагдаги доғлар пайдо бўлади. Касалланган ўсимлик аъзоларидағи доғлар бирлашиб, нам ҳаво шароитида доғлар юзасида қўнғир оқ рангдаги моғор пайдо бўлади. Касалланган уруг юзаси ғадир будур бўлиб уруг пўсти ёрилиб кетади.

Касаллик қўзғатувчиси (*Deuteromycetes*) такомиллашмаган замбуруғлар синфи, *Nyphomycetales* тартиби, *Dematiaceae* оиласига мансуб *Cercospora kikuchii* M. Mats. тури хисобланади. Бу замбуруғ билан касаллантирилган уруг юзасида рангсиз доғлар хосил бўлади. Уруг пўсти ёрилиб, юзаси ғадир будир бўлади. Касаллик ёш майсаларда хосил бўлганда у тезда синиб кетади, ўсимлик ўсишдан орқада қолади. Баргда касаллик белгилари жигар рангдаги майда, 1 см хажмдаги доғлар пайдо бўлади. Нам об- ҳаво шароитида доғлар юзасида мицелий хосил бўлиб кейинчалик, чўзинчоқ, қисман эгилган конидийлар хосил қиласи. Конидийлар рангсиз, чўзинчоқ, асоси тўмтоқ бўлиб, учи ингичкалашган, ўлчами 38,8-44,5x1,3-6,1 мкмни ташкил қилиб, 10-20 та тўсиқчалар хосил қиласи.

Касаллик туфайли 25-30 % хосил нобуд бўлади. Касалланган уруғлар униб чикмайди. Инфекция уруғда ва касалланган ўсимлик қолдиғида сақланади ва шамол, ёмғир воситасида тарқалади.

Касалликка қарши карантин тадбирларига тўлиқ амал қилиш керак. Соя уруғлари хориждан келтирилган тақдирда карантин назоратидан ўтказилиб, касалланган намуналар аниқланган тақдирда шу партиялар йўқ қилиб ташланади. Мухим тадбирлардан бири касаллик ларга чидамли навларни экиш хисобланади.

Экинзорларда алмашлаб экиш қоидаларига амал қилиб буғдой, арпа, жавдар, маккажӯхори экишни йўлга қўйиш, бегона ўтларни йўқ қилиб ташлаш, 4 йилдан кейин соя экиш, ўсимлик қолдиқларини ўз вақтида йўқ қилиш, тупроқни чуқур шудгор қилиш, тупроқдаги инфекция миқдорини кескин камайтиради ва касаллик аниқланган тақдирда касалланган намуналар йигиб олиб яқиндаги карантин инспекциясида лаборатория тахлилидан ўтказилади.

## **5-Топшириқ. Зигирнинг пасмо касаллиги билан танишиш**

**Дарсни мақсади:** Зигирнинг пасмо касаллигининг ташқи белгиларини ўрганиш ва касаллик қўзғатувчиларнинг морфологик тузилиши билан танишиш.

**Дарсга зарур жиҳоз ва материаллар:** Касалланган ўсимлик гербариylари, микроскоп, буюм ва қоплагич ойна, препоравал нина, пипеткалар, пинцетлар.

**Топшириқни бажариш тартиби:** Зигирнинг пасмо касаллигининг ташқи белгиларини тафсилотини ёзиб, расмини чизинг.

## Зиғирнинг пасмо касаллиги

Бу касаллик зиғир ва *Linnit* туркумига мансуб ўсимликларни касаллантиради. Касаллик Европа (Англия, Болгария, Венгрия, Германия, Дания, Полша, Туркия, Франция, Югославия), Осиё (Монголия, Хитой), Шимолий ва Марка-зий Америкада (Канада, АҚШ), Африка (Кения, Танзания, Марокко), Жанубий Америка (Аргентина, Перу, Уругвай), Австралия давлатларида тарқалган бўлиб, Республикамиз учун карантин объект хисобланади.

Бу касаллик *Deutereomyctetes* синфи, *Rycnidiales* тар-тиби, *Hyalosporeae* оиласининг вакили *Mycosphaerella linicola* Naumov тури тамонидан келтириб чиқарилади. Замбуруғ ўсимликнинг хамма аъзоларини: баргини, поясини, қўсагини пастдан юқорига қараб касаллантиради. Касаллик уруғ куртак барглардан хақиқий баргларга, пояга, ғунчасига ва қўсакларига ўтади. Касалланган ўсимлик уруғ куртак баргларида доғлар хосил қилиб улар пикнидияларга айланади. Кейинчалик хақиқий баргларда думалоқ, яшил сарик рандаги доғларни хосил қилади. Ўсимликнинг касалланган пояларидаи доғлар йириклишиб бутун пояни ўраб олади. Кейинчалик доғлар ғунчанинг косача баргларида, ғунчада хосил бўлса, қўсаклар ривожлани шдан орқада қола ди. Касалланган уруғлар юзасида оқ рангдаги дўмбоклар унинг муртак қисмида хосил бўлади. Касаллик мевани касаллантирганда улар қора рангга киради.

Касаллик қўзғатувчиси учта ривожланиш босқичини ўтади: Биринчи босқич замбуруғнинг мицелиал босқичи. Стерим мицелий ўтказувчи тўқималарнинг сув найларида изун ипга ўхшаш шохланмаган мицелий хосил қилиб тарқалаган жойидаги тўқималарни заарлайди.

Конидияли босқичи *Mycosphaerella linicola* деб номланиб, замбуруғ перитецийси қора, думалоқ, шарсимон пик-нидия шаклида хосил бўлади. Конидия бандлар учida юмалоқ шаклдаги шилимшиқ билан ўралган конидиялар хосил бўлади. Перитецийси 40 -150 мкм ўлчамда хосил бўлиб, унинг ичидаги споралар этилади. Споралар ўлчами 11 -17x2,5- 4 мкм



15-расм. Зигирнинг пасмо касаллиги- *Mycosphaerella linicola* Naumov.: 1-касалликнинг ташки барглари: а-касалланган поя; б-касалликнинг кўчатларда намаён бўлиши; в-касалланган кўсаклар; II- касаллик қўзғатувчисининг меватанаси: а-пикнидияси; б-меланколийси; в-конидиялари; г-замбуруғнинг халтачasi; д-аскоспоралар ва конидиялар;

Пикнидияли босқичи *Mycosphaerella linicola* Naumov деб номланиб, споралар сўрғичсимон шаклдаги пикнидияларни хосил бўлади. Пикнидиялар ялтироқ пўстли, учки тўқима лари тешикчалар хосил қиласди. Споралар 20-30 x 1,5- 3 мкм ўлчамда бўлиб, қулай шароитда хосил бўлган мицелий ўсимлик тўқимасидаги шираси билан озиқланади.

Касалликнинг тарқалиши ва пикнидиоспораларни мицелийни ривожланиши учун қулай шароит 24- 25<sup>0</sup> С, минимал харорат 2 -3<sup>0</sup> С, ноқулай харорат 30- 32<sup>0</sup> С. Ўсимликнинг касалланиши учун хавонинг намлик миқдори 69-95 %, харорати 14-25<sup>0</sup>С ни ташкил қиласди. Паст хараоратда хам замбуруғнинг ривожланиши учун ва касаллик белгиларининг пайдо бўлиши учун имконият вужудга келади.

Касалликнинг тарқалиши учун инфекция манбайи пикнидияларда хосил бўладиган споралар хисобланиб, нам хаво, ёғингарчилик вақтида шамол ёрдамида тарқалади. Заарланган жойга тушган инфекция ўсиш найчаларини хосил қилиб, поя бўйлаб тарқалади. Инфекция тупроқда бир неча йил давомида сақланиб, агротехник тадбирлар тўғри қўлланилганда инфекция 4 йилда йўқ бўлиб кетади.

#### **4-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ:**

**Картошка, кунгабоқар ва лавлагиниг карантин касалликлари  
ва уларга қарши карантин чора-тадбирлари.**

##### **1-Топшириқ. Картошканинг рак касаллиги билан танишиш**

**Дарсни мақсади:** Картошканинг раккасаллигининг ташки белгиларини ўрганиш ва касаллик қўзғатувчиларнинг морфологик тузилиши билан танишиш.

**Дарсга зарур жиҳоз ва материаллар:** Касалланган ўсимлик гербариyllари, микроскоп, буюм ва қоплагич ойна, препоравал нина, пипеткалар, пинцетлар.

**Топшириқни бажариш тартиби:** Картошканинг раккасаллигининг ташки белгиларини тафсилотини ёзиб, расмини чизинг

## Картошканинг рак касаллиги

**Құзғатувчи:** *Synchytrium endobioticum* (Schilb.) Perc., *Archimycetes* синфи, *Muchochitridiales* тартиби, *Synchytriaceae* оиласига мансуб бўлган тубан замбуруғ

Ўзбекистонда бу касаллик мавжуд эмас, аммо унинг дунёда ёғингарчилик миқдори ҳархил – йилига 2000 ммдан (Япония) 500 ммгача (Мальта) – бўлган минтақаларда тарқалиши, картошка раки Ўзбекистонга кириши хавфини туғдиради.

**Заарланадиган ўсимликлар.** Картошка ва бошқа итузумдошлар оиласига кирадиган 15 та турга мансуб ўсимликлар заарланади, жумладан помидор ва қора итузумда ривожлана олади.

**Зарари.** Картошка раки қўзғатувчисининг тупроқда “тиним” ҳолатида кўп йиллар давомида сақлана олиши ва тупроқни ундан тозалаш қийинлиги бу касаллик картошка етиштиришга жиддий хавф туғдиришига олиб келган. Заарланган туганаклар тезда ва бутунлай чириб кетади. Касаллик, айниқса картошка ҳар йили айни далага экиладиган шахсий томорқаларда, ҳосилга катта талафот етказади. Баъзи йиллари ҳосилнинг 40-60 фоизи, баъзан эса 100 фоизи картошка раки туфайли далаларда йўқотилади. Омборхоналарда заарланган туганакларнинг кўпчилиги чириб кетиши мумкин.

**Касаллик белгилари.** Картошканинг туганак ва илдизининг шохчалари, камроқ ҳолларда поя ва барглари заарланади. Касалликка ҳос бўлган белги – ўсимликнинг заарланган органларида катта шишлар пайдо бўлишидир. Улар ёш тугунакларнинг устида барча жойларида, каттароқ туганакларнинг эса кўпинча кўзчалари ёнида ривожланади. Рак олдин сал шишган ва рангиз шишчалар сифатида кўринади; у айниқса қобиғи рангли бўлган туганакларда яққол кўзга ташланади. Заарланган илдиз шохчаларида туганаклар ҳосил бўлмайди ва улар ўсишни давом эттиради; уларнинг устида 4-5та шишдан иборат бўлган занжирчалар пайдо бўлади. Пояда шишлар кўпинча илдизга яқин қисми – илдиз бўғзида, баргларда эса уларнинг қўлтиғида, кам ҳолларда барг устида ҳосил бўлади. Шишлар ўсиб кетган тўқима ва унинг ҳужайралари ичидаги катта қрахмал заҳираси ва касаллик қўзғатувчи замбуруғдан ташкил топган. Шишларнинг тузи олдин оқиши, сўнгра қўнғир, баъзан қора, усти ғадир-будур (рангли карам гулбошиги ўхшаш), катталиги нўхатчадан картошка туганагича ёки ундан ҳам каттароқ. Шишлар тупроқ намлиги ва ҳархил сапротроф микроорганизмлар таъсирида тез чириб, шилимшиқ, қўланса ҳидли массага айланади.

Оддий шаклидан ташқари касалликнинг Зта бошқа шакли бор. Баргсимон шакл -картошка туганакларининг қўзчаларининг тангачалари ўсиб, хунук, этли баргчалар ҳосил қилиши; калмаразсимон шакли - туганаклар усти ярачалар ёки пўстлоқчалар билан қопланиши, ва бурма (гофрировка қилинган) шакли - туганаклар усти қат-қат бўлиб, буришиб қолиши билан таърифланади. Бу шакллар қузатилганда туганакларда катта шишлар пайдо бўлмайди.

**Касаллик қўзғатувчиси, унинг белгилари ва ривожланиши.** Қўзғатувчи – облигат паразит, *Archimycetes* синфи, *Muchochitridiales* тартиби, *Synchytriaceae*

оиласига мансуб бўлган *Synchytrium endobioticum* тубан замбуруғидир. Кузга қараб шишлиар ичида “ухловчи” споралар – Зта қобиқли қишки цисталар пайдо бўлади. Улар думалоқ шаклли, қизғиш-сариқ ёки сарғиш-жигарранг тусли, диаметри 50-80 мкм. Баҳорда уларнинг ичида зооспоралар пайдо бўлади. Зооспоралар рангсиз, тухум ёки нок шаклли, катталиги 2-2,5 мкм, узунлиги 10-25 мкм келадиган 1та хивчини бор. Улар 1-2 соат сув томчиси ичида ҳаракатланади ва бу вақт орасида картошка туганаклари кўзчалари ва куртакларининг тўқимасига киради, хивчинчасини йўқотади ва амёбоид шаклига киради.

Амёбоид 2 қаватли қобиқ ҳосил қилади ва просорус деб аталувчи вегетатив танаҷалар ҳосил қилади. Просорус 1 ядроли, у ўсади ва хужайра ичида халтачасимон ўсимта – сорус пайдо қилади. Просорусдан сорусга цитоплазма ва ядро оқиб ўтади, кўп марта бўлинади ва 4-9та кўп ядроли бўлакчалар – зооспорангийлар ҳосил қилади. Зооспорангийлар ичида 200-300та зооспора ривожланади, улар чиқиб тарқалади ва ўсимликларни заарлайди. Бу ривожланиш цикли 10-14 кунда ўтади; бир мавсумда замбуруғ 12тacha авлод беради.

Кузга қараб зооспоралар 2 тадан жуфтлашади ва зигота ҳосил қилади. Зигота 2 та хивчинини сақлаб қолади, ҳаракатланиб, ўсимлик тўқимасига киради, 2 қаватли қобиқ ва унинг устида тўқима хужайраларидан ҳосил бўлган Знчи қобиқ ҳосил қилади, қишки цистага айланади. Қишки циста думалоқ ёки сал овал шаклли, рангсиз, юпқа оч-сариқ қобиқли, диаметри 50-80 мкм.



13-расм. Картошканинг раки - *Synchytrium endobioticum* Pers.

**Касаллик манбалари ва тарқалиши.** Картошка ракининг асосий манбалари – заарланган туганаклар ва тупроқдир. Касаллик асосан картошка туганаклари, заарланган далада етиштирилган бошқа илдизмева ва пиёзбошлар ҳамда қишлоқ хўжалик ускуналари, қоплар ва тара воситисида тарқалади; уларга ичида замбуруғнинг қишки споралари мавжуд бўлган тупроқ заррачалари ёпишган бўлиши мумкин. Қишки споралар мол ичидан ўтганда ҳам тирик қолиши, патоген гўнг билан тарқалиши мумкинлигидан далолат беради.

Қишки цистанинг “ухлаш” даври 70 кун ёки кўпроқни ташкил этади. Улар об-ҳаво факторларига чидамли, 83°C да 2 кун ва 100°C да 1 соат давомида

ҳалок бўлмайди, тупроқда 60-70 см чуқурликда (кислород кам бўлган мухитда) 10-13 йилгача ҳаётчанлигини сақлаши мумкин. Ҳарорат 5-23°C (оптимум 15-18°C), намлик 60-80%, pH 3,9-8,5 бўлганида ва кислород мавжудлигида ўсади.

Замбуруғ картошқа тўқимаси ҳужайралари тез-тез бўлиниши ва тўқима ўсиб кетишига олиб келади, натижада шишлар ривожланади. Шишлар катталиги картошқа навларининг касалликка мойиллиги даражасига боғлиқ – мойил навларда шишлар каттароқ, чидамлиларида кичикроқ бўлади. Замбуруғнинг 10тадан кўпроқ физиологик ирқлари аниқланган; картошқа навлари орасида мойил (чидамсиз), кам ва ўта чидамли (иммун)лари мавжуд.

### **Картошқа барг томирининг сарғайиши.**

Касаллик белгилари дастлаб пастки яруслардаги баргларда, кейинчалик ўрта яруслардаги барг томири атрофида нек розли қорамтири доғлар кейинчалик қорамтири нуқталарга айланади. Бу доғлар дастлаб майда барг томирларида кейин чалик йирикларида ва барг томирида, пояда хосил бўлади. Барглар қорайиб, қурий бошлайди ва пояда осилиб қолади.

Касалликни *Potato vein yellowing virus* келтириб чиқаради. Ўсимлик шираси таркибида вирус 20 ° С ҳароратда 12 кун давомида сақланиб қолади. Ширалар ва механик заарланган жойга тушган ўсимлик шираси воситасида тарқалади. Картошқа хосилдорлигини кескин камайишига сабаб бўлади.

### **2-Топшириқ. Картошқа нематодалари касаллиги билан танишиш**

**Дарсни мақсади:** Картошқа нематодалари касаллигининг ташқи белгиларини ўрганиш ва касаллик қўзғатувчиларнинг морфологик тузилиши билан танишиш.

**Дарсга зарур жиҳоз ва материаллар:** Касалланган ўсимлик гербариylари, микроскоп, буюм ва қоплагич ойна, препоравал нина, пипеткалар, пинцетлар.

**Топшириқни бажариш тартиби:** Картошқа нематодалари касаллигининг ташқи белгиларини тафсилотини ёзиб, расмини чизинг

### **Картошканинг олтинранг нематодаси**

Қўзғатувчи *Globodera rostochiensis* (Woll.) Behrens. нематодаси (синоним *Heterodera rostochiensis* Woll.), думалоқ қуртлар – *Nemathelminthes* типи, думалоқ қуртлар, ёки нематодалар – *Nematoda* синфи, тиленхидлар – *Tylenchida* отряди, хархилтерили нематодалар – *Heteroderidae* оиласига мансуб.

**Заарланадиган ўсимликлар:** Картошқа, помидор, қалампир, қора итузум, мингdevона.

**Зарари:** Картошканинг олтинранг нематодаси асосан картошқа, помидор ва қалампирнинг илдизларини, кам даражада – картошқа туганакларини заарлайди ва ўсимликларнинг шираси билан озиқланади. Касаллик тарқалган жойларда картошкага катта зарар келтиради, ҳосилниниг 70 фоизгачасини нобуд қиласида. Латвияда баъзи далаларда ҳосилнинг 84 фоизи йўқотилган.

Айниқса ҳар йили картошка экиладиган шахсий томорқаларда катта заар келтиради.

Нематоданинг заари тупроқ унинг пропагулалари (личинкалари ёки цисталари) билан заарланиши даражасига боғлиқ: 100 см<sup>3</sup> тупроқда нематоданинг 2000та пропагуласи бўлса, энг камидаги ҳосилнинг 10 фоизи, 4000 пропагула кузатилганида эса, деярли 25 фоизи йўқотилади.



14-расм. Картошканинг олтинранг нематодаси ва у заарлаган ўсимлик

**Касаллик белгилари** характерли эмас - кучли заарланган картошка ўсимлеклари секин ўсади ва ривожланади, факат 1-3 поя беради; иондан бошлаб, пастки барглари, сўнгра ўрта ва кейин юқори ярус барглари, кейинчалик эса бутун ўсимлик сўлади. Туганаклар сони камаяди, майда бўлиб қолади, ёки улар умуман ривожланмайди. Далаларнинг нематодалар жуда кўп тарқалган жойларида картошка экинлари паст, заиф, сарғайган бўлиб, уларнинг “ўчоқлари” атрофдаги ўсимлеклардан кескин ажралиб туради.

Озуқа моддаларга бой тупроқда ҳамда кам заарланган ўсимлекларда касаллик белгилари камаяди ёки кузатилмайди. Нематода енгил, ғовак, кислородга бой тупроқларда, ёзда ёғингарчилик кўп кузатиладиган минтақаларда ва картошка ҳар йили ўша далаларга қайта экиладиган жойларда яхши ривожланади. Нематодаларнинг энг кўпчилиги тупроқнинг устки 10-20 см лик қатламида жойлашади.

**Касаллик қўзгатувчисининг белгилари:** Урғочи нематода шарсимон думалоқ, бироз лимон шакли, бош қисми бўйинчали; оғиз қисмида ингичка стилети бор, унинг асоси уч бўлакдан иборат бўлган шиш шакли. Бўйин қисмида бульбуси мавжуд. Танасининг узунлиги жуда ўзгарувчан: 0,13-1,0 мм ёки узуроқ, кенглиги 0,1-1,0 мм. Етилган урғочи зотнинг ичидаги 50 тадан 1400тагача ёки ундан ҳам кўпроқ тухумлари бўлади. Эркак нематодалар чувалчанг шакли, узунлиги 0,9-1,23 мм, кенглиги 0,25-0,3 мм; оғиз қисмида узунлиги 0,16 ммгача келадиган стилети мавжуд. Тухуми овал шакли, учлари тўмтоқ. Янги чиқсан личинкасининг узунлиги 0,35-0,52 мм, кенглиги 0,018-0,025 мм. Бош қисмида стилети, бўйин қисмида бульбуси бор.

**Баъзи бошқа нематодаларнинг белгилари:** Картошка туганакларида олтинранг нематодадан ташқари поя (*Ditylenchus destructor* Thorne) ва сохта поя (*Hexatylus viviparus* Goodey) нематодалари учраши мумкин. Олтинранг

нематодадан фарқли ўлароқ, бу нематодаларнинг урғочиси ҳам, эркаги ҳам чувалчанг шаклли. Картошка илдизи ва туганакларини галл нематодалари (*Meloidogyne* spp.) ҳам заарлайди. Унинг ургочилари ноксимон-думалоқ шаклли, бутунлай тўқима ичида яшайди ва илдизларда галлар пайдо қиласди. Бошқа, ўхшаш турлардан (*Heterodera punctata* Thorne, *H. leptoneuria* Cobb et Taylor, *Heterodera tabacum* Lowns. et Lowns., *H. millefolii* Kirjanova et Krall ) олтиранг нематодани ажратишда уларнинг цисталарининг шакли, қобиғи ва анал-вулвар пластинкасининг тузилиши таҳлил қилинади.

**Касаллик қўзгатувчисининг биологияси:** Нематода тупроқда цисталари ичидаги тухумлари воситасида қишлоғиди. Баҳорда тупроқда қулай ҳарорат (15-16°C) ва намлик кузатилганда, цисталаридаги тухумлардан личинкалар чиқа бошлайди; улар бутун мавсум давомида чиқаверади. Цисталарнинг бир қисмидаги тухумлар диапауздан чиқмайди ва 10 йилгача ёки ундан ҳам кўпроқ вақт давомида “ухлаш” ҳолатида бўлади. Тухумдан чиқкан личинкалар картошканинг ёш илдизларига киради; ёзда улар ёш туганакларга ҳам ҳужум қиласди. 30-35 кун давомида личинкалар озиқланади, бирнече марта туллайди ва етук зотларга айланади. Ёш урғочи лимон шаклли ва оқ тусли. Улар илдиз қобиғини ёради ва ташқарига ўзларининг орқа қисмини чиқаради; бош қисми тўқима ичида қолади. Урғочи нематодалар жинсий етилганда, етилган эрқаклари личинкалик қобиғини ёриб ташқаридаги тупроққа ўрмалаб чиқади, 2-4 ҳафта яшайди ва шу вақт ичида урғочиларини топади, оталантиради ва ҳалок бўлади.

Оталангандан сўнг урғочи зотнинг қобиғи қалинлаша бошлайди, олтинранг-сариқ, кейинчалик қизғиши тус олади; кузга қараб улар ичи тухумларга тўла, ташқи муҳит факторларига ўта чидамли бўлган, жигарранг-қўнғир тусли цисталарга айланади. Цисталар тўқимадан ажралиб, тупроққа тушади.

Тупроқда циста ичидаги тухумлар 10 йилдан ҳам кўпроқ ҳаётчанлигини йўқотмайди. Баҳорда улардан личинкалар чиқади ва ривожланиш цикли давом этади.

Бир авлод ривожланиши 30-70 кунда ўтади. Нематода 1 мавсумда 1та ёки 2та авлод беради.

**Касаллик манбалари ва тарқалиши:** Олтинранг нематода барча ривожланиш босқичларида, картошка туганаклари, цисталар билан заарланган тупроқ заррачалари, илдизмевалар, пиёзбошлар, манзарали экинлар ва бошқа ўсимликлар, тара, қ.х. асбоб-ускуналари, одамларнинг оёқ кийимлари, ҳайвонлар ва транспорт воситалари орқали тарқалади.

### Картошканинг нимранг нематодаси

Қўзгатувчи *Globodera pallida* (Stone) Mulvey et Stone. нематодаси, думалоқ қуртлар – *Nemathelminthes* типи, думалоқ қуртлар, ёки нематодалар – *Nematoda* синфи, тиленхидлар – *Tylenchida* отряди, ҳархилтерили нематодалар – *Heteroderidae* оиласига мансуб.

**Зарарланадиган ўсимликлар:** Кartoшка ва бошқа итузумдошлар оиласига мансуб ўсимликлар.

**Зарари:** Кartoшканинг нимранг нематодаси, тупроқ унинг цисталари билан заарланиши даражаси билан боғлиқ ҳолда, ҳосилнинг 50-90 фоизи йўқотилиши ёки ҳатто бутунлай нобуд бўлишига олиб келади. Касалликка чидамли навлар мавжуд эмас..

**Касаллик белгилари:**характерли эмас ва олтинранг нематодасиники билан бир хил – ўсимликлар ўсишдан орқада қолади, пастки барглари жигарранг тус олади ва тўкилади, гулларининг сони камаяди ёки улар умуман ривожланмайди, туганаклар кам миқдорда ривожланади ва майдада бўлиб қолади.

**Касаллик қўзгатувчисининг биологияси:** Нимранг нематоданинг цисталари олтинранг нематоданикidan фенестрасининг шакли, баъзи бошқа микроскопик белгилари ва циста ривожланиш даврида олтинранг босқичи мавжуд эмаслиги билан фарқланади. Бунда циста олдин оқ ёки оч тусли бўлиб, сўнgra қўнғир тус олади.

Нимранг нематоданинг цисталари, ичидаги тухумлари билан, тупроқда қишлияди. Баҳорда картошка экилгандан сўнг, унинг илдизидан чиқсан метаболитлар таъсирида, личинкалар цистадан чиқади ва ўрмалаб илдизни топади ва унинг ичига киради. Улар озиқланади, туллайди ва етук зотга айланади. Ичida тухумлар ривожланган урғочилари думалоқ шакл олади, эркаклари эса чувалчангсимон шаклида қолади. Урғочи зотлар илдиз қобиғини ёради ва ташқарига ўзларининг орқа қисмини чиқаради; бош қисми илдиз тўқимаси ичida қолади. Урғочи нематодалар жинсий етилганда, етилган эркаклари личинкалик қобиғини ёриб ташқаридаги тупроққа ўрмалаб чиқади, урғочиларини топади ва оталантиради. Урғочи зотларнинг ичida тухумлар ривожланиб, улар цисталарга айланади; цисталар тўқимадан ажралиб, тупроққа тушади ва қишлияди. Хўжайн ўсимликлар мавжуд бўлмаганида, цисталар тупроқда кўп йил сақланиши мумкин.

Нимранг нематоданинг Зта типи (ирқлари) мавжуд бўлиб, уларни бир-биридан ажратиш учун ҳархил *Соланум* турлари ва дурагайларини сунъий зарарлаш усули қўлланилади.

### Кartoшканинг сохта галл нематодаси

Қўзгатувчи *Nacobbus aberrans* Golden et ... нематодаси, думалоқ қуртлар – *Nemathelminthes* типи, думалоқ қуртлар, ёки нематодалар – *Nematoda* синфига мансуб.

**Зарарланадиган ўсимликлар:** Кartoшка ва бошқа итузумдошлар оиласига мансуб ўсимликлар.

**Зарари:** Ҳозирликча нематоданинг зарари ҳақида маълумотлар тўплланмаган.

**Касалликнинг белгилари**характерли эмас – ўсимликлар заиф бўлиб қолади, бўйи пасаяди. Илдизларида маржонга ўхшаб тизилган галлар пайдо бўлади.

**Касаллик қўзгатувчисининг биологияси:** Сохта галл нематодаси картошка туганаклариниг қобиғи остида кўзга ташланмасдан сақланиши ва

унинг тутанаклар қобигига ёпишган қуруқ тупроқ заррачаларида сақланиш қобилияти бу нематода кенг тарқалишига имкон яратади.

**Топшириқ.** Гурӯх тингловчиларини 2 та гурӯхга бўлиб “Б/Б/Б/” жадвалини тўлдиринг.

Биламан	Билишни ҳоҳлайман	Билиб олдим

### **3-Топшириқ. Кунгабоқар поясининг фомопсис-кулранг доғланиш касаллиги билан танишиш**

**Дарсни мақсади:** Кунгабоқар поясининг фомопсис-кулранг доғланиш касаллигининг ташқи белгиларини ўрганиш ва касаллик қўзғатувчиларнинг морфологик тузилиши билан танишиш.

**Дарсга зарур жиҳоз ва материаллар:** Касалланган ўсимлик гербариyllари, микроскоп, буюм ва қоплагич ойна, препоравал нина, пипеткалар, пинцетлар.

**Топшириқни бажариш тартиби:** Кунгабоқар поясининг фомопсис-кулранг доғланиш касаллигининг ташқи белгиларини тафсилотини ёзиб, расмини чизинг.

**Кунгабоқар поясининг фомопсис-кулранг доғланиш касаллиги**  
Кунгабоқарнинг бу касаллигининг қўзғатувчиси Ўзбекистон учун карантин объект ҳисобланади.

Касалликни Ҳақиқий замбуруғларнинг Ascomycota (Аскомикота) бўлими, Euascomycetes (Эуаскомицетес) синфи, Pyrenomycetes (Пиреномицетес) тартиблар гурӯхи, Diaporthales (Диапорталес) тартиби, Diaportaceae (Диапортacea) оиласи, *Diaporthe* (Диапорте) туркумига кирувчи *Diaporthe helianthi* (Диапорте ҳелиант) туридир.

Анаморфаси Ҳақиқий замбуруғларнинг Anamorphic fungi (Анаморф замбуруғлар) бўлими, Coelomycetes (Целомицетес) синфи, Sphaeropsidales (Сферопсидалес) тартиби, Sphaeropsidaceae (Сферопсидаца) оиласининг *Phomopsis* (Фомопсис) туркумига мансуб бўлган *Phomopsis helianthi* (Фомопсис ҳелиант) туридир.

**Зараарланадиган ўсимликлар.** Кунгабоқар, бегона ўтлардан ёввойи кунгабоқар турлари ҳамда ғўзатиканнинг бир тури *Diaporthe helianthi* Munt.

**Касаллик белгилари ўсимликлар** 4-12 барг чиқарганида намоён бўлади. Олдин кунгабоқарнинг пастки баргларининг четларидан марказий томир бўйлаб барг асосига тарқалувчи, учбурчак ёки нотўғри шаклли, тўқ-қўнғир тусли, хлоротик ҳошияли доғлар ҳосил бўлади. Пастки ва ўрта ярус баргларида доғлар одатда гуллаш fazасидан кейин қузатилади. Кучли заарланган барглар тезда сўлиб, қурийди ва пояларда осилиб қолади. Заарланган баргларнинг бандларидан касаллик пояга, кейинроқ эса саватчаларга ҳам ўтади. Доғларнинг

аксарияти барг қўлтиқларида ҳосил бўлади. Улар кичик, қўнғир тусли, ботик шакли. Чидамсиз навларнинг поя ва саватчаларида оч-қўнғир, чидамли навларда эса тўқ-қўнғир тусли некротик доғлар ҳосил бўлади. Улар тез ўсади ва пояни халқа шаклида ўраб олиши мумкин. Алоҳида доғларнинг узунлиги 15-20 см га етиши мумкин. Кейинроқ доғларнинг ўрта қисмлари оч тус олади, аммо атрофида тўқ-қўнғир туси сақланиб қолади. Патоген доғлар остидаги поя ўзагининг тўқималарини емиради. Поялардаги доғларда қора нуқталар – қўзғатувчи замбуруғнинг пикнидалари ҳосил бўлади. Касаллик ривожланишининг охирги босқичи – бутун ўсимлик сўлиб қолишидир.

**Қўзғатувчининг белгилари.** *Diaporthe helianthi* Munt. Пикнидалари шар шакли, тўқ-қўнғир тусли, диаметри 120-320 мкм, кўпинча тўла эпидермис остида, ташқарига оғизчаси билан очилувчи. Пикнида ичида икки хил конидиялари ривожланади: α-конидиялар ва β-конидиялар. Баъзан пикнида ичида фақат бир типдаги (бета-) конидиялар мавжуд бўлиши мумкин ёки уларнинг кўпчилигини бета-конидиялар ташкил қиласи. Улар бир ҳужайрали, рангсиз, таёқча ёки ип шакли, учлари думалоқлашган, тўғри ёки эгилган, 17-42x0,5-2,7 мкм. Альфа-конидиялар пикнида ичида доим ҳосил бўлмайди, улар бир ҳужайрали, рангсиз, ўлчами 6,4-11,8x1,8-2,5 мкм.



16-расм. Кунгабоқар меваси ва поясининг қулранг доғланиш касаллиги - *Diaporthe helianthi* Munt.

*Diaporthe helianthi* Munt. босқичи. Перитецийлари кўпинча заарланган ўсимликларнинг пояларининг эпидермис тўқималари ичида якка-якка ёки гурӯхларда, шар ёки нотўғри шар шакли, сарғиш, қўнғир, тўқ-қўнғир ёки деярли қора тусли, етилганида субстратдан узун бўйинчалари билан чиқувчи, диаметри 90-480 мкм, бўйинчаси жуда узун – 260-1340 мкм, эни асосида 105,5 мкм, учида 52,5 мкм. Ҳар бир перитеций ичида кўплабхалтачалар ҳосил бўлади. Улар рангсиз, узунчоқ-эллипсоид ёки кенг субцилиндр шакли, ўлчами 37-60x5,8-12 мкм, кўпинча 47-50x7,8-8,5 мкм. Ҳар бир халтача ичида 8 та аскоспора икки қаторда жойлашади. Аскоспоралари икки ҳужайрали, септадан

сал тортилган, эллипсоид ёки субцилиндр шаклли, рангиз, ўлчами 9,6-17x2,2-7,5 мкм, кўпинча 12,5-14,5x3,2-4,8 мкм.

**Касаллик ривожланиши.** Касалликнинг бирламчи манбаалари тупроқ устида қолган заарланган ўсимлик қолдиқларида сақланувчи мицелий ва перитецийлариридир. Ўсимлик қолдиқларида перитецийлар қиши охирида ҳосил бўлади, эрта баҳорда етилади ва улардан чиқсан аскоспоралар ўсимликларда бирламчи инфекция қўзғатади. Аскоспоралар перитеций бўйинчасининг учидаги сарғиш шилимшиқ томчига чиқади. Ёмғир томчисида шилимшиқ эрийди ва ёмғир томчилари ҳамда шамол ёрдамида аскоспоралар ўсимлик баргларига тушади. Барглар заарланишидан кейин 25-30 кун ўтга, инфекция пояларда намоён бўлади. Демак, гуллаш фазасида пояларда доғлар ва доғларда пикнидалар ҳосил бўлади. Пикнидалар ичида ҳосил бўлган бета-конидиялар ўсимликни заарлаш қобилиятига эга эмас. Ўсув даврида ўсимликтан ўсимликка инфекция қандай усулда тарқалиши номаълум.

Биринчи перитецийлар қишдан кейин ҳаво ҳарорати 10°C га етганида қайд этилади. Аскоспоралар ўсимлик баргларини заарлаши учун оптимал ҳарорат 25°C ва ҳаво намлиги 90% ва юқорироқ. Бундай шароитда пикнидалар 7-10 кун ва перитецийлар 26 кундан кўпроқ вақт ўтганида ҳосил бўлади. Касаллик кучли ривожланиши учун 20-25°C ҳароратда вақти-вақти билан ёмғир ёғиб туриши талаб этилади.

Инфекция кунгабоқар уруғларида ҳам сақланиши ҳамда экинга ёввойи кунгабоқар турларидан ўтиши мумкин.

Касалликнинг экинга зарари катта. Касаллик кенг тарқалган минтақаларда, жумладан Молдова, Украина ва Россиянинг Шимолий Кавказ минтақасида касаллик кучли ривожланганида ҳосилнинг 46% дан кўпичи ўқотилиши мумкин. Заарланган саватчалар ўлчами ва уруғларининг оғирлиги камаяди. Европада бу касаллик кунгабоқарнинг энг хавфли касалликлари қаторига киради ва патоген учун оптимал шароит кузатилганида уруғ ҳосили 10-50% га, уруғдаги мой миқдори 10-15% га камаяди.

**Топшириқ.** Кластер усулидан фойдаланиб кунгабоқар касалликлари харитасини тузинг

#### **4-Топшириқ. Лавлагининг кумиши ранг доғланиш касаллиги билан танишиш**

**Дарсни мақсади:** Лавлагининг кумиши ранг доғланиш касаллигининг ташки белгиларини ўрганиш ва касаллик қўзғатувчиларнинг морфологик тузилиши билан танишиш.

**Дарсга зарур жихоз ва материаллар:** Касалланган ўсимлик гербариyllари, микроскоп, буюм ва қоплагич ойна, препоравал нина, пипеткалар, пинцетлар.

**Топшириқни бажариш тартиби:** Лавлагининг кумиши ранг доғланиш касаллигининг ташки белгиларини тафсилотини ёзиб, расмини чизинг.

#### **Лавлагининг кумиши ранг доғланиши**

Касаллик қўзғатувчиси *Corynebacterium betaе* бактерияси хисобланиб, Европада, Англияда кенг тарқалган. Касалликнинг ташқи белгилари ўсимлик баргидга, поясидаги илдизмевасида намаён бўлади. Дастребаки белгилар баргда намаён бўлиб, барг қиррасида ва барг томири атрофида кумуш ранг доғлар пайдо бўлади. Кейинчалик доғлар бутун барг юзасини қоплаб олиб, юзасида ёриқлар пайдо бўлади ва қуриб қолади. Илдизмевалар чирий бошлайди ва ўсимлик бир неча кунда қуриб қолади.



17 -расм. Лавлагининг кумуш ранг доғланиши- *Corynebacterium betaе*

Касаллик қўзғатувчи *Corynebacterium betaе* бактерияси хисобланиб, ўлчами 0,8- 1,6 x0,3- 0,5 мкм катталик даги таёқча хосил қиласди. У 22 -25<sup>0</sup> С хароратда яхши ривожланса, 55<sup>0</sup> С да нобуд бўлади. Касаллик асосан уруғ ва туганаклар орқали тарқалиб, 75 % хосилни нобуд қиласди.

**Карантин тадбирлари:** касалланган уруғларни тупроқ қа экиш мумкин эмас; агротехник тадбирларга амал қилиш; уруғликни 5 кг/т микдорида гранозан ёки 300 мг/мл микдорида стрептомицин билан ишлов бериш крак.

## **5-Топшириқ. Лавлагининг бактериал доғланиш касаллиги билан танишиш**

**Дарсни мақсади:** Лавлагининг бактериал доғланиш касаллигининг ташқи белгиларини ўрганиш ва касаллик қўзғатувчиларнинг морфологик тузилиши билан танишиш.

**Дарсга зарур жиҳоз ва материаллар:** Касалланган ўсимлик гербариylари, микроскоп, буюм ва қоплагич ойна, препоравал нина, пипеткалар, пинцетлар.

**Топшириқни бажариш тартиби:** Лавлагининг бактериал доғланиш касаллигининг ташқи белгиларини тафсилотини ёзиб, расмини чизинг.

## **Баргнинг бактериал доғланиши**

Касаллик барча лавлаги етиштириладиган хўжаликларда учрайди. Касаллик ёш ўсимликларда 2-3 та барг ҳосил қилиш фазасида намоён бўлади. Касалликнинг асосий белги си барг юзасида 1- 3 мм хажимдаги тўқ қўнғир рангдаги ҳошия билан ўралган доирасимон доғлар ҳосил қилишдан бошланади. Кекса баргларда уларнинг хажми 2-8 мм ни ташкил қиласиди. Дастреб бу доғлар ялтироқ, ёғланганга ўхшаб туради. Баъзан бу доғлар бир-бири билан қўшилиб кетиб барг юзасини эгаллайди. Касалланган тўқималар қуриб қолади ва тушиб кетади. Касалланган ўсимлик ўсишдан орқада қолиб, баргнинг ассимиляцион юзаси камайиб кетади. Касалликнинг келиб чиқишида барг эпидермисининг механик ёки занг замбуруғи билан касалланишидан ҳосил бўлган яралар асосий рол ўйнайди.

Касалликнинг келиб чиқишида тупроқда хаёт кечиравчи спора ҳосил қилувчи таёқчасимон бактериялардан *Bacillus mycoides Flygge*, *Bac. mesentericus v.vulgatus*, *Bac. butyricus v. batae Kotshura* турлари қатнашади. Касаллик қўзғатувчисининг инкубацион даври учун 10-14<sup>0</sup>C ҳарапотда 10 кун муддат керак бўлади.

Касалланган ўсимликлар ўсиш ва ривожланишдан орқада қолади, ҳосилдорлиги кескин камайиб кетади. Касаллик қўзғатувчилари ўсимликнинг касалланган қисмларида ва илдизмеваларида сақланади.

Касалликка қарши курашни тўғри ташкил қилиш унинг зарарини кескин камайтиради. Экинларнинг қатор ораларини юмшатиш, ўсимликни ўз вақтида озиқлантириш касалликка ўсимлик чидамлилигини ортириб, зарарини кескин камайтиради.

### **6-Топшириқ. Лавлагининг илдиз мевалар бактериози касаллиги билан танишиш**


**Дарсни мақсади:** Лавлагининг илдиз мевалар бактериози касаллигининг ташқи белгиларини ўрганиш ва касаллик қўзғатувчиларнинг морфологик тузилиши билан танишиш.

**Дарсга зарур жиҳоз ва материаллар:** Касалланган ўсимлик гербарийлари, микроскоп, буюм ва қоплагич ойна, препоравал нина, пипеткалар, пинцетлар.

**Топшириқни бажариш тартиби:** Лавлагининг илдиз мевалар бактериози касаллигининг ташқи белгиларини тафсилотини ёзиб, расмини чизинг.

### **Лавлагининг илдизмевалар бактериози**

Лавлаги ўсимлигидагы бактериялар хўл чириш ва қуруқ чириш касаллигини келтириб чиқаради. Хўл чириш билан касалланган илдизмеваларнинг заараланган жойлари серсув бўлиб, юмшайди, чирийди. Бундай жойлардан окиш, оч қўнғир рангдаги қуюқ шира ажралиб чикади. Қуруқ чиришда заараланган жойлар қўнғир ёки қора рангда кўриниб қуруқ чирийди .



18-расм. *Bacillus Subtilis Cohn* ўсган культураси.

Бактериоз касаллигининг келиб чиқишида *Bacillus mycoides Flugge* .., *B.subtilis Cohn.*, *Bacterium betaе Bur.et Mat* турлари қатнашади. Бу бактериялар тупроқда сапрофит усулда хаёт кечирувчи микроорганизмлар қаторига кириб, яраланган жойдан ўсимликка кириб келади.

Касалликка қарши курашиш учун алмашлаб экиш қоидааларига амал қилиш, илдизмеваларнинг хашаротлар ва меҳнат қуроллари билан заарланишига йўл қўймаслик, мелиорация қоидаларига амал қилиш, бегона ўтларга қарши курашиш, органик ўғитларни қўллаш, сугоришдан кейин қатор ораларига ўз вақтида ишлов берилиши керак.

## 5-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ:

**Мевали дараҳтлар ва токнинг карантин касалликлари ва уларга қарши карантин чора-тадбирлари.**

### 1-Топшириқ. Мевали дараҳтларнинг куйиш касаллиги билан танишиш

**Дарсни мақсади:** Мевали дараҳтларнинг куйишкасаллигининг ташқи белгиларини ўрганиш ва касаллик қўзғатувчиларнинг морфологик тузилиши билан танишиш.

**Дарсга зарур жиҳоз ва материаллар:** Касалланган ўсимлик гербариylари,

микроскоп, буюм ва қоплагич ойна, препоравал нина, пипеткалар, пинцетлар.

**Топшириқни бажариш тартиби:** Мевали дараҳтларнинг куйишкасаллигининг ташқи белгиларини тафсилотини ёзиб, расмини чизинг.

### **Мевали дараҳтларнинг куйиш касаллиги**

**Кўзғатувчи - *Erwinia amylovora* (Burrill) Winslow et al** бактерияси

**Зарарланадиган ўсимликлар:** Кўп ўсимликлар, айниқса Атиргулдошлар (*Rosaceae*) оиласига мансуб бўлганларидан нок, олма, беҳи, дўлана, қизил, пираканта, странвезия, олча, олхўри, гилос, ўрик, шафтоли, бодом, мушмула, атиргул, спирея, ирга, рябина, малина, қулупнай, ёнғоқ, хурмо, ҳаммаси бўлиб 28 туркумга киравчи 167тacha тур зарарланади. Шумтол (ясень), заранг (клён), қайрағоч, сиренъ, тол; ўтсимон ўсимликлардан картошка, саллагул (пион), салат ва сигирнўхат зарарланиши ҳақида хабарлар мавжуд.

**Зарари:** Касаллик тез тарқала олиши ва зарарланган дараҳтларнинг пўсти, кейинчалик бутун дараҳт ҳалок бўлиши туфайли, анча катта зарап етказади. Экинларнинг 20-100 фоизини зарарлаши, уларнинг 10-90 фоизини бутунлай ҳалок қилиши мумкин. Мисол учун 1966 йили Польшадаги боғлардаги нок дараҳтларининг 50 фоизини ҳалок қилган. Мевали дараҳтлар 1-2 йил ичида қуриб қолади. Олма ва нокнинг деярли барча навлари ҳамда дўлана, қизил, пираканта ва странвезия касалликка ўта мойилдир.

**Касаллик белгилари:** Бу бактериоз одатда эрта баҳорда – дараҳтлар гуллаган пайтда намоён бўлади. Намлик юқори ва ҳарорат 18°Cдан баландроқ бўлиши касаллик учун қулай шароит яратади. Экинларнинг гул, новда, поя, барглари ва ёш мевалари зарарланади – улар бирдан қораяди ва сўлиб қолади.

Зарарланган дараҳтлар оловга куйгандай тус олади. Шоҳ ва новдаларнинг пўстлари бурушиқ шишчалар билан қопланади ва баъзан чатнайди, улардан сутдай оқ экссудат чиқади, шоҳ ва пояларга оқади; бу суюқлик ҳавода қотади ва қаҳрабодай сариқ ёки тўқ-қўнғир тус олади. Зарарланган жойлар ёз иссиғида қурийди, бироз ботиқ шакл олади ва чатнаб кетади.

Касаллик олдин новдаларнинг уч қисмида бошланади, сўнгра пастга қараб тарқалади, каттароқ шоҳларга ва пояга ўтади, оқибатда бутун дараҳт зарарланади ва қуриб қолади. Бактерия ўсимлик тўқималарига гулларнинг ширадон (нектарник) лари, камроқ ҳолларда барг тешиклари ҳамда ҳархил ҳашаротлар пайдо қилган ва механик яралар орқали киради. Етилган мевалар, ҳатто сунъий зарарлаганда ҳам, касалланмайди.

Об-ҳаво ва иқлим билан боғлиқ ҳолда касалликнинг кучли ривожланиши баҳорда, ёзда ёки куз бошида кузатилиши мумкин.

**Касаллик кўзғатувчисининг белгилари:** Кўзғатувчи – ҳаракатчан перитрих, таёқча шаклли бактерия, катталиги  $0,9-1,5 \times 0,7-1,0$  мкм; спора ва капсулалари йўқ, алоҳида ёки иккитадан ёхуд занжирчаларда жойлашган, грамсалбий, аэроб ёки факультатив аэроб. Гўшт-пептон агарида колониялари думалоқ, кичик, атрофи равон, оқ, ялтироқ, мойсимон. Бактерия учун оптималь ҳарорат  $22-25^{\circ}\text{C}$ , минимум  $3^{\circ}\text{C}$ ;  $43,7^{\circ}\text{C}$ да ҳалок бўлади; қуришга ва совуқقا чидамли.

**Касаллик манбалари ва марқалиши:** Баҳорда бактерия зарарланган органларда жуда кўплаб пайдо бўлади – новда ва шоҳлардан чиқадиган оқ

суюқлик бактерия массаларидан ташкил топган бўлади. Бактериялар ўтказувчи тўқималар ичидағи суюқлик орқали новда ва шохларнинг тепасидан пастки қисмларига тарқалади; бошқа ўсимликларга экссудатдаги бактериялар ёмғир ва шамол билан тарқалади. Улар ҳархил ҳашаротлар – асалари, қовоғари, пашша, сўрувчи ҳашаротлар (ширалар) ва қушлар воситасида ҳам осон тарқалади ва бошқа ўсимликларни ёки ўша ўсимликнинг бошқа органларини заарлайди.

Узоқ масофаларга бактерия экиладиган ва пайванд қилиш учун мўлжалланган барча материаллар ва тара билан тарқалади.



10-расм. Мевали дарахтларнинг қўйдиргиси- *Erwinia amylovora* (Burrill) Winslow et al.:

1- оқ сутсимон томчили мева; 2-кучли даражада касалланган нокнинг новдаси;

## **2-Топшириқ. Олхўрининг чўтири касаллиги билан танишиш**

**Дарсни мақсади:** Олхўрининг чўтири касаллигининг ташки белгиларини ўрганиш ва касал лиқ қўзгатувчиларнинг морфологик тузилиши билан танишиш.


**Дарсга зарур жихоз ва материаллар:** Касалланган ўсимлик гербариylари, микроскоп, буюм ва қоплагич ойна, препоравал нина, пипеткалар, пинцетлар.

**Топшириқни бажариш тартиби:** Олхўрининг чўтири касаллигининг ташки белгиларини тафсилотини ёзиб, расмини чизинг.

### **Олхўрининг чўтири (шарка) касаллиги**

Бу касаллик олча, черешня, гилос, шафтоли, олхўрини касаллантиради. Бу касаллик Европа (Австрия, Англия, Болгария, Венгрия, Нидерландия, Полша, Чехия, Швеция, Швейцария, Югославия, Туркия, Германия) давлатларида тарқалган бўлиб, Республикамиз учун карантин объект хисобланади.

Бу касаллик *Plum pox potyvirus* ( Син: *Prunus virus 7* ) тамонидан келтириб чиқарилади. Вирус ўсимликнинг хамма аъзоларини: баргини, новдасин, гулинини, мевасини касаллантиради, айниқса ўсимликларнинг гуллаш фазасида танасини заарлайди.



11-расм. Олхўрининг чўтири (шарка) касаллиги-*Plum pox poty virus.*: b-c- олхўрининг касалланган барглари; a-d-кучли даражада касалланган мева.

Касалланган ўсимлик баргларида кенг чизиқли халқа шакли даги доғлар пайдо бўлади, касалланган ўсимлик барглари рангсиз яшил ёки сариқ яшил рангта киради. Ўсимликнинг касалланган баргларидаги белгилар кунлар исиши билан кўринмай қолади. Касалланган меваларда оч яшил ёки оч сариқ хошияли доғлар пайдо бўлади. Касаллик қўзғатув чиси хисобланган вирус кўчатлар, қаламчалар, илдизбачки лардан ширалар воситасида тарқа лади. Касаллик туфайли 20-50% ўсимликлар касалланганда миллионлаб дарахтлар қуриб қолади.

### **3-Топшириқ. Токнинг фомопсис доғланиш касаллиги билан танишиш**

**Дарсни мақсади:** Токнинг фомопсис доғланиш касаллигининг ташқи белгиларини ўрганиш ва касаллик қўзғатувчиларнинг морфологик тузилиши билан танишиш.

**Дарсга зарур жиҳоз ва материаллар:** Касалланган ўсимлик гербариyllари, микроскоп, буюм ва қоплагич ойна, препоравал нина, пипеткалар, пинцетлар.

**Топшириқни бажариш тартиби:** Токнинг фомопсис доғланиш касаллигининг ташқи белгиларини тафсилотини ёзиб, расмини чизинг.

### **Токнинг фомопсис доғланиши**

Касаллик Европа, Осиё, Африка, Шимолий Америка, Австралия ва Океаниянинг кўп мамлакатларида тарқалган.

**Касаллик белгилари.** Заарланган баргларда кичик, оч-яшил ёки хлоротик, нотўғри думалоқ шакли, ўртаси тўқ тусли доғлар пайдо бўлади. Баргларнинг четлари ёки томирлари ғижимланади, улар пастга букилади. Баргларнинг асосий ва иккиламчи томирларида ва бандларида тўқ-қўнғир ёки қора доғлар ривожланади. Доғлар тўкилиши ва баргларда тешиклар пайдо бўлиши мумкин. Барглар сарғаяди, сўнгра қўнғир тус олади. Ўзи ва банди кучли заарланган барглар тўкилади.

Заарланган ёш новда, мева ва шингиллар бандларида ўртаси қора тусли

хлорозлар ривожланади, улар ўсиб, тўқ-кўнгир, кейин қора тус олувчи, тасма ёки нотўғри шаклли доғларга айланади. Улар новданинг кўп қисмини ўраб олади ва новда ўсиш пайтида чатнаб, яралар пайдо қилади. Мавсум давомида новдалар соғаяди ва яралар қотади. Мева бандари чирийди, мўрт бўлиб қолади, синади, узум бош тушиб кетади.

Кўзғатувчи узумни бевосита тешиб киради ва чиритади ёки унга уруғчидаги яралардан мицелий шаклида ўтиб, заарлайди. Узум тўқ-кўнгир тус олади, буришиб қолади, қобигида тарқоқ пикнидалар ҳосил бўлади. Токнинг ўта чидамсиз навларининг ғўраларида кичик, қора доғлар пайдо бўлади. Узум пишиши пайтида бу доғлар ўсади ва узумни чиритади. Касаллик узумга асосан узум боши ва шингил бандларидан ўтади.

Қишида зааралangan новдаларда пикнидалар ва ўлчами 3x2 см келадиган тўқ тусли, ўртаси сарғиш доғлар пайдо бўлади. Бир йиллик новда, олдинги йилнинг гажаклари ва барг бандларида пикнидалар бўртиб чиқади. Пикнидалар жуда кўп ҳосил бўлганида эпидермис кўтарилиб, тагига ҳаво киради, зааралangan жойнинг усти оқ ёки кумушранг тус олади.

**Кўзғатувчининг белгилари.** Касалликни *Phomopsis viticola* (синонимлари *Phoma viticola* ва *Fusicoccum viticola*) пикнидали дейтеромицет замбуруғи қўзғатади. Ёш пикнидалар диск шаклли, етилганлари шар шаклли, диаметри 0,2-0,4 мм, тузи қора, оғизчали калта бўйинчasi бор, ҳар бирининг ичида, субстрат билан боғлиқ ҳолда, битта ёки бир неча локуллари мавжуд. Конидиялар пикнида оғизчасидан узун, сарғиш ип шаклида ёки шилимшиқ массаси ичида чиқади. Бу конидиялар икки хил: альфа-конидиялар рангсиз, эллипс-урчук шаклли, 7-10,4x2-4 мкм, бир ёки икки учи ҳам ўткирлашган, спороген хужайралар (конидиофоралар) учи ҳам ингичкалашган, 12-20x2 мкм; бета-конидиялари ипсимон (сколекоспоралар), эгилган, 18-30x0,5-1 мкм. Бета-конидиялар ўсмайди ва уларнинг функцияси номаълум.

Замбуруғ мицелийси билан ёш новдаларнинг паренхима тўқимасига кириб, хужайралар орасида олдин оқ, кейин қораювчи колониялар ҳосил қилади; тўқималар ҳам қораяди ва зааралanganдан 2 ҳафта ўтгач, бу доғларда пикнидалар ривожланади.

Озуқа муҳитида замбуруғ колониялари рангсиз, қалин мицелийдан иборат, сўнгра очроқ ва тўқроқ мицелий колонияларга концентрик доиралар шаклини беради. Вақт ўтиши билан колонияларда оқ ва қора секторлар пайдо бўлади. Пикнидалар номунтазам равишда қора секторларда, тарқоқ ҳолда ёки гурухларда ривожланади.

Замбуруғнинг телеморфаси *Cryptosporaella viticola* пиреномицет замбуруғи, кам учрайди ва касаллик ривожланишида роли номаълум. Перитецийлари нотўғри ёстиқча шаклли, пўстлоқ остидаги стромаларда ривожланади, улар юпқа қобиқли, шар шаклли, калта, силлиқ бўйинчали. Халтачалар ўтроқ, 60-72x7-8 мкм. Аскоспоралар субэллиптик шаклли, учлари тўмтоқ, рангсиз, 1 хужайрали, 11-15x4-6 мкм.

**Касаллик ривожланиши ва зарари.** Замбуруғ мицелий ва пикнидалар билан токнинг шох, новда, мева банди ва бошқа зааралangan органарининг пўстлоғида қишлиайди. Куртакларда тиним давридаги мицелий билан қишлиши

ҳақида ҳам хабар қилинган. Баҳорда пикнидалар пўстлоқни ёриб, устки қисми билан ташқарига чикади. Ёмғир пайтида пикнидадан чиқсан конидиялар томчилар ва шамол билан ёш новдаларга тушади ва уларнинг учки қисмини заарлайди. Замбуруғ фақат ёш тўқималарни заарлайди. Конидиялар 1-37°C, оптимум 23°C да сув томчисида ёки 100% ҳаво нисбий намлиги шароитида ўсади. Касаллик белгилари заарланишдан кейин 21-30 кун ўтганда намоён бўлади. Ёзда иссиқ ва қуруқ об-ҳавода замбуруғ фаоллигини йўқотади, ёз серёмғир ва салқин бўладиган мінтақаларда ёзда ҳам фаол ривожланади.

Серёмғир ва салқин об-ҳаво касаллик кучли ривожланишининг асосий шартидир; серёғин баҳорда, ўртача 5-7°C кунлик ҳароратида ёш новдалар ўсиши секинлашади ва улар кучли заарланади. Бирин-кетин бир неча йил давомида сернам ва салқин об-ҳаво кузатилиши касаллик йилдан-йилга кучайишига олиб келади.

Замбуруғ кўпинча битта токда новдадан новдага тарқалиб, ривожланади ва касаллик одатда локал ўчоқлар шаклида учрайди. Узоқ масофага касаллик қаламчалар билан тарқалади.

**Карантин тадбирлари ва кураш чоралари.** Фомопсис тарқалган мамлакатлардан экиш ва пайванд қилиш учун мўлжалланган ток қисмларини Ўзбекистонга киритишга рухсат берилмайди; селекция ва илмий-тадқиқот мақсадида олиб келинган материаллар заарланганлигини аниқлаш мақсадида лабораторияда экспертиза қилиш ва 1 йил давомида интродукцион-карантин кўчатзорида экиб текшириш; заарланган материаллар аниқланган ҳолда, уларни дарҳол кесиб олиш ва ёкиб юбориш талаб қилинади.

Касалликка чидамли навлар йўқ; ун-шудринг ва антракнозга қарши тавсия қилинган барча агротехник, ташкилий чора-тадбирларни қўллаш лозим. Кузда барглар тўкилгач ва баҳорда куртаклар ёзилишидан олдин фунгицид билан профилактик ишлов бериш, касалликдан мавсум давомида ҳимоя қилиш учун 2 марта (новда узунлиги 1-3 см ва 6-12 см бўлганида) фунгицид (каптан, фолпет, манеб ва б.) пуркаш тавсия қилинади.

## 5-Топшириқ. Токнинг эутипоз касаллиги билан танишиш

**Дарсни мақсади:** Токнинг эутипоз касаллигининг ташқи белгиларини ўрганиш ва касаллик қўзғатувчиларнинг морфологик тузилиши билан танишиш.

**Дарсга зарур жиҳоз ва материаллар:** Касалланган ўсимлик гербариylари, микроскоп, буюм ва қоплагич ойна, препоравал нина, пипеткалар, пинцетлар.

**Топшириқни бажариш тартиби:** Токнинг эутипоз касаллигининг ташқи белгиларини тафсилотини ёзиб, расмини чизинг.

## Токнинг эутипоз касаллиги

Эутипоз деярли барча ток ўстириладиган мамлакатларда учрайди, айниқса йилига 600 мм ва кўпроқ ёғингарчилик бўладиган мінтақаларда кенг тарқалган ва кучли ривожланади. Ёғингарчилик миқдори 250 мм дан кам бўладиган мінтақаларда эутипоз кузатилмайди. Касаллик Ўзбекистонга кириши ва ривожланиши хавфи мавжуд, чунки мамлакатимизда ёғингарчилик

миқдори 280-300 мм га тенг.

**Касаллик белгилари.** Эутипоз одатда 8 йиллик ёки ёши ундан каттароқ токларда учрайди, заарланган токларда йилдан-йилга кучаяди. Касалликнинг яққол белгилари баҳорда, новдалар узунлиги 25-50 см бўлганида кузатилади: новдалар шакли бузилади, қўнғир тус олади, барглари майда бўлиб, буралиб қолади, уларда хлороз ва некроз доғлари пайдо бўлади, четлари йиртилган, латта шаклини олади. Новда бўғин оралари қисқаради, жодугар супургиси пайдо бўлади. Касаллик белгилари йилдан-йилга кўпаяди ва новда охири нобуд бўлади. Ёзда заарланган новдалардаги касаллик белгилари соғлом новдалар орасида яшириниб, кўринмай қолади. Заарланган узум бошларида ҳам соғлом, катта, ҳам майда узумлар ҳосил бўлади.

Қўзғатувчи жорий йилда ўсиб чиқсан яшил новдаларни заарламайди ва улардан тоза муҳитга ажралмайди. Касалликнинг барглардаги белгилари токнинг заарланган кўп йиллик ёғоч қисмида ҳосил бўлган токсинлар ўтказувчи қислема тўқималар орқали ёш новда ва баргларга тарқалиши билан боғлиқдир. Токнинг заарланган новда ва барглари қислема билан боғланган шох ёки пояларини текширганда, уларда бир неча йил олдин хомток пайтида кесилган жойларида пайдо бўлган яраларни мунтазам равишда топиш мумкин. Ярани кўриш учун шох пўстлоғининг устки, пўк қисми олиб ташланади, унинг остида яра туфайли нобуд бўлган қўнғир тусли, қаттиқ ва мўрт тўқима кўринади.

**Заарланадиган ўсимликлар.** Эутипоз билан 27 оиласга мансуб бўлган 80 тacha ўсимлик тури заарланади; энг кучли заарланадиган ўсимликлар қаторига ток, ўрик, қорағат ва бошқалар киради.

**Қўзғатувчининг белгилари.** Касалликни *Eutypa lata* (синоними *Eutypa armeniaca*) аскомицет (пиреномицет) замбуруғи қўзғатади. Стромалар токнинг заарланган ёғоч қисмларида доғларда ёки яраларда ҳосил бўлади. Улар қора тусли, узунчоқ, устидан юпқа қатлами кесиб олинса, ичидаги перитецийларни кўриш мумкин. Перитецийлар шар шакли, диаметри 355-550 мкм, устиди оғизчали бўйинчали 210-260x11,8-14,5 мкм. Халтачалар цилиндр шакли, оёқчали, 30-60x5-7,5 мкм, 8 спорали, оёқчасининг узунлиги 60-130 мкм. Аскоспоралар оч-сариқ тусли, сал эгилган калта сосиска шакли, 6,5-11x1,8-2 мкм.

Анаморфаси *Libertella blepharis* (синоними *Cytosporina* sp.). Конидиялари конидиофораларнинг зич дасталарида ҳосил бўлади, улар 1 ҳужайраги, ипсимон, 18-45x0,8-2 мкм, апельсин тусли ипларда чиқади. Конидиялар ўсмайди ва уларнинг функцияси номаълум, жинсий кўпайишда спермацийлар сифатида роль ўйнаши эҳтимол қилинади.

Поя ёки шохнинг некротик тўқимаси четидан асептик равишда кичик бўлагини кесиб олиб озуқа муҳитига экилса қўзғатувчи замбуруғ осон ўсиб чиқади. Мицелий олдин оқ тусли, 2 ҳафта ўтгач, қораяди. Озуқа муҳитида перитецийлар пайдо бўлмайди, аммо баъзи изолятлар конидиоматлар ва конидиялар ҳосил қиласади.

**Касаллик ривожланшиши ва унинг зарари.** Замбуруғ токка механик яралар орқали кириб, заарлайди. Эутипоз секин ривожланади, унинг

белгилари заарлангандан кейинги 1-2 йил ичиде пайдо бўлмайди, 3-4 йилдан кейин эса яққол кўринади. Кейинги бир неча йил ичиде шох ва поя нобуд бўлиши мумкин. Муътадил иқлимли минтақаларда перитецийлар эрта баҳорда етилади ва аскоспоралар ёмғир билан қиш охиригача тарқалади. Тирик аскоспоралар 50-100 км масофага тарқалиши мумкин.

Аскоспоралар янги ҳосил бўлган яраларга кириб заарлайди. Хомток пайтида ҳосил бўлган яраларни улар 2 ҳафта давомида заарлаши мумкин, кейин яра тўқимаси қотади ва аскоспоралар унга кира олмайди.

Аскоспоралар оптималь 20-25°C ҳароратда, одатда заарланган жой пўстлоғи остида 2 мм ёки кўпроқ чукурликда, ўтказувчи томирлар (ксилема тўқимаси) ичиде 11-12 соатда ўсади. Мицелий секин ўсади, олдин ксилемада, сўнгра атрофдаги тўқималарга тарқалади ва стромалар ҳосил қиласди.

**Карантин тадбирлари ва кураш чоралари.** Этутипоз учун карантин талаблари ва кураш чоралари фомопсис доғланишники билан бир хил. Касалликка чидамли навлар йўқ. Касаллик секин ривожланиши учун уни аниқлаш қийин ва зарарига етарли баҳо берилмайди. Касаллик кўпайиб кетгандан сўнг эса, токни кесиб ташлашдан бошқа чора қолмайди. Этутипоз ва бошқа касалликлар туфайли АҚШ да ток пояси ҳар 10-15 йилда алмаштирилади.

## **6-Топшириқ. Токнинг бактериал чириш касаллиги билан танишиш**

**Дарсни мақсади:** Токнинг бактериал чириш касаллигининг ташқи белгиларини ўрганиш ва касаллик қўзғатувчиларнинг морфологик тузилиши билан танишиш.

**Дарсга зарур жиҳоз ва материаллар:** Касалланган ўсимлик гербариyllари, микроскоп, буюм ва қоплагич ойна, препоравал нина, пипеткалар, пинцетлар.

**Топшириқни бажариш тартиби:** Токнинг бактериал чириш касаллигининг ташқи белгиларини тафсилотини ёзиб, расмини чизинг.

### **Токнинг бактериал чириш касаллиги**

Касаллик Греция, Франция, Испания, Португалия ва жанубий Африкада тарқалган; касаллик белгиларига асосланиб, ток бактериал чириши Австрия, Швейцария, Югославия, Болгария, Тунис, Канар ороллари ва Аргентинада учраши тахмин қилинади.

**Касаллик белгилари** заарланган новдаларда эрта баҳордан ёз ўртасигача яққол кўринади. Касаллик сурункали ва системали. Бактерия ўтказувчи тўқималарни заарлайди, эрта баҳорда новдаларда куртак ёзилмайди ёки кеч ёзилади. Новдалар ўсмайди, заиф ва хлоротик бўлиб қолади, бир томонида тасма шакли тўқ-қўнғир тусли доғлар пайдо бўлади; новдалар сал йўғонлашади, узунасига чатнайди, тўқималари юмшайди ва охири қуриб қолади. Касалликнинг биринчи белгилари куртак ёзилгандан сўнг 2-3 ҳафта ўтганда пайдо бўлади, новда пастки бўғинлари орасида чатнайди, кейин чатнаш новданинг устки қисмига тарқалади. Бунинг сабаби – новда ичидан ўртасигача чириши, тўқ-қўнғир тус олиши ва тўқимаси нобуд бўлишидир. Баъзи навларда шохлар ва новдалар чатнамайди ёки кам ҳолларда чатнайди.

Заарланган шох, новда, барг бандлари ва гажаклар узунасига ёки кесасига

кесиб, текширилганды, ксилемада қизғиш ёки қүнғир доғларни күриш мүмкін.

Ёш баргларда думалоқ, кенглиги 1-2 мм келадиган, ҳошияли қүнғир некротик доғлар пайдо бўлади.

Касаллик сурункали бўлгани учун, унинг белгилари кам кўриниши, кейин бирдан кучли ривожланиши мүмкін. Токнинг бактериал чириши эутипоз, вирус (GFLV) ва сариқ касалликлари, бор етишмаслиги ва баъзи бошқа касалликларнинг белгилари билан адаштириш мүмкін.

**Касалликнинг зарари.** Касаллик катта иқтисодий аҳамиятга эга. Ток яшаш даврини ва ҳосилини камайтиради. Европада касаллик туфайли баъзи токзорларни йўқотиб, ўрнига бошқа экинлар ўстиришга тўғри келади.

**Зарарланадиган ўсимликлар.** Кўзғатувчи бактерия фақат ток турларини заарлайди.

**Кўзғатувчининг белгилари.** Касалликни *Xanthomonas ampelina* бактерияси қўзғатади. Бактерия грамсалбий, аэроб, таёқча шаклли, битта поляр хивчинчали.

**Касаллик ривожланиши.** Бактерия ўтказувчи тўқималарда сақланади. Қиши охирида ксилемада ҳаракатланиб, соғлом новдаларга ва баҳорда янги пайдо бўлаётган ёш новдалар ҳамда узум бошларига ўтади, уларни заарлайди ва яралар ҳосил қиласи. Бу яраларда ривожланган бактериялар ёмғир билан баргларга тушиб, уларнинг тешикларидан киради ва заарлайди. Хомток пайтида заарланган новдалардаги яралардан оқиб чиққан шира бактериянинг муҳим манбаи ҳисобланади.

Токзорда бактерия хомток қилиш учун ишлатиладиган иш қуроллари, ёмғир ва шамол воситасида, узоқ масофага эса қаламчалар билан тарқалади. Таҳлилда касал токдан олинган, ташқи кўриниши соғлом бўлган қаламчаларнинг 50 фоизи заарланганлиги аниқланган.



28-расм. Узумнинг бактериал сўлиши - *Xanthomonas ampelina*



29-расм. Узум сўлиш касаллиги - *Xanthomonas ampelina*

**Карантин тадбирлари ва кураш чоралари.** Бактериал чириш учун карантин талаблари ва кураш чоралари фомопсис доғланишники билан бир хил. Бактерияни у учрамайдиган ва янгидан барпо қилинаётган токзорларга киритмаслик; қаламчаларни фақат соғлом токлардан тайёрлаш ва уларни экишдан олдин иссиқ сувда тутиб туриш; кўчатзорларни мунтазам равища текшириб туриш ва барча юқори агротехника қоидаларига риоя қилиш; хомтокни иложи борича қурук об-ҳавода ёки тиним даврида ўтказиш; иш қуролларини мунтазам равища заарсизлантириш; ҳар бир хомтокдан кейин Бордо суюқлигини пуркаш тавсия қилинади.

#### Токнинг сариқ касаллиги

Токнинг сариқ (ток барглари заррин сарғайиши –*Grapevine flavescente doree(mycoplasma)*) касаллиги Франция, Италия, Словения ва Руминияда тарқалган.

**Касаллик белгилари.** Баҳорда заарланган новдалар ўсмайди, бўғин оралари қисқаради, куртаклар ёзилмайди ёки ёзилиши кечикади. Ёзда чидамсиз навларнинг кўпчилигига новдалар (лигнин ҳосил бўлмаслиги сабабли) резинкага ўхшаб, пастга осилиб қолади, баъзан новда бўйлаб қора пустулалар пайдо бўлади, уларнинг ўсиш нуқталари тезда нобуд бўлади.

Заарланган барглар қаттиқлашиб, мўрт бўлиб қолади, четлари сал пастга букилади, офтоб таъсирида оқ мевали навларнинг барглари тилла-сариқ, қора мевали навларники қизил тус олади. Ёз охирида баргларнинг асосий асосий томирларида оч-жигарранг доғлар пайдо бўлади ва улар некрозлашади; баъзан баргларда 2-3 та асосий томирлар орасида, оқ мевали навларда сариқ, қора мевали навларда қизил тусли, серқира доғлар ҳосил бўлади.

Касаллик гуллашдан олдин ёки гуллаш пайтида пайдо бўлса, тўпгул қурийди, кейинроқ кузатилса, мева банди қурийди ва қораяди, узумлар буришиб, қуриб қолади.



30-расм. Ток баргларининг заррин сарғайиш касаллиги - *Grapevine flavescense doree(mycoplasma)*

Токнинг бу ва бошқа сариқ ҳамда вирус (GFLV) касалликларининг белгиларини кўп адаштиришади. Барча сариқ касалликларининг характерли белгилари – 1) барг томирлари бўйлаб оч-жигарранг ва қиррали доғлар мавжудлиги ва барг четлари пастга букилиши; 2) новдалар ёғочлашмаслиги; 3) новдаларда қора пустулалар пайдо бўлиши; 4) узумлар буришиб қолишидир. Leafroll ва corky bark вирозларида барг четлари пастга букилиши кузатилади, аммо оч-жигарранг ёки қиррали доғлар ва қора пустулалар ҳеч қачон пайдо бўлмайди; leafroll касаллигидаги новда ёғочлашмаслиги учрамайди; GFLV билан касалланган ток баргларида бундай доғлар бўлиши мумкин, аммо барглар букилмайди ва мўрт бўлиб қолмайди; вирозлар узум буришиб қолишига олиб келмайди.

**Кўзғатувчи** *Grapevine flavescense doree (micoplasma)* микоплазмасимон организм эканлиги тахмин қилинади. У цикада (*Scaphoides littoralis* Ball.) воситасида токдан вика ва хризантемага юқади ва улардан токка қайта ўтади. Тажрибада касалликни соғлом ўсимликка куртак пайванди орқали юқтириш мумкин.

**Касаллик ривожланиши ва заари.** Касалликни токзорда цикада тарқатади. Цикада йилига бир авлод беради. Кўзғатувчи заарланган новдаларда қишлияди. Баҳорда кўзғатувчини цикаданинг нимфаси ёки етук зоти ютади, уч ҳафтадан сўнг уларда токни заарлаш қобилияти пайдо бўлади.

Касаллик белгилари вектор воситасида табиий заарланишдан сўнг кейинги йили кучли ва системали шаклда ривожланади. Аммо ток бошқа вирус (black ring virus) билан заарланган бўлса, касаллик системали бўлмасдан, кўзғатувчи тўқимага кирган жойда локал бўлиб қолади.

Кейинги мавсумларда касаллик ривожланиши 2 типда ўтиши мумкин: 1) системали белгилар йилдан йилга қучаяди ва охири ток нобуд бўлади; 2) ток қайтадан заарланмаса, соғаяди; 4-5 йилдан кейин қайта заарланиш юз берса,

токда яна 1-тип системали заарланишнинг белгилари ривожланади.

**Карантин тадбирлари ва қураши чоралари.** Янги миңтакаларга цикада тухумлари киритилишига йўл қўймаслик. Селекция мақсадида олиб келинган қаламчаларни учадиган ҳашаротлардан ҳимояланган карантин кўчатзорларида 1-2 йил давомида ўстириб, текшириш талаб этилади. Қаламчаларни экишдан олдин  $30^{\circ}\text{C}$  ҳароратда 72 соат тутиш лозим, бунда қўзғатувчи ҳалок бўлади. Токнинг баъзи Америка турлари (қум ток, Шимолий Америка токи) иммун ва бу касаллик билан заарланмайди.

Касаллик тарқалган мамлакатларда цикадага қарши курашиш лозим. Бу ҳашарот шамол билан 30 км масофага учиб бориши, бир мавсумда заарланган токлар сонини 7 марта кўпайтириши мумкин. Касалликка чидамли навлар ўстириш; цикада тухум қўйиши даврида ва тухумдан чиққандан сўнг уч ҳафта ичида, ҳаммаси бўлиб масумда 3-6 марта гача, токзорга инсектицид пуркаш, ёки векторнинг тухумларини йўқотиш учун куртак ёзилишидан олдин токка Олеопаратион препарати билан ишлов бериш керак.

## 6-АМАЛИЙ МАШГУЛОТ:

**Цитрус экинлари ва гулларнинг карантин касалликлари ва уларга қарши карантин чора-тадбирлари.**

### 1-Топшириқ. Цитрус экинларининг мальсекко касаллиги билан танишиш

**Дарсни мақсади:** Цитрус экинларининг мальсекко касаллигининг ташқи белгиларини ўрганиш ва касаллик қўзғатувчиларнинг морфологик тузилиши билан танишиш.

**Дарсга зарур жихоз ва материаллар:** Касалланган ўсимлик гербариylари, микроскоп, буюм ва қоплагич ойна, препоравал нина, пипеткалар, пинцетлар.

**Топшириқни бажариш тартиби:** Цитрус экинларининг мальсекко касаллигининг ташқи белгиларини тафсилотини ёзib, расмини чизинг.

#### Цитрус экинларининг мальсекко касаллиги

Касалликни *Coelomycetes* синфининг *Sphaeropsidales* тартибига кирувчи *Phoma tracheiphila* (Petri) Kantisch. et Gik. (синоним *Deuterophoma tracheiphila* Petri) замбуруғи қўзғатади.

Қўзғатувчи Ўртаер ва Қора денгизлар атрофида ва Кичик Осиёда тарқалган, уларнинг қаторига қўйидаги мамлакатлар киради: Европада Греция, Грузия, Италия, Франция, Эгей архипелаги ороллари; Осиёда Афғонистон, Исроил, Кипр, Ливан, Сурия, Туркия ва Фаластин; Африкада Тунис. Барча цитрус экинлари, айниқса лимон ва цитрон кучли, бергамот, баъзи мандарин навлари, танжеро ва тангор дурагайлари ҳам заарланади. Касаллик грейпфрут ва ширин апельсинда кам учрайди ва кучли ривожланмайди.

**Касаллик белгилари.** Дараҳтлар барча ривожланиш босқичларида заарланади, аммо касаллик ёш дараҳтларда кучли ривожланади. Касалликнинг

характерли белгиларидан бири – қўзғатувчи баргга кирган жойида барг томирларида хлороз ривожланишидир. Вақт ўтиши билан олдин тепа ярудаги, кейинчалик пастки яруслардаги барглар қуриб, тўкилади, новда учи қурийди. Тўкилган баргларнинг марказий томирида ва баъзи иккиласми томирларида қизгиш доғланиш қузатилади. Касаллик юқори яруслардаги ёш новдалардан пастки шох ва пояга тарқалади, охирида поянинг остки қисми ва илдизлар ҳам заарланади. Заарланган пўстлоқ, айниқса 1-2 йиллик новдаларда, кумушсимон-кулранг тус олади. Вақт ўтиши билан қўзғатувчининг кўп сонли, қора пикнидалари пўстлоқни ёриб чиқади.

Касалликнинг ишончли диагностик белгиси – дарахт поясини қия ёки узунасига кессанда ёхуд унинг пўстлоғини тасма шаклида шилиб олганда яқинда заарланган ксилема тўқималарида қизил ёки апельсин тусли доғланиш мавжудлигидир.

*Касаллик қўзғатувчиси ва унинг белгилари.* Қўзғатувчининг пикнидалари қора тусли, думалоқ, нок ёки бироз узунчоқ шаклли, диаметри 52-165 мкм, кўпинча яхши шаклланган бўйинчали. Пикноспоралари таёқча ёки сал овал шаклли, гиалин, бир хужайрали, тўғри ёки сал эгилган, учлари тўмтоқ, 2-4,2x0,5-1,5 мкм. Ксилема тўқималари ичидаги бўшлиқларда қўзғатувчи фиалоконидиялар ҳосил қиласи.

Қўзғатувчини заарланган, аммо нобуд бўлмаган новдалардан осон ажратиб олиш мумкин. КДА муҳитида замбуруғ мицелийсидан кўп миқдорда қизил пигментлар ажралиб чиқади, улар гифалар ва муҳит устида кристаллар тўдаларини ҳосил қиласи. Бундай муҳитда фиалоконидиялар гифаларда, эркин ҳолда ривожланади, кейинроқ эса пикнида ва пикноспоралар ҳам ҳосил бўлади. Фиалоконидиялар овал шаклли, 4-6,7x2-5,4 мкм, гифаларнинг кичик шохчалари – конидифоралар учida, шилимшиқ бошчаларда ҳосил бўлади.

*Касаллик ривожланиши.* Касаллик бутун мавсум давомида ривожланади, аммо дарахтлар заарланиши ва касаллик кучли намоён бўлиши кеч куздан кеч баҳоргача бўлган даврда кузатилади.

Қўзғатувчининг пикноспоралари ёмғир ва шамол билан тарқалади. Улар томчи намлиқда ўсади ва ниш найчаси ёрдамида устъицага киради, аммо ҳар хил яралар орқали ҳам тўқимага кириши мумкин. Тўқима чида замбуруғ гифалари ксилема тўқимасининг бўшлиқларига киради ва уерда фиалоконидиялар ҳосил қиласи. Фиалоконидиялар ксилема суюқлиги билан ўсимликда систем шаклда тарқалади.



19-расм. Цитрус ўсимликларнинг инфекцион қуриши “Малсекко”-*Phoma tracheiphila*..: 1-касалланган дархт; 2-ёғочлик қисми қизарган новданинг кўндаланг кесми; 3- новданинг барг ўрнидаги пекнидиялари; 4-касаллик қўзғатувчисининг конидия хосил қилиши; 5- пикнидиялардан лентасимон шаклда спораларнинг чиқиши.



20-расм. Лимон ўсимликларининг инфекцион қуриши “Малсекко”-*Phoma tracheiphila*

Пикнидиоспоралар ўсиши ва ўсимлик тўқимасига кириб, заарлаши 3-25°C да қузатилади, 15-16°C ҳароратда эса 40 соат давомида амалга ошади. 12,7-22,4°C ҳароратда инкубацион давр 48-58 кунни ташкил этади. Қўзғатувчи тўқима ичидаги ўсиши ва касаллик белгиларини ҳосил қилиши учун оптималь ҳарорат 20°C. Ўсимлик тўқимаси ичидаги мицелий совуқقا, юқори ҳароратга ва қуруқликка жуда чидамли. Шу сабабдан қўзғатувчи нафақат ўсиб турган дараҳтларда, балки уларнинг нобуд бўлган қисмларида ҳам (жумладан нобуд бўлган дараҳтларда 1 йилгача) ҳаётчанлигини сақлайди ва қулай шароит қузатилганида, уларда пикнида ва пикноспоралар ҳосил қиласди. Пикнидалар тўкилган баргларда ва заарланган новдаларда ҳам сақланади. Замбуруғ тупроқда сақланмайди.

## **2-Топшириқ. Цитрус экинларининг саратон (Бактериал рак) касаллиги билан танишиш**

**Дарсни мақсади:** Цитрус экинларининг саратон (Бактериал рак) касаллигининг ташқи белгиларини ўрганиш ва касаллик қўзғатувчиларнинг морфологик тузилиши билан танишиш.

**Дарсга зарур жиҳоз ва материаллар:** Касалланган ўсимлик гербариyllари, микроскоп, буюм ва қоплагич ойна, препоравал нина, пипеткалар, пинцетлар.

**Топшириқни бажариш тартиби:** Цитрус экинларининг саратон (Бактериал рак) касаллигининг ташқи белгиларини тафсилотини ёзиб, расмини чизинг.

### **Цитрус экинларининг саратон (бактериал рак) касаллиги**

Касалликни *Xanthomonas campestris* pv. *citri* (Hasse) Dye (синоним *Xanthomonas citri* [Hasse] Dowson) бактерияси қўзғатади.

**Зараrlанадиган ўсимликлар.** Цитрус экинлари (*Citrus grandis*, *C. sinensis*) ва баъзи цитруснинг бошқа маданий тур ва дурагайлари; ёввойи ҳолда ўсуви цитруслардан *Ponocitrus trifoliata*, *Fortunella hindsii*, *F. japonica*, *F. crassifolia*); апельсиннинг (*Citrus nobilis*) япон навлари ва мандарин (*Citrus nobilis* var. *deliciosa*) деярли заарланмайди.

**Зарари.** Цитрус дарахтлари ҳосил бериш даври муддатини, ҳосилининг микдори ва сифатини пасайтиради. Кучли заарланган новдалар қурийди, ёш ўсимликлар ҳалок бўлиши мумкин.

**Касаллик белгилари.** Цитрус экинларининг барглари, барг бандлари, новдалари ва мевалари заарланади. Касалликнинг биринчи белгилари баргларнинг кўпинча остки томонида кичик, мойсимон, тўқ-қўнғир, сўнгра сарғиш-қўнғир тус олувчи доғлар пайдо бўлишидан бошланади. Бу доғлар ўсади, барг сатҳидан бироз кўтарилади ва оқиш тус олади, ўртасида эпидермис чатнайди, доғ ўртаси оч тусли ҳошияли кратерсимон ботик шакл олади, диаметри 3-4 ммга етади. Уларнинг тузи ва катталиги экин нави ва об-ҳаво шароитига қараб ўзгаради. Доғлар олдин думалоқ бўлиб, кейинчалик нотўғри шакл олади. Доғларнинг тўқимаси ўсимлик тўқимаси ичida ўсади, сўнгра эпидермисни ёриб, ташқарига рак – ғовак (булутсимон) тўқима шаклида очилади. Барглар сарғаяди ва тўкилади. Новда ва меваларда рак шишларининг катталиги 15 смгача етади. Меваларидаги доғлар атрофида сариқ ҳошия йўқ, аммо кратерсимон ботиклик осонроқ кўринади.

Бактерия ўсимликка одатда ҳархил яралар орқали киради, аммо барг тешикчалари орқали ҳам кира олади. Хўжайнин ўсимлик тўқимасида бактериялар ҳужайралараро майдонда жойлашади, тўқима ўсиб кетишига, ҳужайралар орасидаги пластинкалар емирилиши ва ўсимлик ҳалок бўлишига олиб келади. Касаллик ривожланиши об-ҳаво факторларига боғлиқ: иссиқ ва нам об-ҳавода, мисол учун, тропикларда ёмғир мавсумида, жуда кучли ривожланади. Экиннинг ниҳоллари ва ёш дарахтлари касалланишга мойилроқ.

Бу касаллик цитруснинг бошқа касалликларидан учта белгиси билан ажралиб туради: 1) барглардаги доғлар ва рак тўқималари барг сатҳидан

күтарилигандын бўлади; 2) бу доғлар ва рак тўқималари атрофида ҳар доим сарик ҳошия мавжуд бўлади; 3) доғларнинг марказида кратер шаклли ботиқлик мавжуд бўлади; бу ботиқлик ёш доғларда ҳар доим кўринмайди, кейинроқ, доғ четлари кўтарилиганида, яхши кўринади. Бу белгилар цитрус ракини *Phoma citricarpa* замбуруғи қўзғатадиган қора доғ, *Phomopsis citri* қўзғатадиган гуммоз, *Colletotrichum gloeosporioides* қўзғатадиган антракноз ва *Cladosporium citri* қўзғатадиган калмараз касалликларидан ажратиб туради.



21-расм. Цитрусларнинг рак касаллиги- *Xanthomonas citri* (Hasse).: 1-лимоннинг касалланган барглари ва новдаси; 2-кучли даражада касалланган лимон меваси.

*Касаллик қўзғатувчиси ва унинг белгилари.* Қўзғатувчи калта таёқча шаклли, ҳаракатчан бактерия, қутбий жойлашган битта хивчинчали бор, 1,5-2x0,5-0,75 мкм. Таёқчалар алоҳида ёки занжирларда, кўпинча иккитадан бирга учрайди. Аэроб; спораси йўқ; грамманфий; капсулалари бор. Гўшт-пептонли агар озука муҳитида колониялари думалоқ, тузи сап-сариқдан қаҳрабосариққача, муҳит сатҳидан сал кўтарилигандан, ялтироқ, ёпишқоқ, четлари бутун. Картошка бўлаги устида бактерия қалин, сариқ, ялтироқ, шилимшиқ қатлам ҳосил қиласи. Сутни ивитади, нитратларни редукция қилмайди, аммиак ҳосил қиласи, индол ҳосил қилмайди, желатинни суюлтиради. Декстроза, галактоза, глицерин, лактоза, левулёза ва сахароза муҳитларида кислота ва газ ҳосил қилмайди. Ўсиши учун оптималь ҳарорат 20-30°C, максимум 35°C; 49-52°Cда бактериялар ҳалок бўлади.

*Касаллик манбаалари ва тарқалиши.* Патоген экишга ва пайванд қилишга мўлжалланган материаллар орқали тарқалади; тупроқда сақланмайди. Дараҳтларнинг заарланган шохлари ҳам бирламчи инфекция манбааси бўлиши мумкин, аммо асосий инфекция манбааси – тупроқ устида қишлоғчи ва сақланувчи ўсимлик қолдиқларидир.

### **3-Топшириқ. Цитрус экинларининг тристеза касаллиги билан танишиш**

**Дарсни мақсади:** Цитрус экинларининг тристеза касаллигининг ташқи белгиларини ўрганиш ва касаллик қўзғатувчиларнинг морфологик тузилиши билан танишиш.

**Дарсга зарур жиҳоз ва материаллар:** Касалланган ўсимлик гербариyllари, микроскоп, буюм ва қоплагич ойна, препоравал нина, пипеткалар, пинцетлар.

**Топшириқни бажариш тартиби:** Цитрус экинларининг тристеза касаллигининг ташқи белгиларини тафсилотини ёзib, расмини чизинг.

### **Цитрус экинларининг тристеза (тез нобуд бўлиши) касаллиги**

Касалликни вирус (*Citrus tristeza virus*) кўзғатади.

**Зарарланадиган ўсимликлар.** Аччиқ апельсин (бигарадия) (*Citrus aurantium*) ва лайм (*Citrus aurantifolia*) га пайванд қилиб ўстирилган барча цитрус экинлари, айниқса лайм, грейпфрут ҳамда бошқа турларнинг (паммело, ширин апельсин, алемоу ва бошқалар) баъзи навлари заарланади. Мандарин (танжерин) касалликка толерант.

**Зарари.** Бу касаллик дунёда цитрус етиштиришда асосий тўсиқлардан бири ҳисобланади ва у туфайли милионлаб дараҳтлар нобуд бўлган. Мисол учун тристеза Бразилияning Сан-Пауло штатида 1930-1942 йиллар орасида барча цитрус дараҳтларнинг 75 фоизини нобуд қилган. Касаллик АҚШ да цитрус дараҳтларига ва Жанубий Африкада грейпфрутларга катта заар етказган.

**Касаллик белгилари.** Касаллик белгилари жуда ўзгарувчан. Дараҳтлар пакана бўлиб қолиши, пояда ботик жойлар (ўйиқлар) пайдо бўлиши, барглар ичига қараб буралиши, барг бандлари оқариши, хлороз, мевалар кичик бўлиб қолиши кузатилади. Кей лаймининг поясида ўйиқлар ва барг томирларида хлорозлар ҳосил бўлиши касалликнинг диагностик белгилари ҳисобланади.

Касалликнинг иқтисодий томондан муҳим белгиларидан бири – ширин апельсин, мандарин ёки грейпфрут пайвандтагларида ўстирилган дараҳт қуриб қолишидир. Бунда поянинг пайванд қилинган жойининг бевосита тагидаги аччиқ апельсин пайвандтаг қисмининг флоэма тўқимасида некроз кузатилади. Некроз поянинг ўша қисмини ўраб олади, пайвандтагдаги қрахмал моддаси камайиб кетади, натижада дараҳт қурийди. Қуриган дараҳтлар пайвандтаг қисмининг постлоғининг ички қисмида кичик, ботик ўйиқлар пайдо бўлади ва пўстлоқ бироз қалинлашиши кузатилади. Баъзан дараҳтлар тез қурийди, бунда касалликнинг фақат бир макроскопик белгиси – пайванд жойида сарғиш-қўнғир доғланиш пайдо бўлиши мумкин. Вируснинг қуришни қўзғатувчи изолятлари билан куртак пайванди воситасида заарланган аччиқ апельсин ниҳоллари пакана бўлиб қолади ва баргларида хлороз ривожланади, аммо одатда қуриб қолмайди. Вируснинг баъзи изолятлари ҳатто аччиқ апельсинда ҳам қуришни қўзғатмайди.

Ўйиқлар пайдо бўлиши поя ва катта шохлар устига нотекис кўриниши беради. Қобиқнинг ботик жойлари тагида ўйиқлар поя ва шохларнинг ёғоч қисмида чуқур жойлашган бўлиши мумкин. Баъзи вирус изолятлари поя тўқималари парчаланишига, қобиқ жуда қалин бўлиб қолишига, ёғоч қисмида кўп ботик жойлар пайдо бўлишига ва дараҳт тез қуришига олиб келади.

**Касаллик қўзғатувчисининг белгилари.** Қўзғатувчи клостеровируслар гурухига киради. Криптограммаси Р/1; 4,3/5; Э/Е; С/Ап. Заррачалари узун,

буралган таёқча шакли, ҳажми 2000x12 нм га яқин. Бир ипли РНК дан иборат, молекуляр оғирлиги  $6,5 \times 10^6$  атрофида. Оқсил қобигининг молекуляр оғирлиги 26000. Вирус заррачалари бўлакларга осон ажралиб кетади, шу сабабдан вируснинг тозаланган препаратларида узунлиги ҳар хил бўлган бўлган заррачалар учрайди. Фақат тўла узунликка эга заррачалар касаллик қўзғатиш қобилиятига эга. Вирус одатда флоэмада (паракристалл тўдачалар шаклида) жойлашади, аммо ёш новдаларнинг қобигида ҳам кузатилган.

Касалликни аниқлаш учун индикатор Кейлаймининг янги ундирилган ниҳолларинипайванд қилиш усули кўлланилади. Уларда барг томирлари оқариши, барг ичига қараб буралиши ва поясида ўйиклар пайдо бўлиши тристеза касаллиги мавжудлигидан далолат беради. Бу усулнинг камчиликлари – кўп вақт сарф қилиниши, бу усулни кенг миқёсда ишлатиш қийинлиги ёки амалга ошириб бўлмаслиги ҳамда ниҳолларда енгил симптомлар пайдо бўлганида касалликка ишончли диагноз қўйиш мумкин бўлмаслигидир. Вирусни аниқлаш учун ёруғлик ва электрон микроскоплардан ҳам фойдаланишади, аммо тез идентификация қилиш мақсадида элиса методи энг кўп ишлатилади.



22-расм. Цитрус экинларининг тристеза (тез нобуд бўлиши) касаллиги



23-расм. Цитрусларнинг бирдан қуриб қолиши –Тристеца *Citrus tristeza disease virus.*: 1-касалланган дархтнинг умумий кўриниши; 2-лимоннинг пайвандуст ва пайванттаг бириккан жойидаги шишларнинг хосил бўлиши; 3- суний касаллантирилган баргнинг рангсизланиши; 4-грейфут пўстлогини остида асалари уйига ўхшаш яраларнинг хосил бўлиши.

#### **4-Топшириқ. Цитрус дарахтларининг учи сарғайиши касаллиги билан танишиш**

**Дарсни мақсади:** Цитрус дарахтларининг учи сарғайиши касаллигининг ташқи белгиларини ўрганиш ва касаллик қўзғатувчиларнинг морфологик тузилиши билан танишиш.

**Дарсга зарур жиҳоз ва материаллар:** Касалланган ўсимлик гербариyllари, микроскоп, буюм ва қоплагич ойна, препоравал нина, пипеткалар, пинцетлар.

**Топшириқни бажариш тартиби:** Цитрус дарахтларининг учи сарғайиши касаллигининг ташқи белгиларини тафсилотини ёзиб, расмини чизинг.

#### **Цитрус дарахтларининг учи сарғайиши (“сариқ аждарҳо”) касаллиги**

Касалликни ном берилмаган вирус қўзғатади.

*Географик тарқалиши* – Хитой.

*Заараланадиган ўсимликлар.* Барча цитрус экинлари.

*Заарари.* Заараланган дарахтлар ўсишдан орқада қолади ва нобуд бўлади.

**Касаллик белгилари.** Ҳар хил цитрус экинларида касалликнинг белгилари ҳар хил ва улар трисезаникига анча ўхшайди. Заараланган дарахтларнинг барглари узун, то ва нотўғри шакли бўлиб қолади, сарғаяди, томирларининг оралари оч тус олади, кейинроқ томирлари нобуд бўлади. Баъзан баргларда хлороз кузатилади ва улар тўкилади. Гуллар кичик, нотўғри шакли, гулбарглар калта, сарғиш оҳангли ва қалинлашган бўлиб, тўкилади. Мева тугунчалари ҳам

тўқилади. Мевалар майда ва силлиқ бўлиб қолади. Касаллик ривожланишининг сўнгги босқичларида дараҳт илдизчалари чирийди.

*Касаллик тарқалиши.* Касаллик заарланган ўсимликлардан соғломларига пайванд билан ўтади. Боғда битта-2 та касал дараҳт бўлса, касаллик тезда деярли барча дараҳтларга ўтади. Шу сабабдан, вирус ҳашаротлар билан ҳам тарқалиши мумкинлиги гумон қилинади. Вирус уруғ орқали ўтмайди. 5-6 йиллик дараҳтларга қўра каттароқ дараҳтлар кўпроқ заарланади.

### **Карантин тадбирлари**

- Ўзбекистонга цитрус дараҳтларининг учун сарғайиши касаллиги тарқалган мамлакатлардан экишга ва пайванд қилишга мўлжалланган цитрус материаллари ҳамда уруғ олиш учун меваларини олиб келиш ман этилади;
- Ўзбекистонга селекция ва илмий-тадқиқот мақсадида олиб келинган уруғ ва бошқа экиш учун мўлжалланган материал заарланганлигини аниқлаш мақсадида лабораторияда экспертиза қилиш ва 3 йил давомида интродукционкарантин даласида экиб текшириш; аниқланган тақдирда, уларни ёқиб юбориш;
- Заарланган дараҳтларни қазиб олиб, йўқотиш;
- Дараҳтларни ўз вақтида сугориш, ўғитлаш ва юқори агротехника қоидаларига риоя қилиш дараҳтларнинг вирус касалликларига чидамлилигини оширади.

## **5-Топшириқ. Чиннигул фиалофороуз сўлиши касаллиги билан танишиш**

**Дарсни мақсади:** Чиннигул фиалофороуз сўлиши касаллигининг ташқи белгиларини ўрганиш ва касаллик қўзғатувчиларнинг морфологик тузилиши билан танишиш.

**Дарсга зарур жиҳоз ва материаллар:** Касалланган ўсимлик гербариyllари, микроскоп, буюм ва қоплагич ойна, препоравал нина, пипеткалар, пинцетлар.

**Топшириқни бажариш тартиби:** Чиннигул фиалофороуз сўлиши касаллигининг ташқи белгиларини тафсилотини ёзиб, расмини чизинг.

### **Чиннигул фиалофороуз сўлиши**

Касалликни факультатив паразит *Phialophora cinerescens* (Фиалофора цинересценс) гифомицет амбурууги қўзғатади, синоними *Verticillium cinerescens* (Вертициллиум цинересценс).

Касаллик тарқалган мамлакатларда иссиқхоналарда катта заар келтиради. Қўзғатувчи замбуруғ тупроқда сапротроф сифатида, 75 см гача чуқурликда, қўп йиллар давомида сақланиши мумкин. Голландияда 13 йил давомида чиннигул экилмаган иссиқхонада ушбу гул экилиши билан дарҳол заарланган. Сув юзасида замбуруғнинг конидиялари 8 ҳафта давомида ҳаётчанлигини сақлай олади. Тупроқда замбуруғнинг мицелийси ўсимликларнинг илдизига – ксилема тўқималарига – кириб, заарлайди, кейин эса ўтказувчи найчалар бўйлаб юқори ярусларга тарқалади. Конидиялар ҳосил бўлиши учун кардинал ҳароратлар 10-28°C, оптимум 18-23°C. Касалликнинг инкубацион даври нисбатан узун – 45-106 кунни ташкил қиласи.

**Касаллик белгилари.** Заарланган ўсимликнинг пастки баргларида сарғиш кулранг-яшилгача тусли доғлар ҳосил бўлади, иссиқ ҳароратда улар тўқ-қизил ёки занг тусли оҳанг олади. Доғлар остидаги тўқима нобуд бўлади,

олдин пастки, кейин юқори ярусдаги барглар сарғайиб, сўлийди ва пояда осилиб қолади. Сўнгра бутун ўсимлик сўлиб қолади, поя сариқ тусга киради, ўсимлик илдизи нобуд бўлади. Заарланган поянинг қобиғи осон сидирилиб тушади. Уни сидириб олиб, текширганда, ўтказувчи тўқималарда калта ёки узуроқ тасмачалар шаклидаги қўнғир доғланиш кўринади. Шунга ўхшаш касаллик белгилари чиннигул фузариоз сўлиш (қўзғатувчи *Fusarium oxysporum* f. sp. *dianthi*) билан заарланганида ҳам намоён бўлади. Касаллик қўзғатувчисини аниқлаш учун уни соғ культурага ажратиш талаб қилинади.

**Қўзғатувчининг белгилари.** Конидиофоралари оддий ёки шохланган, рангиз, вакт ўтиши билан оч-қўнғир тусли, кўпинча 8-20x2-3 мкм. Фиалидалари бутилка шакли, зич дасталарда, 8-12x2,5-3,5 мкм. Конидиялари 1 ҳужайрали, рангиздан оч-қўнғиргача, цилиндр, тухум ёки эллипсоид шакли, 3-6x1,5-2,6 мкм. Гифалари гиалиндан оч-қўнғиргача, эни 1-3 мкм, эски культураларда диаметри 6 мкм гача бўлган, усти ясси сўгалчалар билан қопланган ҳужайралар ҳосил бўлади. Баъзи тадқиқотчилар ушбу ҳужайраларни адашиб, хламидаоспоралар деб аташган.

## **6-Топшириқ. Хризантеманинг оқ занг касаллиги билан танишиш**

**Дарсни мақсади:** Хризантеманинг оқ занг касаллигининг ташқи белгиларини ўрганиш ва касаллик қўзғатувчиларнинг морфологик тузилиши билан танишиш.

**Дарсга зарур жиҳоз ва материаллар:** Касалланган ўсимлик гербариyllари, микроскоп, буюм ва қоплагич ойна, препоравал нина, пипеткалар, пинцетлар.

**Топшириқни бажариш тартиби:** Хризантеманинг оқ занг касаллигининг ташқи белгиларини тафсилотини ёзиб, расмини чизинг.

### **Хризантеманинг оқ занги**

Касалликни облигат паразит, *Russinia horiana Henn* базидиомицет замбуруғ қўзғатади.

**Касаллик белгилари.** Асосан барглар, кам ҳолларда поялар заарланади. Баргларнинг устки тарафида оч-яшил, сариқ, диаметри 5 мм гача бўлган доғлар ҳосил бўлади, вакт ўтиши билан уларнинг ўртасида тўқима некрозга учрайди, қўнғир тус ва ботиқ шакл олади. Баргларнинг пастки тарафида, устки тарафдаги доғларнинг қаршисида бўртган, сўгалча шаклии, сарғиш-нимранг тусли, мумсимон телиопустулалар ҳосил бўлади. Кейинчалиқ, базидиоспоралар ҳосил бўлганида, телиялар оқиши тусга киради. Телиялар баъзан, кам ҳолларда, баргларнинг устки тарафларида ҳам ҳосил бўлади. Кучли заарланган барглар сўлийди, пояда осилиб қолади ва сўнгра қурийди.

**Қўзғатувчининг белгилари.** Қўзғатувчи якка хўжайнли тур бўлиб, унинг фақат эцио- ва телиобосқичлари мавжуд, урединио босқичи мавжуд эмас. Телиоспоралари 2 ҳужайрали, узунчоқ ёки узунчоқ-тўқмоқ шакли, устки қисми думалоқлашган, септадан тортилган, қобиғи силлиқ, оч-сариқ тусли, 32-50-58x10-14,5-19 мкм; рангиз оёқчасининг узунлиги 70 мкм гача, эни 3-7 мкм. Телиоспоралар юқори намлик ва 4-36°C, оптимум 17-28°C ҳарорат мавжудлигига ўсади; бунда рангиз, 1 ҳужайрали базидиоспоралар ҳосил бўлади, улар шамол билан тарқалиб, ўсимликларга тушади ва уларни

заарлайди. Инкубацион давр (ўртача 10 кун) дан кейин заарланган баргларда телялар ва телиоспоралар ривожланади. Ўсув даврида касаллик базидиоспоралар билан тарқалади.

Хризантеманинг оқ занги қаламчалар ва кесиб олинган гуллар билан тарқалади.



24-расм. Хризантеманинг оқ занг касаллигини – *Puccinia horiana* Henn.: 1,2-касалланган барг; 3-телейтоспоралар

### Хризантеманинг бошқа занг касаллклари

Хризантема яна 2 та бошқа занг касаллигини қўзғатувчи замбуруғлар билан заарланади, булар *Puccinia chrysanthemi* (Пукциния хризантеми) ва *Uredo autumnalis* (Уредо отумналис) бўлиб, улар карантин обьектлари эмас, бу ерда улар ҳақида гапиришимизнинг сабаби –уларни карантин касаллик бўлган оқ зангдан ажратса олиш лозим эканлигидир.

Ҳар 2 турнинг ҳам ватани – Японияда, *Puccinia chrysanthemi*, ундан ташқари, Европада ҳамда Россияда (Приморье ўлкаси, Фарбий Сибирь), Кавказда, Марказий Осиёда, Африкада, Шимолий ва Жанубий Америкада ҳамда Австралияда учрайди, аммо кам тарқалган ва хризантемага заари ҳам катта эмас. Баргларнинг ҳар икки тарафида, кўпроқ остки тарафида, баъзан пояларда шоколаддай қўнғир тусли, концентрик доиралар шаклида жойлашган, диаметри 2-5 мм келадиган ва ичи спораларнинг кукуни билан тўла бўлган урединиялар ҳосил бўлади. Баргларнинг устки тарафида (урединияларнинг қаршисида) оч-сариқ ёки ифлос-сариқ тусли доғлар ҳосил бўлади. Кучли заарланган барглар сарғаяди ва вақтидан олдин қуриб қолади. Урединиоспоралари 1 (баъзан 2) хужайрали, шар тухум ёки эллипсоид шакли, оч-қўнғир тусли, усти тукчалар билан қопланган, 25-32 (37)x20-27 (32) мкм.

Телиоспоралари Европада кам учрайди, аммо ватанида – Японияда – доимо ва катта микдорларда ривожланади. Улар каштан-қүнғир тусли, 2 ұхжайрали, қобиғи майда сүгальчалар билан қопланган, узунчоқ ёки эллипсоид шаклли, 37-55 (60)х21-32 мкм. Оралиқ хұжайини номаълум.

*Uredo autumnalis* ватани – Япониядан бошқа жойда топилмаган. Урединиоспоралари думалоқ, тухум, эллипсоид ёки нок шаклли, қобиғи тукчалар билан қопланган, рангсиз ёки сал сарғиши тусли, 23-28x18-25 мкм.

## **7-Топшириқ. Хризантеманинг аскохитоз касаллиги билан танишиш**

**Дарсни мақсади:** Хризантеманинг аскохитоз касаллигининг ташқи белгиларини үрганиш ва касаллик қўзғатувчиларнинг морфологик тузилиши билан танишиш.

**Дарсга зарур жиҳоз ва материаллар:** Касалланган ўсимлик гербариyllари, микроскоп, буюм ва қоплагич ойна, препоравал нина, пипеткалар, пинцетлар.

**Топшириқни бажариш тартиби:** Хризантеманинг аскохитозкасаллигининг ташқи белгиларини тафсилотини ёзиб, расмини чизинг.

### **Хризантеманинг аскохитоз касаллиги (куйиши, гулбарглари чириши)**

Касалликни *Didymella ligulicola von Arx* аскомицет замбуруғи қўзғатади.

**Касаллик белгилари ва ривожланиши.** Аскохитоз – ўта хавфли касаллик, у айниқса иссиқхоналарда катта зарап келтиради. Ўсимликларнинг барча ўсуви босқичларида барча аъзолари – барглари, поялари ва илдизлари заарланади, айниқс қаламчалари ва гуллари аскохитозга ўта чидамсиз. Қаламчаларнинг одатда тепа куртаклари заарланади, улардан касаллик пастки қисмларига тарқалади. Очилмаган куртаклар, гулолди барглари ва поя тўқималари қораяди. Баргларда нотўғри шаклли, кенглиги 2-3 см келадиган қўнғир-қорамтири доғлар ҳосил бўлади, улар касаллик учун қулай об-ҳаво шароитида бир-бири билан қўшилиб, баргни қоплаб олади ва барг чириб кетади. Пояларнинг барглар бириккан жойларида, жароҳатланган қисмларига ва қаламчалар кесилган жойларининг устида қўнғир ёки қорамтири доғлар ва яралар ҳосил бўлади. Қаламчалар илдиз чиқариш даврида касаллик белгилари ривожланмаслиги мумкин, аммо қўзғатувчи замбуруғ тўқима ичидан йўқолиб кетмайди ва ўсимликлар учун хавфли инфекция манбаи бўлиб хизмат қиласади. Етилган ўсимликларда доғлар одатда поянинг пастки қисмларини ўраб олиши мумкин. Замбуруғ ўсимлик тўқималарига фитотоксин ажратиб, чиқаради, натижада заарланмаган новдаларнинг ҳам учлари нобуд бўлади, барглар кичик бўлиб, усти хлороз билан қопланади, бироз мўрт бўлиб қолади, ўсимликларнинг бўйи бироз пасаяди.

Заарланган гулларнинг олдин бир тарафида қизғиши ёки қўнғир тусли доғлар ҳосил бўлади. Касаллик тез тарқалади, натижада тўпгул тўла чириши мумкин, унинг алоҳида гуллари бир-бирига ёпишиб қолади. Сўнгра касаллик гулбандига ўтади, у қораяди ва заифлашади, натижада гулбанди букилади ва гул боши сўлиб қолади.

Ўсимликнинг заарланган илдизлари қўнғир тус олади, мўрт бўлиб қолади ва чириб кетади.



25-расм. Хризантемани аскохитоз касаллигини –*Didymella ligulicola* von Arx.: 1- касалланган гул, поя ва барги; 2-замбуруғ пикнидияси; 3-пикноспоралар; 4-перитеций; 5-аскоспоралар; 6-халтачалар.

Аскохитозни қўзғатувчи замбуруғ ўсимлик қолдиқларида мицелий, перитеций ва пикнида шаклида қишлияди. Замбуруғ 29°C совуқда ҳам ҳайётчанлигини сақлаши мумкин.. Ўсимликлар бирламчи заарланиши замбуруғнинг акоспоралари ва пикнида ичидаги ҳосил бўладиган конидиялари қўзғатади. Ўсув даврида касаллик тарқалишини баъзи мамлакатларда акоспоралар ва конидиялар, бошқаларида эса асосан конидиялар таъминлайди. Пикнидалар заарланган ўсимликларнинг гулкортаклари ва гулбандларида катта микдорда, поя ва баргларида камроқ микдорда ҳосил бўлади. Улардан конидиялар шилимшиқ модда ичидаги томчилар шаклида чиқади ва ёмғир томчилари билан тарқалади. Ўсимлик акоспоралар билан заарланиши учун оптимал ҳарорат 24°C (кардинал ҳароратлар 10-30°C) ва томчи намлик бўлиши зарур. Конидиялар билан ўсимликлар 6-30°C орасидаги ҳарорат ва намлик мавжудлигига заарланади. Улар ўсимлик тўқимасини бевосита тешиб, киради.

Хризантема барглари ва гулларида аскохитознига ўхшаш белгилар улар бошқа замбуруғлар – *Botrytis cinerea*, *Fusarium* spp, *Pythium* spp. – билан заарланганида ҳам ҳосил бўлиши мумкин. Қўзғатувчининг турини аниқлаш учун микологик анализ ўтказиш талаб этилади.

**Қўзғатувчининг белгилари. Анаморфа.** Пикнидларини 15<sup>X</sup> лупада кўриш мумкин, улар думалоқ шаклини, бироз яссилашган, юпқа қобиқли, тўқсариқ тусли мева таначалари бўлиб, бироз тўқроқ тусли оғизчаси мавжуд. Уларнинг ўлчамлари 2 хил: гулбарглардаги пикнидалар тўдаларда, диаметри

72-180 мкм, поя ва баргларда эса тарқоқ жойлашган ва каттароқ – 111- 182-325 мкм. Конидиялари овал, цилиндр ёки күпинча нотўғри шаклли, септасиз ёки 1 септадан тортилмаган, рангиз бир ҳужайрали конидияларнинг ўлчами 6-22x2,5-8 мкм, күпинча 8,5-13x3,5-5,5 мкм, икки ҳужайраларининг ўлчами 9-23x3-6,6 мкм, күпинча 13-15,5x4-5 мкм. **Телеоморфа.** Перитецийлари камроқ учрайди, думалоқ шаклли, тўқ-қўнғир тусли қалин қобиққа эга, диаметри 96-146-224 мкм. Аскоспоралари 1 септади, рангиздан сал яшилроққача тусли, урчуқ шаклли, 12-14-16x4-5-6 мкм.

Хризантеманинг аскохитоз касаллиги қаламчалар, кесиб олинган гуллар, уруғлар, ўсимлик қолдиқлари ва тупроқ заррачалари билан тарқалиши мумкин.

**Карантин чора-тадбиrlари.** Мамлакатга олиб кирилаётган хризантема гуллари, қаламчалари ва бошқа материаллари карантин назоратидан ўтказилиши лозим.

### **Чиннигул бактериал пакана бўлиб қолиши ва сўлиши**

**Қўзғатувчи** –*Erwinia chrysanthemi* (Эрвиния хризантеми) бактерияси (синонимлари *Erwinia carotovora* f. sp. *dianthicola* ва б.).

Қўзғатувчининг ҳар хил патоварлари жуда кўп ўсимлик турларини, жумладан, чиннигулдан ташқари, хризантема, бегония, банан, маккажўхори, шакарқамиш ва бошқа ўсимлик турларини заарлайди. Бактерия заарлайдиган хўжайнин ўсимликлар спектри охиригача ўрганилмаган.

**Касаллик белгилари.** Касаллик иссиқхоналарда кенг тарқалган. Одатда заарланган қаламчаларда касалникнинг ташқи белгилари бўлмайди, улар ўсув даврида кўринади. Типик белгилари – поянинг пастки қисмларида, айниқса энг пастки бўғимларда, узунасига жойлашган ёриқлар ва чукур яралар ҳосил бўлиши, ёш барглар буралиши, улар кулранг-яшил тус олиши ва ўсимлик сўлиб қолишидир. Иссиқхоналарда заарланган ниҳоллар пакана, бўғимлари калтароқ бўлиб қолади. Кейинроқ улар оқишироқ тус олади, сўлийди, қуриб, поялари сомондай сариқ тусга киради.

Заарланган ўсимликларнинг илдизи чирийди – ўсимликларни тортганда, улар тупроқда қолади. Поянинг кўндаланг кесмасида ўтказувчи найчалар қўнғир тус олганлиги ва уларда илдиз бўғиздан поянинг юқори қисмларига, баъзан 40-50 см баландликка тарқалувчи оч-қўнғир миқелий арқончаларини кўриш мумкин.

Инфекция заарланган ўсимликлардан тайёрланган қаламчалар, ҳашаротлар, суғориш суви, қаламча тайёрлаш учун ишлатилган пичоқлар ва ишчилар воситасида тарқалиши мумкин. Бактерия тупроқда, қумда, иссиқхона қисмларида ва жиҳозларида сакланади. Ўсимлик пояси ва илдизларига бактерия устъицалар, гидатодлар, тупроққа ишлов беришда ҳамда ҳашаротлар заарлаганда етказган механик жароҳатлар орқали кириши мумкин.

Чиннигулдада вилт касаллигини келтириб чиқарувчи бактериялар харакат чан таёқалар шаклидаги, бир тамонида хивчин ҳосил қилувчи, аэроб хаёт кечиравчи, ўлчами 0,8- 1,2x0,5- 0,6 мкм ни ташкил қиласиди. Кartoшкали агарда секин ўсади, колонияси силлик, сариқ рангда бўлади.

Бактериянинг ривожланиши учун оптимал харорат 28-30 °С, максимал 35-37 °С, ва 47 °С да бактерия нобуд бўлади. Касаллик қўзғатувчиси пиёзбошлар, тупроқ, қум, меҳнат қуроллари, ёмғир, шамол ва хашоратлар воситасида тарқалади. Соғлам ўсимликка устиналар, гидатоидлар, меха ник яралар воситасида кириб келади. Ўсимликнинг чиқиш оқимлари орқали поя бўйлаб бутун ўсимликка тарқалади.

Касалликка қарши карантин тадбирларига келтирилган кўчатларни бир йил давомида карантин питомникларида мунтаззам фитосанитар назоратдан ўтказиб туриш, питом никларда ўсимлик ғунча хосил қилган даврдан бошлаб, пиёз бошлар хосил қиласга қадар назорат қилиш; Касалланган ўсимлик намуналарини йўқ қилиб ташлаш ва тупроқ, қиринди, ромларни 40 % формалин эритмаси билан ишлов бериш керак ( $1\text{m}^2$  жойга 10 л сувда  $250 \text{ cm}^3$  формалин фойда-ланилади). Пиёзбошларни  $37^0$  С хароратда 4 хафта давомида қуритиш керак. Кўчат учун соғлам пиёзбошларни 5 % ли темир сулфид эритмасида ишлов берип экиш ва касалланган ўсимлик қолдиқларини ёқиб, жойларини 5 % ли формалин эритмаси билан ишлов бериш керак.



26- расм. Сунбулнинг бактериал сўлиш касаллиги- *Erwinia chrysanthemi*

### Гиацинларнинг сариқ касаллиги

Бу касаллик Европада (Буюк Британия, Дания, Италия, Нидерландия, Франция, Швеция, Германия), Осиёда (Япония), Шимолий ва Марказий Аме рикада (АҚШ) давлатларида тарқалган бўлиб, Республикамиз учун карантин объект сифатида учрамайди.

Касалликни *Xanthomonas hyacinthi* (Wekker)Dowson бактерияси келтириб чиқаради.

Бу касаллик сунбулни баргларида ва тўпгуллар бандида сариқ рангдаги доғлар тарзида намаён бўлади. Касаллик туфайли поянинг ўтказувчи найлари

бактериялар билан тўлиб қолади. Барглар юқори ярусдан бошлаб сарғая ди, кейин қўнғир яшил рангга киради, сўлийди ва қуриб қолади.

Касаллик белгилари пиёзбошларда намаён бўлганда уларнинг туби чирийди. Баъзан пиёзбошлар ташки кўрини шидан соғlam кўринсада, уни кўндаланг кесилганда сариқ рангда кўринади. Кейинчалик поянинг пастки бўғинларидаги поядаги ўтказувчи боғламлар бактерия споралари билан тўлиб қолади, юқори бўғинларда хосил бўлган баргларнинг сўлиши билан намаён бўлади. Ўсимлик поясини кўндаланг кесилганда сув найларининг қорайиши ва устидан бактериянинг шилимшиғи билан қопланганлиги кўринади.



27-расм. Сунбулнинг сариқ касаллиги-*Xanthomonas hyacinthi*  
(Wekker)Dowson.: юқоридан ўнга касалланган пиёзбошларнинг энига ва бўйига кесиги; чапда касалланган ўсимлик намунаси; ўнгда кучли даражада касалланган ўсимлик.

**Топшириқ.** Гурух тингловчиларини 2 та гурухга бўлиб “Б/Б/Б/” жадвалини тўлдиринг.

Биламан	Билишни ҳоҳлайман	Билиб олдим

## VII. КҮЧМА МАШГУЛОТ

### **1.Күчма машғулотни ўтказиш жойи ва санаси:**

Ўқув дастуридаги режага мувофиқ “Қишлоқ хўжалик экинларининг карантин касалликлари ва уларни бартараф этишнинг замонавий усуллари” модулидан белгиланган кўчма машғулот – Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси қошидаги “Ўсимликлар карантини илмий-тадқиқот Маркази” да ўтказилади.

### **2.Кўчма машғулотнинг мавзуси ва ажратилган соат: 6 соат**

**Мавзу:** Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси қошидаги “Ўсимликлар карантини илмий-тадқиқот Маркази” нинг фаолияти билан танишув.

“Қишлоқ хўжалик экинларининг карантин касалликлари ва уларни бартараф этишнинг замонавий усуллари” модулини ўқитишида Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси қошидаги “Ўсимликлар карантини илмий-тадқиқот Маркази” нинг тутган ўрни ва аҳамияти.

### **3.Кўчма машғулот ташкил этиладиган Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси қошидаги “Ўсимликлар карантини илмий-тадқиқот Маркази” нинг фаолият йўналишлари ҳақида кисқача маълумот:**

“Ўсимликлар карантини илмий-тадқиқот Маркази”нинг асосий вазифалари:

- илмий тадқиқот ишларини дала шароитида ўтказишга шарт – шароитлар яратиб бериш;

- Ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик махсулотларининг карантин организмларини аниқлаш ва уларга қарши карантин чора-тадбирларини ишлаб чиқиши;

- республикамиз учун ташқи карантин организмларни биоэкологик хусусиятларини ўрганиш ва уларни республикамиз худудига кириб келишини олдини олиш чораларини ишлаб чиқиши ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кенгжорий этишдан иборат.

### **4.Кўчма машғулотни ташкил этиш жараёнида фойдаланилган норматив-хуқуқий, ўқув-услубий ва бошқа хужжатлар:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази ҳамда ТДАУ ҳузуридаги кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармок маркази томонидан ишлаб чиқилган норматив-хуқуқий, ўқув-услубий ва бошқа меъёрий хужжатлардан мақсадли фойдаланилади.

### **5.Ўтилаётган мавзу бўйича ўрганилади ва таниширилади:**

1. Республикаиздаги ички карантин организмлар билан танишилади ва уларни қишлиб чиқиши, ўсимликларнинг ўсув даврида ривожланиши, тарқалиши ва ҳосилдорликга таъсири ўрганилади ва таҳлил қилинади, тажриба методикаси билан таниширилади.

2. Карантин касалларни қўзғатувчи микроорганизмларнинг биологик хусусиятлари, уларни аниқлаш усуулари билан таништирилади.

3. Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси қошидаги “Ўсимликлар карантини илмий-тадқиқот Маркази” иш фаолияти билан таништирилади.

4. Оддий иссиқхона шароитида парваришланаётган помидор ва бодринг этиштириш технологиялари ва уларнинг касалларни билан таништирилади ва гидропоника усулидаги иссиқхона билан қиёсий таққослаб, иқтисодий самарадорлиги тушунтирилади.

#### **6.Кўчма машғулотда фойдаланиладиган ўқув материаллар ва ишланмалар:**

Кўчма машғулот жараёнида тингловчилар бевосита лаборатория шароитида касаллик қўзғатувчи микроорганизмларнинг морфологияси билан бевосита танишадилар.

Касалланган ўсимликлардан гербарий тайёрлаш методикасини ўзлаштирадилар.

Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси қошидаги “Ўсимликлар карантини илмий-тадқиқот Маркази”да семенар ва масофадан туриб ўқитиш, интернет сайти орқали келиб тушган саволларга жавоб қайташ тартиблари, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топиш, керакли манбаларни интернет сайтларидан юкраб олиш ҳақидан керакли билим ва кўникмаларга эга бўлишадилар.

#### **7.Назарий билимларни амалиёт билан боғлаш юзасидан таклиф ва тавсиялар:**

Кўчма машғулот давомида тингловчиларга “Қишлоқ хўжалик экинларининг карантин касалларни ва уларни бартараф этишнинг замонавий усуулари” модулида ўтилган мавзуларда ўрганилган ўсимликларнинг карантин касалларни бўйича берилган назарий билимларни дала шароитида тушунтириш чукур билимлар олиш имкониятини беришини эътиборга олган ҳолда:

- амалий ва кўчма машғулотларни ҳар бир назарий дарслардан сўнг ташкил қилиниши ва “Ўсимликлар карантини илмий-тадқиқот Маркази”да ҳам амалий дарс машғулотларини ташкил қилиш ва ўтиш тингловчилар учун янада қизиқарли ва самарали бўлиши ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларини баён этишади.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

### Инсерт жадвали

**“ИНСЕРТ” жадвали** - мустақил ўқишиң вақтида олган маълумотларни, эшитган маъruzаларни тизимлаштиришни таъминлайди; олинган маълумотни тасдиқлаш, аниқлаш, четга чиқиши, кузатиш. Аввал ўзлаштирган маълумотларни боғлаш қобилиятини шакллантиришга ёрдам беради.

**Инсерт жадвалини тўлдириши қоидаси:** Ўқиши жараёнида олинган маълумотларни алоҳида ўзлари тизимлаштирадилар - жадвал устунларига “киритадилар” матнда белгиланган қуидаги белгиларга мувофиқ:

“V”- мен билган маълумотларга мос;

“-“ - мен билган маълумотларга зид;

“+” - мен учун янги маълумот;

“?” - мен учун тушунарсиз ёки маълумотни аниқлаш, тўлдириш талаб этилади.

V	+	-	?

### МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ

#### Мустақил таълимни ташкил этишининг шакли ва мазмуни

Тингловчи мустақил ишни муайян модулни хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуидаги шакллардан фойдаланиб тайёрлаши тавсия этилади:

- меъёрий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzalар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

## **Мустақил таълим мавзулари**

1. Касалликларни аниқлашда қўлланиладиган жиҳозлар
2. Касаллик қўзғатувчиларга қарши қўлланиладиган фунгицидлар тавсифи билан танишиш.
3. Фунгицидларни заҳарлилигини белгиловчи омилларни ўрганиш.
4. Фитосанитария назоратини амалга оширадиган ташкилотларнинг структураси, вазифаси ва уларнинг фаолиятини ўзаро боғлиқлиги.
5. Фитосанитария назоратини амалга оширувчи ташкилотларнинг ишини режалаштириш ва ташкил қилиш.
6. Ўсимликлардан фитосанитар назорати учун намуналарни танлаш усуслари
7. Касалликларни тарқалишини ҳисобга олиш усулари
8. Касалликларни ривожланиш динамикасини ҳисобга олиш усуслари
9. Касалликларни заарини ҳисобга олиш усуслари
10. Карантин касалликларини иқтисодий заарини аниқлаш

## VI. ГЛОССАРИЙ

**Анализ махсус** — (визуал бўлмаган) текшириш, заарли организмларни аниқлаш ёки уларни идентификатсиялаш мақсадида ўтказилади.

**Башорат** — Ўсимликлар дунёсига зарар етказувчи заарли организмларни (зараркунанда, касаллик қўзғатувчилар ва бегона ўтлар) пайдо бўлиши, тарқалиши, миқдори ва ривожланишини илмий асосланган ҳолда мутахассислар томонидан узоқ ва қисқа муддатли башорат қилиш жараёни.

**Бактериологик экспертиза** - Бактериологик экспертиза чет давлатлардан кириб келаётган ўсимлик ва қишлоқ хўжалик махсулотларидан бактериал касалликларнинг қўзғатувчиларини ва карантин объектларни аниқлаш.

**Белгиланган нисбатли танлаш усули** — Белгиланган нисбатли карантин остидаги маҳсулотлардан намуна олиш усули партиянинг ҳажмига қараб маълум миқдордаги бирлик ёки карантин остидаги маҳсулот намуналари (масалан, 2%)ни танлашдан иборат.

**Бирлаштирилган намуна (ўсимликлар карантини соҳасида)** — Партиядан танланган карантин остидаги маҳсулотларнинг нуқтавий намуналари тўплами.

**Вирусологик экспертиза** - Вирусологик экспертиза чет давлатлардан кириб келаётган ўсимлик ва қишлоқ хўжалик махсулотларидан вирусли касалликларнинг қўзғатувчиларини ва карантин объектларни аниқлаш.

**Давлат ва хусусий шерик тўғрисидаги битим (кейинги ўринларда битим деб аталади)** — Томонларнинг ҳуқуqlари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини, шунингдек, ўсимликлар клиникалари фаолиятини ташкил этиш бўйича лойиҳани амалга оширишнинг бошқа шартларини белгилайдиган давлат билан хусусий шериклар ўртасида тузиладиган ёзма шартнома.

**Дастлабки назорат** - Уруғдаги инфекцияни дастлаб аниқланиши ва чукур тадқиқотларни бошланиши.

**Дегазация** — Ўсимликлар карантини объектларини кимёвий воситалар

газлари билан заарсизлантириш (фумигация) муддати тугагандан кейин ушбу герметик ёпилган объектда зақарли газ ҳолидаги моддаларни йўқотишга қаратилган чора-тадбирлар.

**Инкубация** – Уруғ ва заарланган ўсимлик аъзоларида учрайдиган патогеннинг ривожланиши учун хосил қилинган қулай шароитда ундириш муддати.

**Инкубация даври** - Тахлилга қўйилган ўсимлик намунаси ёки уруг юзасида инфекциянинг пайдо бўлишигacha ўтган давр.

**Инкубатор** – Уруғларни ёки карантин организмларни инкубация даврида ҳаво ҳароратини, ёруғлигини, намлигини назорат қилиш мумкин бўлган аппарат ёки хона.

**Ички карантин организмлар** — Ўзбекистон Республикасининг айrim худудларида тарқалган карантин организмлар.

**Ички фитосанитария сертификати** — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юклаш, сақлаш, ташиб ва реализация қилинадиган карантин остидаги маҳсулотда ўсимликлар карантини объектлари мавжуд эмаслигини тасдиқловчи ҳужжат.

**Ишлаб чиқарувчи мамлакат** — Ўсимлик етиширилган (ўстирилган) мамлакат.

**Ишлаб чиқарувчи мамлакат (ўсимлик маҳсулотини)** — Ўсимлик етиширилган (ўстирилган) мамлакат, яъни маҳсулот ушбу мамлакатда ўстирилган ўсимликдан олинган.

**Карантин бегона ўт** — Маданий ўсимликлар орасида ўсиб кўпайишга мослашган ҳамда уларнинг ўсиб ривожланишига салбий таъсир қилувчи ўсимлик.

**Карантин обьекти** — Ўзбекистон Республикасида учрамайдиган ёки айrim худудларда қисман учрайдиган ўсимликлар карантини организмлари рўйхатига киритилган заарли организм.

**Карантин обьекти фитосанитар зonasи** — Карантин обьекти аниқланиши билан боғлиқ бўлган белгиланган тартибда эълон қилинган зона.

**Карантин остидаги маҳсулот** — ўсимликлар карантини объектларини ташувчилар бўлиши мумкин бўлган ўсимликлар, уларнинг қисмлари, экиш материаллари, қайта ишлаш маҳсулоти, бошқа маҳсулот ва юклар.

**Карантин остидаги маҳсулотларнинг партияси [материал, юк]** — Битта транспорт воситасида жойлашган ёки битта транспорт воситаси томонидан битта манзилга, ягона қабул қилувчига юборилиши мўлжалланган бир турдаги бир хил карантин остидаги маҳсулотлар (материаллар, юклар) га битта карантин ёки фитосанитария сертификати ва карантин остидаги маҳсулотларнинг кузатилишини таъминловчи ягона юк ҳужжати илова қилинади.

**Карантин остидаги ҳудуд** — Карантин обьекти аниқланган ва унинг кенг тарқалишига йўл қўймаслик юзасидан тадбирлар ўтказилаётган ҳудуд.

**Карантин режими** — Ўсимликлар карантинидаги заарли организмлар аниқланган аҳоли яшаш масканлари ёки муайян минтақалардан ўсимлик маҳсулотларини олиб чиқиш, улардан фойдаланишга карантин чеклашларни эълон қилиш ва заарланиш ўчоқларининг кенг тарқалишига йўл қўймасликка ҳамда уларни йўқ қилишга қаратилган чора-тадбирлар.

**Карантин рўҳсатномаси** — Карантин остидаги маҳсулотни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришга ёки унинг ҳудудидан транзит тарзида олиб ўтишга рўҳсат берилганлигини тасдиқлайдиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси томонидан берилган ҳужжат.

**Карантин текшируви** — Карантин ҳолатини аниқлаш учун ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан ўсимлик ва унинг маҳсулотларини тайёрлайдиган, жамғарадиган, қайта ишлайдиган ва реализация қиладиган корхоналар, ташкилотларнинг ҳудудлари ва биноларини, табиий ва маданий ўсимликлар ўсадиган ерларни, шу жумладан юридик ва жисмоний шахсларга ажратиб берилган ер участкаларини, давлат чегараси ҳудудларини текширувдан ўтказиш, давлат қўриқхоналари, табиат боғлари ва давлат биосфера резерватларининг қўриқхонага айлантирилган ҳудуд ерлари бундан мустасно.

**Карантин чеклашлар** — Ўсимликлар карантини заарли организмлари тарқалишининг олдини олиш мақсадида, карантин остидаги ҳудуддан (аҳоли яшаш масканлари, туманлар, шаҳарлар, вилоятлар, республика) ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни олиб чиқиш, олиб кириш ва улардан фойдаланишни муайян муддатга чеклаш.

**Карантин чекловлари** — Карантин остидаги маҳсулотни Ўзбекистон Республикасига олиб киришни, Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқишни, ташишни ва улардан фойдаланишни ўсимликлар карантини обьектлари тарқалишининг олдини олиш мақсадида муайян муддатга чекловчи фитосанитария тадбирлари.

**Конверт усули** — Бу конвертлар схемасига мувофиқ оммавий равища сақланадиган карантин остидаги маҳсулотлар партиясидан маҳсулотларнинг бирликларини ёки намуналарини танлашдан иборат. Тўлов ҳажмига ёки омборхонанинг майдонига қараб битта, иккита ёки учта «конверт» усули қўлланилади.

**Конвенция** – Бирор маҳсус масала ёки соҳа (мисол учун, темир йўл, почта алоқаси ёки мuaалифларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва х.) бўйича тузиладиган халқаро шартнома.

**Қатламли усул** — Карантин остидаги маҳсулотлардан қатламли намуна олиш усули шартли равища карантин остидаги маҳсулотларнинг бир қисмини қатламларга ажратиш ва ҳар бир анъанавий қатламдан карантин остидаги маҳсулотларнинг бирликларини ёки намуналарини танлашдан иборат.

**Қўшимча декларатсияси** — Импортёр мамлакат талабига асосан бошқариладиган зараркунандаларни маҳсулотларга таъсири бўйича фитосанитар сертификатига қўшимча маълумот киритиш.

**Лаборатория тадқиқотлари (ўсимликлар карантини соҳасида)** — Карантин фитосанитария ҳолатини аниқлаш мақсадида карантин фитосанитария обьекти ёки карантин остидаги маҳсулотларни текшириш пайтида олинган намунани ўрганиш.

**Нуқтали намуна** – Бу тўпдан бир йўла олинган кам миқдордаги карантин

материали.

**Мақсадли танлаш усули** — Каратин остидаги маҳсулотларни мақсадли танлаб олиш усули бу зааркунандаларни аниқлаш эҳтимолини ошириш учун карантин остидаги маҳсулотларнинг энг кўп юқтирилганган ва ёки популяция қилинган қисмларини танлаб олиш ёки аниқ юқтирилганган ва ёки аҳоли пунктлари ёки карантин остидаги маҳсулотларнинг бирликлари ёки намуналарини танлашдан иборат.

**Микологик экспертиза** - Ўсимликлар карантинидаги фойдаланиладиган микологик таҳлил усули қишлоқ хўжалиги экинларига ҳавф туғдурувчи замбуруғлар кўзғатадиган касалликларни аниқлаш ва ўрганиш.

**Мониторинг юритиш** — Ўсимликлар карантини объектларини аниқлаш, кузатиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва уларнинг тарқалишини прогноз қилиш.

**Намуна –хужжат** - Бу текшириб кўриш ва экспертиза қилиш учун танлаб олинган, карантин зааркунанда ҳашарот, нематода, бегона ўт уруглари, касаллик кўзғатувчи микроорганизм, зааркунда ва касалликлар билан зарарланган ўсимлик қисмлари бўлиб, маҳсулотнинг фитосанитар ҳолатини тасдиқловчи хужжатdir.

**Нуқтавий намуна (ўсимликлар карантини соҳасида)** — Бирлаштирилган намунани шакллантириш учун карантин фитосанитария текширувидан ўтказилаётган партиядан танлаб олинадиган карантин остидаги маҳсулотларнинг бир қисми.

**Раскредитовка** — Ўсимликлар карантини назорати остидаги импорт маҳсулотларининг карантин рухсатномасида белгиланган жойга (темир йўл станцияси, дарё порти, аэропорт, автомобиль йўлларида маскан) етиб келганлигини текшириб, юкни тегишли божхона режимига кўйиш ва олиш учун расмийлаштириладиган ҳужжат.

**Ратификация** – Халқаро шартнома мамлакатнинг энг юқори органлари томонидан тасдиқланиши, шартнома фақат ратификация қилинганидан кейин юридик кучга киради.

**Реэкспорт фитосанитар сертификати** — Импорт қилинган карантин

назоратидаги маҳсулотлар омборда сақланган, бўлакларга бўлинган, қадоқланган ёки бошқа партиялар билан аралаштирилган ҳолатда бошқа мамлакатга экспорт қилинган пайтда бериладиган вакарантин назоратидаги маҳсулотларни зарарли организмлар билан зарарланмаганлигини тасдиқлайдиган ўсимликлар карантини ва муҳофазаси бўйича давлат органлари томонидан берилган халқаро намунадаги ҳужжат.

**Реэкспорт юк** — Кейинчалик экспорт қилишга режалаштирилган мамлакатга импорт қилинган юк. Маҳсулотлар, бўлакларга бўлиниб, бошқа юклар билан аралаштириб ёки қадоқланган ҳолда сақланиши мумкин.

**Тасодифий танлаш усули** — Карантин остидаги маҳсулотларни тасодифий танлаб олиш усули партиядан карантин остидаги маҳсулотлар бирликлари ёки намуналарини тасодифий танлашдан иборат.

**Таҳлил қилиш** — Ўсимликлар ва ўсимлик маҳсулотлари учун зарарли бўлган ҳар қандай ҳайвон ёки касаллик қўзғатувчиларининг турларини қайта кўриш.

**Ташқи карантин организмлар** — Ўзбекистон Республикасига бошқа давлатлардан импорт қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар билан келиб қолиш хавфи бўлган карантин организмлар.

**Текшириш** — Ўсимликлар, ўсимлик маҳсулотлари ёки бошқа карантин назоратидаги материалларда зарарли организмлар борлигини ёки йўқлигини ҳамда фитосанитария қоидаларига риоя этилганлигини аниқлаш учун текширувдан ўтказиш, қайта кўриш.

**Тизимли усули** — Бу муайян вақт оралиғида партиядан карантин остидаги маҳсулотларнинг бирлиги ёки намуналарини танлашдир.

**Тоза маҳсулот ишлаб чиқариш майдони** — Зарарли организмнинг йўқлиги илмий исботланган ва у расман тасдиқланган ишлаб чиқариш майдонининг бир қисми.

**Тўп** — Бу бир вақтда қабул қилиб олинган, жўнаташга мўлжалланган ёки битта силосда, омборда, хирмонда сақланаётган бир хил турдаги материалнинг исталганча миқдори.

**Транзит юк** — Маҳсулотлар мамлакатга импорт қилинмайди ва бошқа мамлакатга у орқали ўтади ва у бошқа товарлар билан аралаштирилмаган, бўлинмаган ва қадоқланиши ўзгартирилмаган заарли организмлар тарқалиши мумкин бўлмаган даражада ёпиқлиги таъминланган болиши шарт.

**Транспорт бирлигини очиш далолатномаси** — Ўсимликлар карантини назоратидаги импорт маҳсулотларининг карантин рухсатномасида белгиланган жойга етиб келганлигини текшириб, транспорт бирлигини очиш ва ўсимликлар карантини текширувидан ўтказиш учун бериладиган ҳужжат.

**Ўртacha намуна (ўсимликлар карантини соҳасида)** — Лаборатория тадқиқотлари учун ажратилган карантин остидаги маҳсулотлардаги бирлаштирилган намунанинг бир қисми.

**Ўсимлик маҳсулоти** — Ишлов берилмаган ўсимлик маҳсулотлари (жумладан дон), шунингдек ишлов берилган маҳсулотлар, қайсики улар билан зарарли организмларни тарқалиш хавфи сакланиб қолган.

**Ўсимликлар карантини давлат хизмати** — Фаолияти ўсимликлар, ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар ва объектларда зарарли организмлар, ўсимлик касалликлари ва бегона ўтларни аниқлаш ва уларга қарши курашиш, ўсимликлар карантинига оид қонун ҳужжатлари бузилишини олдини олиш, Ўзбекистон Республикаси ҳамда хорижий мамлакатларнинг фитосанитар талабларини бажарилишини назорат қилишдан иборат бўлган Ўзбекистон Республикасида ўсимликлар карантини соҳасидаги давлат хизмати.

**Ўсимликлар карантини кўриги далолатномаси** — Транспорт бирлигини очиш далолатномаси берилган ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларда ўсимликлар карантиндаги ва бошқа зарарли организмлар мавжуд эмаслигини тасдиқловчи ҳужжат.

**Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар** — Ўсимликлар, уларнинг қисмлари ва маҳсулотлари, тупроқ, транспорт, тара, қадоқлаш материаллари ва карантин объектларини ташувчиси бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган ҳар қандай юклар.

**Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар** — Ўсимликлар,

уларнинг қисмлари, экиш материаллари, қайта ишлаш маҳсулотлари, ўсимликлар карантинидаги заарли организмларни олиб ўтувчи бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган маҳсулотлар ва юклар.

**Ўсимликлар карантини обьекти** — Дунёда карантин аҳамиятига эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси худудида мавжуд бўлмаган ёки чекланган тарзда тарқалган заарли организмлар.

**Ўсимликлар карантини обьектларини ташувчилар** — Ўсимликлар карантини обьектларининг тарқалишига имконият туғдириши мумкин бўлган транспорт воситалари, қишлоқ хўжалиги машиналари, ерга ишлов бериш қуроллари, идишларнинг барча турлари, айрим саноат товарлари, қадоқлаш воситалари, шунингдек ўсимлик маҳсулотларидан тайёрланган буюмлар, яхлит тошлар, тупроқ намуналари ва (ёки) бошқа обьектлар.

**Ўсимликлар карантини текшируви** — Ўсимликлар карантини обьектларидаги заарли организмларни ўз вақтида аниқлаш мақсадида ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни сақлаш, қайта ишлаш, сотиш ва қабул қилиш жойларини ҳамда уларга туташ худудларни, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган, ўрмон фонди ва муҳофаза этиладиган табиий худудлар ерларини текшириш.

**Ўсимликлар карантини чегара масканлари** — Ўзбекистон Республикаси давлат чегараларидаги ва ички худудлараро чегаралардаги ўсимликлар карантини назорат маскани.

**Ўсимликлар карантини** — Қишлоқ хўжалигига ва бошқа ўсимликлар дунёсига заар етказиши мумкин бўлган ўсимликлар карантини обьектлари кириб келишининг, тарқалишининг олдини олишга ҳамда бундай обьектларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар мажмуи.

**Ўсимликлар клиникаси** — Ўсимликларга агротехник, биологик ва кимёвий ишлов бериш бўйича хизматлар кўрсатувчи ҳамда ўсимликларга ишлов бериш ва ўсимликлар зааркунандалари ва касалликларига қарши курашиш учун аҳолини ва қишлоқ хўжалиги корхоналарини биокимёвий,

кимёвий, биологик, механик воситалар ва ускуналар (инвентарь) билан таъминлайдиган тижорат ташкилоти.

**Фитонематода** — Ўсимликларда паразит ҳолда яшовчи нематода.

**Фитосанитар дала назорати** — Ўсимликларнинг ва ўсимлик маҳсулотининг фитосанитар тозалигини таъминлаш, уларда ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа заарли организмлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида амалга ошириладиган жараён.

**Фитосанитар ишлов бериш** — Ўсимликлар карантини объектларини ва бошқа заарли организмларни йўқ қилиш мақсадида карантин остидаги маҳсулотни кимёвий воситаларнинг газлари (фумигация), иссиқлик билан, пуркаш ва бошқа усуллар билан ишлов бериш орқали заарсизлантириш бўйича чора-тадбирлар мажмуи.

**Фитосанитар қоидалар** — Карантиндаги заарли организмларни кириб келиши ва ёки тарқалишининг олдини олиш ёки, тартибга солинадиган карантин бўлмаган заараркунандаларни иқтисодий таъсирини чеклаш ҳамда фитосанитар сертификатлаш учун фитосанитар қоидалар.

**Фитосанитар сертификати** — Экспорт қилувчи мамлакатнинг ваколатли давлат органлари томонидан ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларнинг ҳар бир транспорт бирлигига бериладиган ва ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотнинг ўсимликлар карантинидаги объектлар билан заарланмаганлигини тасдиқловчи халқаро намунадаги ҳужжат.

**Фитосанитар талаблар** — Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни ўсимликлар карантинидаги ва бошқа заарли организмлар билан заарланмаган бўлиши ва ушбу заарли организмларни тарқалишига йўл қўймасликка қаратилган чора-тадбирлар.

**Фитосанитар хавф таҳлили** — Ўсимликлар карантини давлат хизмати томонидан ўсимликлар карантини назорати остидаги маҳсулотлар (уруглар, кўчатлар, ўсимлик қисмлари ва маҳсулотлари) билан заарли организмларнинг янги худудга тарқалиши хавфини биологик, экологик, илмий ва иқтисодий жиҳатдан баҳолаш.

**Фитосанитар чоралар** — Карантин заарли организмларни тарқалишининг олдини олиш учун, ёки тартибга солинадиган карантинда бўлмаган заарли организмларни иқтисодий таъсирини чеклаш мақсадидаги қонунчилик, тартиб ёки расмий тадбирлар.

**Фитосанитария** — Далада заарли организмлар тарқалиши ҳолати.

**Фумигация** — Ўсимликлар карантини объектларини ва бошқа заарли организмларни йўқ қилиш мақсадида уларни кимёвий воситаларнинг газлари билан заарсизлантириш.

**Хусусий шерик** — Ўсимликлар клиникалари фаолиятини ташкил этишда асосий талабларга жавоб берадиган, давлат ва хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузган ёхуд тузиш хоҳишини билдирган тижорат ташкилоти.

**Энтомологик экспертиза** – Республикализ худудига олиб кирилаётган ўсимликлар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларида карантин ҳашаротларни аниқлашга қаратилган тадбир.

**Экспорт қилувчи мамлакат** — Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ёки унинг худудидан транзит тарзида олиб ўтилиши учун халқаро фитосанитар талаблар асосида юбораётган мамлакат.

**Экспертиза** – Бу тўплардан (партиялардан) танлаб олинган карантин материал намуналарида зараркунанда, ўсимлик касаллиги ва бегона ўт уруғларини аниқловчи лаборатория таҳлилидир.

**Юк** — Бир неча ўсимликлар, ўсимлик маҳсулотлари ва ёки бошқа маҳсулотларни, бир мамлакатдан бошқасига (зарур бўлса) битта фитосанитар сертификатида юбориш (юк бир ёки бир неча товарлардан ёки партияларидан ташкил топган бўлиши мумкин).

## **VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 488 б.
1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз – Т.: “Ўзбекистон”. 2017. – 592 б.

### **II. Норматив-хуқуқий хужжатлар**

2. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Конуни.
4. Ўзбекистон Республикаси “Қишлоқ хўжалик ўсимликларини заараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида” ги Конуни, 31.08.2000 й.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ-5544-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси ҳудудини “Ўсимликлар карантинидаги зарарли организмлардан ҳимоя қилиш ва ўсимликлар карантини соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги” НИЗОМ. Тошкент. 2018.

13. Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун карантин рўхсатномасини бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ. Тошкент. 2018.

14. Ўсимликлар карантини назоратидаги маҳсулотлар учун фитосанитар сертификатини бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ. Тошкент. 2018.

15. Ўсимликлар карантини тўғрисидаги қонун ва қоидалар (янги таҳрири) Тошкент. 2018.

16. Ўзбекистон Республикаси давлат стандарти. “Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари Карантин текшируви ва экспертизасида намуналарни танлаш усуллари”. Тошкент. 2018.

### **Ш. Махсус адабиётлар**

17. George N. Agrios. Plant pathology. Elsevier Academic Press. Florida, 2004.

18. Randall C. Rowe. Potato Health Management. The American Phytopathological Society, 1993. Pp 173.

19. Сулаймонов Б.А., Болтаев Б.С. ва бошқ. Қишлоқ хўжалик энтомологияси ва карантин асослари фанидан лаборатория машғулотлари. Ўқув қўлланма Тошкент 2014 й.

20. Хўжаев Ш.Т. Умумий ва қишлоқ хўжалик энтомологияси ҳамда уйғунлашган ҳимоя қилиш тизими ning асослари. Тошкент, “Yangi Nashr Nashriyoti”, 2019, 375 б.

21. Ҳасанов Б.А. ва бошқалар. Ғўзани зааркунанда, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш. Тошкент, “Университет”, 2002, 379 б.

22. Ҳасанов Б.А. ва бошқалар. Сабзавот, картошка ҳамда полиз экинларининг касалликлари ва уларга қарши кураш. Тошкент, “Voris-Nashriyot”, 2009, 244 б.

23. Ҳасанов Б. А., Очилов Р. О., Холмуродов Э.А., Гулмуродов Р. А. Мевали ва ёнгок мевали дараҳтлар, цитрус, резавор мевали буталар ҳамда ток касалликлари ва уларга қарши кураш. Тошкент: "Office-Print", 2010, 316 б

24. Ҳасанов Б.А. Микология. Тошкент, ТошДАУ нашр-таҳририят бўлими, 2019, 503 б.

25. Рахимов У.Х., Ҳасанов Б.А. Ўсимликларнинг карантин касалликлари. Тошкент, “Наврӯз”, 2019, 258 б.

26. Рахимов У.Х. ва бошқалар. Ўсимликлар карантинида фитоэкспертиза. Тошкент, “Наврӯз”, 2020, 247 б.

27. Поспелов.С.М., Шестиперова.З.И., Долженко.И.К – Основы карантина растений. Москва., Агропромиздат. 1985. (дарслик)
28. Рогова.Т.И. – Методическое руководство по лабораторной карантинной экспертизе растительных материалов и почвы. Изд-во Сельское хозяйство. Москва. 1960.

#### **IV. Интернет сайтлар**

29. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:  
[www.edu.uz](http://www.edu.uz).
30. <http://bimm.uz>
31. <http://ziyonet.uz>
32. [www.plantprotection.com](http://www.plantprotection.com)
33. [www.agro.uz](http://www.agro.uz)